

84/5 УЗ)

498


Сайд Аҳмад

# ЖИМЖИТЛИК

Сайд Аҳмад

# ЖИМЖИТЛИК

Роман  
Қайта ишланган нашр



931751

«Sano-standart» нашриёти  
Тошкент – 2021

**УЎК: 851.512.133-31**

**КБК: 84(5Ў)6**

**C 21**

**Сайд Аҳмад**

**Жимжитлик** (роман)/Қайта нашрғатайёрловчи  
Хусанходжаева Нодира Сайд Аҳмад қизи. – Тош-  
кент: «Sano-standart» нашриёти, 2021. – 400 б.

Таниқли адибимиз Сайд Аҳмаднинг «Жимжитлик»  
романи 1986–1987 йилларда «Шарқ юлдузи» журнали-  
да давомли эълон қилинди. Faфур Ғулом номидаги Ада-  
биёт ва санъат нашриёти уни 1989 йилда 150 000 нусха-  
да босиб чиқарди.

Бироқ цензура муаллифни огоҳлантирмай, ҳатто, унга  
билирмай, асарнинг учдан бир қисмини олиб ташлади.  
Оқибатда, «майиб» асар ўқувчи қўлига тегди.

Муаллиф ўтган ўн тўрт йил давомида романни қайта  
тиклиш учун кўп уринди. У асарни қайта ишлаш жа-  
раёнида бугунги кун талабларини назардан қочирмади.

Роман ёвузлик билан эзгуликнинг абадий курашига  
бағишиланган.

**УЎК: 851.512.133-31**

**КБК: 84(5Ў)6**

**ISBN 978-9943-4881-7-5**

**© Н. Хусанходжаева**

**© «Sano-standart» нашриёти, 2021**

## Биринчи қысм

### БИР ТАНДА ИККИ ОДАМ

Чүкқилар жиљасига күпам  
махлиё бўлаверма, болам.  
Бу тогда қашқирлар бор...

#### I

Одам боласининг кўзидан ёш чикмаса кийин экан. Юрак бағрини ўртаган аламлар шу кўз ёши билан чикиб кетади. Кимки фарёд уриб йиглаёлмаса, кўзидан ёш чиқазолмаса, аламларини ичига ютса – дардга чалинади. Шунинг учун кексалар алам ўртаган кишига, йигла, кўнглингни бўшат, дейдилар. Бу гапда ҳикмат кўп.

Афсуски, Толибжон кўзёш тўкиб йиглолмасди. Унсиз, кўз ёшисиз йигларди, холос. Мана шу унсиз йиги Толибжонни йикитди. Сал кунда қоп-қора соchlари кантар патидек бўлиб кетди.

Асаб касали ёмон дард бўлади. Толибжон шовкинга чидамайдиган, гап кўтармайдиган бўлиб қолди.

У ўйлаб-ўйлаб, олис қишлоғида қолган ўгай синглисини эслади. Толибжон уни кўп йиллардан бери кўрмаган. Эри нима иш килади? Нечта боласи бор? Буни билмасди. Ҳар калай, ўзи туғилиб ўсган кишлоқ. Болалигини эслатадиган гувала деворлар билан куршалган ҳовлилар, тенгқурлари билан бирга чўмилган жимжит сойлар, олисда садафдек чақнаб турган чўккилар, ям яшил ўтлоклар кўнглига таскин берар-ку!

У ана шундай ўйлар билан йўлга отланди.

Етимқишлоқнинг пастида катта сой оқарди. Сой суви қишлоқ этагига етганда ёйилиб, ўртасида ўнлаб оролчалар ҳосил қиласарди. Толибжон болалигида ўртоклари билан сув кечиб, оролчаларда кумга кўмилиб, соатлаб осмонга қараб ётарди. Ўша пайтларда осмон жуда ҳам кўм-кўк бўларди. Оппок булатлар сут кўпигидек бўлиб, қишлоқ устидан шошилмай тоққа қараб сузиб ўтиб кетишарди. Қамишлар орасидан қурбақаларнинг қуриллаши, ўрдакларнинг ғақ-гақ товушлари эшитилиб турарди.

Толибжон кўкка қараб ётиб, бир зумда дунёни хаёлда айланиб чиқарди. Кечалари осмонни тўлдирган юлдузларнинг имлашларига тикилиб, тонгни кутарди...

Мана ҳозир у ўша ёшлиги ўтган сой кўприги устидаги турибди. Энди у ялангоёқ, танини офтоб куйдирган бола эмас, соchlари оқарган, ҳаётнинг аччик-чучугини тотган Толибжон эди. У тошларга урилиб оқаётган сувдан болалигини қидираётганга ўхшарди. Бу оролчаларда қанчадан қанча хаёллари қолган. Шу соҳилларда у балофатга етди. Шу оролчаларда не-не буюк орзулар оғушида маст бўлган. Нихоят, жимжит сертупроқ кўчаларда кезиб, муҳаббатнинг бир умр унутилмас, қўшиқдек кўнгилни яйратувчи, ғазалдек юракка қуюловчи, тушдек туманли онларини кечирган. У кунлар энди қайтмас бўлиб, олисга, жуда олисларга учиб кетган.

Толибжон омонат ёғоч кўприк устидаги шундай, ҳам ширин, ҳам юракни ўртовчи ҳислар оғушида гарангсиб турарди.

Кечга яқин Толибжон қадрдан уйини топиб келди.

У қишлоқдан чиқиб кетаётганда синглиси тўлишиб, бокишиларидан балофатнинг аллақандай таърифга сўз бермайдиган дақиқаларини кечираётгани сезилиб

қолган қизалоқ эди. Синглиси Толибжоннинг хотирида шундайлигича қолган. Ҳозир қандоқ бўлиб кетганикин, деб ўйлади Толибжон.

Эшиқдан журъатсиз қадам ташлаб ҳовлига кирди.

Мотоциклни ёнбошлатиб, ғилдирагига ел берадётган тўққиз ёшлардаги бола нотаниш кишининг ҳовлига кирганидан ҳайратланиб, мой бўлиб кетган қўлларини латтага артиб ўрнидан турди.

Ҳовлининг нариги бурчидা уч-тўрт бола ерга чўнқайиб ўтириб нимадир қиляпти. Айвонда ҳовлига орқа ўгириб, бир кампир чой ичяпти. Толибжон ҳовлини, уйни, айвонни бир онда кўздан кечириб чиқди. Бирдан юраги «шув» этиб орқага тортиб кетди. Синглиси бошқа ёкка кўчиб кетган бўлса-я! Булар бегона кишилар бўлса-я! Болалардан бири унга яқин келиб, салом берди.

– Зайнаб опанинг уйлари шуми? – деб сўради Толибжон.

– Ҳа, шу. Келинг, тоға.

Толибжон енгил тин олди.

– Сен Зайнабхоннинг кимлари бўласан? – деди тутилиб Толибжон.

Айвонда чой ичиб ўтирган кампир овоз берди:

– Ҳой, ким билан гаплашяпсан, болам?

Бу овоз Толибжонга таниш эди. Юраги бир ҳаприқиб кетди. Чамадонини ерга кўйиб, айвон томонга жадал юрди. Гурс-гурс қадам товушидан кампир ўрнидан турмоқчи бўлди.

Кампир тўксондан ошган, ҳалимдек ҳилвираб қолган. У – Толибжоннинг ўгай онаси. Толибжон қишлоқдан чиқиб кетганда пайғамбар ёшидан ошиб кетган эди. Тирик экан. Толибжон кела солиб энгашдию, унинг бўйни-

дан кучоклаб, бир дақиқа сўз тополмай, энтикиб туриб қолди.

– Ҳой, кимсан, болам? Ҳидинг димоғимга таниш.

Кампирнинг кўзи ожиз эди. У Толибжоннинг елкаларини тимирскилаб силаб кўрди. Таниёлмади.

– Мени дикқат қилмай ўзинг айта қол, болам! Кимсан? Ҳидинг Толибгинамнинг ҳидига ўхшаб кетяпти.

Йиглаб кўзидан ёш чиқазолмаган Толибжоннинг ўпкаси тўлиб кетди. Ҳикиллаб туриб бирдан ҳўнграб юборди.

Кампир унинг бошини силаб, пешонасини юзига босиб, секин деди:

– Қаёкларда юрган эдинг, болам? Кўзим очиқ пайларда каёкларда здинг, тентагим?

Кампир уни бағридан бўшатиб, ҳовли томонга кичкириди:

– Нима қилиб турибсанлар, аянгни чақирмайсанларми? Дадаларингга хабар қилмайсанларми? Юур, поччангта чоп, тоғам келди, деб айт.

Бир ҳовли бола дупур-дупур қилиб, тўрут тарафга югуриб кетди.

– Ҳа, умрингдан барака топгурлар, жуда шўх-да, булар.

Кампир нимчасига ўраб қўйган чойнакни бери суриб, пиёлага чой кўйди.

– Қанисан, болам? Манави чойни ич. Долчин солиб дамлаганман. Ич, ич!

Толибжон кампирнинг қўлидан чойни олди. Ҳўплади. Онаси ўша пайтда ҳам шунака чой ичарди. Ҳалигача ўша одатини ташламабди.

Бир чойнак хушбўй чойни ичиб бўлгунларича ҳовли одамга тўлиб кетди. Бошига дурра танғиган, ёши кирк-

нинг нари-берисидаги хотин ҳаллослаб келиб Толибжонга ўзини отди.

— Акажон! Бормисиз, акажон?!

Бу унинг синглиси Зайнаб эди. Ака-сингил бир-бirlарига мўлтираб тикилиб қолишиди.

— Тинч-омонмисан сичглим. Мана, келлим

Болалар уларнинг ҳолатини кузатиб туришарди. Зайнаб акасини бағридан бўшатиб, болаларга қаради.

— Нима қилиб турибсизлар? Бу тоғанглар-ку! Чакиринглар дадаларингни! Поччаларингниям чакиринглар.

Болалар аллақачон хабар етказиб бўлишган экан. Бирин-кетин куёв билан бола кўтарган икки қизи кириб келишиди.

Зайнаб иккала қизини узатган, ҳар бирининг икки, уттадан боласи бор эди.

Зайнабнинг эри келди. Толибжон билан бел олишиб кўришиди. Кейин чорбоғдан қўй судраб чиқиб, кампирдан фотиҳа сўради. Кампир узоқ пичирлаб, юзига фотиҳа тортди. Куёв Толибжоннинг оёги тагига келиб, қўй бўғзига пичоқ тортди.

Кеч кириб, қишлоқ уйларида чироқлар ёнди. Қўни-кўшнилар бири товоқда чучвара, бири ширгуруч, бири сомса кўтариб кирди. Куёв кампирни кўтариб олиб келди-да, сўрига ўтқазди. Зайнаб акасининг елкасига янги тўн ташлаб, гилам дўппи кийдирди. У тўғрига ўтириб олиб, акасидан кўз узмасди. Гоҳ кулади, гоҳ мўлт-мўлт ёш тўкиб йиғлайди.

Зайнаб кечаси Толибжонга сўрига, эри билан ёнман ён жой тўшаб берди.

Куёв чарчаган экан, бирпасда пиш-пиш қилиб ухлаб қолди. Аммо Толибжонни ҳадеганда уйқу ололмади.

Осмон худди болалигидагидек тиник. Саноқсиз юлдузлар бир-бирлари билан имлашади. Улар Толибжонни кўк бағрига чорлаётганга ўхшайди. Тоғ ортидан кўтарилган баркашдек ой бир гала булутни ҳайдаб чиқди. Толибжон киприк қоқмай осмонга тикилиб ётибди. Кеча шу кадар жимжитки, ҳатто кекса қайрағочда мудраган чумчуқнинг инига сифмай типирчилагани ҳам эшитилади.

Шу сокинликни бузиб, қайдадир кучли портлаш бўлди. Унинг даҳшатли овози тоғ кўкрагига қадалиб акс-садо қайтди. Шу хил портлаш яна бир неча марта такрорланди. Толибжон кўрпани елкасига тортиб, ўтириб олди.

Зайнаб эрталабки нонуштага хамир қориб, ҳовли бетида у ёқдан-бу ёққа ғимирсиб юрибди.

Сал ўтмай, осмонга сутранг нур пуркаб чақин чақди.

Электропайванднинг ўткир нури азamat теракларнинг учини шам пилигидек бир дам ёндириб, ўчди. Қайдадир қўтарма краннинг ғийқиллагани, қўнғироқ чалгани эшитилди. Бу товушлар Толибжоннинг асабини бузмасди. Қайтага қандайдир ҳаловат, юпанч бераётганга ўхшарди. У яна шунаقا чақин чақишини кутиб ётди. Йўқ, бошқа чақин чақмади.

Толибжон ўй ўйлаб кетди.

У институтни тугатганда, қишлоққа бир келиб кетди. Аспирантура йиллари қишлоққа келишнинг сира иложи бўлмади. Негадир онам ўгай, синглим ўгай деган фикр уни бу оиласдан нарига итаарарди. Бунга маълум сабаблар ҳам бор эди. Зайнабнинг бўйи чўзилган сари ўгай

она, Толибжон билан икковининг бошини қовуштириб қўяман, бегонага кетмасин, дерди. Она зимдан шунга тайёргарлик кўарди.

Толибжон олти ёшлигига онаси ўлган. Дадаси, болам онасиз ўсмасин, деб хотинининг йилини ўтказиб, тўрт яшар қизи билан қолган бир бева хотинга уйланган эди. Ўша бева хотин мана шу кампир, қизи шу Зайнаб эди. Бирга ўсиб катта бўлган синглисига уйланишга Толибжон асло рози эмасди. Ана шу гап бўлгандан кейин қишлоқдан кетиб қолганди.

Толибжон она овозидан маст эди. Болалик йиллари-дагидек унинг бағрида эркалангиси, юзларини юзларига қўйиб ишқалангиси келди. Бутун хўрликларини, аламларини тўкиб солгиси келди. Атрофда мунчоқдек қўзларини қадаб, ажиб томоша кўраётгандек турган жиянлари олдида хисларига эрк беришдан ўзини тийди.

Куёв ишга кетиб бўлган. Тоғ чўққиларида офтоб нури ялтираб турарди. Толибжон то ювиниб келгунча, кампир жавраб-жавраб невараларини кўчага чиқариб юборди.

Кексалардек доно камдан кам бўлади. Она ўғлининг дилида нималар борлигини, ичини нимадир кемираётганини сезиб турарди.

– Болам, билиб турибман, ичингда ўт ёнаяпти. Нима гап бўлди? Айт.

Толибжоннинг томоғидан чой ўтмади. Зўрға ютинди.

– Келинимни сўрамадим. Болаларингни сўрамадим.

Ўзинг оғиз очмаганингга сўрамадим, болам.

Толибжон титраб-қақшаб жавоб берди:

– Келинингиз жуда узоқ юрт тупроғида кул бўлиб қолган.

– Болаларинг қани? – деди кампир яна.

– Ўғлим Афгонда ёнган.

Бу гаплар Толибжоннинг кўксини куйдираётган оловлар орасидан аланга бўлиб чиқди.

Кампир бир қўли билан шолчага тирагиб, олдинга сурилди. Қўлини ҳавода пайпаслаб, ўғлини топди. Пешонасини силади.

– Бу дунё шундок, болам. Оlam яралибдики, бирорга баҳт, бирорга алам келади. Чидайсан. Чидамай иложинг қанча. Боядан бери сени ўйлайман. Ичингда нимадир бўлаётганини кўр бўлсам ҳам кўриб турибман. Баҳтингни шамолга учирив кепсан. Қандоқ қиласан, болам. Ҳализамон куёвинг келади, бирга тоғларни айланиб кел, губоринг тарқайди.

Толибжон онасини кўтариб, сўрига олиб келди. Енгил, қушдан ҳам енгил бўлиб қопти. Қандоқ полвон хотин эди. Юрса ер титрарди. Толибжоннинг эсида: онасининг семиз, гўштдор қўлида кумуш билагузуги кўринмай кетганди. Ўша кўллар энди жуда ингичка, жуда нимжон бўлиб қопти.

– Долчин чойимни ҳам опкелиб бер, болам.

Толибжон устига нимча ёпилган чойнакни келтириб онасининг олдига қўйди.

– Энди бор, айланиб кел. Шошма, эсим қурсин. Ўтири.

Кампир Толибжоннинг хотинига, ўғлига Куръон бағишлади. Юзига фотиҳа тортгандан кейин, энди боравер, деди.

Толибжон бошқа ёқларга бормай, ўша, болалигига жуда кўп марта кечган сойга тушишга аҳд қилди. Бир гала бола орқасидан эргашиб чиқди. Толибжон болалар-

ни қанчалик яхши кўрмасин, сойда ёлғиз ўзи ўтириб ўй сурмоқчи. Албатта, болалар унга халақит беради. Ҳатто ҳали йўлга кирмаган кенжа жияни ҳам эмаклаб келиб унга талпинди. Атиги биттагина тишини кўрсатиб илжайди.

Толибжон уни кўтариб олди. Жиянларидан бири ўзидан ўзи, мен шашликни яхши кўраман, деди. Бошқаси, мен сомсани яхши кўраман, деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.

– Қани, болалар, неча кишилизлар? – деди Толибжон. Болалар қатор бўлиб, бир-бирларини санай бошлидилар.

– Биз бештамиз. Манави иккита бола қўшнимизнинг боласи.

– Шу иккита болани ҳам қўшсанглар неча киши бўласизлар?

Биттаси олтида деди, бошқаси саккизта деди.

– Э, омон бўлинглар, хисобдан мазаларинг йўқ эканку, – деди Толибжон кулиб. – Етти киши. Манаву кенжатой билан саккиз киши экансизлар. Уйда момонгиз билан аянгизни қўшсак, роппа-роса ўн киши бўласизлар.

Бир бола, момом сомса еёлмайдилар, тишлари йўқ, деб қолди.

Маҳалла оқсоқоли ташқари ҳовлисида кичкинагина ошхона очганди. Келинлари, хотини сомса, кабоб, манти тайёрлашарди. Етимқишлоқнинг йигит-яланглари тўпланиб, шу ерда улфатчилик қилишарди.

– Қани болалар, бориб билиб келинглар-чи, бугун қанақа овқатлари бор экан, – деди Толибжон.

Болаларнинг ҳаммаси баробар югуриб кетишиди. Қўлидаги кенжа жияни ҳам улар орқасидан, мен ҳам бо-

раман, дегандек интилиб қолди.

Бир зумда болалар шовқин-сурон билан күча тұлдидириб қайтиб келишди.

– Бугун манти бор, сомса бор, шашлик йүқ, – дейиши ҳансирашиб.

Толибжон уларга пул берди.

– Ҳозир аянгдан идиш олиб, қанча манти, қанча сомса олишни сұрагин. Ортган пулни аянгга бериб қўй, – деди болаларнинг каттасига.

Шундан кейин Толибжоннинг бир ўзи сой тарафга тушиб кетди.

Сой ўша-ўша. Болалик пайтларидағидек жимжит. Толибжон туфлисими ечиб, шимини тиззасигача шимарыб, сув кечиб, ўша қадрдон оролчага чиқди. Сув ҳамон бир текис оқар, сал нари бориб тошларга тегиб, сапчиб ўтарди.

Толибжон қумга чалқанча ётиб сўнгсиз осмонга тикилди. Бу унинг болалик осмони эди. Ёшлик излари тушган, гўдаклик ўйлари қолган бу сокин оролчадан асло кетгиси йўқ эди.

Кўп йиллар бўлди Толибжоннинг бу жойлардан мосуво бўлганига. Соч оқарди, умр ўтди. Юракда ҳеч қачон тузалмайдиган, бутун умри давомида зирқираб оғриб турадиган жароҳат ҳамишаликка ҳамроҳ бўлиб қолди.

Толибжон юрагини бир умрга жароҳатлаган, бошига қора кунлар солган воқеани алам-ситам билан эслаб кетди...

У Тошкент шаҳар партия комитетида бўлим бошлиги бўлиб ишларди. Бир сўзлилиги, ўжарлиги бировга ёкиб, бировга ёқмай юради. Тўғри сўз, фикрида событ То-

либжон партия сафига ўтганда кекса коммунистлар: «Ҳамиша шундай бўлинг, ҳақиқат йўлидан асло чекинманг», деб кафолат беришган эди.

Ўшанда Сталиннинг шахсига сиғиниш оқибатлари бутун мамлакат миқёсида тугатилиб бораётган, одамларда хаётга буюк бир ишонч пайдо бўлган пайтлар эди. Аммо майда «шахсчалар» тирик эди. Улар «халқлар отаси»га садоқатларидан воз кечолмасдилар. Айниқса, лавозимлардаги бир неча «шахс фарзандлари» мамлакат бўйлаб эсган тоза шабадани ўткинчи, мавсумий бир тадбир деб билардилар.

Толибжон бўлаётган ишларни билиб, баъзан тажанг, баъзан исёнкор табиатини куч билан босиб юрарди.

Толибжон кўп ишларга гувоҳ эди. У ўзига ўзи: шунчалик қонунсизликларни кўра-била туриб индамасам, қандай коммунист бўлдим, деб куюнарди. Охири унинг ичидаги исён портлаб, юзага отилиб чиқди.

Област партия конференциясида сўз олиб, ҳозирги раҳбаримиз министр Луқмоновнинг ёлғон-яшиқ гапларига ишониб, яхши-яхши одамларни бадном қилаётганини, республикамизда янги бир шахс пайдо бўлганини айтди.

Ўшанда қизик бир воқеа юз берди. Зал бўйлаб гулдурос қарсаклар янгради. Қарсакларни ким чалаётганини билиб бўлмасди. Одамлар стул тагига қўлларини тиқиб қарсак чалардилар. Кўзларидан, юzlаридан қарсак ча-лаётганларини билиб бўлмасди.

Танаффус пайтида ҳам казо-казолар бу фавқулодда воқеани чой устида муҳокама қилардилар. Бу ерда ҳам Луқмонов ҳаммани оғзига қаратиб, шакаргуфтторлик қиларди.

Лукмонов бети қаттиқроқ одам эди. Уни ҳозиргина минбардан шармандаларча тушириб юбориши. Профсоюз лидери билан тайёрлаш министри шаънига жуда хунук, ҳатто, оғизга олиб бўлмайдиган гапни минбардан туриб барадла айтганида залда тўполон бўлиб кетди. Конференция делегатлари бир оғиздан, бу тухмат, тухмат, деб қичқириши. Уни минбардан тушиб кетсин, деб талаб қилиши.

Мана, ҳозир у ҳеч гап бўлмагандек, хандон-хушон гап сотиб ўтирибди.

Боя биринчи қаторда кафтини чап кулоғи орқасига тутиб, дикқат билан гап тинглаётган етмиш ёшлардаги оқсоқолни президиумга таклиф қилиши. У қўлини кўксига кўйиб, узр сўраб, яна жойига ўтирганди. Ҳозир оқсоқолни чойга чакириши. Бу оқсоқол умрининг ярмидан кўпини чет элларда ўтказган, уруш йилларида фронт орқасида махсус кўпорувчилар гурӯхини тузиб, фашистларга тўхтовсиз зарбалар берганди. Уруш тугагандан кейин разведкачи Раҳмон Дадаевга «Совет Иттифоки Қаҳрамони» унвони берилиб, у «Олтин Юлдуз» билан мукофотланди. Бундан икки ойлар мұқаддам унга Чехословакия давлати ҳам Прагани озод қилишда кўрсатган жасоратлари учун қаҳрамон унвонини берган эди. Чехословакияning Москвадаги элчихонасида унга «Олтин Юлдуз» топшириш маросими бўлиб ўтган эди. Уни ҳеч ким исми, фамилияси билан атамасди. Оқсоқол деб иззат-ҳурмат қилишарди.

Оқсоқол ниҳоятда босик, мулоҳазали одам. Душман ҳудудида кўп марта хавфли вазиятларга тушиб қолганда шу хусусияти – совуққонлиги қўл келганди. У Давлат

хавфсизлиги, ички ишлар соҳаларида ўн етти ёшидан хизмат қила бошлаган...

Луқмонов бошлаган гапини давом эттирди:

– Бу беодобни чет элга жўнатиб юбориш керак. Ўша ерларда юриб кўзи очилсин.

– Қайси айби учун, қайси беодоблиги учун? – деди оқсоқол унинг кўзига қараб. – Чет элга юборилганлар жазо ўташ учун юборилмаганлар. Уларнинг гарданига ватан манфаатини ҳимоя қилиш, дипломатик муносабатларни мустаҳкамлаш...

Луқмонов унинг гапини бўлди:

– Кўйинг, отахон, сиз бу ишларга аралашманг. Пенсиянгизни еб ётаверинг. Сиз кексайиб қолган одамсиз, ҳозирги мураккаб вазиятни тушунмайсиз.

Оқсоқол Луқмоновнинг гапларига совукқонлик билан жавоб қилди:

– Агар чет элга жазо ўташ учун юборилади, деб тушунсангиз, шу беодоблигингиз учун сизни юбориш керак. Биринчидан, мен пенсия олмайман. Пенсиядан кечганимга йигирма етти йил бўлган. Ойлигим ўзимга етиб ортади. Чет элларда юрган пайтларимда йифилиб қолган йигирма беш йиллик ойлигимни ҳам ҳалигача олмаганман. Энди Усмонов масаласига келсак, уни ҳеч қаёққа юбориш керак эмас. У шу ерда бўлиши зарур. У ҳеч қандай одобсизлик қилгани йўқ. Факат ёшлигига бориб пича қизишиб кетди, холос. Вақти вактики келиб совиб, гапни орқа-ўнгига қараб айтадиган бўлиб қолади. Эзмалигим учун кечирасизлар, Алишер Навоийни қариганда ўқиш керак экан. Ҳозир мук тушиб Навоийни ўқияпман. Мана эшитинг, у нима дейди: «Оқил киши ростдан ўзгани демас, ҳама рост ҳам дегулик эмас». Эшитяпсизми,

ақлли одам фақат рост гап айтади, лекин рост экан, деб ҳамма гапни ҳам айтавермаслик керак, дейди. Кўрдингизми, Усмонов шу ерда ёшлигига бориб, айтиш шарт бўлмаган гапларни ҳам айтиб юборди, бунинг учун уни кечириши керак. У кейин ўзини ўнглаб олади.

Обкомнинг биринчи котиби Ўтбосаров бундан тўрт йил олдин пенсияга чиқсан, лекин партия учётини кўчириб олиб кетмаганди. Ҳозир уни ҳам чойга чақиришган эди. Ўтбосаров оқсоқолнинг гапларини қувватлади.

— Луқмонов, ёшлигингизни эсланг. Ҳаммамиз ҳам бу ёшда ўт-олов бўлганмиз, сал нарсага пов этиб ёниб кетардик. Усмонов ҳам ҳозир ўша ёшда. Сиз эса ҳалигача гўдаксиз. Агар чет эл одамларнинг хатосини тузатадиган жой бўлса, энг аввал сизни юбориш керак.

Луқмоновга гап кор қилмасди. У бети қотиб кетган одам эди.

Оқсоқолнинг бу гаплари унинг юзига тушган аччиқ тарсаки эди. Бу гапнинг унга мутлақо алоқаси йўқдек, у кулоғидан кириб, бу кулоғидан чиқиб кетган эди.

— Бу ерда КПССнинг вакили ҳурматли дўстимиз ўтирибдилар. Усмоновга қандоқ чора кўришни Москва ҳал қилсин.

Конференциядан кейин Луқмонов КПСС вакилини Ўзбекистоннинг дикқатга сазовор жойларини кўрсатиш учун Брежневнинг куёвини олиб борадиган Тахти Корачадаги маҳсус бокқа олиб кетди. Ана шундан кейин учой ўтгач, Толибжон Усмоновни «Ватан топшириғи»ни бажариш учун чет элга жўнатиб юборишиди.

Луқмонов Брежневнинг куёви билан дўстлашиб олгандан кейин обком бюроси рад қилган масалаларни ҳам ўзича ҳал қилиб юборадиган бўлиб қолди.

Бу қадар босар-тусарини билмай қолган Луқмонов «Усмонов ким, бир беодоб тирранча, гапнинг орқа-үнгига қарамай вайсайверадиган, бундай мўътабар даргоҳларда ишлашга нолойик» эканига бошқаларни хам ишонтироқчи бўларди.

Толибжон «Луқмонов ёлғон-яшиқ гаплар тарқатиб, яхши-яхши одамларни бадном қилаётганини...» айтгандаёқ Луқмоновнинг қорнига қозик қоққандек бўлганди. Луқмонов шу сўз учун ундан аёвсиз қасд олишга аҳд қилди.

## II

Эрталаб нонуштадан кейин болалар ивиситган сўрини йиғиштираётган Зайнаб кўча эшиги олдида ғийқиллаб машина тўхтаганида қўлидаги супургини четга улоқтириб, эшикка қаради. Қирқ беш ёшлардаги, Будённийникига ўхшатиб мўйлов кўйган киши кирди. Унинг орқасидан яшик кўтарган йигитча инқиллаб келарди. Ҳовли этагида куймаланаётган болалар баробарига қийқириб юборишли:

– Катта эна, тоғам келдилар, Мирвали тоғам келдилар!

Айвонда панжарага бағрини бериб ўтирган кампир ўрнидан турмоқчи бўлиб, қўзгала бошлади.

Мирвали деб аталмиш йигит шошиб бориб, кампирнинг елкасидан беозор босди.

– Қўзғалманг, эна, қўзғалманг. Севиниб қолдингизми, эна? Толибжон келиб бағрингиз тўлиб қолдими?!

Кампир тимирскиланиб, Мирвалининг елкасига қўл ташлаб кўришган бўлди.

931751

– Вой, нимасини айтасан, болам, ғойибим ҳозир бўлиб, уйим тўлиб қолди. Энди оёғимни узатиб кетаверсам ҳам бўлади. Дийдорини кўролмаяпман-да, бу кўз ўлгур дунёни зимистон қилиб қўйди. Келганинг жуда яхши бўлди-да, болам. Толибжонгинамнинг ичи тўла дардга ўхшайди. Энди ўзинг уни бағрингта ол. Ўкситма. Ҳар қалай, юртнинг тепасидаги одамсан.

Мирвали у ёқ-бу ёққа аланглади.

– Дайдининг ўзи қани? Қайси гўрга ғойиб бўлди?

Атрофни ўраб турган болалар баравар жавоб қилишди:

– Тоғам пастда, оролчада ўтириптилар.

– Вой, чақир уни. Мирвали тоғам келдилар, деб айт.

Болалар қимирилашмасди. Мирвалининг орқасидан яшик кўтариб келган йигитнинг яна киришини кутиб, эшикка қараб туришарди. Сал ўтмай йигитча – унинг шоффёри қоп орқалаб кирди.

– Зайнаб, анави нарсаларни ўзинг жойлаб ол, – Мирвали шундай деб, шоффёрига юзланди: – Қоғоз қондаги гўштни ҳам олиб кир.

Зайнаб хижолат тортиб, норози оҳангда деди:

– Кеча акамнинг оёқларига жонлик сўйгандик. Бекор овора бўпсиз-да.

Мирвали унинг гапига парво қилмай, эшик томон юра бошлади.

– У дайдини ўзим топиб келаман. Зайнаб, синглим, кумғонда битта чой қайнатворгин.

– Гапингиз курсин, директор, шу пайтда ким кумғонда чой қайнатади?!

Кампир гапга аралашди:

– Хўп дегин, болам, дарров хўп дегин. Қумғон чойини соғингандир-да.

Мирвали болаларни эргаштириб чикиб кетди. Шофер, мен нима қилай дегандек, машина олдида унга қаради.

– Қовунларни ретрансляторда ишлаётганларга обор. Бирон соатларда қайтиб кел. Шошма, кетмай тур, – деди у нимадир эсига тушгандек. – Озроқ кутиб тургин. Ҳозир келаман.

У, шундай деб, пастликка қараб кетган илон изи йўлдан ўзига ўзи тормоз бераётгандек, ўнг оёғига қаттиқ тиравлиб, буталар орасидан жарлик томонга кетди. Бу пастбаландликда кунига неча марталаб бир-бирини кувиб ўйнаган болалар кучанмай, унинг атрофига шамолдек айланиб пастга тушиб келишарди.

Мирвали ўзига ўзи танбех бергандек ўйларди: машинада юравериб пиёда юришни унудимми? Худди тормози бузилган машинадек пастликка мункиб кетяпман!

Унинг бу жарликка келмаганига ҳам беш-үн йил чиқар-ов. Катта йўлдан гириллаб келиб, гириллаб кетаверган экан. Баъзан кампирдан хабар олгани келганда ҳам бу томонларга қарамаган эди. Шу топда, оролчалар кўрина бошлаганда ўт-олов болалигини унутиб юборганини пайқаб қолди-ю, юраги қисилди. Ахир бу жойлар, оролчалар, отлиқнинг бўйини кўрсатмайдиган қамишлар орасида потирлаб кўтариладиган ўрдаклар, тонггача шовқин соладиган бақаларнинг куриллашлари, сувларнинг шовуллаши, тошлар орасидан чиқиб, ювилиб топ-тоза бўлиб кетган қумларни лойқалатмоқчи бўлган балиқларнинг кумушдек товланишлари, туш пайтида бирдан жимжит бўлиб қоладиган, тунлари гўё аллақандай жинлар базм қиласиган бу оромгоҳ энди

унга бегона бўлиб қолгандек, нега келдинг, бизни унутгансан-ку, деяётгандек бўларди.

Мирвали асли бу қишлоқдан эмасди. Унинг онаси Мирвали олти ёшли пайтида туғолмай нобуд бўлади. Боламни ўкситмайман, деб Рихси ака уйланмайди. Мирвалининг ҳолидан кампир, Толибжоннинг ўгай онаси хабар олиб туради. Ҳар қалай, синглисинг боласини ташлаб қўймайди. Холаси уни ўз уйига кўчириб олиб кетмайди. Тоғ сўқмоқларидан қатнаб, иссиқ-совуғидан хабар олиб туради. Рихсивой чироқчилик ёшгина полвондан йиқилиб, аламдан ўзини чавақлаб ташлайди. Бу орада кампирнинг ҳам чоли вафот қилиб, каловланиб қолади.

Мирвали бўйига етиб, рўзгорни эплайдиган бўлиб қолганди. Кампир ниҳоятда сабр-қаноатли эди. Олдинги эридан қолган етим қизи Зайнаб, кейинги эридан қолган Толибжон, синглисидан қолган Мирвали. У мана шу уч етимчани оёқقا турғизиш ҳам қарзим, ҳам фарзим, деб биларди. Бу тоғли юртда фидойи хотинлар озмунчами, дейсиз.

Мирвали шу топда болалиги қолиб кетган оролчаларга яқинлашар экан, ана шуларни ўйлади.

Орқасидан келаётган бола ёлгизоёқ йўлдан чиқиб, тошлардан сакраб-сакраб олдинга ўтди.

- Тоға, телевизоримиз ишламай қўйди.
- Ишлайди, энди ишлайди, – деди хаёли бўлинган Мирвали. – Эрта-индин ишлайди.

Аввалги кун кечга томон келган сел ретранслятор минорасини ағдариб юборган, тоғнинг бу тарафидаги хонадонларда телевизорлар кўрсатмай қўйганди.

Мирвали тош тепасига чиқиб, атрофга аланглай бошлади. Бу ердан етти орол бемалол кўриниб турарди. Аммо биронтасида Толибжоннинг қораси кўринмасди.

– Тоға, мен топиб келайми?

– Қаердалигини биласанми? – деди у болага қараб.

– Биламан, кечаям шу ерга келиб, шаршара олдида ўтириб йиғлаганларини кўрганман.

Боя кампирнинг, ўртоғингни ичи тўла дард, дегани Мирвалининг эсига тушди.

– Йўл бошла жиян, мени ўша ёққа олиб бор.

Бола уни шаршара томонга бошламай, ёлгиз оёқ йўл айрилишида чап томонга бошлади.

– Шаршара бу ёқда-ку, – деди ажабланиб Мирвали.

– Билмасакансиз-ку, тоға. Шовва бу ёқда.

Дарҳакиқат, улар сал юришгач, олти-етти метр ба-ландликдан тушаётган шаршара олдидан чиқишиди. Демак, тоғ селлари йўлини ўзгартирибди-да, деб кўнглидан ўтказди у. Шу пайтгacha тогнинг бу пучмоғига бирон марта ҳам келмаганидан ажабланди.

Шаршара гувиллаб тушар, йўл-йўлакай қоя тошларга урилиб тўзон бўлиб кетар, сув тўзонлари йигирма-ўтизиз метр кенгликни тумандек ўраб оларди.

– Тогам шовванинг нарёғида ўтирадилар.

Улар бақатўн қоплаган сирпанчик тошлардан сакраб-сакраб, шовванинг нариги томонига ўтишди. Толибжон шаршарага тикилганча қимирламай ўтиради.

– Энди сен кетавер, жиян. Биз ҳозир борамиз.

Бола орқасига чигирткадек сакраб югуриб кетди. Мирвали бола орқасидан бир дам илжайиб қараб тургач, Толибжон ўтирган харсанг тош томон юра бошлади.

Толибжон ҳамон қимирламай, шаршарага тикилганча ўтирас, сачраган тўзондан елкалари хўл бўлиб кетган, иякларидан тиззасига сув томаётганини ҳам сезмас эди.

– Ҳой, дайди! – деди унга яқинлашиб қолган Мирвали.

Толибжон сув шовқинидан унинг овозини эшитмади. Мирвали:

– Ҳой, кармисан, нима бало?! – деб яна қичқирди.

Толибжон бошини кўтарди. Одам бўйи пастликдан ўзига қараб илжайиб турган нотаниш шоп мўйлов кишига ҳайрон бўлиб, ўтиришини ҳам, туришини ҳам билмай тикилганча қолди. Мирвали ҳам қизиқ ахволга тушди. Толибжон деб ўйлаган одами бегонага ўхшаб кўринди. Лекин унинг қаеридир Толибжонни эслатарди. Кўзи, ха, икки кўзи Толибжонники эди. Одам боласи йиллар ўтган сари ўзгараверади, аммо кўзлари ўша-ўша, ёшлигидагидек ўзгармай тураверади. Бу ўша Толибжон эди. У ҳам Мирвалига қараб, аввалига уни танимади. Толибжон шунча юрт кезиб, қанча савдоларни бошидан кечириб, негадир бирга ўсган, бирга қояларга тармашган дўстини бирон марта бўлсин эсига олмаганидан афсусланди. Шунинг учун бўлса керак, турқи тароватини ҳам унутиб юборганди. Барибир унутмаганда ҳам Мирвали болалигидаги у кўрган Вали эмасди. У вояга етиб, тўлишиб, ёшлигидагига ўхшамай кетганди. Айниқса, шоп мўйлови уни жуда бошқача кўрсатарди.

– Вой, Толиб ака, ўзингизмисиз? Мени танимаяпсизми? Мен Валиман, Мирвали чатоқман.

Толибжон ўрнидан турди-ю, бирдан тош устидан сакраб, Мирвалини кучоклаб олди. У қадрдонини

бағрига босаркан, бирон оғиз сүз айтишга тили айланмасди. Шу топда ҳам қувонч, ҳам буюк бир андиша тилини танглайига ёпишириб қўйганди.

Ҳар хил ўйлар уни гунг-у лол қилиб қўйганди.

Одамзод қизиқ бўлади. Ўй ўйлаб тополмаган, хаёлингга минг уринганинг билан келтиромаган умрингни ё азоб, ё қувонч, ё андиша пайтларида лоп этиб бир дақиқада кўрасан. Ўтган умринг кўз олдингдан жуда тиник, жуда аниқ бўлиб ўтади. Ва шу дақиқада ўтган умрингга баҳо бериб улгурасан.

Мана шу тоғ чўққисида бир чўпон оёғи тагидаги тош кўчиб қулаб кетади. Пастда пичан ғарами бор экан, ўшангага тушиб омон қолади. То шу пичан ғарамига тушгунча бир дақиқа вақт ўтади, холос. Аммо у энди ўлдим, деб ўйлайди.

Чўпонлар унинг тирик қолганига севиниб, ранги бўздек оқариб кетган чўпондан:

– Ўлишинг нақд эди. Яхшиям пичан устига тушдинг. Ростини айт, то ғарамга тушгунингча хаёлингдан нималар кечди?! – деб сўрашади.

– Дадамни кўрдим, аям билан гаплашдим, болаларим билан видолашдим. Хотиним тўртта етим билан қандоқ яшайди, деб ўйладим. Муни қаранглар, милтиқ ўклanganча қозиқда қолганди, шу эсимга келди, болалар билмасдан тепкини босворса, битта-яrimтага тегиб кетадими, деб кўп ташвиш тортдим. Абдусаттор ўлаётганда васият қилиб, икки минг сўм берган эди, қизимни узатишганда ўзинг бош бўласан деб, бу гапни ҳеч ким билмасди. Ўгай отаси билса, пулни қисташи мумкин эди. Шу пул қиёмат қарз бўлиб бўйнимда қолиб кетадими, деб ёмонам эзилиб кетдим...

Бу гапга бирор ишонди, бирор ишонмади. Кўпчилик чўпонни ёлғончига чиқазган эди. Аслини олганда, у рост гапни айтганди.

Бундай дақиқаларда бутун бир умр кўз олдингдан ўтади.

Толибжон ҳам шу топда бутун болалигини кўриб улгурган эди.

Мирвали Толибжоннинг кўнглидан нималар ўтганини сезиб туради. Шунинг учун ортиқча гинахонликка ўтмай, ўзини гўёки яқинда ажралишиб яна топишгандек тутди.

– Оббо, дарвиш-эй, оббо дарбадар-эй, от айланиб қозигини топгандек, яна юртингни кўмсаб кепсан-да. Ажаб қипсан. Энди қочиб бўпсан. Бўйнингга арқон солиб ишлатаман. Ундан кейин...

Мирвали бирдан сергакланиб, гапи оғзида қолди. Ахир, Толибжон ундан катта эди-ку! Ўша кезларда уни ака дермиди?! Сизлармиди ё сенлармиди? Ҳозир сенлаганим малол келган бўлса-я! Ҳар қалай, интеллигент одам. Чет элларда дипломатлар билан гаплашган. Катта охурдан сув ичган.

– Юринг, уйга борайлик, ўша ерда гаплашамиз. Толибжон энди анча ўзига келган, паришонлиги ҳам тарқаган эди.

У Мирвалининг болалик йилларини энди аниқ кўз олдига келтира бошлади. Жуда шўх бола эди. Муштлашишга ўч, ўтганинг ўроғини, кетганинг кетменини оладиган симобдек бекарор эди. Энди қўйилиб қолгандир.

Иккови индамайгина тепаликка чиқа бошлашди. Шаршара овози аста-секин эшитилмай қолди.

– Бир йўқлаб борган эдим, тополмадим.

Толибжон ҳайрон бўлди: мени қаердан йўқлаган бўлиши мумкин?

– Қачон? – деди Толибжон.

– Бунгаям беш-олти йил бўлиб қолди, Мозамбикка борган эдик. Ўша ерда мутахассисларимиз пахта экишяпти. Менам ўн кун туриб келдим. Ўшанда сизни шу тарафда деб эшитиб қолдим. Қидириб тополмадим. Асвон томонга кетди, дейишди. У томонларга йўлим тушмади.

– Ўзбеклар у тарафларда кўп. Ирригаторлар, агрономлар бор. Кўришолмабмиз-да, Миср эҳромларини кўрсатардим.

– Кўрдим, – деди Мирвали, – Мисрга борганимда кўрдим. Зўр жойлар экан. Ўша эҳромларни одам боласи кўл билан қилганига ишонгинг келмайди.

Гап билан бўлиб, улар тепаликка чиқиб олганларини билмай қолиши. Эшик олдида Зайнаб уларни кутиб турарди. Шофёр бола ухлаб қолган бўлса керак, кабинанинг очиқ эшигидан икки оёғи чиқиб турарди.

– Мунча ҳаяллаб кетдинглар? Кумғон неча қайнаб, неча совиди. Аям, улар қани, деб жуда шошириб ташладилар.

Мирвали шофёрни уйғотиб, кабинадаги рация трубасини кўтарди. У ким биландир гаплашиб: «Қайнарга жой қилинглар, меҳмон боради», деб тайинлади-да, Толибжон кетидан ҳовлига кирди.

Ҳовлига кўлоблаб сув сепилган, ҳаммаёқ ораста эди. Сўрига гилам тўшалган. Айвонда ўтирган кампирни Мирвали кўтариб сўрига олиб келди.

– Кудратингдан ўргилай, Худо, кўзимни олишга-ку, олдинг, оёғимни тинч қўйсанг бўлмасмиди. Тимирски-

ланиб бўлса ҳам омонатингни олгунингча юриб турардим.

Мирвали кампирга тегажоғлик қилди:

– Шунча юрдингиз, бўлди-да! Манави нёвара-чевараларингизнинг кўзи, оёғи сизнижи. Тўқсонни уриб қўйдингиз-ку, яна нимани кўрмоқчисиз?! Кўравериб, жамики нарса ёд бўлиб кетгандир.

– Шундоқ дейсан-ку, болам, бу ёруғ жаҳоннинг жамолига ким тўйибдики, мен тўяй.

Зайнаб кетма-кет уч чойнак чой келтириди.

– Манавиниси энамга, долчинли. Манавиниси акамга, кийикўти дамланган. Манави тўқсон беш сизга, директор.

– Кийикўтидан ичиб туринглар, болаларим, меъданни тоза қиласди, – деди кампир ўз чойнагини тимирскиланиб топаркан. – Ҳой, қизим, овқатинг пишган бўлса, опкела қол, акаларингни қорни очгандир. Атайлаб қовоқ сомса қилдик, Толибжон болам; сен борган тарафларда ҳам ошқовоқ бўларканми?

Толибжон елкасини қисди.

Болалар шовқин-сурон билан бир тоғора манти, қофоз пакетда сомса олиб киришди.

– Ошқовоқ емаганимга ҳам кўп йиллар бўлиб кетди.

– Ҳимм, – деди кампир афсуслангандек. – Шу ердан чиқиб кетганингдан кейин емаган экансан. Ҳа болам, яшамабсан-да. Умрни сувга оқизиб кепсан.

Толибжон нима дейишини билмай, бош эгиб, тансик қовоқ сомсани еб ўтираверди.

– Вали, болам, энди Толибжонни сенга топширдим. Туғилган ерларини айлантири. Юртини кўрсинг. Дилядағи ғуборни ёз.

Овкатдан кейин Мирвали кампирдан дуо олиб ўрнидан турди.

– Толиб энди мени ихтиёrimда. Кечкурун келмаса, хавотир олманг, эна.

– Йўқ, йўқ, кечкурун уйда бўлсин. Мен ҳали дийдорига тўйганим йўқ. Кечкурун катта куёв келади. Неваралар келади. Уй тўлиб кетади-я!

– Хўп, хўп. Майли, келади.

Мирвали билан Толибжон чиқиб кетишиди. Сал ўтмай, кўчада машина гуриллади. Кетаётган машина оркасидан юргурган бир гала боланинг кийкириғи, бакириб-чакириши эшитилди. Кампир ташқарига қулок соларкан, ҳа, умрингдан барака топкурлар-а, деб кўйди.

### III

Машина ўнгир оралаб, кечагина сел суриб туширган харсанг уюмлари олдида тўхтади. Мирвали пастга тушиб, қўлинин пешонасига соябон қилиб, худди арра билан киркилгандек тик кояга қаради. Ўттиз метрли телеминора коянинг қоқ белида фил хартумидек илдизга илиниб қолган эди.

Толибжон ҳам кабинадан бош чиқариб, ўша томонга – неча тонна оғирликдаги минорани панжасида ушлаб турган илдизга ҳайрат билан тикилди. Шамол сал тебратса, у пастга шитоб билан кулаши аниқ эди.

– Бу илдиз паровозни ҳам кўтаради, оғайни, – деди Мирвали Толибжоннинг кўнглидан ўтган фикрни пайқагандек. – Эртага альпинистлар келади. Вертолёт ҳам чакирилган. Ўзимизнинг болалар ҳозир минора оёғи тирадиган супачага бетон қуйишяпти. Ўн минут-

лик сел, биласанми, қанча зарап келтирди. Уч юз түқсон етти эчкини нобуд килди. Түқкиз күприкни суриб кетди. Түртта қишлоқчадаги юз саксон хонадоннинг телевизорини үчирди. Бузган йўлларни айтмай қўя қолай. Табиатнинг бунақа телба ўйинларига бас келиб бўлмайди.

Толибжон кабинадан чиқди. Қоядан тўкилган тошлардан эчкига ўхшаб сакраб-сакраб юрган машинада силкинавериб, бели оғриб кетган эди. Қаддини ростлаб, атрофга назар ташлади. Ёмғир ювиб ўтган пастликлар кўм-кўк. Гиёҳларда заррача ғубор йўқ.

— Толибжон, бирпас дам олиб тур, биз юқорига чиқиб, бетончи болалардан хабар олиб қўяйлик, — деди Мирвали ён соатига қараб. — Агар хоҳласанг, биз билан юр.

Толибжонни машина қоқиб қўйган эди. Шу ерда кутишини айтди.

Шофёр билан Мирвали юқорига чиқа бошлади.

Толибжон ҳозир Мирвали олиб қараган қопқоғига ёқут қадалган ён соатини таниди. Бу соат унинг отасидан қолган. Кампир ҳар сандик очганда уни Мирвалига кўрсатиб, катта бўлганингда тутасан, дерди. Аммо Мирвалининг сабри чидамай, кампир йўғида сандик титиб, соатни олар, уч-тўрт кун болаларга мактаниб юрарди.

Бугун кўришганларидан бери журъат билан бирон гап айтмади. Унча-мунча айтган гапининг ярми ичida чайналиб қолиб кетарди. Аслида, Толибжон ёшлигида ҳам одамовироқ эди. Тенгқурларига ортиқча аралашмас, бир чеккада китоб ўқиб, кунини кеч қиласарди. Кампир унинг бу феълидан кўп ранжириди. Вой болам-э, мундок ўртокларингга қўшилсанг-чи, ҳадеб китобга тикилиб

ўтираверасанми, деб уни зўрлаб кўчага чиқазиб юбо-  
парди.

Тоғ болалари жуда шўх, жангари бўлади. Нариги  
кишлок болалари билан муштлашгани атайлаб довон  
ошиб боришарди. Кўйлак-иштонлари дабдала бўлиб,  
бирининг боши ёрилиб, бирининг кўзи кўкариб, кечга  
томон қайтиб келишарди. У ёқдан еган калтаги камлик  
қилгандек, дадаларидан ҳам яхшигина шапалоқ ейишар-  
ди. Аммо муштлашишга тўймаган бу болалар яна тоғ  
ошиб, қасдларини олиб қайтишарди. Айниқса, Мирва-  
ли гапга кирмайдиган «кулоқсиз» бола эди. Айтган га-  
пингни қилмай, ураман деганини урмай қўймасди. Хул-  
лас, Толибжон ёшлик пайтларини кўз олдига келтириб,  
Мирвалининг оқсоқланмаган, тимдаланмаган, пешона-  
си ғурра бўлмаган пайтини эслолмади. Ундан ташқари,  
муштдек боши билан ургутлик бир тожик қизини яхши  
кўриб қолиб, довон ошиб, ҳадеганда ўша ёққа кетиб  
қолаверарди. Ўз қишлоғидан нарига қиз бермайди-  
ган ургутлик тожикларга унинг бу бемаънилиги малол  
келганидан бир-икки ушлаб олиб калтаклашган эди.  
Ўшанда ҳам Мирвали тавба қилмаган. Эртасига ой энди  
кўтарилигун паллада ўша қизни опқочиб келганди. Вали  
ўшанда энди ўн иккida эди. Қиз эса тўққиз-ўн ёшлар-  
да экан. Сочлари жамалак, узун чакан кўйлаги тўпигига  
тушган бир гўдак эди.

Кампир каловланиб қолган эди. Ҳарчанд қизни обо-  
риб қўйишига қистаса ҳам ўғли кўнмас, қизнинг яқинига  
одам йўлатмасди. Кампир яхшиликча гапириб кўрди,  
бўлмади, йиғлаб ялинди, бўлмади. Қизнинг ҳам кетги-  
си келмасди. Кампир ўша кеча ётмади. Тик этса эшик-  
ка қараб, қизни бағрига босиб, ўтириб чиқди. Ҳали тонг

ёришмаган эди. Девор орқасида от дупури эшилди. Отликларнинг тожикчалаб гапиришидан юраги ўйнаб кетди. Девор нахрасидан тупроқ тўкилиб, икки-уч йигит ўзини ховлига гуп-гуп отди. Мирвали ухламаётган экан, бужир тутга тирманиб томга чиқди-ю, чорбоғта ўзини отди.

Бўлаётган тўполондан қўшнилар уйғониб кетишли. Бир зумда ҳовли одамга тўлди. Кизнинг уруғларн, болангни топиб берасан, деб кампирга ўдағайлар, кампир нима дейишини билмай, дир-дир титрардн.

Тонготар маҳали қизни олиб кетишли. Аммо эргасига ҳам, индинига ҳам Валидан дарак бўлмади. Кампир йиғлар, кимга арз килиб, кимдан мадад сўрашни билмас эди.

Тоғ одамлари сержахл бўлади. Жаҳл устида уни бир бало килиб қўйишмадимикан, деб ташвишга тушиб қолди. Ўшанда ҳам Толиб ҳеч нарса билмагандек, бир чеккада китоб ўқиши билан банд эди. Кампир умрида унга каттиқ гапирмаганди. Ўгайлигим ботмасин деб, ҳамиша болам-бутам, дерди. Аммо бугун чидамади. Тепасига шаҳд келиб, қўлидан китобни тортиб олди.

– Ҳа, китоб ҳам ўлсин одамдан азиз бўлмай! Дунёни сув босса тўпигингта чикмайди-я! Тур ўрнингдан, кидир у ярамасни!

Толиб ўтирган жойида дўнғиллади:

– Юрғандир, дайдиб. Келади. Оч қолиб, силласи куриб кайтиб келади.

– Вой, унга бир бало бўлган. Бор, кидир, суриштир. Мунча меҳрсиз бўлмассанг!

Толиб истар-истамас ўрнидан туриб, кучага чиқди. Каёқка боришини, кимдан сўрашини билмасди. У тах-

минан сой ёқалаб кетаркан, ҳуштак овозини эшилди.

У уйга қайтиб келганда кампир ўчоқ бошида ўтирганча, аламини Зайнабдан оларди:

– Етим қўзи асрасанг оғзи-бурнинг мой этар, етим ўтил асрасанг оғзи-бурнинг қон этар деб шуни ахтади-да! Ҳой, нега шумшайиб ўтирибсанлар, эчкиларни қайириб келмайсанларми, елини тўлиб кетди-ку! Ҳудойи таолонинг мендан бошқа етим боқадигани йўқми?! Мунча пешонам шўр бўлмас...

Толибнинг оёқ товушини эшитиб, кампирниг оғзидаги оғзида, бўғзидаги бўғзида қолди.

– Ҳой, бирон гап топиб келдингми?

Толиб жавоб ўрнига ҳадеб илжаярди.

– Дурустроқ гапир, ўзини кўрдингми?

– Кўрдим. Эртага келади.

– Вой, нега эртага келаркан, бугун келсин!

– Келолмайди, жудаям зарур иши бормиш.

– Дурустроқ гапирсанг-чи, ўз кўзинги билан кўрдингми, гаплашдингми, овозини ўз қулогинг билан эшилдингми? Ростини айт.

– Бир-икки марта ёлғон гапирганмидим! – деди зарда билан Толиб.

Толиб бола бўлиб бирон марта ёлғон гапирмаган эди. Кампир унинг бу одатини яхши биларди. Ҳозир Валининг соғ-саломатлигини эшитиб, юзига қон юргургандек бўлди.

Толиб бошқа гап айтмай, айвонга бориб, китобини кўлига олди.

Мирвали қаҳри қаттиқ, унча-мунчага кўзидан ёш чиқмайдиган бола эди. Қўшниси Раззоқ буқачининг ошхонаси шифтига доимо йигирма-ўттизта қази осиғлик

бўларди. Мирвали баъзи-баъзида девор ошиб, битта қази ўғирлаб чиқарди-да, сойга тушиб, эски пақирда қайнатиб, болалар билан ерди. Бир гал девор ошиб тушганда буқачининг ити талаб, кийим-бошларини бурда-бурда қилиб юборган эди. Мирвали шу итдан қасд олиш пайига тушди. Ҳар куни деворга миниб олиб, итга суяқ ташлар, нон ташлар, қассобхонага атайин бориб олиб келган ичак-чавоқларини берарди. Охири ит унга ўрганди. Рazzоқ буқачи бозорга кетган пайтларда Мирвали итни эргаштириб сойга олиб борар, «ўйнатар»ди.

Мирвали бир куни болаларни тўплаб, юринглар, сизларга «картинка» кўрсатаман, деб қолди. Болалар унга эргашиб сойга тушишди. Рazzоқ буқачининг ити ёввойи жийдага оёғидан боғлиқ турарди. Ит негадир арқон билан эмас, усти оқ қобиқли электр сими билан боғланган эди.

Мирвали, «ҳозир картинка қўрасанлар» деб, симни ечиб, учини жийданинг айрисига ташлаб тортди. Ит оёғидан осилганча кўтарила бошлади. Охири у одам бўйи кўтарилигандан кейин Мирвали сим учини жийда танасига маҳкам қилиб боғлади. Ит типирчилар, вангилларди. Мирвали қўйнидан гугурт чиқазиб, бир парча қофозни ёндириди-да, итнинг бўйнига тутди. Худди фонар ёғи сепилгандек итнинг жунлари лоп этиб ёниб кетди. Олов ичида қолган ит даҳшатли улиди. Энди у каттакон машъаладек ловуллаб ёнарди. Салдан кейин итнинг овози ўчди, қимирламай қолди.

Ўшанда Толибжон икки қўзини панжалари билан беркитиб, орқа ўгириб олган эди.

Мирвали каклик боқарди. Тўрт-бешта каклик доим ҳовлида донлаб юраги, уни қўрганда югуриб олдига ке-

**ларди.** Шу какликлардан биттасини уста Долимнинг мушуги олиб қочди. Мирвали пайт пойлаб мушукни тутди. Икки кўзига мих тиқиб, мўйловини қайчилаб, қўйиб юборди.

Мушук алам билан миёвлар, қаёққа қараб юрса ўзини бир нимага уриб оларди. Ё бўлмаса, ариққа тушиб кетарди. Унинг бу холидан Мирвали мазза қилиб куларди.

Ўша куни Мирвали кўр мушукни кечгача «ўйнаб», кейин девордан уста Долимнинг ҳовлисига отиб юборганди.

Бу воқеага кўп йиллар бўлган. Улар икковининг ёши ҳам бир жойга бориб қолган. Бирининг омади келган, бири омадсизлик азобини тортарди.

Бирон соатлар чамаси вакт ўтиб, Мирвали илдизларга осилиб қайтиб тушди.

Яна машинага чиқиши. Йўл ўйдим-чукур, филдираклар тошлардан сакраб машинани тинимсиз силкитар, Толибжон гоҳ ўнг ёнбошига, гоҳ чап ёнбошига сурилиб, бу оғир йўл азобига кўниколмасди.

– Қишлоқда ҳали кўп турасанми? Ё яна жуфтакни ростлаб, шу кетганингча соқолинг кўксингга тушганда келасанми? – деди Мирвали.

Толибжон жавоб килди:

– Кўраман-да. Бу жойларга жимжитлик қидириб келдим.

– Нима?! – деди ҳайратланиб Мирвали. – Жимжитлик дедингми? Вой, сени қара-ю! Жимжитликни мен бор жойдан қидиряпсанми? Топиб бўпсан! Тавба, дунёning ишлари зап ғалати-да. Мен жимжитликни кувиб юрибман, бу бўлса қидириб юрипти. Жимжитликни одамзод ўлганда топади. Гўрга кирганда!.. Менга кара, сени сиз-

лайми, сенлайми? Сизласам бегонага ўхшаб қоласан, сенласам дилинг оғрийдими, дейман.

– Менга барибир. Яхиси, сенлаганинг дуруст, – деди Толибжон.

– Бўпти. Эрталаб куёвингни идорада кўрувдим, келганингни ўшандан эшигдим. Қайнағам келди, дейди. Шу ўйлайман, шу ўйлайман, отингни тополмайман. Далавой кал дадангни танирди, ўшандан сўрадим. Эсида бор экан, Толиб эди шекилли, деб қолди. Қара, одамларни эсидан ҳам чиқиб кетибсан. Палончи одам сўйган, палончи мачитга ўт қўйган, деб эслашади. Сени нима қилган, деб эслашсин? Бу ёмон, ошнам. Юртингда унутилсанг, бундан даҳшатлиси бўлмайди. Қайтиб келганинг жуда яхши бўлди. Одамларнинг эсидан чиқмайдиган кўп ишлар қиласин. Кўнглингга келмасин, гапнинг сирасини айтдим. Албатта, чет элларда кўп ишлар қилган бўлишинг мумкин. Мен буни айтиётганим йўқ. Туғилган юртингда ҳам бир нима қилиб қўйишинг керак.

– Одам ўлдирайми, мачитга ўт қўяйми? – деди Толибжон пичинг билан.

Мирвали, э-э, бор-э, деди кабина деразасидан ташқарига тупурар экан.

– Шу машина менинг уйим, – деди кейин. – Баъзан кечалари машинада ухлаб, тонг оттираман. Биласанми, қанча ерим бор? Билмайсан. Мана шу тоғларнинг икки тарафидаги ерларнинг ҳаммаси меники, менга қарайди. Уйдан бир чиқиб кетганимча, ҳафталаб келолмайман.

– Болалигингда ҳам уйга сифмай тоғ-тошларда санқиб юрардинг.

Мирвали кулиб юборди.

– Ёмон эдим-а! Онам бечорани кўп қийнаганман. Ярим кечалари тоғларда юраверардим. Бўрилар еб кетмаганига хайронман.

- Бўри боласини ҳам боққан эдинг, шекилли.
- Вей, бўрининг инига кириб, боласини опчикканман-а! Қип-қизил жинни эдим.
- Ургутнинг Қора қишлоғидан қиз олиб кочганинг эсингдами?

Мирвали жимиб қолди. У аллакандай хаёлларга бе-рилгандек, кўзларини юмиб, ширин бир хўрсиниб кўйди.

– Оти Гулби, Гулбиби. Ўзи ҳам гулдек қиз эди-да. Бечора ота-онаси мендан безор бўлиб, чироқчилик бир жувозкашнинг ўғлига зудлик билан тўй қилиб бериб юборди. Муни кара, якинда тасодифан кўриб қолдим. Невара-чеварали бўлиб кетибди. Яхшиям уйланмаганим. Жуда хунук кампир бўпти. Сайловчилар билан учрашувга борган эдим. Президиумда ўтирсам, сельсоветнинг раиси Чори Ашир туртди. Қулоғимга шивирлаб, олтинчи каторнинг ўн биринчи жойида ўтирган хотинни танияпсанми, деб қолди. Қараб танимадим.

- Ўша Гулбиби бўлади.
- Жуда хунуги чиқиб кетибди-ку, – дедим кўзларимга ишонмай.

Чори Ашир кулади.

– Сени келишингни айтгандим. Тағинам бу пардоз қилиб келгани, – деди.

Машина нотекис йўллардан коптоқдек сакраб-са-краб, охири кенг, текис асфальтга чиқди...

Тоғ йўлидан машина текис борарди. Толибжон машинанинг ёмон йўллардан юриб силкитганидан бели зирқираб оғрирди.

Офтоб төгнинг бу томонига ўтган. Пастликлар кўмкўк, губордан холи толларнинг барглари шаффоф эди. Ёнғокзорлар, жийдазорлар панасидаги сой шовқини эшитилмас, бу ерларда факат машина моторининг гуриллаши ҳоким эди.

Йўлни эчкилар подаси тўсиб чиқди. Эчки, ҳар қалай жуда зийрак ҳайвон бўлади. Кўй подаси бўлганда чўпонни қийнаб юборарди. То машина калласига дўқ этиб урилмагунча тикка келаверади. Эчки бўлса, машина қораси кўриниши билан ўзини четга олади. Шофёр биринки сигнал бериши билан эчкилар подаси йўлнинг чап томонига ўтди. Мирвали уларга аллақандай меҳр билан кааради.

– Бу жониворларни кўпайтиргунча она сутим оғзимга келган.

Анча жойгача жим кетишди. Ўн минутлар чамаси вақт ўтганда Толибжоннинг бўйнига иссиқ нафас теккандек бўлди.

Мирвали унинг елкасига бошини ташлаб, пиш-пиш қилиб ухларди. Толибжон, майли, ором олсин, деган ниятда қимиirlамай ўтираверди.

Рация чўзиб-чўзид овоз берди. Шофёр трубкани олиб, яна босиб кўйди. Кимдир манқаланиб, тинмай, алло, алло, деб қичқиради.

#### IV

Нурмат тога щийпонда мудраб ўтиради. Ҳар гал пастликдан машина товуши эшитилиши билан кўзини очиб, директор келмаяптимикан, деб алангларди.

Кундузи совхоз марказидан меҳмон келади, у-буларни тайёрлаб туриңг, деб масаллиқларни ташлаб кетишган эди.

Бу шийпонни адирнинг тепасига ўтган йили Мирвалининг ўзи қурдирған, фақат азиз меҳмонларнигина олиб келарди. Нурмат тоға шийпон орқасидаги ярим гектарча жойга селитрасиз, қўй қийи солиб, қовун-тарвуз экарди. Ойда-йилда бир келадиган меҳмонни кутишдан ва шу полизга қарашдан бошқа Нурмат тоғанинг иши йўқ эди. Кунни кеч қилиш учун от думидан тузоқ ясаб, полиз пушталариға ташлаб қўйган. Кунига тўртта-бешта бедана илиниб турарди. Нурмат тоға жуда озода, миришкор одам бўлганидан шийпонни гулдек тутади. Бундан ташқари, у жуда пазанда эди. Келган меҳмонлар у пиширган таомларни мақтаб-мақтаб ейишарди.

Бугун Мирвали мөхмон олиб келади, жуда яқин қадрдони эмиш, яхшироқ тайёргарлик кўринг, деб тайинлашганидан у тишининг кавагида асраб юрган беданаларни зиралаб, товоққа босди. Полиздан саралаб-саралаб қовун-тарвуз узиб, сояга ташлаб қўйди. Аммо ҳадеганда Мирвалидан дарак бўлмасди. Охири у шийпон устунига суюниб пинакка кетди. Машинанинг кучли сигналидан чўчиб кўзини очди.

Семон йўлканинг нариёғида ҳаворанг «Волга» келиб тўхтади. Ундан бўйнига бир эмас, иккита фотоаппарат осган, яқинидаги одамга ҳам бир кўзини қисиб қарайдиган одати учун мерган деб лақаб олган Расулбек Умаров тушди. Нурмат тоға бу одамни унча хушламасди. Ёлғонни кўп гапиради. Бировни алдаб кетишга уста, ўз манфаати учун отасини ҳам аямайдиган Расул-

бекни Мирвали нечукким ўзига яқин қилиб юрибди, деб ҳайрон бўларди.

Расулбек шийпон олдига келиб, энсаси қотиб турган Нурмат тоғага бир кўзини қисиб узоқ тикилди.

– Хўжайн келмадими?

Нурмат тоға индамай ичкарига кириб кетди. Унинг бу хил муомаласидан жаҳли чикқан Расулбек орқасидан ичкарига кирди.

– Бу қанақаси бўлди, бобойка...

Нурмат тоганинг кўзларидан ўт чакнаб кетай деди.

– Оғзингга қараб гапир. Ўша сен билган ўрисчани мен ҳам биламан, «Бобойка» деганинг нима деганинг?

– Ҳа, энди сиз ўрисчага мендан уста бўлишингиз ҳам керак-да. Турмаларда юриб уста бўлиб кетгансиз. Менга қаранг. Эртага нозик меҳмон келади. Беш-ўнта бедана тутиб, патини юлиб қўйинг. Мен бағажникда қўчкор олиб келганман. Индушка ҳам бор. Сўйиб, калла-почасини ажратиб, тандир кабоб киласиз. Арча шохларини ҳам олиб келганман. Зира ҳам бор. Индушкадан жаркоп киласиз. Беданадан табака.

Расулбек килинадиган ишларни тайинлагунча шофёр думбаси тирсиллаб турган қора қўчкорни шийпон устунига боғлаб, қўлтиғидаги ғули-ғули товукни қаерга қўяй, деб фармон кутиб турарди.

– Директор менинг буйруғимсиз ҳеч ким меҳмон кутмайди, деб тайинлаган, – деди Нурмат тоға.

– У киши билан ўзим гаплашаман. Йўқ демайдилар.

Шу пайт машина қисқа-қисқа сигнал бериб, тепаликка чиқиб келди-да, худди шийпон пиллапояси олдидиа тўхтади. Кийим-боши чанг бўлиб кетган Мирвали билан Толибжон тушишди.

– Ия, сен бу ерда нима қилиб юрибсан? – деди Мирвали Расулбекка қараб. – Қўчкор зўр-ку.

Расулбек уни қўлтиқлаб, четроққа чиқишига унадади.

– Гапиравер, бу ерда бегона йўқ. Мехмонинг борми?

– Абдуғани ака мөхмон олиб бораман, юқорига жой қилдирио кўй, део тайинлаганлар, – пичирлао тушунтириди Расулбек. – Мехмон Тошкентдан, нозик одам. Ҳаммамизга ҳам фойдаси тегадиган катталардан. Селхозтехника республика базасининг бошқарувчиси Ҳожимурод Холматов. Сиз уни яхши танийсиз. У ҳам сизни танийди. Колхозда пайтларида жуда кўп портретларини қилиб берганман. «Ҳурмат тахтаси»га илғорларнинг сувратларини ишлаб берганман. Абдуғани ака илтимос қилиб қолдилар, йўқ деёлмадим. Селитр дейсизми, трактор дейсизми, техника запчасти дейсизми, олдини бизга берадилар. Озиб-ёзиб бир тушиб қолган ишлари экан, йўқ деёлмадим.

– Дарҳақиқат, област сельхозтехника бирлашмаси бошлиғи Абдуғани Исмоилов совхоз нимани сўраса йўқ демай берарди.

– Бўпти, мөхмонни яхшилаб кутинглар. Нурмат тоға қарашиб юборадилар.

Нурмат тоға гапга аралашди:

– Болам, мени шу ишга аралаштирма. Мен сенинг ҳурматинг учун бу ерларда юрибман. Мехмон кутишига ҳолим ҳам, хоҳишим ҳам йўқ. Сенинг йўриғинг бошқа. Ўл, десанг ўламан...

Тоғанинг бу хил гапларига Мирвали ҳайрон бўлмади. Феъли шунака деб қўя қолди.

Мирвали Ҳожимурод Холматовни яхши биларди. Аммо у билан сира борди-келди қилмаган. Ўз иши-

га ниҳоятда пишик бу одам ҳар қандай катта ишларни қилганда ҳам орқасида из қолдирмасди. У қўп ревизияларни кўрган. Қўп қийин-қистовлар ичидан омон-эсон чиқиб кетганди.

Хожимурод хеч қачон ҳужжат аралашадиган пулга кўз олайтирмасди. Агар бир жойга битта юз сўмлик, ёнига битта бир тийинлик қўйиб, қайси бирини оласиз деса, Хожимурод, албатта, бир тийинни оламан, дейди. У сўмдан тийинни афзал кўтарди. Тийин миллионнинг ота уруғи деб биларди.

У ўн икки йил жуда катта колхозга раислик қилди. Унинг колхози йилига давлатга саккиз минг тонна пахта сотарди. Аммо Хожимурод ўн минг тоннага етказарди. Аслини олганда, бор пахтаси етти минг тонна ҳам чиқмасди. Етмаганини пахта заводидан сотиб оларди. Айни терим қизиган паллаларда завод кунига ўн етти минг тоннага етказиб пахта қабул қиласарди. Аммо тарозибонлар, лаборантлар, пахтанг ифлос экан, деб уч фоизини, нам экан деб тўрт фоизини чегираради, хуллас, бир тонна пахта етти юз килога ўтарди.

Шундай қилиб, заводда анча-мунча ортиқча пахта йифилиб қоларди.

Хожимурод заводга пахтанинг ҳар килоси учун тўққиз тийиндан тўлаб, колхозга ўн тийиндан ўткаzarди. Шунда Хожимуродга бир тийиндан тўпланиб, ўттиз минг сўм қоларди. Колхоз топширмаган уч минг тонна пахтанинг ҳар килосига заводдан эллик олти тийиндан пул оларди. Шунда бекордан бекорга колхоз кассасига бир миллион етти юз олтмиш минг сўм пул тушарди. Шундан тўққиз юз минг сўми заводдагиларга қоларди.

Бу ҳам майли, давлатга ортиқча пахта сотгани учун Ҳожимуроднинг колхози қўшимча пул оларди. Планни ошириб бажаргани учун раис, бошбух, бош агроном олти ойлик маош билан мукофотланарди.

Ҳожимурод шу пулларни тийиндан топарди. Бу ишларга на хужжат, на бирон қоғоз аралашарди. Оғизда то-пилган бойлик эди булар.

Ҳожимуроднинг хужжатсиз пул топадиган яна бир усули бор эди. У ҳар йили гектарчиларга йигирма гектар ерга пиёз эктирарди. Улар билан колхоз орасида расмий равишда ҳар гектар ердан тўққиз тоннадан пиёз топширишга шартнома тузиларди. Улар вақтинча колхозга аъзо қилиб олинарди. Аслида, бу миришкор гектарчилар ҳар гектар ердан йигирма беш тоннадан пиёз олардилар. Ҳожимурод улардан ҳар гектар ер учун беш минг сўмдан пул оларди. Йигирма гектар ер учун юз минг сўм киссасига кираварди. Бундан ташқари, колхоздан оладиган маошлари ҳам Ҳожимуродга қоларди. Улар ведомостга қўл қўйиб, индамай кетаверардилар. Ҳеч қандай ревизия бу ишни тополмасди.

Тийиндан миллион ясадиган бу одам ҳозир кўтарилиб, катта лавозимни эгаллаб турипти. Республика колхоз-совхозларига бериладиган кимёвий доридан тортиб тракторгача, сеялкадан тортиб экскаваторгача, бульдозердан тортиб машина баллонигача, мойли бўёқдан тортиб сув қўшиб ичса бўладиган тоза спиртгача унинг қўлида.

Битта колхоздан шунча пул топадиган одам бу жойда қандоқ ишлар қилаётганикин?

Лекин бугунги зиёфат Ҳожимурод учун бир умр эсдан чиқмайдиган сабоқ бўлишини Мирвали билади.

Аммо Нурмат тоға меҳмоннинг кимлигини ҳали билмайди. Билса, ана унда қиёмат бўлади.

Мирвали кутилмаган ҳангомаларга ўч эди. Бугун бу тоғларда нимадир бўлади, кимдир кувади, кимдир қочади.

Расулбек Мирвали билан хайрлашиб, жўнаб кетди.

– Бу нима қилганингиз, тоға? Яхши бўлмади-ку, – деди гинахонлик билан Мирвали.

– Шу болани жиним сўймайди. Кўрарсан, бир кун сенга панд бериб қўяди. Одам сотиш одатим йўқ эди. Бир айтиб қўяй. Кечалари келиб кийик овлайди, бу ярамас.

– Йўғ-э! – деб юборди Мирвали. – Кийик овлайди? Вой, ярамас-эй!

– Шундок, болам. Кўли эгри. Ҳаром одам.

Мирвали жаҳл билан у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Толибжон бир чеккада унинг тажанглигини кузатиб турарди.

– Бу кийикларни қаёқлардан олиб келганман, биласизми? Ўттиз кийик боласидан икки юз қирқ кийик қилдим. Энди эркинликка чиқди бу жониворлар. Тўрт йил сим тўр орасида боқилган. Вой, ярамас-эй! Вой, абраҳ-эй! Ўз кўзингиз билан кўрганмисиз ё тахминий гапми бу?

Тоға чақимчилик қилганидан хижолат тортиб, паст овоз билан, рост, деди.

Толибжон билан Мирвали айвондаги сўрига ўтиришиди. Тоға устига дока ёпилган дастурхон бетини очди.

Толибжон пастга қаради.

– Қиттак-қиттак қиласизми, оғайнини? Тоға, опкелинг анавундан.

Толибжон ичмаслигини айтиб қайтарди.

– Умуман ичмайсанми ё ҳозир күнглинг хохламай турибдими? – деди Мирвали.

– Кечроқ. Шундоқ тоза ҳаводан мазза қилиб нафас олай, – деди Толибжон.

– Бу гапинг дуруст. Ол, овқатга қара. Нурмат тоғам роса пазанда. Аммо феълли одам. Жинига ёқмаган киши билан чой экан-ку, совук сув ҳам ичмайди.

– Бояги муомаласидан билгандим. Одам деган мана шунақа принципиалний бўлиши керак. Анави Расулбек менга ўтиришмади.

– Аферист у. Ёмонам шайтон одам. Любойни алдайди. Баъзи бир дефицит запчастларни топишга ёрдам бериб туради, деб ёнимга олгандим. Аммо-лекин, суврат олишга ёмонам уста-да! Пойтахтдан келган фоточилар ҳам унга тан беришади. Дом культурыда виставка очган. Шуни ўрнига сени мўлжаллаганман. Бир ишлаб берасан.

– Эй, йўг-э! – деб юборди Толибжон. – Бирон йил ишга ярамайман.

– Ярайсан. Ярайсан, ошнам. Ўзим ёрдам бераман. Бурнингни ерга ишқаб ишлатаман. Чет элларда юриб, кўзи пишган одамсан. Хў, анави кунгайдан, – у қўли билан тоғ оралаб кетган йўл бошини кўрсатди, – ана шу жойдан Тирсаксойни бўғасан. Сувни манави текисликка ҳайдаймиз.

Толибжон бир дам ўйланиб қолди.

– Бўлмас-ов. Ахир, бу сувлар тоғ этагидаги қанчалаб ўрмон-у ўрмончаларни сугоради. Куритиб қўясан-ку.

– Сен ақлли одамсан. Область миқёсидагина эмас, республика, мамлакат миқёсидан чиқиб, халқаро миқёс-

да иш кўрадиган қўли узун, фикри кенг одамсан. Қандоқ қилсак қандоқ бўлишини ўйла. Сих ҳам куймайдиган, кабоб ҳам куймайдиган йўлни топ. Экинлар ҳам, жони-ворлар ҳам сув ичсин, ўрмонлар ҳам қуrimасин. Хўш, қалай?

– Ўлимдан бошқа ҳар дардга даво топилади. Ўйлаш керак.

– Ана, ана! – деди Мирвали. – Энди каллангни мотори қизиди. Ишлат, яхшилаб ишлат. Ўйла. Менга сув керак. Сув бўлса, бир йилга қолмай юз, минг гектар ер очвораман. Миллион керакми, ўн миллион керакми, пуллим бор. Ҳисобни катта ол.

Толибжон кўзларини юмиб, ўй ўйлаб кетди. Ўрнидан туриб, кунгай томон қаради.

– Ахир, бу тоғлар арчаси билан, дўлана-ю ёнгоқзорлари билан гўзал. Ҳавосининг ҳам тиниқлиги шундан. Тоғда кун кўрадиган парранда-ю даррандалар қайдан сув ичади. Буёғини ҳам ўйлаш керак, оғайни. Кунгай тарафда қор тез эрийди. Тошлар орасига сув сингмай, гиёҳлар ҳам эрта баҳордаёқ куриб, қовжираб қолади.

Мирвали Нурмат тоға билан овқатланиб ўтирган шоғёрға қаради.

– Мунча имиллайсан?! Чаққон-чаққон е. Марказга тушамиз. Эртага сенга оддих бераман. Дамингни оласан. Бугунча чидаб бер, ёла.

Шоғёр бола лунжидагини ютмаёқ сочиқни қўлига олди. Совиб қолган чойни битта симиришдаёқ бўшатиб, машина олдига борди.

– Бўлмасам, мен кетдим, – деди Мирвали Толибжонга қараб. – Сен дамингни олиб, яхшилаб ўйла. Ҳе, бола, мен келгунча калланг бўш турмасин. Хўпми?

Толибжон кула-кула, хўп, хўп дедим-ку, деди кўлини кўксига кўйиб.

Мирвали машинага ўтириб, жўнаб кетди. Толибжон то у келгунча бирпасгина ором олмоқчи бўлди.

– Идиш-товоқларни йиғишириб, ювиб, саранжом қилгунимча зерикмай ўтирасиз-да, меҳмон, – деди Нурмат тоға ундан узр сўрагандек.

Толибжон ёшлигида ҳам шунаقا, вақтини уйда, китоб ўқиб ўтказарди. Мирвалига ўхшаб тоғ-тошларни кезмасди. Тоғларнинг бу хил пучмоқлари унга бегона эди. У чўққиларга чиқмаган, ўнгирларда кезмаган. Бир ювош уй боласи эди. Шунинг учун ҳам ҳозир у ёшлиги-ни эслаганда бу тоғлар, чўққиларни кўз олдига келтиролмасди. Одамови бўлиб ўсган Толибжон тоғларнинг қанақалиги-ю ҳавосининг қаймоқдек майнлигини энди биляпти. Унинг бу жойларда муҳаббати ҳам қолмаган. Биринчи севги лаззати бу жойлардан олисда, ҳеч қандай романтик туйғуларсиз кўнгилга кирганди. Бошқа йигитлар сингари гул-у гулзорлар, булбул хонишлари, байт-у ғазаллар ишқига аланга ташламаган. У онг билан, ақл билан севганди. Бу хил севгига мубтало бўлган кишининг кўп армонлари дилида қолиб кетади. Умрда бир марта гина бериладиган ишқ аталмиш туйғуми, ҳиссиётми, ҳалигача таърифи кашф қилинмаган роҳат худди бир тадбирдек ўтади-кетади. Буюк роҳатдан бенасиб бўлгани бир кун келиб юрак-бағрини ўртайди. Ғижжак нолаларидек кўз ёшларига қоришиқ туйғу-ҳисларни бой бериб қўйганидан фарёд уради.

Толибжон хотинини севарди. Фақат яхши оила бошлиғи, покиза, ақлли, ҳалол бўлгани учун, саранжом-

саришта уй бекаси бўлгани учун ва, ниҳоят, ажойиб бир ўғил туғиб бергани учун севарди.

Йиллар ўтди. Арзанда ўғил ҳам, ажойиб уй бекаси ҳам оламдан ўтиб кетишиди. Толибжон якка бўлиб қолди.

У Санобар билан йигирма йил яшади. Шундан ўн саккиз йилини чет элларда ўтказди. Қаерда бўлса хотини унинг ёнида эди. Кирини ювиб, овқатини пишириб, кунлар-у йилларни унга термилиб ўтказди. Толибжон унга бирон марта бўлсин қаттиқ гапирмади. Бошқаларга ўхшаб сенламади. Сизлаб яшади.

Уни министрлик иши билан СССРга чакиришган-да боласи билан Санобар ўзга юртда қолар, то келгунича элчихонага қатнаб, қачон келишини суриштирарди. Толибжон қайтишда янги чиқсан пластинкаларни олиб келарди. Санобар она юрт овозини мана шу грампластинкалардангина эшитарди.

Бир куни Толибжон ҳориб-чарчаб ишдан қайтганда Санобар пластинка қўйиб эшитаётган эди. У қўшиқ сехрига шунчалар берилиб кетган эдики, Толибжон кирганини ҳам сезмади. Кафтини иягига тираганча икки кўзи жиққа ёш, бир нуктага тикилганча қимир этмасди. Толибжон унга халақит бермаслик учун оёқ учida юриб, ичкари хонага кириб кетди. Ниҳоят, қўшиқ тинди. Толибжон ўталиб, унинг олдига келди. Санобар ҳали ҳам қўшиқ сехрида эди.

У дастурхонга овқат қўйганда ҳам, чой узатаётганда ҳам маъюс эди. Шунда Толибжон унинг юртини соғинаётганини, ҳар галгидан кўра қаттиқ соғинаётганини сезди. Толибжон илгарилари ҳам Тошкентга бир бориб келасизми, деб сўрарди. Санобар она юртини қанчалик соғинган бўлмасин, уни ёлғиз

ташлаб кетишга кўзи қиймас, усиз қийналиб, мунғайиб колишини ўйлаб, рад жавобини берарди. Санобар фидойи хотин эди. Уйим, эрим, болам дейдиган хотин эди...

Тоғ шамоли ўт-ўланларни силкиб ўйнаётган, куни билан қизиган тошларни ялаб совитаётган завол маҳали Толибжон олисда, энди ҳеч қачон бориб кўриб бўлмайдиган юртларда кулга айланиб қолиб кетган хотинини эслаяпти. У қандоқ хотин эди-я!

Ўғли бўйига етган сари келин кўриш орзусида ширин хаёллар сурарди. Магазинма-магазин кезиб, келинига сарполик харид қиларди. Ҳатто келиннинг никоҳ куни киядиган лозимига зар жияклар ҳам олиб қўйганди.

...Искандарияда соҳил бўйлаб сайр қилиб юришгандада етаклаб келаётган ўғлининг кўзи илиниб, хархаша қила бошлади. Толибжон болани кўтариб олди. Бола дадасининг елкасига бошини кўйганча, пиш-пиш ухлай бошлади.

– Ўғлингиз сиздан бир минут ҳам ажралмасам, дейди. Ишдан келгунингизча минг марта дадам қачон келади, деб сўрайди, – деди хотини.

Толибжон ҳам ўглини жон-жонидан яхши кўрарди. Ишдан келиши билан уни ўйнатар, то ухлагунча турли хил эртаклар айтар, бузилган ўйинчоқларини тузатиб берарди. Шундай кезларда Толибжон ёнида хотини борлигини ҳам унутар, бирон оғиз гап айтмаган оқшомлари ҳам бўларди.

Ўшандай кунларнинг бирида Санобар ўпкаланиб деди:

– Менга қаранг, дадаси. Бу уйда шу болангиздан бошқа одам борми?

Голибжон гапнинг маъносини дарров тушунди.

- Шу биттагина болангиздан мени қизғаняпсизми?
- Йўқ, бир очиқчасига гаплашайлик. Мени ҳам яхши кўрганмисиз?

Толибжон бепарво жавоб қилди:

- Яхши кўргандирманки, сизга уйланганман-да. Шу пайтда ишқ-у муҳабbat қаёқдан эсингизга келиб қолди?
- Ахир, мен аёл кишиман.
- Буни биламан, – деди Толибжон.

Ана шундан кейин ҳафсаласи пир бўлган Санобар ичкари уйга кириб кетди, бирпасдан кейин пик-пик йиғлагани эштилди.

Толибжон ичкарига кириб, уни юпатмоқчи, бошига қўл узатиб, соchlарини силамоқчи бўлди. Кўлини қайтариб олди. Умрида хеч қачон хотин эркалатмаган эди.

– Санобар, қўйинг, қўйинг, мени биласиз-ку, Худо урган тўғри одамман. Унақа байт-у ғазаллар айтишни билмайман. Албатта, сиз менга дунёда энг яқин, энг қадрдон одамсиз. Умримни ўла-ўлгунимча сизга боғлаганман. Сиздан бир кун ажрасам туролмайман.

Ўша кунлар энди Толибжоннинг дилида армон бўлиб қолди.

«Бағримга босиб эркалатмайманми, соchlарини силамайманми?! Ахир, уни жони мени ичимда, мени жоним уни ичиди эди-ку. Наҳотки, шу муҳабbat бўлмаса?!»

Толибжон уни ниҳоятда қаттиқ севганига энди иқрор бўляпти. «Ўзи тириклигида шу гапларни айтсан бўлмасмиди? Энди айтаманми? Йўқолгандан кейин, бир умр қайтиб келмайдиган бўлиб кетгандан кейин айтяпманми, бу гапларни?!»

Нурмат тоғанинг йўтали ўйларини тарқатиб юборди.

— Ухлаётганмидингиз, меҳмон? Кўйинг, завол пайти ухламанг. Тушга ёмон нарсалар киради. Мирвали келяпти, — деди Нурмат тоға ўрнидан туриб.

Машинанинг икки чироғи икки нурли коптодек сакраб-сакраб келарди.

\* \* \*

— Нурмат тоға ғалати одам экан, — деди Толибжон машина дўнг оша ялангликка чиққандা.

Ғуборсиз тоғ хавоси ҳаддан ташқари тиник эди. Юлдузлар жуда яқинда чақнаётгандек, машинанинг олдойнасига тушган ой ёргуидан йўлни дуруст илғаб бўлмасди. Олис-олисларда тошга урилаётган шаршара товуши ҳам худди икки қадам наридан эшитилаётгандек эди.

Рул бошқариб бораётган Мирвалининг хаёли бир дам бўлинди. Кейин Толибжоннинг сўроғига жўялик бир жавоб қилиш учун фикрини жамлашга уринди.

— Нурмат тоғани ғалати одам, дединг. Тўғри. Ғалати одам. У бирорга ишонмайди. Ҳаммадан шубҳаланади. Эртага нима бўлади, уни сира қизиктирмайди. Кўрган кунига кул тортиб юрибди. Мен уни битта нарсасига тан бераман. Ҳалол одам. Аммо кўнгли тош бўлиб кетган. Феъли айниб турганда ҳеч кимни аямайди. Дунёда сунянган бирдан бир одами — мен. Жазаваси тутиб турган пайтда мен, кўйинг, бўлди, тоға, десам, таққа тўхтайди. Бошини эгиб, ичкарига кириб кетади-ю, кечгача чикмай ўтираверади. Э, сен билмайсан, Толиб, бу одамнинг ичи тўла дард. Чидаб юрибди. Авваллари у бир кунмас бир кун ўзини нобуд қилиб кўяди, деб хавотир олардим.

Кейинчалик сир-у асрорини олганимдан кейин бу хил одамлар ўз жонига қасд қилмаслигини билдим. Бу тоға асли паландараплик бўлади. Кредит техникумидан ўқиб юрганимда бизга пул оборотидан банкда практика олиб бораарди. Илми у қадар бўлмаса ҳам, тажрибаси зўр эди. Ҳисоб-китоб масаласида ҳозирги электрон ҳисоблаш машинаси чиққунча областнинг ҳисоб машинаси шу эди...

Шағал тўкилган йўлда икки кийик боласи имирсилаб бораарди. Машина фараси қўзини олиб, иккови бир-бира га қапишиб, қимирамай қолишиди. Мирвали тормозни босди, машина шағалларни суриб секинлашди. Шу пайт харсанг тош орасидан сакраб чиққан она кийик ташвишланиб, болаларининг олдини тўсди. У қарши келаётган машинани писанд қилмай, ҳужумга тайёр туради.

Шунда Толибжон бу жоноворнинг болалари олдида-ги буюк бир фидойилигидан ҳайратда қолди. Беихтиёр Мирвали бошқараётган машина рулига ёпишиди. Машина чайқалиб кетди, сурилиб йўл четида тўхтади. Чироқ нури ҳам чайқалиб, энди ўнгирларга чўкиб қолган туманларни ёритарди. Мирвали пастга қулаб кетишдан кўркиб, рулни чапга бурди. Фара йўлни ёритганда кийиклар ғойиб бўлганди.

– Зоя, – деди ички бир ҳаяжон билан Мирвали.

Толибжон унинг бу гапидан ҳеч нарса тушунмади.

– Зоя, бу кийикнинг оти. Бир ярим ой бўлди, қўтондан чиқариб юборганимизга. Хайрият, болалапти. Икки йил сим тўр қўтонда боққанмиз. Энди кетмайди. Бу тоғларнинг гиёхини чимдиган кийик асло кетмайди, ошна. Сен ҳам бу сойлар сувини ичиб катта бўлгандинг, келдинг-ку.

Бугун эрталаб ҳам Толибжон телеминора тагида шу кийикларни кўрганди.

— Кетиб қолмасмикин бу кийиклар? — деди Толибжон.

— Йўқ, кетмас. Жуда болалигига олиб келганмиз. Одамга ҳам унча-мунча ўрганган... Ҳа, гап Нурмат тоға тўғрисида эди-я, хозир айтиб бераман. Жуда кўпни кўрган бобой бу.

Мирвали машина тезлигини пасайтириб, аста хикоясини бошлади.

Нурмат тоға тинчгина банкда булбулнинг қафасидек тор кассада пул олиб, пул бериб кунини ўтказиб юради. Районда эмас, бутун областда ном чиқарган колхознинг Ҳожимурод деган раиси тинчини бузади. Ишга таклиф қиласди. Ҳоли жонига қўймай, банк бошқарувчисининг ҳам розилигини олиб, колхозга кассирликка олиб кетади. Бошида улар жуда иноқ ишлашади. Раиснинг зиёфатлари усиз ўтмайдиган бўлиб қолади. Бирон йил ўтгандан кейин Нурмат тоға колхознинг ички сирлари ю, раиснинг иш тутиш йўлларини билиб олади. Баъзи қонунсиз харжаларга кўникмай юради. Кейинчалик бу ишлар оддий бир нарсага айланиб қолади. Кассир халқига иккита раҳбарнинг имзоси бўлса, бас. Ҳар қанча пул бўлса бераверади. Раис билан бош бухгалтернинг имзоси билан пул олиб кетади. Шу имзолар билан тегишли одамларга санаб беради. Киладиган иши шу. Улар раис билан ота-боладек бўлиб кетишади. Раис, «зарур» бўлиб қолиб, беш мингми, ўн мингми сўраса, тилхатсиз бераверадиган бўлиб қолади. Эртаси ё индини раис бухгалтерия орқали олган пулларини хужжатлаштириб қўяди.

Кунларнинг бирида раис уни кабинетига чақириб, ўттиз минг сўм тайёрлаб қўйишини тайинлади.

– Шунча пулни нима қиласиз? – дейди ажабланиб Нурмат тоға.

– Куёвга битта ҳовли олиб бермоқчи бўлиб юргандим. Ҳозир телефон қилишди. Ўттиз мингга битта яхши ҳовли савдосини пишишиб қўйишибди. Уйдаги пул хотинда эди. Туркистонга Султонимни зиёрат қилгани кетган. Келиши билан жойига қўйиб қўямиз. Банкка бориб йиригига алмаштириб келсангиз дуруст бўларди. Шунча пулни дўппайтириб олиб юрмай.

Нурмат тоға йўқ дейишини ҳам, ҳа дейишини ҳам билмай, чайналиб туриб қолди.

– Ишонмаяпсиз чоғи, – дейди раис аччикланиб, – ё тилхат ёзиб берайми?

Нурмат тоға раисга неча марталаб ўн минг, ўн беш минглаб пул берган, бирон марта тилхат сўрамаганди. Раис ҳам айтган куни ё пулни қайтариб берар, ё бўлмаса, бухгалтерия орқали расмийлаштириб, орани очик қилиб қўярди. Шундоқ одамга ишончсизлик қилишга Нурмат тоғанинг қўнгли бўлмайди. Айтган вақтида ўттиз минг сўмни идорага келтириб беради.

У уйига қайтаркан, дили сира ёришмайди. «Раис келгунча ревизия босса нима бўлади? Бухгалтерни хабардор қилиб қўйсинмикин? Йўғ-э, билса дили оғрийди. Ахир у унақа одам эмас. Ҳалол...». Ўйлай-ўйлай, нима бўлса ҳам бош бухгалтерга бир оғиз айтиб қўймоқчи бўлади. Аксига олиб, у ҳам Қаршига зарур иш билан кетиб қолган экан. Эртага албатта айтаман, деб ўзини овутади.

Кечаси билан минг тўлғониб, тушлари бузилиб тонг оттиради. Эрталаб бухгалтернинг олдига кирганда ёни-

да одам бор экан, чиқиб кетгунча кутиб туради. Эзмарок одам экан, пенсия олиш учун қанака ҳужжат керак, аввал қаёкка бораман, кимга учрашаман, деб роса чўзилади. Охири, ишини битказиб чиқиб кетади. Бухгалтер Нурмат тоғага қарайди.

– Жуда хунук иш бўлди-да, аксига олиб областга чакириб қолишиди. Раисни кузатгани чиқолмадим. Сиз чикдингизми, тоға?

Нурмат тоға ҳайрон бўлади. Чакирса овоз етадиган жойга икки кунга кетган одамни ҳам тантана билан кузатиладими? Армияга кетаётган бўлмаса, съездга делеграт бўлиб кетаётган бўлмаса!

– Индинга қайтиб келадиган одамни кузатиб қўйиш шартми? – дейди ажабланиб Нурмат тоға.

– Индинга қайтадиган?! – дейди бухгалтер уни масхара қилгандек. – Худо хохласа, йигирма тўрт кундан кейин қайтадилар. Тошкентда бир кун бўлса, жами йигирма беш кун. – У чўтга йигирма беш деб тош ташлайди. – Қайтишда у ёқ-бу ёқни айлансалар, яна беш кун. – У яна бешта тош ташлайди. – Хотин киши билан курортга борган одам вақтида қайтолмайди.

Нурмат тоға ўрнидан сапчиб туриб кетади.

– Нима?! Курортга?!

Унинг важоҳатидан бухгалтер қўрқиб кетади.

– Сизга нима бўлди? Ўтилинг, ўтилинг! Ия, ия, рангингиз ғалати бўлиб кетди-ку.

У шошиб стол тортмасидан аллақандай таблетка олиб, унга узатади.

– Тилингизнинг тагига ташлаб олинг...

Унинг гаплари Нурмат тоғанинг қулоғига кирмайди, боши ғувиллаб, кўзлари тиниб, ҳолсизланиб курсига ўтириб қолади.

– Доктор чакирайми? – дейди бухгалтер, телефон трубкасига құл узатаркан.

Нурмат тоға пешонасига шапиллатиб уриб, ганди-раклаганча чиқиб кетади.

Нима гап бўлганлигидан хабари йўқ бухгалтер ҳайрон бўлиб орқасидан чиқади. Тоға йўл четидаги скамейкада бошини чангаллаганча буқчайиб ўтиради.

Бухгалтер тепасига келиб, аста шивирлайди:

– Тоға, туринг ўрнингиздан, одамлар кутиб қолди. Пул оладиганларни жўнатворинг. Ишдан қолишмасин, ҳаммаси далага кетадиганлар.

Тоға бошини кўтариб, маъносиз кўзларини қайга яширишни билмай, яна ерга қарайди.

– Пул йўқ. Бир тийин ҳам йўқ. Ҳаммасини раис супуриб кетган. Индинга қайтиб бераман, деб ўттиз минг олиб кетди.

Бухгалтернинг ранги оқариб, тиззаларидан дармон кетгандек, гавдасини кўтаролмай қолди. Кейин ўзига келиб, ишонқирамай дейди:

– Йўғ-э, раис унақа одам эмас, бировни алдамайди. Иситмангиз йўқми? Довдирамаяпсизми? Ҳушингизни йиғинг.

Тоға бошини сарак-сарак қилиб, ух тортади.

– Сенки ишонмадинг, бу гапға энди кимни ишонтираман? Мени тириклиайн гўрга тикдиларинг.

Бухгалтер шошиб ичкарига кириб кетади. Раиснинг уйига телефон қиласы. Келини уйда экан, раиснинг қайси курортга кетганини сўрайди. Келини аниқ бир жавоб айттолмайди.

– Феълларини биласиз-ку, бир жойда узок туролмайдилар. Менимча, путёвкасиз кетишган. Аямни асаб-

лари бузилиб, бўлар-бўлмасга йиғлайдиган бўлиб қолгандилар. Бир айлантириб келаман, деб олиб кетдилар. Қайси томонга кетганларини билмайман. Телефон қилсалар, айтарман сизга.

Энди бухгалтер ҳам ташвишга тушиб қолади. Қаергадир телефон қиласди, ким биландир гаплашади. Хуллас, эртасига контрол-ревизия бошқармасидан одам келиб, кассани муҳрлайди-ю, ревизия бошлади. Кечкурун ёнбошига «Милиция» деб ёзилган машина Нурмат тоғани олиб кетади. Беш кунгача тоғани ана шу машинада олиб келиб, бухгалтерияга опкириб кетишар, кечкурун яна машинада олиб кетишарди. Олтинчи куни уни идорага опкелмай қўйишади. Тергов бошланганиш, деган гап чиқади. Йигирма кундан кейин тўлишиб, ранги тиникиб, раис сафардан қайтади. Район прокуратурасида уни тоғага юзма-юз килишади.

– Ўтган ойнинг йигирма еттинчи куни колхоз касири Нурмат тоғадан ўттиз минг сўм пул олганмисиз?  
– деб сўрайди терговчи.

Раис «ҳайрон бўлиб», бир терговчига, бир Нурмат тоғага қарайди.

– Қанақа ўттиз минг? Шунча пулни нима қиламан?  
Нега оламан?

Нурмат тоға у билан юзма-юз қилишганига севинганди. Раис пул олганини айтади, бу ишнинг хато бўлганини уларга тушунтиради, деган умид юрагининг бир чеккасида йилт этганди. Раиснинг жавобидан ҳанг-манг бўлиб қолади. Сапчиб ўрнидан туриб кетади.

– Ахир, куёвимга участка олиб бераман, пулим хотинимда эди... Индинга қайтариб бераман...

Терговчи унинг гапини бўлади:

— Ўтиринг! Рухсатимсиз гапиришни ман киламан. Хўш, – дейди у раисга, – демак, пул олганингизни инкор киласиз?

– Олган бўлсан, тилхатимни кўрсатсин! Шунча пулни тилхатсиз, хужжатсиз, гувоҳсиз бериб бўладими? Ахир, у ёш бола эмас-ку.

- Тилхат олганмисиз? – дейди терговчи тоғага.
- Йўқ.
- Нега?
- Бу одамга ишонардим.
- Тушунарли. – Терговчи бошини сарак-сарак қилиб, нималарнидир ёза бошлайди. Кейин: – Имзо чекинг, – деб тоғага бир варақ қофоз узатади.

Тоға гаранг эди. Кўзлари тиниб, қўли қалтираб, тергов қофози тагига имзо чекади.

– Тамом! Ревизия бошқа камомад тополмаган. Бошқа хужжатлар тўғри расмийлаштирилган. Ревизия материаллари билан сизни таништирганман. Бошқа саволим йўқ. Ишни энди судга ошираман. Агар терговнинг боришидан норози бўлсангиз, мана қофоз, бош терговчига арз қилишингиз мумкин. Раис, сизга рухсат, судда ҳам бир-икки марта безовта қилишади. Чакирув қофози олишингиз билан албатта келишингиз керак.

Раис, албатта, албатта, деб чиқиб кетади.

Йигирма кундан кейин суд бўлади. Тоғани камомад-чи сифатида ўн икки йилга хукм қилишади. Мол-мулки мусодара қилинадиган бўлади.

Шу билан умрини тинчгина, бир маромда ўтказаёт-ган одамнинг ҳаётида кескин бурилиш бўлади.

Бу орада уйидаги нарсалари мусодара қилинади. Ҳовлиси сотилади. Хотини битта тугунча билан уйдан

чикиб кетади. Шу кетганча қаёққа кетганини суриштирадиган одам бўлмайди. Ўн икки йил ўтиб кетиб, Нурмат тоға озиб-тўзиб, буқчайиб қайтиб келади. Уни илгари кўрганлар энди таниёлмайди. Қариган, соколлари оқариб кетган...

– Гаплашсанг, гаплари ҳам анчагина узук-юлук, – деди Мирвали. – Баъзан гапидан адашиб кетиб, сўраган нарсанг колиб, бошқа нарсани айтади. Савоб бўлар-ку, ҳам тоғ ҳавосида соғлиғи тикланар, деб шу ёкка олиб келдим. Шийпонни супуриб-сидириб юради. Орқа тарафга пича қовун эккан, селитрасиз. Тузоқ қўяди, бедана илиниб туради. Баъзи-баъзида ўзи билан ўзи сўзлашадиган одати бор. Қулоқ солсанг, бирон маъно чиқмайди. Нима деяётганини ўзи билса керак. Бир куни тогдан жуда чарчаб келдим-у, мана шу шийпон айвонидаги раскладушкага ётиб, магнитофон қўйдим. «Чоргоҳ»ни мириқиб эшита бошладим. Нурмат тоға шийпон зинасига ўтириб, қимиirlамай ашулани охиригача эшилди. Чўққиларни ўраган булутларга, пастликда эчкilar подаси кўтарган тўзонга тикилганча юм-юм ёш тўкарди. Ашула тингандан кейин ўрнидан турди-да, ёш тўла кўзлари билан менга қараб:

– Болам, мен боримда бу ашулани қўйманг, – деди.

У шундай деди-ю, шийпон орқасига ўтиб кетди. Орқасидан мен ҳам шийпон панаcига ўтдим. Тоға харсанг тош устида муштдек бўлиб ўтирап, қимиirlamas эди. Тоганинг дарди бедаво. Ичини куйдирган чўғ ўтсиз тутаб, бутун вужудини жизғанак қилаётгандек эди.

Толибжон бу гапларни жимгина эшитаркан, эрталабдан бери қўзига телба бўлиб кўринган тоға энди адолатсизлик, шафқатсизлик қурбони, ифлос, жирканч қўллар

ғижимлаб ташлаган аянчли бир кимса сифатида намоён бўлди.

Толибжон ҳаётнинг аёвсиз зарбаларига дуч келган, омадсиз ҳаёти каловлатиб қўйган, безовта асрнинг шиддаткор, сершовқин бўронларидан кочиб, тинчгина бир кунжи ковак излаган одам эди. Энди тоганинг кечмишини эшитиб, дунёда ундан ҳам чорасиз одамлар олдида ўз чорасизлиги ҳеч гап бўлмай қолганини билди.

Рацияда, ўртоқ Рихсиев, деган овоз тўхтовсиз эшитила бошлади. Мирвали трубкани қулоғига қўйиб қичқирди:

- Эшитаман, эшитаман. Гапиравер. Нима гап?
- Эшитяпсизми, ўртоқ Рихсиев. Эртага пионер лагеридан биринчи смена қайтади. Завгар автобус бермаяпти. Расулбексиз беролмайман, дейди. Расулбек меҳмон кутгани Шахрисабз аэропортига чиқиб кетган. Нима қилай?

- Гаражни менга улаб бер. Ўзим гаплашаман...

Рация анча пайтгача қитирлаб, гувиллаб турди. Кеийин хотинчалиш овоз келди:

- Гараж жужурниги эшитади...

## V

Нурмат тоға колхозда кассирлик пайтида кўп зиёфатларни кўрган, ноз-неъматларга тўла дастурхон безаб, қанча-қанча меҳмонларни кутган. Аммо Расулбекдақа дастурхон безайдиган мезбонни кўрмаган эди.

Какликлар ҳозир чўққига чиқиб кетган, на тузокқа илинади, на ўқ билан уриб бўлади. Хонадонлардаги ўргангандан какликлардан беш-олтитасини сотиб олиб дўлма

қилди. Төг райхони-ю жамбилларини қиймага қориб, какликнинг қорнига жойлаб, ип билан тикиб чиқди. Икки кун ичида тузоққа илинган беданаларни Нурмат тогага патини юлдириб, зирараб козонга бостириб қўйди. Эринмай пўстдумба қиртишлади. Ярим пақир олчанинг данагини ажратиб, холодильникка қўйди. Эрталаб сўйилган кўчкорнинг калла-почаси-ю ичакларини машинада уйга жўнатди. Шофёрдан ҳасип билан калла гўшти соат бешга тайёр бўлсин, деб қайта-қайта тайнинлади Бек.

Кун төг орқасига ўтиши билан столга дастурхон ёзиб, мева-чеваларни кўя бошлади. Ҳали у столни ясатиб улгурмаган ҳам эдик, чўпон йигит «Москвич»да тўрхалта тўла балиқ олиб келди. Балиқларни унинг ўзига тозалашни топшириб, бедана бостирган козонни газга қўйди.

– Сал дурустрок кийиниб олинг, сто восмойларга ўхшаб юрманг, меҳмонлар олдида, – деди.

Нурмат тоға қаддини ростлаб ўрнидан турди.

– Хотиржам бўл, Бек. Меҳмонларингни олдига бормайман.

– Тавба, бу одамга битта гап кам, иккита гап кўп. Жиними ўзи. Одамови, бу ярамас чол.

Шийпон олдидаги ялангликда иккита «Волга» оддинма-кетин келиб тўхтади. Ундан биринчи бўлиб ёши олтмишларга яқинлашиб қолган, оппоқ юзли, бағбақаси галстугининг тугуни устидан тошиб чиқкан, салобатли бир киши тушди.

– Оббо сен-эй, – деди меҳмон. – Зўр боласан-да.

– Шогирдингизман-да, Ҳожи ака, – Расулбек ялтокланиб, йўл бошлади.

Ҳожи ака билан область ва район сельхозтехника бирлашмаси бошликлари, райПО мудири ҳам келган.

У меҳмонларнинг қўлларига сув қўйиб, сочиқ тутди. Кейин стол устидаги докани очиб, ўтиришга таклиф килди.

Ҳожи ака ясатилган дастурхонга караб ҳайрон бўлиб колди.

Меҳмонлар ўтиришгач, Расулбек буғи чиқиб турган каклик дўлмани ўртага қўйди.

– Битта илтимос, – деди у айёrona кўз қисиб. – Ҳаммасини еб қўйманглар. Ҳали бундан зўрлари бор.

Ўртага кабоб келди. Пўстдумба келди. Охири бедана табака тортилди.

Угра кесишда дунёning бирон мамлакатида Шаҳрисабз билан Китоб пазандаларига тенг келадигани бўлмайди. Улар кесган уграни ғалтак ип ёнига қўйсангиз қайси бири ип, қайси бири угра – билиб бўлмайди.

Мана шу Расулбек ана шунақа уста пазандалардан бири эди.

Совхозга чет эл делегатлари келганда угра ичиб туриб, бу машинада қирқилганми, деб сўрашганди. Қўлда кесилганини айтишганда биронтаси ишонмаган.

Ўшанда Мирвалининг буйруғи билан Расулбек бир зувала хамир қориб, меҳмонлар олдида угра кесган. Кейин уградан биттасини олиб игнанинг тешигидан ўтказган эди.

Ҳожи ака ҳар гал таомни оғзига согланда Расулбек шаънига ҳамду санолар ўқирди.

– Вей, бу ҳунарни қайдан ўргангансан, палакат?!  
Жуда зўр экансан-ку!

– Ҳали шошманг, Ҳожи ака. Тоғ жилғасидан тутилған ойбалиқни еганмисиз? Емагансиз! Ана энди ейсиз. Чарвига ўраб димланган жигар еганмисиз? Емагансиз! Ҳали ҳасип бор, калла гүшти бор.

Ҳожи ака ёйилиб кулди.

– Бўқтириб ўлдирмоқчимисан?! Нафасим тиқилиб қолди. Энди жиндек дам бер. У ёқ-бу ёққа юриб овқатни ҳазм қиласайлик.

– Маъкул, маъкул. Ҳазми таом учун ҳам тадбир белгилаб қўйғанман. Ўзлари полизга бориб, тузоққа тушган беданаларни териб оладилар. Бунинг гашти бошқача бўлади. Нима дейсиз, маъкулми?

Ҳожи ака ёғли қўлларини сочиққа артиб, ўрнидан турди. У ичмас эди. Шунинг учун ҳам ҳамроҳлари, нокулай бўлмасин, деб шишаларга қўл урмай, одоб сақлаб ўтиришган эди, ўрниларидан қўзғалишмади. Ҳожи ака нари кетиши билан шишаларга қўл узатишиди.

Атроф жимжит. Кечки шаббода ғир-ғир эсади. Тоғнинг соя тарафи тўқяшил тусга кирган. Чўққиларнинг учи худди қилич дамидек чақнаб турибди. Шундок пастликда, худди оёғинг тагига узала тушгандек катта қишлоқ ястаниб ётибди. Қишлоқ ўртасидан кесиб ўтган сойнинг шовуллаши эшитилмас, фақат дараҳтзорлар, харсанглар орасидан буралиб-буралиб ўтиши ажиб бир манзара ҳосил қиласиди.

Расулбек Ҳожи акани шийпон орқасига, Нурмат тоғанинг чайласига бошларкан:

– Ху ўша қовун полизида тузоққа илинган беданалар сизга интизор бўлиб ётишибди, – деди.

– Бўлди, бўлди. У ёғини ўзим топиб оламан. Сен ишингни қиласавер.

Расулбек итоаткорона қўл ковуштириб, орқасига қайтди.

Ҳожи ака сўқмоқдан битта-битта босиб, полиз томон юра бошлади. Чайлада икки тиззасини қучоқлаб Нурмат тоға узокларга тикилганча қимирламай ўтиради. Ҳожи ака чайла олдидан ўтаркан, «омонмисиз, бобой» деб қўйди-ю, пайкал томон кетаверди.

Боядан бери кимирламай ўтирган Нурмат тоға фавқулодда бир ҳаяжон билан сесканди. Таниш овоз уни сергаклантириди. Пайкал томон кетаётган кишининг орқасидан тикилиб қолди.

Ўша, ўшанинг ўзи. Ҳожимурод бу. Нурмат тоға нима килишини билмай, беихтиёр ўрнидан турди. Бу пайт Ҳожи жўяклардаги лой тузокларга илинган беданалардан бир-иккитасини олиб қўйнига солиб улгурган, ажиб бир чаққонлик билан жўяқдан жўякка сакраб тузоқка энгашарди.

Нурмат тоға ундан кўз узмай туриб қолди. Нихоят, Ҳожининг шодон овози эшитилди:

– Бобой, битта халта келтиринг. Қўйним беданага тўлиб кетди. Питирлаб ғашимни келтиряпти.

Нурмат тоға ҳушёр тортди. Чайла устунига илиб қўйилган кўшоғиз милтиқни кўлга олди. Тиззасида бу-киб ўқлади. Кейин Ҳожи энгашиб бедана олаётган пайкалга келди.

– Халта келдирдингизми? – деди Ҳожи унга қарамай.  
– Ҳа, – деди тоға.

Ҳожи унга ўгирилиб қаради-ю, ҳанг-манг бўлиб қолди. Чолнинг кўлидаги милтиқнинг учи унга тўғриланган, икки кўзида ўт чакнарди. Ҳожи эсанкираб, ҳозиргина тузоқдан олган беданани қўйиб юборди. Бе-

дананинг биттаси Нурмат төғанинг олдидан пириллаб  
учиб ўтди.

Ҳожимурод қалт-қалт титрар, кўйнидаги беданалар  
питирларди.

— Мен сени қидирмадим, — деди босик, бўғик овоз  
 билан нурмат тоға. — жазоинингни ҳудо оерсин, деган-  
 дим. Йўқ, сен Худога ҳам чап бердинг. Ажал тортиб,  
 ўз оёғинг билан олдимга келдинг. Имон келтир... Имон  
 келтир. Ҳозир ўласан. Ал-қасос-ул-минал ҳақ, дейди-  
 лар.

Ҳожимуроднинг тили калимага келмасди. Нима де-  
 ишини, нима қилишини билмасди. Қаршисида милтиқ  
 ўқталиб турган одамга айтгулик бирон гапи йўқ эди. Ҳеч  
 қандай узр, ҳеч қандай илтижо уни шу топда ўлимдан  
 олиб қолмасди. Ҳожимурод шунча йил яшаб, шунча  
 чигириклардан бутун чикиб, бунақа танг аҳволга туш-  
 маган эди. Бирон кун келиб унга рўпара бўламан, деб  
 хаёлига ҳам келтирмаганди.

Колхоз оғизга тушган хўжаликлар, Ҳожимурод  
 эса пичоғи кескир раислар қаторида юарди. У рай-  
 ком секретари билан прокурордан бошқа раҳбарларни  
 раҳбар қаторида кўрмасди. Бошқаларни идора олдидаги  
 хужрада нон-чой билан кутиб юборарди.

Ҳожимурод жуда тадбиркор, ҳар иш қўлидан кела-  
 диган киши эди. Бухгалтериядами, омбордами бирон  
 чатоқлик бўлиб қолса, бирпасда тўғриларди. Келадиган  
 ревизорлар актни Ҳожимурод айтгандек қилиб ёзишар-  
 ди. Айниқса, гўшт топшириш пайтида иши роса «юри-  
 шарди». У кассадан ўн-ўн беш минг сўм олиб, ферма  
 мудири билан бозорга бориб мол харид қиласди. Мол-  
 лар машинага бозордан ортилганча тўппа-тўғри тайёр-

лов конторасига жўнатиларди. Ҳужжатлар эса беш ой олдин сотиб олинган, боқишига мунча ем, хашак кетди, деб расмийлаштириларди. Бу орада молни кўрмаган молбоқарга ҳам беш ойлик маош ёзиларди. Нурмат тоға кассир бўлгани учун бу ишларнинг барчасидан хабардор эди.

Мана, қанча вақт ўтиб, иккови яна юзма-юз келиб туришибди.

Ҳожимурод, чикмаган жондан умид, дегандек, чолни инсофга келтирмоқчи бўлди.

– Бола-чақамни уволига қоласиз, – деди у титраб-қақшаб.

– Мени бола-чақамнинг уволи нега сени тутмади? Йўқ, сени мазза қилиб, роҳат қилиб ўлдираман. Қани, ечин. Еч кўйлакларингни. Бўл. Ечинмасанг, ҳозир тепкини босаман.

Ҳожимурод шошиб кўйлагини еча бошлади. Этаклари тагидан бир гала бедана париллаб учиб чиқди-да, полиз этагига бориб тушди.

– Еч! Шимни ҳам еч. Еч деяпман!

Ҳожимурод бир сўз демай шимини ҳам ечди.

Нурмат тоға қўйнидан гугурт олиб унга ирғитди.

– Ёқ! Ёқиб юбор!

– Бу нима деганингиз? Ахир, яланғоч қайга бораман?

Тоға яна милтиқ учини унга тўғрилади.

– Қимиirlама! Энди сенга кийим-бошнинг керағи йўқ. Ўзлари кафанлаб кўмиб қўйишади.

Ҳожи шартта ўзини ерга отди. Эмаклаб у томон кела бошлади.

— Мени кечиринг. Кечиринг. Гуноҳларимни оқлайман. Ўша ўттиз минг сўмни тўлайман. Эллик минг қилиб тўлайман.

— Пулни-ку, тўлайсан. Сенга пул чўт эмас. Курбонлар умрини нима билан тўлайсан? Азоб-уқубатда йўқолган навқирон умримни нима билан тўлайсан? Сарсон-саргардон бўлиб, ўлиб кетган хотинимнинг умрини нима билан тўлайсан? Йўқ бўлиб, тўзиб, патарат топиб кетган оиласамга қанча ҳақ тўлайсан? Кийимларни ёқ. Бўлмаса, тепкини босаман.

Ҳожимурод чўккалаб ўтириб, кийимларини бир жойга тўплади. Қўллари қалтираб гугурт чақди. Уни кийимларига оборишдан олдин, раҳми келармикан, деб Нурмат тоғага зорли каради. Тоға милтиқ учи билан кийимларни кўрсатди. Шундан кейин Ҳожимурод ёниб турган гугурт чўпини кийимларига тутди. Гугурт чақилган кийим-бош анча вақтгача тутаб турган эди, шаббода эсиши билан лоп этиб гуриллаб ёниб кетди. Ҳожи худди ташлаган пўстига тикилган бешиктебратардек ёнаётган кийимларига маъюс қараб турарди.

Шийпон томондан маст йигитларнинг пойма-пой кўшиклари эшитилади.

Шу топда Нурмат тоғанинг ичидаги ўт ёнарди. Бу ўт аста ўрмалаб, унинг бутун вужудини қамраб олди. У нима қилаётганини, нималар деяётганини билмасди. Қархисида турган шу яланғоч одамдан даҳшатли ўчилиш истаги ҳукмронлик қиласди.

Ҳожимурод эса у билан учрашув, қачондир рўпара келиб қолиш тўғрисида сира ўйламаганди. Уни мутлақо унугиб юборганди. Тўғри, баъзи-баъзида Нурматни

Эмас, хотинини эслаб күярди. Ҳар гал эсига келганда этлари жимиirlаб, күzlари коронгилашиб кетарди.

Беш йил бўлди, хотини ҳам кўринмай қолди. Илгарилари у шаҳарда пайдо бўлиб қолар, соchlари тўзғиган бир қараашдаёқ телбалиги билиниб турадиган бу аёл ҳар куни эрталаб Ҳожимурод ишга кетадиган пайтда эшиги олдида кутиб туради. У кўриниши билан, қўлини қиблага чўзиб, узок дуойи бад қиласарди.

— Худоёх худовандо, шу одам хонавайрон бўлсин! Шу эшикдан лопиллаб тобутлар чиқсан! Э Худо, борлинг рост бўлса, шу одамни баҳтикаро қил! Умри хорликда, зорликда ўтсин, омин!

Ҳожимурод бу телбадан тезроқ қутулиш учун шошиб ўзини машинага урап, шофёр ҳам мотори гуриллаб турган машинани ўқдек учириб олиб кетарди. Хотин машина орқасидан тош отиб қоларди. Яна ўша этни жимирлатадиган қаргиш:

— Худоёх худовандо, шу одам хонавайрон бўлсин!

Шу топда Ҳожимуроднинг кўзига соchlари тўзғиган телба хотиннинг алам тўла кўzlари кўриниб кетди.

Хотин тўрт-беш кун уни қарғаб-қарғаб йўқ бўлиб кетарди. Орадан икки-уч ой ўтиб, яна пайдо бўлардидан, хумордан чиққунча қарғаб кетиб қоларди. Беш йилдан ошди, у келмай қўйди. Ҳожимурод аста-секин уни ҳам унутиб юборди. Аммо баъзи-баъзида эсига тушиб қолар, кўнгли алланечук бўлиб, уйқуси қочарди. Шундай кезларда қоқ яrim кечаси кўрпани елкага тортиб, босиб-босиб чекарди.

Офтоб ўчаётган маҳал икки одам бир-бирига бақамти келиб, чурқ этмай туради. Бирининг ичи тўла алам, дард. Бири эса бутун бир хонадонни вайрон қилган, энди

касос онлари келгандың тақдирға чап беріб бүлмаслигига ақли етиб, бу дунёдан умидини узиб, лолу хайрон тұрарди.

Нурмат тоға милтиқ учи билан, юр, деб ишора килди.  
Хожимурод кимиirlамади.

– Юр!

– Каекка?

Нурмат тоға жавоб ўрнига милтиқ учини унинг бөшиға тұғрилади. Хожимурод сәхрланғандек, ихтиерсиз орқасига тисарылды.

– Пастга қараб юр! – деб буюрди Нурмат тоға.

Нурмат тоға энди бу одам устидан мутлақо ҳоким эди. Энди бу одам унинг құлида. Ёт деса ётади, тур деса туради. Хожимуроднинг бу ночор ҳолати унга роҳат бағишлиарды. Ҳар бир қалтираш унинг күнглидаги аламларни томчима-томчи чиказиб юбораётганга үшшарди.

Улар шу алпозда дам тез, дам секин юриб пастликка тушишди. Хожимурод яланг оёқ, тошлардан юролмай қийналар, гоҳ оёқ учиды, гоҳ товони билан юриб холдан тойған эди.

– Менга қаранг, – деди Хожимурод. – Бүлди-да энди. Мендан нима истайсиз? Майли, пул керак бүлса, пул олинг, мол-мулк керак бүлса, майли, олинг. Энди бас, күйиб юборинг.

Нурмат тоға индамади. Юр, деб ишора килди. Хожимурод тошлардан сакраб-сакраб яна юрди. Улар ана шу алпозда юриб, тубсиз жарлық ёқасига келишди. Хожимурод энди ҳаётдан умидини узганды. Ҳозир бу ярамас жар ёқасида пешонамдан отади, жарга кулайман, үлигим бўриларга ем бўлади, деб ўйлади. Шарт бурилди-ю үзини Нурмат тоғанинг оёғи остига ташлади.

— Ёлвораман. Сабийларимга раҳм қилинг. Умрим бўйи қулингиз бўлай.

Унинг бу ёлворишилари Нурмат тоғага заррача таъсир қилмасди. У ўн беш йил саргардонликда хор-зор бўлиб, дийдаси қотиб кетганди. Унинг устига, хор-зорлигига, хотинининг телба бўлиб ўлиб кетишига сабабчи шу эди. Нурмат ундан шафқат тилаганда юзини ўгирган эди. Дунёдаги пасткашларнинг энг пасткаши шу тобда яланғоч, афтодаҳол бир алпозда қархисида турарди.

Офтоб учди. Тоғ ўнгирлари бир дам сукунатга чўмди. Чигирткалар ҳам чирилламас, гиёҳлар ҳам шитирламас, кўнгилни эзувчи, кўкракдан босувчи бир қоронфилик ҳоким эди. Одамлар айтган завол пайти шумикин?

— Жўна энди, — деб буюрди Нурмат тоға.

Ҳожимурод орқасига шошиб бурилган эди, Нурмат тоға жеркиб берди:

— Орқага энди йўл йўқ. Жарликка тушасан. Ўша тарафдан қаёққа йўл бўлса кетаверасан.

Жарлик ваҳимали эди. Ҳожимурод иккиланиб турмади. Нима бўлса ҳам унинг кўлидан кутулиш учун жар томонга туша бошлади.

— Орқага қайтмайсан. Шу ерда тонг отгунча ўтираман. Қайтдинг, отаман.

Ҳожимурод ўлимдан қочгандек ўзини ўнгирга урди. Оёқларининг қонаб кетишига қарамай, чағир тошларни босиб, харсанглар орқасига ўтиб кетди.

Ҳозир Нурмат тоға турган йўлдан бошқа орқага қайтадиган ёлғиз оёқ йўл йўқ эди.

Нурмат тоға ўжар, қайсар, жаҳлдор одам эди. Умуман, тоғликларнинг ўз ўжар қонунлари бўлади. Харсанг тошлардан уй тиклайдилар. Ҳар баҳор селлар уйларини

бузіб, вайрон қилиб кетади. Лекин табиат қанча ўжар бўлмасин, улар қайсаrlик билан яна кулба тикладилар. Бу ердаги эркинлик, кенглик кўнгилларга қанчалик эзгулик солмасин, барибир улар ўжарлик одатларини ташлаёлмайдилар. Бутун умрлари тошлар, селлар билан олишиб ўтади (наинки одамлар, ҳатто гиёхлар, дараҳтлар ҳам қайсаrlик билан табиатга ўчакишиб яшайдилар. Селлар дараҳтларни илдизи билан кўпориб ўнгирларга улоктиради. Лекин бу қайсаrl дараҳтлар илдизлари сувга тегиши билан, селларга ўчакишиб, яна япроқ ёзаверадилар). Тоза ҳаво, тошдан тошга урилиб пишиб тушадиган сув, ғубор кўнмаган гиёхлар, баланд чўққилларга ўрмалаб кетган ёлғиз оёқ йўллар кўнгилга аллақандай эзгу туйғулар солган. Улар дўстликни муқаддас тутадилар. Дўст учун, яхшилик учун жонларини ҳам аямайдилар.

Аммо...

Аммо хиёнат ўртага тушса, жон-жонининг аллақаерида яшириниб ётган ваҳший куч қалқиб юзага чиқади. Уни ҳеч қандай тўсиқ кайтара олмайди. Бу – тоғликлар удуми!

Нурмат тога ҳам ана шундай ваҳший куч ихтиёрида эди. У ўжарлик қилиб, алламаҳалгача йўл пойлаб ўтириди. Ой кўтарилиди. Чигирткалар тинимсиз чирилларди. Қайдадир бўри улиди. Осмони фалакдан қизил чироғи бир ўчиб-бир ёниб самолёт унсиз учиб ўтди. Ўзи йўқ бўлиб кетгандан кейин овози гуриллаб тогу тошни ларзага солди.

Нурмат тога орқага қайтаркан, шу ишим тўғри бўлдими, деб ўзига ўзи савол бермади. У ўтган умри, болалари, хотини олдидаги қарздан бироз бўлса ҳам узилган-

дек, ўзини енгил сезди. Калласига ҳеч нарса келмади. Ҳеч нарсаны ўйламади ҳам.

Ҳожимурод оркасига карамасди. Караса, Нурмат отиб ташлайдигандек эди. Ҳар минут, ҳар секунд ўқ узилишини кутарди. Ҳозир варанглаб ўқ отилади-ю Ҳожимуроднинг умрига якун ясади. Тоғу тошларда жасади бўриларга, шоқолларга ем бўлади.

У туғилиб, эсини танигандан буён қандай яшади, нималар қилди? Одамдек яшадими? Бирон дардмандга дармон бўлдими? Йиқилганни кўтариб кўйдими? Йифлаган етимнинг кўз ёшини артдими? Бирон мухтожнинг мушкулини осон қилдими?

Хаёлидан ўтган бу саволларга жавоб тополмади. Ўзини юпатиш учун хайрли ишларини эсламоқчи бўлди.

Маҳалла мачитига янги тобут ясатиб берди. Маҳалла ахли унинг бу ишини асқияга олди. Бирон одам қазо қиласа, Ҳожимуроднинг тобутини олиб чикинглар, деб унга эшилтириб пичинг киладиган бўлишди.

Йиқилиб бели синган опаси бир йил гипсланиб, касалхонада шифтга термилиб ётди. Ҳар гал эшик очилганда, укам келяпти, деб умидвор бўлди. Ана шу ногирон опаси оламдан ўтганда тобут олдига тушиб, «вой опам»лаб, кўз ёшини дарё килиб оқизди. Уч йил бўлди, не-не меҳрибончиликлар қилган опасининг қабри ғарип бўлиб, қовжираган ўтларга кўмилиб ётибди.

Ҳожимурод ўйлаб-ўйлаб, биронта қилган хайрли ишини тополмади. Кўз олдига одамларга килган жабри, ноҳақлиги келаверди.

Ногаҳон ўлим кутаётган одамнинг хаёлига нималар келмайди. Ҳозир ўқ узилади. Шу билан тамом!

үйи, болалари, орттирган давлати кўз олдига келди.  
Наҳотки, шуларнинг ҳаммасидан бир дақиқада маҳрум  
бўлса?!

Орқа томонда нимадир шитирлади. Тош думалаб  
карсиллади. Бу товуш унга худди кимдир милтиқ ўқла-  
ётгандек туюлди. Нурмат милтикни энди ўқлади, деб  
ўйлади Ҳожимурод.

Нурмат!

Ким у? Ҳожимурод унга нима ёмонлик қилган?

У ўзига ўзи беихтиёр шу саволни берди-ю, сесканди.  
Жавоб излашга юраги бетламади. Агар жавоб изласа,  
ўзидан ўзи нафратланиб кетади. У ўзини ўзи ёвуз деб  
аташга журъат қилолмасди. Начора. Бир дақиқадан ке-  
йин оламдан ўтади. Ҳеч бўлмаса, ўлими олдидан қилган  
гуноҳлари учун тавба қилиши керак-ку.

У Нурмат тоғанинг бошига кулфатлар солди. Ўт-  
тиз минг сўмга туширди. Қаматди. Уй-жойи мусодара  
бўлди. Қўлидаги боласи билан хотини уйдан ҳайдаб  
чиқарилди. Аламда ўртаниб, хотини телба бўлиб қолди.  
Нурматнинг ўзи умрини қамоқларда сарсон-саргар-  
донликда ўтказди. Энди умри тоғу тошларда девонавор  
ўтмоқда. Шуларнинг барига Ҳожимурод сабабчи. Пулга  
ўчлиги, ҳаромдан ҳазар қилмаслиги, мол-дунё, пул ол-  
дида ҳар қандай муқаддас нарсани оёқости қилишдан  
тоймаслиги сабаб бўлди.

Бу хато эмасди. Пасткашлик ҳам эмасди. Бу  
ваҳшийлик, жирканчлик эди!

Атрофни қоронгулик босди. Шу топда Ҳожи-  
муроднинг кўнгли ҳам, тоғу тошлар ҳам, тошлар ораси-  
дан қайнаб чиққан аждар мисол илдизлар ҳам қоп-кора  
эди.

Хожимурод тойиб йикилди. Осмон йўлини тўсган тоғлар тепасидаги ойнинг дока орқасига чироқ ёққандек ожиз шуъласи тарагиб келарди. Хожимурод, Нурмат мени ҳозир отади, ҳозир отиб ташлайди, деган хавотирда анчагина йўл юриб қўйганини сезмаганди. Нурмат тоғанинг қораси қўринмасди. Демак, Нурмат уни таъкиб қилмаган. Ўша жойда қолган.

Хожимурод ўлим хавфи чекинганини сезди-ю, бирдан бўшашиб, оёқ-қўлидан дармон кетди. Ерга тирагиб, ҳарчанд ўрнидан турмоқчи бўлади, кучи етмайди. Шу йиқилганича чалқанча ётиб, осмонга қаради. Кўзлари хира тортганидан юлдузлар бир-бирига чаплашиб кетгандек бўларди. Атроф ваҳимали эди. Қайдадир сой гувиллайди. Тепадан думалаган тош гувиллаб, пастликларга шағал сурив тушади. Яқингинада ёввойи мушукнинг этни жимиirlаштирадиган жуда хунук миёвлаши эшитилди. Ҳали у томонда, ҳали бу томонда унинг кўкимтирик кўзлари ёниб, ўчади. Одам оёғи тегмаган, фақат маҳлуклар маконида пайдо бўлган Хожимурод уларни безовта қилганга ўхшарди. Айниқса, гала-гала мушукларнинг бағиллаб миёвлаши, папирос чўғидек ўчиб-ёнаётган кўзлари Хожимуроднинг этини музлатиб юборарди.

Нима бўлса ҳам бу Худо қарғаган жойдан кетиши керак. Аммо қаёқка? Атроф тоғ, қоялар. Нажот йўли қайси томонда?

У тубсиз ўнгир оғзида қалтираб, қай тарафга боришни билмай, ҳайрон туради. Бу хил туришдан фойда йўқлигини билиб, боши оққан тарафга қараб кетмоқчи бўлди. Қовжираб қолган бута шохини куч билан синдириб, унга таянганча юқорига кўтарила бошлади.

Узокдан шуъла кўринди. Гулхандан қолган чўғлар бўлса керак, деб ўйлади. Энди у йўлни ўша тарафга караб олди. Шуъла узок эмас эди. Кимдир яқиндагина гулхан ёкиб, ўчирмай ташлаб кетганга ўхшайди. Катта харсанг тагида бир бўйра эни жойда чўғлари ҳали ҳам милтираб туради. Ҳожимурод энгashiб чўқقا тикилди. У чўқقا ўхшамасди. Қўлидаги таёқ билан чўғни титиб кўрди. Ажаб, таёқ тегиши биланоқ чўғларнинг ҳаммаси сўнди.

Ҳожимурод гулхан деб ўйлаган жой ялтироқ куртнинг уяси эди.

У мутлақо ҳолдан тойди. Юришга мадори қолмай, ясси това тошга узала тушиб ётиб олди. Пешонамга битгани шу экан, қандоқ қилай, деб тақдирга тан берди-ю, бошини тирсагига қўйиб кўзини юмди. Куни билан офтоб қиздирган тош ҳам иссиққина эди. Нимадир чиқиллаётганини эшитди. Нима бу? Соатми?

Ҳожимурод ҳали кийим-бошини ечганда соатини олмаган, ўз ташвиши билан бўлиб билагида соати борлигини сезмаган экан.

Ой ҳали унча баланд кўтарилимаган. Соатнинг фосфорли миллари неча бўлганини кўрсатиб турипди. Ўн иккидан ошипди.

Ҳожимурод иссиққина тошга ўтириб, беихтиёр мудрай бошлади. Юмшоқ тўшакларга ботиб ухлайдиган одамга яйдоқ тошда ётиш осон эмасди. У ҳали у ёнбошига, ҳали бу ёнбошига ағдариilar эди.

Жони узилган одамдек, тош бағридан ҳарорат кетди. Тонгга яқин баданни узиб оладиган музга айланди. Ҳожимурод қалтираб ўрнидан турди. Ҳаво салқин, муз-

дек эди. Ҳожимурод титраб-қақшаб юқорига чика бошлади. Гиёхларга тушган шудринг томчилари ҳам муздек.

Унинг боши айланиб, кўнгли беҳузур бўла бошлади. Кўзи тиниб, тепасидаги тоғлар гир-гир айланди. У муво- занатини йўқотиб, ёнбошига гурс этиб йиқилди.

Ана шундан кейин нималар бўлганини билмайди. Ёнбошига иссиқ ўтганда кўзини очди. Кимдир уни пўстинга ўраб гулхан ёнига ётқизиб қўйган эди.

Ҳожимурод қаердалигини, нималар бўлаётганини билмасди. Бошини кўтариб, атрофга қаради. Офтоб чараклаб, терак бўйи кўтарилиб қолган. Сон-саноқсиз оппоқ эчкилар тинмай маърашади. Олтмиш ёшлардаги серсоқол бир чол таёғига кўксини тираб, унга қараб турарди.

– Тирикмисан? – деди у ҳассадан кўксини узиб. – Кимсан ўзинғ?

Ҳожимурод елкасига пўстинни тортиб, унга ҳайрон қаради.

– Бу тарафларда шир ялангоч нима қилиб журибсан, широғим?

Ҳожимурод қуруқшаб қолган лабларини аранг жуфтлаб, жавоб берди:

– Қароқчилар талаб кетди, ота.

– Биз тарафларда қарақши жўқ эди-ку. Бу товларда игна ҳам жўқолмайди.

Эчкилар орасида ҳайт-ҳайт деб юрган йигитча чолнинг олдиға келди.

– Уловларни товга ҳайдайми?

– Шошма, болам. Манов меймонга томоқ бер.

Йигитча заранг товоқда эт олиб келди. Гулханда вакирлаб қайнаётган қумғонга чой ташлаб, белбогидан

суви қочган нон олиб, Ҳожимуроднинг олдига кўйди.  
Ҳожимурод ниҳоятда очиқсан эди. Ҳеч қаёққа  
қарамай, пишиллаб лунжига овқат тиқарди. Бир пасда  
заранг товоқдаги гўшт тугади. Янги дамланган чойни  
босиб-босиб ичди-ю, аъзойи бадани терга ботди.

– Энди не қилмоқшисан? – деди чўпон чол.

Ҳожимурод билагидаги соатни ечиб, дастурхон  
устига кўйди.

– Ота, илтимос, яна бир яхшилик қилинг. Мана  
шу соатни, яқин орада магазин бўлса, топшириб, ярим  
баҳосига олса ҳам майли, менга кийим-бош харид қилиб  
келинг. Уйимга яланғоч бормай.

Чол чўпон йигитга қаради.

– Улим, жўқ дема. Бир пусрмон боласи экан. Пат-па-  
тингни миниб, пастига тушиб чик. Шай ҳам тугаган. Туз  
ол, қанд ол. Гугурт олиш ҳам эсингдан чиқмасин.

Йигит ўтов орқасидан мотоцикл етаклаб чиқди-да,  
дастурхон устида ялтираб турган соатни олиб ҳавас би-  
лан тикилди.

– Зўр соат экан. Увол-ку, сотиш.

– Соат одамдан қимбат эмас, – деди чол. – Бор, мей-  
монни айтганини қил.

Йигитча мотоциклини патирлатиб, ёнбағир бўйлаб  
кетган ёлғиз оёқ йўлда бир зумда ғойиб бўлди. Мотор-  
нинг гуриллаши анча вақтгача эшитилиб турди.

Мотоцикл орқасидан юргурган ит тилини осилтириб  
қайтиб келди.

## VI

Бу жойларнинг тонглари қандок бўлишини Толиб-  
жон шу пайтгача билмаганди. Чўққининг нарёғи – Ки-

тоб томонларда аллақачон кун ёйилган, дала-тошда офтоб дәхқоннинг яғринини қиздирган маҳал, бу жойларда – Омонқўтон ўнгирларида ҳали кўр ойдинга ўхшаш нимқоронғулик ҳукм сурарди. Фақат осмон оппок. Тундан узилиб қолган қоронғулик аста-секин эриётгандага ўхшайди. Ажаб, бу пайтларда дараҳтларнинг сояси бўлмайди. Агар фотоаппаратда бирон ниманинг суратини олсанг, ҳеч нарса чиқмаса керак. Ахир, сурат соя билан нур бир-бирига йўл бермагандага пайдо бўлади.

Толибжон ана шундай пайтларда баланд бир тош тепасига чиқиб, олисларга тикилади. Паст-баландлар, бағрини ерга бериб ётган филга ўхшаш баҳайбат тошлар шаклини йўқотган. Илондек тўлғонган сой ҳам энди йўққа ўхшайди. Фақат гувиллаган овози эшитилади.

У рассом Ўрол Тансиқбоев асарлари нусхасини журналлардан қирқиб олиб сақларди. Чет элларда юрганда шу она юрт манзараларига узоқ-узоқ тикилиб, хаёлларга толарди. У шу топда қараб ўтирган манзаралар суратларда кўрганларига ўхшамасди. Бунда нур билан соя ўйини йўқ эди. Унинг бу кўраётганлари буюк кащфиётга ўхшарди. Шунча ёшга кириб, ҳали бу тўғрида сира ўйлаб кўрмаган экан. Энди у нур билан соянинг буюк қудратига имон келтирди.

Чўққилар устида бургут сокин сузарди. Тоғ орқасида бош кўтарган қуёш унинг қанотларида чақнайди. Гўё осмони фалакда бургут ёнаётганга ўхшайди.

Мана шу бургут офтобни чўққига тортиб чиқараётгандек эди. Ҳадемай бургут орқасидан қуёш чўққига чиқди. Чиқди-ю олам нурга тўлиб кетди. Азамат чинорлар пастликларга узун-узун соялар ташлади. Шудринг босган това-тошлар ялтиради. Тоғ ёнбағирлари худди

азамат тимсоҳ терисига ўхшаб кетди. Шаршаралардан сув эмас, нур тўқилаётгандек... Атрофдан кушларнинг чуғур-чугурию, олисларда чўпонларнинг ҳайт-хуйти эшитила бошлади.

Толибжон ҳар тонг ана шу манзараларни томоша килгани чикади. Тиник, чанг-ғубордан холи, шаффоф ҳаво, ҳеч қандай таърифга сифмайдиган кўринишлардан Толибжон хузур қиласиди.

Унинг таранг тортилган асабларига сокинлик ҳаловат, ором берарди. Толибжон ана шу жимжитликни қидириб келганди. Уни топди. Она юртидан, туғилиб ўсган сўқмоқларидан топди.

Сўқмоқ бошида жиянининг қораси кўринди.

– Тоғаааа! Катта энам чақиряптилар. Чойингизни ичармишсиз!

Толибжон ўрнидан туриб, юқорига чика бошлади. У энди сўқмоқдан чикқанида, жияни диканглаб чопиб кетди.

– Тоға, мени тутинг, тутиб бўпсиз!

Толибжон орқасидан югорди. Етолмади. Бола анча жойга бориб тўхтади.

– Етолмадингиз, етолмадингиз!

– Жиян, жуда чопағон экансан.

Толибжон тош девор оралиғидаги қийшайган эшикдан ичкарига кирди.

Болалар каттакон хом олма гирдига чўп тикиб, чарх-палак ясашибган экан, ариқчада пилдираб айланяпти. Этагини липпа уриб олган Зайнаб лой ўчоқ четига оёқ тираб сут пиширяпти. Куёв айвон устунига осиб қўйилган кафтдаккина ойнага қараб соқол оляпти.

Зайнаб ўчоқдан чўғларни тортиб, заранг чўмичда со-  
пол товоққа сут қуйиб Толибонга узатди.

– Ака, қайноққина, ичиб олинг.

Айвонда яқиндагина тандирдан узилган иккита кул-  
чани рўмолига ўраб ўтирган кампирнинг овози эшитил-  
ди:

– Ҳой, бола... Ичиб ол. Эрталабки соғилган сут-  
нинг ҳикмати кўп. Сен юрган юртларда сут толқонини  
сувга қориб беради дейишади. Бунақада сутнинг сут-  
лиги қоладими! Дарров ичиб ол, болам. Ҳалқумингни  
куйдириб-куйдириб ич. Асло томоқ оғриғи бўлмайсан.  
Шундоқ қил, болам.

Толибон тик турганча сут хўплай бошлади. У кўп  
йиллардан бери бунақа ширин сут ичмаганди. Кампир  
айтганча бор. У юрган юртларда порошок қилинган сут  
сотиларди. Таъми ҳам бошқача эди.

Ҳали болаларнинг ҳаммаси уйғонмаган. Кечкурун,  
тогам билан ётаман, деб хархаша қилгани чойшабга бур-  
каниб ухлаб ётиби. У кеча алламаҳалгача Толибон-  
нинг бўйнидан қучоқлаб: эртак айтинг, тағин айтинг,  
деб қўймаганди. Эртак ярмига келмаёқ пиш-пиш ухлаб  
қолганди. Зайнаб келиб, ўз ўрнига обориб ётқизганини  
ҳам билмаганди. Унинг ёнгинасида иштончанг бит-  
таси ўтирипди. У ҳали бет-қўлини ювмаёқ каттакон  
кунгабоқарни тимдалаб писта чақяпти. Ёстиқ, кўрпа-тў-  
шак усти писта пўчоқларига тўлиб кетган. У ҳар замон  
Толибонга қараб илжаяди. Толибон шу топда бориб,  
болани ўпиб-ўпиб олгиси келди.

Зайнаб бола тепасига келиб, уят-уят, деди.

– Ҳаммаёқни пўчоқ қилиб юборибсиз-ку, қани, тура  
қолинг, ўрнингизни йигиб олай, хўжайин!

Зайнаб шундай деб болани кўтарди, кўтарди-ю, иштонсиз орқасига беозор шапиллатиб урди.

– Боплабсиз-ку, хўжайин. Тоғангиз кўрса уят қилмайдими? Энди кул сепиб офтобда қуритиб оламизми?

Бола қилган иши гуноҳлигини билмай жилмайди. Бир чиройли жилмайди. Беғубор, ширин жилмайиш эди бу. Бу нораста, бегуноҳ гўдак жилмайиши эди. Зайнаб унинг қорнидан кўтариб, ариқ бўйига олиб кетаркан, юзларидан чўлп-чўлп ўпарди. У боланинг бай-байлашига қарамай, бақиртириб ариқда жилдираб оқаётган муздек сувда орқасини ювди. Бола бу «жабр-зулм»дан кутқаришни сўрагандек тоғасига умидвор қаради.

Ҳаммаёғи шалаббо болани кўтариб айвон томонга ўтаркан, Зайнаб акасига гап қотди:

– Бу киши шунақалар. Ҳар куни ахвол шу.

Айвонда ўтирган кампирнинг овози эшитилди:

– Ҳой, Зайнаб, сенга неча марта айтиш керак. Боланинг қовуғига қўчқор мойи суртиш керак. Нега айтганимни қилмайсан?

Зайнаб ҳали уйғонмаган яна бир боласини кўтариб айвонга обориб ётқизди. Кейин сўридаги ўринларни бир четга тахлаб, супуриб олди. Жой қилди. Толибжон онасини кўтариб сўрига опкелиб ўтқизди. Кампир рўмолига ўроғлик иссиқ нонни қўлидан қўймасди. Толибжон уни кўтарганда бутун вужудидан иссиқ, жизза солинган седанали нон ҳиди анқиб кетди.

Нонушта пайтида жанжал чиқди. Болалар тоғам билан ўтираман, деб хархаша бошлишди.

– Ҳой, тоғаларинг битта. Сенлар кўпсанлар. Қайси биттанг билан ўтиради.

– Мен билан, мен билан.

Иккитаси икки ёнига, биттаси тиззасига ўтириди. Жой тегмагани қовоқ-тумшуғи осилиб тескари қараб олди.

– Мен сизни тоға құлмайман. Сизни ёмон күраман. Дадамни тоға қиласаман.

Толибжон ҳузур қилиб кулди.

– Сенга самокат опкелиб берганман-ку.

– Керак эмас, керак эмас.

Толибжон охирин уни ўнг тиззасига олиб ўтиришга мажбур бўлди.

Кампир уларга танбех берарди:

– Хой, нега бунақа қиласанлар?! Тоғанг чойини ичип олсин.

Кампир рўмолини ечиб, жizzали нонни тимирскила-ниб ўғлининг олдига қўйди.

– Иссиққина еб ол. Атайн седана септирганман. Седана емаганингга ҳам кўп йиллар бўлгандир. Аксига олиб седана ўлгур бир отим носча қолган экан.

Хаммаёқни седана ҳиди тутиб кетди. Яна жанжал чиқди. Болалар тоғамнинг нонларидан еймиз, деб чувиллашди. Зайнаб бир чимдим-бир чимдимдан ушатиб, уларнинг кўлига берди.

– Энди қолганини тоғанг есинглар. Хўпми, оппоқ болаларим.

Йўқ, болалар талашиб-тортишиб нонни улоқ килишворди. Толибжон зўрға бир бурдагина еб қолди. Кампир яна гапга тушди:

– Кунда еган оч, йилда еган тўқ, деб шуни айтади-да. Жой, куёв тўра, Хартумнинг бозоридан бир қадоққина седана опкелиб беринг.

— Хўп, хўп, — деди куёв бўшаган пиёлани дастурхонга кўяр экан.

Куёв ниҳоятда камгап йигит эди. Тонг отгандан то нонушта тугагунча ундан чиқкан гап шу, кампирнинг седана олиб келинг, деганига жавоб, хўп, хўп, дегани бўлди.

У қачонлардир Тошкентда зооветеринария техникумida ўқиган, колхозга ветврач бўлиб келганди. Бу орада колхоз совхозга айланди, у ўша-ўша ветврач.

Илгарилари Усмонали дўхтирининг кўли-кўлига тегмасди. Ҳали мол фермасида, ҳали яйловга чиқиб кетган қўйлар сурвида, ҳали тоғда ўрмалаб юрган эчкилар орасида. Бора-бора совхозга битта ветврач камлик қилиб қолди. Ўттиз минг қўй, ўн икки минг қорамол, минг-минглаб эчкини битта ветврач эплаёлмасди. Бир тоққа чиқиб кетганича Усмонали ойлаб қолиб кетарди. Соч-соқоли ўсиб, қорайиб, озиб-тўзиб қайтиб келарди-ю икки кун ўтмай, яна Усмонали дўхтир керак бўлиб, чақириб кетишарди. Энди бунақа ветврачлардан тўртта. Зоналарга бўлиб олишган. Усмонали фақат эчкиларга қарайди. Ҳафтанинг беш кунини тоғда ўтказиб, икки кунгина уйда бўлади.

У уйдалик пайтида ҳовлининг кемтикларини тузатади, лой қориб деворларнинг нураган жойларини сувайди. Гувала қуйиб офтобга териб қўяди. У қуйган гувалаларда, албатта, болаларнинг оёқ излари бўлади. Бошқа йўл қуриб кетгандек, болалар атайлаб гувалани босиб ўтишади. Усмонали уларга индамасди. Босилган гувала тепасига келиб қараб турарди-да, бир илжайиб ўтиб кетарди. Арқонни елкага ташлаб, ўроқни олиб пастликка тушиб кетар, тушга яқин бурни ерга теккудек бўлиб

Ўт орқалаб чиқарди. Уларни ҳовлиниңг офтобру жойига ёйиб, яна пастликка тушиб кетарди.

Усмонали дўхтирик икки кун уйда бўлса, шу икки кун ҳеч ким унинг овозини эшитмасди. Баъзан тоқати тоқ бўлган Зайнаб аламини тўкиб соларди:

– Хой, менга қаранг. Уйда йўқ пайтингизда-ку, майли. Нега бор пайтингизда ҳам йўққа ўхшаб юрасиз? Ахир, шу колхоз ўлгурда ишлаганингизга йигирма йил бўлай деяпти. Қўл остингизда ишлайдиганлардан биттаси герой бўлди. Чўпонларнинг кўкраги орденга тўлиб кетди. Нега сизга биттагина медаль ҳам бермайди?!

Усмонали дўхтири бу гапга жавоб тополмай:

– Медални нима қиласман? – дейди.

– Нима қиласман эмиш! Сиз ишдан бошқа нарсани билмайсиз. Ҳозир давру даврон кимники, гап билганники. Мажлисда гапирадиганларники. Сиз миқ этмайсиз. Ҳеч мажлис-пажлисда гапирганмисиз?

Усмонали дўхтири яна бошини сарак-сарак қиласди.

– Гапириб нима қиласман?

– Уйда қандоқ бўлсангиз, ишингизда ҳам шундоқсиз. Одам тилини унутиб кўйгансиз. Моллар тилини биласиз.

– Хой, хой! – дейди кампир. – Оғзим бор деб ҳар гапни айтавермайди одам деган. Эркак одамни вазифаси топиб-тутиб келиш. Топганини уйга ташиса, рўзғорингда камчилигинг бўлмаса, болаларингни усти бут, қорни тўқ бўлса, яна нима керак сенга, болам?!

Кампир гапираётганда Усмоналиниңг юзи ёришиб кетади. Худди унинг ичидаги гапни айтаётгандек, бошини қимирлатиб туради.

Болаларнинг ҳам дадаси билан унчалик иши йўқ. Болалар эркалатмайдиган, ўйнатмайдиган кишиларга суй-

калишмайди. Келганда, дадам келди, деб севинишмайди ҳам, кетганда, кетди, деб куйишмайди ҳам. Усмонали тоғдан ёнғокми, дўланами, равочми орқалаб келганда, унга томон гур югуришади, холос. Тоғларда улар истаган конфетлар, тешик кулчалар, самокату велосипедлар бўлмасди. Болалар уни уйга овқат ташийдиган, уй ишини қиласидиган киши деб билишарди.

Шунинг учун ҳам Толибжонга болалар шундоккина ёпишиб колишган эди.

Усмонали дўхтири бугун тоққа кетади. Шу кетганча беш кун келмайди. Зайнаб тонг сахарда, акаси чиқиб кетаётганда тандирга ўт қалаётган эди. Беш-ўнта кулчани саватга солиб, шамолласин деб айвон шифтидаги илгакка осиб қўйди. Эрининг кийим-бошларини дазмоллаб, қийиққа тугди. Орасига совун, сочиқ солиб қўйди.

Эшик олдида ёнбошига «ВЕТВРАЧ» деб ёзилган «РАФ» автобусчаси тўхтаб, икки марта сигнал берди. Болалар гурра ўрниларидан туриб кўчага югуришди. Толибжон куёвини кузатиб чиққанда автобус ичи гижғиж бола эди. Ҳатто қўшни болалар ҳам чикиб олишган. Усмонали дўхтири кетиш олдидан гуноҳкорона илжайиб, деди:

— Сиз билан дурустгина гаплашолмадим. Хафа бўлманг, ўзим шунақаман. Тоққа чиқинг, зап чиройли жойларни кўрсатаман. Улуғбек эккан чинорни, юлдузларни кузатиш учун курдирган тош супани кўрсатаман. Шундоккина Омонқўтон ёнидаги сўқмоқдан борамиз.

Ичida болаларчувиллашаётган машина зарб билан кўзғалиб, икки четида қоядан қулаған тошлар саф тортган йўлдан гуриллаб кетди. Машина муюлишга келганда зарб билан тўхтади. Болалар бир-бирларини итариб

пастга тушишди. Улар күчани шовқинга тўлдириб, кувлашганча ким ўзар ўйнаб келишарди.

Акаларини излаб оstonага эмаклаб келган кенжা ўғил оғзидағи биттагина тишини қўрсатиб, Толибжонга талпинди. Толибжон худди капалакнинг қанотидан ушләётгандек авайлаб уни кўтарди. Бағрига илиққина теккан бола тани уни сескантиди. Вужуди титраб кетди.

Бу илиқ вужуд дунёнинг роҳатлари ичидаги ҳеч нарса-га тенг кўриб бўлмайдиган буюк бир роҳат эди.

Болалар терлаб, ҳансираб қайтиб келишди. Ёши каттароғи Толибжоннинг олдига келиб, давай, «зув, зувакам» ўйнаймиз, деб қолди.

– Бу қанақа ўйин? – деди ҳайрон бўлиб Толибжон.

– Ху анави тошгача нафас олмай «зув» деганча чопиб бориш. Боргунча ким нафас олса ютқизади.

– Бўпти, – деди Толибжон.

Ўртганча жияни унинг енгидан тортди.

– Ўйнаманг, тоға. Буни нафаси жуда узун. Элликта санагунингизча ҳам сув тагида туролади.

Бола шарт қўйди:

– Ким ютқазса, йигирмата ёнғоқ беради.

– Менда ёнғоқ йўқ. Ютқазсам нима қиласман?

– Белингиздаги қайишингизни берасиз. Бўптими?

– Бўпти, – деди Толибжон болаларча ўйинга қизиқиб.

Бола нафасини ичига узоқ ютиб, тош томонга «зув»лаганча югуриб кетди. У тошга етиб, шу «зув»лаганча яна қайтиб келди ҳамки, нафас олмасди.

Боланинг ранги оқариб, кўкраги ичига тортиб кетганди.

– Бўлди, бўлди, жиян. Энди навбат менга.

Толибжон ҳам нафасини ичига тортиб, тош томонга қараб югуриб кетди. Унинг «зув»лаганини болалар эшишиб туришарди. Толибжон тошга етмаёқ нафас олиб юборди. Болалар чувиллашиб, ютқаздингиз, ютқаздингиз, қайишни ечинг, дейишарди.

Толибжон белидан камарини ечиб, болага узатди. Бола камарни баланд кўтарганча чопиб кетди. Бошқалари кўчани чангитиб, унинг орқасидан югуришди. Кенжа жияни ҳам эмаклаганча уларга томон кафти билан тупроқли ерни тап-тап уриб борарди.

## VII

Толибжоннинг қиладиган иши йўқ. Эрталаб туриб тонг отишини томоша қилади. Қайтиб келиб онаси билан ўтган-кетганлардан гаплашади. Куни билан жиянларини эргаштириб, сой бўйларида айланади. Болаларга турли ўйинчоқлар ясад беради. Уларнинг телба-тескари гапларидан завқланиб, ўз болалигини эслайди.

Ишга ўрганган одамнинг бекор қолиши бир фожия эканини Толибжон энди билди. Шундай дикқат бўлган кунларнинг бирида Толибжон кечаси хонтахтага бағрини бериб, КПСС Марказий Комитетининг парткомиссиясига хат ёзди. Партия аъзоси бўла туриб биронта фойдали иш қилишига имкон беришмаётганини бирмабир ёзди. Китоб шаҳар почтасидан заказной қилиб жўнатди. Унинг бу хил кайфиятини кампир сезиб турарди. Толибжонни ёнига чақириб, бир гап айтди:

– Зерикиб қоляпсан, болам. Эрмакка бўлса ҳам бирон ишнинг бошини тутсанг бўларди. Бунака зерикиб ўтирсанг, бир кун эмас, бир кун яна дайдиб кетиб

қоласан. Шундан кўрқаман. Менинг ҳам беш кунлигим борми-йўқми, мени тупроққа қўйиб, кейин қаёққа кетсанг ўзинг биласан.

— Ҳеч қаёққа кетмайман, эна. Ота-онам ўтган ерларда яшамоқчиман, — деди Толибжон.

— Балли, болам. Шунча дарбадар кезганинг бўлади.

Толибжон қачондан бери айтолмай юрган гапни энди очик айтишга аҳд қилди.

— Тошкентда бир рўзғорга етадиган юким бор. Олиб келсам, дегандим. Бу жойга ўзларингиз сиғмай колибсиз. Мен қайга сиғаман. Шу атрофдан чоғроқ бўлса ҳам бир бошпана олсам, сизга якинроқ жойда яшасам дейман. Мирвали марказдан жой бераман, дейди. Менга ҳашаматли уйнинг кераги йўқ. Энди жўнгина умр кечирмоқчиман. Дабдабаларни кўриб бўлдим. Сиз қатори, кўни-кўшниларингиз қатори яшамоқчиман.

Унинг гапи кампирга маъқул келди.

— Шу, болам, Мирвалига жудаям элакишаверма. Қўли очик, дали-ғули бўлгани билан юртга маъқул келмайдиган қиликлари кўп. Унга қўшилиб сен ҳам бадном бўлиб қолма. Миш-мишларга қараганда, унинг қўли қонли, кўп одамнинг бошини еган. Гулдек қизларни баҳтсиз қилган. Рисолатнинг келинини йўлдан урган ҳам шу. Равшанбекнинг ғойиб бўлишида ҳам унинг қўли бор, деган гаплар юрипди. Эҳтиёт бўл! Ундан кўра ўзингни ўйла. Бирон мўмин-қобили учраса, бошингни икки қилиб олсаммикин?

— Йўқ, эна, — деди Толибжон. — Умримнинг буёғини якка ўтказмоқчиман. Хотиним билан ўғлимнинг хотираси мени ёлғиз қўймайди. Ҳамма вақт бирга.

— Ўзинг биласан. Қаришинг бор. Иссик-совуғинг бор, ётиш-туришинг бор. Ёнингда биттагина ҳамдаминг бўлса дегандим-да, яна ўзинг биласан. Қаріб боши ёстикка етганда хотин киши ҳар ерга сифиб кетаверади. Мана, мен сиғяпман-ку. Эркак қариганда ҳеч бир кунжি-ковакка сигмайди... Шу яқин ўртадан ҳовли оламан, дейсан. Қандок бўларкин? Ахир, бу уй, бу ҳовли отангдан қолган. Сенинг жойинг. Куёвга айтай, анави этакка том солсин. Сен ўз уйингга ўзинг эга бўл.

Толибjon онасиning сўзини қайтарди.

— Эна, бу гапингиз менга маъкул келмади. Бу уй Зайнабники. Шунча бола билан яна том солиш унга огирилик килади. Агар сиз рози бўлсангиз, ҳовли этагига икки хонали уй, бир айвони билан куриб, ўша ерда яшай. Сизни ҳам ўша уйга олиб ўтаман. Бирга яшаймиз.

Кампир жимиб қолди. Елкалари силкинарди-ю, кўзида ёш кўринмасди. Ажаб, кўрмайдиган кўзга ёш ҳам келмас экан.

Кампир эштилар-эштилмас пичирлади:

— Умрингдан барака топ, болам. Ўғил, ўғил экан. Шунинг учун ўғил туғилган уйда тўй бўлиб кетади. Бери кел, пешонангдан бир ўпид кўяй. Эзилиб адойи тамом бўлган энангга бошқатдан жон ато қилдинг.

Толибjon энгашиб, кампирнинг кўкрагига бош қўйди. Кампир унинг бошини силади. Елкаларини силади.

Толибjon жуда олисларда қолиб кетган гўдаклик йилларига қайтиб боргандек эди. Ўз онаси бағрида эркаланаётгандек эди.

Кампир уни бағридан қўйиб, тимирскиланиб чойнак қидира бошлади. Толибjon унга чой қўйиб узатди. Кампир бир-икки хўплаб пиёлани ёнига қўйди.

– Энди бундай қил, болам. Кийиксовди момомга бормаганимга ҳам кўп йиллар бўлиб кетди. Ҳар йили етти тангадан атаб, ташлаб кўйганман. Шу атаганларимни обориб, Кийиксовди момомни зиёрат қилиб кел. Биламан, сен янгича одамсан. Бунақа ишлардан ҳазар қиласан. Мен учун бор, болам. Беш-тўрт кундан бери даданг тушимга киряпти. Кийиксовди момом ҳам тушимга киряпти. Ўзим боролмайман. Оборсанг ҳам йўлига чидамайман. Ҳеч бўлмаса, мен бўлиб бор.

Толибжон, хўп, деди.

У Кийиксовди момо тўғрисида болалигида кўп афсоналар эшигдан. Узок-якиндан зиёратчилар келиб, жонлик сўйиб, тавоб қилишларини ҳам эшигдан. Аммо ўзи бориб кўрмаган эди.

Кенжа ўғлининг бўйнига сочиқ бойлаб, қайчи билан сочини олаётган Зайнаб гапга аралашди:

– Эна, билиб гапиряпсизми? Акам у ерга борсалар гап-сўзга қоладилар. Райком у ерга одам кўйган. Ким келса рўйхатга олиб ўтиради. Борманг, ака.

– Яхши одамни хотирласа нимаси ҳукуматга малол келаркан? Кийиксовди момом авлиё бўлмаса, чорёлардан биттаси бўлмаса...

Толибжон онасини юпатди:

– Бораман, эна, бораман...

Ўғлининг сочиқка тушган соchlарини туғиб, ичкарига опкириб кетаётган Зайнаб акасига, борманг, деб яна таъкидлади.

Зайнабнинг ташвишланишига асос бор эди. Яқинда ферма мудири Кийиксовдига бориб, эчки сўйиб қон чиқазгани учун партиядан ўчирилиб, ишдан олинган эди. Райком бир неча марта ғазаб қилиб келиб, Кийик-

совди мақбарасини бузиб ташламокчи бўлди. Кексалар уни отанг яхши, онанг яхши, деб зўрга қайтаришганди. Толибжон кечаси Кийиксовди афсонасини ўйлаб ётди.

Икки кўчманчи қабила ўртасига низо тушиб, омониз жанг бўлади.

Одамларнинг ноаҳилликларидан дили оғриган табиб кампир бош олиб тоғу тошларга чиқиб кетади. Мана шу Замбуруғ қоя тагида харсанг тошлардан ватан тикиб, одамлардан олисда танҳо яшай бошлайди.

Бу кимсасиз кампир ялангликка эрта баҳор ўзига етарлича қилиб буғдой сепаркан. Яна арпа сепаркан. Ҳосилни ўриб олгандан кейин қўл тегирмонда тортиб ун қилиб оларкан. Шундоққина эшиги тагидан оқадиган жилғада ғиж-ғиж балиқ сузиб юраркан. У гиёҳ териб, кундузлари хилма-хил дорилар тайёрларкан. Баъзан кечалари ҳам ой тўлган пайтда баргларнинг товланишига қараб, энг ноёб гиёҳларни топаркан. Тоғдаги паррандалару даррандалар унга ўрганиб қолишган экан. Илончаёнлар уни чақмас экан. Бўрилар унинг ёнидан bemalol ўтиб кетавераркан. Айиклар ҳам унга даф қилмас экан.

Тоғ ёнбағирларини қалин қор босган пайтларда кампир эшиги олдидағи охурга турли овқатлар тўкиб қўяркан. Ҳўраксиз қолган кийиклар шу ердан тамадди қилиб кетаркан. Эшиги очиқ қолган пайтларда какликлар уйнинг ичига bemalol кириб дон чўқийверар эканлар.

Бир томон ёнгоқзор, бир томонда пистазор... Кампир гўшт емас экан. Нон, ёнғоқ, жийдаю туршаклар, олмақоқилар унинг емаги экан.

У овчиларни ёмон кўрар экан. Кампирнинг қарғишидан кўрқиб овчилар бу томонларга келишмас экан. У

қарғаган одам ё майиб, ё бирон тузалмас дардга чалинади, деб ўйлашаркан. Унинг қулбасига узок-узок юртлардан табиблар келиб, у тайёрлаган дориларни олиб кетишаркан. Кампир улардан пул олмас экан. Улар кампирга туз, кийим-кечак опкелиб, дорига алмаштириб кетишаркан.

Мана шу кампир тонг сахарда тоғда гиёх териб юрса, ўнгирдан қандайдир ғалати овоз эшитилибди. Буталарни қайириб ўнгирга энгашиб қараса, бир кийик қопқонга тушиб, типирчилаётган эмиш. Жониворнинг қопқонга илинганига анча бўлган шекилли, у ҳолдан тойган, қопқон қисган оёғидан қон оқармиш. Кампир гиёх тўла саватини ўнгир четида қолдириб, пастга тушади. Куч билан қопқонни айириб, кийикнинг оёғини чиқазиб олади. Кийикнинг туришга мажоли йўқ эди. Кампир унинг у ёқ-бу ёғига қарайдию бирдан ғалати бўлиб кетади. Кийикнинг дўппайган қорни лип-лип учармиш. О, жонивор, ой-кунинг яқинга ўхшайди, деб ўйлабди кампир. У кийикнинг қорнини беозор силабди. Нимадир типирчилаётгандай бўлибди. Дока рўмол тагидан танғиган пешонабогини ечиб, кийикнинг ярадор оёғини тангиб bogлабди. Чўққида ялтираётган офтоб нури сирпаниб ўнгирга тушибди. Баданига иссиқ ўтган кийик силкиниб ўрнидан турибди-да, бир дам қимиirlамай, қоп-қора кўзларини кампирга тикиб, кейин аста-секин юриб ўнгирдан чиқиб кетибди. Кампир унинг кўзларида аллақандай миннатдорлик аломатини сезгандек бўлибди.

Кампир беш-ўн кунгача унинг кўзларини унотолмайди. Маъюс қоп-қора кўзлар нималарнидир ифода қилмоқчи бўлганди. Бу жониворнинг тили бўлсакӣ, айта

колса. Шу күзлар, шу бегуноҳ маъюс күзларда халоскор инсон боласига айтадиган аллақандай гап бор эди.

Орадан яна ўн кун ўтиб, кампир ўша кийикни сўкмокда ўт чимдид юрганида кўради. Энди у ёлғиз эмасди. Орқасида нимжонгина, юрганда титраб турадиган ингичка оёклари зўрга гавдасини кўтараётган кийикчаси бор эди.

– Ҳа, жонивор, кўз ёрибсан-ку! – дейди пичирлаб кампир.

Ҳамма кийик бир кийик. Уларни бир-биридан фарқ қилиш қийин. Кампир унинг ўша кийик эканини оёғига боғланган латтадан билади. Унинг ярадор оёғида ҳали ҳам пешонабоғ тангилганча турарди.

Кампир оёқ остида ўсган ўтдан сиқимиға сикқанча юлиб, кийик томон юра бошлайди.

– Ма, жонивор, ма! – Кийик ундан қочмайди. У тутган ўтга бўйини чўзиб келаверади.

Кампир уни бўйидан силайди. Тиз чўкиб оёғидаги латтани еча бошлайди. Кийик индамай туриб беради.

Эртасига кампир Замбуруғ чўқки йўлида бир отлиқнинг қорасини кўради. Ажаб, бу томонларга овчилар йўламас эди, бу ким бўлди экан, деб ўйлади кампир. Хуркиган кийиклар пастликка қараб кочади. Нотаниш кимса отига қамчи босиб, кийиклар орқасидан қувади. Бир ош пишгунча вақт орасида ўша отлик сўкмоқдан, эгар қошига кийик боласини ўнгариб, кампирга қарамай ўтиб кетади.

Кампир ҳанг-манг бўлиб колади. У ўзини бу ердаги жондорларнинг сокчиси, деб биларди. Мен борман, бу томонларга овчи йўламайди, деб ўйларди. Овчига эргашиб она кийик югуриб борарди. Елини тирсиллаб, тў-

лишиб кетганидан дуруст чополмасди. Орқа оёқларини кериб ўтириб қолади, сўнг кучаниб ўрнидан туради-юяна югуради. Энди отлик кетиб бўлган, сўқмок адоги чанг-тўзондан кўринмас эди.

Ўша куни то қоронғу тушгунча кийик йўлга қараб умидвор ётади. Саҳар пайти яна келади. Яна ўша томонга қараб ётаверади. Кампир унинг аҳволига чидаёлмайди. Ёнига боради. Кийик кўзларида юм-юм ёш билан унга маъюс боқади. Кампир унинг бўйини, елкаларини силайди. Аста шохидан тортиб, туришга ундейди. Кийик итоаткорона ўрнидан туриб, кампирга эргашади. Кийикнинг елинлари шишиб кетганди. Кампир уни эшик олдида қолдириб, ичкаридан пақир олиб чиқадида, чўкка тушганча пов-пов сога бошлайди. Ҳар гал кампирнинг бармоқлари елинига текканда кийикнинг баданлари дириллаб, териси лип-лип учарди. Бўғзидан қуиилиб чиқаётган хўрсиниқ кампирнинг елкаларига иссиқ тегарди.

– Ҳа, жонивор, оппоқ сутинг ўз болангга буюрмади-я!

Елини бўшаган кийик енгил тортиб, аста сўқмокқа қараб кета бошлайди. Кампир пақир тўла сутни тоғорага қуиб, кулба орқасига кўяди.

Айниқса, ёз ойлари кампирнинг юмушлари кўп бўларди. Ўт ўриб офтобга ёяр, куриганларини ғарамлаб томга босарди. Эртаги арпани ўриб, донини шопиради.

Тоғни қалин қор босиб, жониворлар емиши қор таѓида қолиб кетган паллаларда кампир томдан хашак олиб тушиб, уйи атрофига ёйиб ташлар, тўрт-беш бўйра эни қорни кураб ерни очарди. Унга дон сепиб ташларди. Оч қолган тоғ ҳайвонлари ана шу хашакларни егани ке-

лишарди. Какликлар, ёввойи кантарлар бир-бирларини хуркитиб дон чўқишарди.

Бу жониворлар кампирдан хуркишмасди. Унинг олдидада бемалол юраверишарди.

Кампир бўтқа тўла тоғорани сўқмоққа опчиқиб, ичига оғир тош ташлаб қўярди. Агар шундай қилмаса, ҳайвонлар овқат талашиб, тоғорани ағдариб юборишарди. Овқат исини туйган ёввойи мушуклар, шоқоллар ва бошқа ҳайвонлар бир зумда ёпирилиб келишардию, бўтқани еб, яна ғойиб бўлишарди.

Боласидан айрилган кийик ҳар тонг кампирнинг эшиги олдидаги пайдо бўларди. Кампир унинг елини бўшагунча тизиллатиб согиб оларди. Баъзан кунига икки мартадан келадиган пайтлари ҳам бўларди. Кампир уни силаб, жонивор, келавер, елининг тўлдими, олдимга келавер, деб соғиб, уни енгиллатарди.

Бу хил келишлар кийикка одат бўлиб қолади. То сутдан қолгунча келиб-кетиб юради. Кейин кун оралаб, ҳафта оралаб келадиган бўлади.

Бир куни тонг маҳали кампир ташқарига чиқса, икки кийик курт-курт хашак чайнаяпти. Улардан бирини кампир дарров таниди. Унинг олд ўнг оёғида териси шилиниб, жун ўсмай қолган жойи бор эди. Таниш кийик ёнида шохлари буралиб кетган бақувват кийик қочишни мўлжаллаб сергак турарди.

– Жониворгина-я, жуфт топибсан-ку, – дейди у овоз чиқазиб.

Кийик ундан чўчимайди. Жуфти тисарилиб, сал нари кетади.

Бутун қишлоқ кампирнинг кийик соғишини билиб олган эди. Баъзан у кийик согадиган маҳалда да-

рахтлар, тошлар орасидан караб туришарди. Бу атроф-дагилар ёввойи кийикни соққан одамни кўришмаган эди. Айниқса, кийикнинг ўзи тоғдан тушив, кампирга ўзини соғдириб, яна чўккиларга чиқиб кетиши ҳаммани хайрон колдиради.

Ана шундан кейин кампирнинг номи Кийиксовди онага, Кийиксовди момога айланган эди.

Кийиксовди момо салкам юз ёшда оламдан ўтади. Бутун қишлоқ мотам тутиб, уни ўзининг тош кулбаси ёнига кўмиб, сағана кўтаради.

Уни кўмаётганларида оломон тепасида кушлар фарёд уриб чиркиллаб айланадилар. Кийиклар олomonга яқин келиб, юм-юм кўз ёш тўқадилар. Айиклар тошлар устига чиқиб, ўкириб-ўкириб йиглайдилар.

Кушлар тоғлардан анвойи гул уругларини опкелиб қабр устига сепадилар. Эрта баҳор келиши билан қабр устида кимхобдек бўлиб гуллар очилади.

Кийиксовди момонинг қабри қадамжога айланади. Бу тоғларга келганлар унинг қабрини тавоб килмай кетмайдилар. Бу қабр яқинида овчилар ҳам ўқ чиқазмайдилар. Табиатнинг сокин ва лекин бениҳоя гўзал масканига турли томонлардан сўқмоклар очилади...

Бу афсонами, ҳакиқатми, Толибjon билмасди. Ёшлигига эшитганлари афсонадан кўра ҳакиқатга яқин эди. У олис юртларда юрган кезларида Кийиксовди момо воқеасини эслаб туради. Ҳар гал эслаганда коя тошлар куршовидаги кадрдон қишлоғини кўргандек бўларди. Қушларнинг чуғурини, булоклар жилғасининг шидирағанини эшитгандек бўларди. Кийиксовди момо афсонаси унинг таржимаи ҳоли билан қоришиб кетгандек эди.

\* \* \*

Катта Ўзбекистон тракти тоғ бурама йўлларидан ошиб, Китоб шаҳрини оралаб ўтади. Китобга етмай чап томонда катта йўл бор.

Бу жойда автобус кутган йўловчилар кўп бўлади. Улар Варганзе, Паландара, Ҳазрат Башир томонларнинг кишилари. Ўнг томонга кетган чоғроқ йўл Қоплонбоп қишлоғига элтади. У ёғига йўл йўқ. Фақат ёлғиз оёқ сўқмоқлар, холос.

Машина Ҳазрат Башир бурилишига келганда Толибжон кабина томини тапиллатиб урди. Шитоб билан келаётган машина тўхтади. Толибжон пасга сакраб тушдию чўнтағидан пул излай бошлади. То у пул чиқазиёнча шофёр моторга газ бериб, жўнаб қолди.

Қоплонбоп, шу ерликларнинг таърифи билан айланда, ер юзининг энг сўлим жойи. Самарқандда сарғон ҳарорати кирқ даражага чиққанда, Қоплонбоңда мутагадил – ўттиз беш даражада қимирламай туради.

Қоплонбоп аҳолиси ижтимоий фойдали ишлар билан деярли шуғулланишмасди. Шунинг учун ҳам район катталари на клуб, на маданий-маиший бинс курган. Теспасига «ОМЕХТА» деб ёзилган биттагина магазин бор, холос. Унда саноат моллари ҳам, озиқ-овқаг ҳам сотилиади. Ҳатто, велосипед билан китоб ҳам шу дўконда. Нархи туширилган моллар қаторида мини юбка билан хилма-хил ўлчамдаги чет эл сийнабандлари ҳам бор эди.

Ёз ойлари сайил бошланганда Зарафшон воҳасининг турли жойларидан келган одамларни учратиш мумкин. Ўша кезларда бозор қизирди. Ёймачилар кулфми, сичқон тутадиган қопқонми, изолентами, сақичми, чекичми, ипга ўтказилган ўрик мағзими, зирами – ёйиб ташла-

шарди. Улар ёзиб қўйган клеёнкада тўтиё, аччиқтош, қалампирмунчоқ, сурма, укпаргача бўларди. Бир томонда тўн бозори, бир томонда пичоқ, жун пайпоқ бозори, бир томонда дўппи, ранг бозори... Ранг бозори жуда гавжум бўларди. Тоғдан тушган чўпонлар ҳар қанча ранг бўлса, бирпасда талаб кетардилар.

Улар эчкилардан тараб олинган тивитларни, тиззагача чиқадиган пайпоқларни тўқийдиган жун ипларни бўяш учун ранг харид қиласдилар.

Бешик, беланчак, қиз сумак, ўғил сумак, ип ўрайдиган урчук, заранг чўмич, ўроқ бозори қозондек қайнарди.

Эҳ-ҳэ, Қоплонбоп бозорида нималар бўлмайди. Қарсиллатиб сақич чайнаган қизлар, самолёт тасвири туширилган чодир тешигидан калласини чиқазиб қўйиб суратга оладиган фоточилар... Бирига Кавказча бешмет кийдириб, бирининг елкасига ёғочдан ясалган бешотарни осиб қўйиб суратга олади. Ёш келин-куёвлар бир-бирларига бошларини тегизиб туриб, тилла тиши борлар кулиб туриб, қўл соати борлар кафтини иягига тираб туриб суратга тушадилар. Новвойларнинг қўли-қўлига тегмайди. Кабобпазлар олдида ёш-яланг ғужғон уради. Омонат чойхоналарда ошхўрларга қозон етишмайди. Қассоблар кунига нечталаб қўй сўйиб, етказишолмайди. Янги сўйилган қўйнинг гўшти совимай туриб талаш бўлиб кетади.

Толибжон Қоплонбопга кирмай, сўқмоққа чиқди. Олисда қишлоқнинг шовқини эшитилиб турарди. Бир неча жойда баробарига қўйилган магнитофонлардан ҳар хил қўшиқ тараляпти. Дорбоз киндикка келган бўлса керак, дўмбиранинг бир маромда дириллаши эшитилади. Бу шовқинларни карнайнинг ват-вати босиб кетади.

Толибжоннинг ёнгинасидан янги сўйилган қўйнинг ўп-  
касини судраб бир ит ўтиб кетди. Соч-соқоли ўсиб кет-  
ган ялангоёқ бир йигитни тўрт-беш киши, «ушла, ушла  
ўғрини!» деб қувлаб келарди. Ўғри Толибжонга рўпа-  
ра келишдан кўрқиб, сўқмоқдан ўнгга бурилдию сойга  
ўзини отди. Орқасидан қувиб келганлар пастга тушишга  
журъат қилолмай кирғоқда тўхтаб қолишиди. Милицио-  
нер хуштагини чуриллатганча колаверди. Ўғри сойнинг  
ҳар ер-ҳар ерида дўмбайиб турган хўл тошларга оёқ ти-  
раб, нариги кирғоқقا чиқиб, қўлидаги тугунни баланд  
кўтарди-ю, чап қўли билан киндигининг пастини кўр-  
сатиб масхара қилди. Кейин тошлар орқасига ўтиб йўқ  
бўлиб кетди. Қувиб келганлар уни сўкиб-сўкиб орқага  
қайтдилар.

Ёнма-ён ўсган, ҳар баҳор пиллачилар каллаклаб ке-  
тадиган кекса тут тагида беш-үн одам ўралашиб тури-  
шарди. Толибжон бунга унча аҳамият бермади. Яқин  
келганда уларнинг нимадандир дарғазаб бўлиб турган-  
ларини билди. Йўл четида бўғзига пичоқ тортилган бир  
буқача жон таслим қилаётган бўлса керак, орка оёғини  
ҳар замон бир ожиз силкитиб қўярди. Одамлар жим.  
Толибжон хайрон бўлиб бир буқачага, бир одамларга  
қаради. Ҳеч кимдан садо чиқмади. Толибжон тутга су-  
яниб афтодаҳол ўтирган хотинни кўрмаган экан. Унга  
кўзи тушди-ю, кўнгли алланечук бўлиб кетди. Озғин,  
ранги сарфайиб, юзига бемаҳал тушган ажинлар бу хоти-  
нининг дукатлик эканини билдириб турарди. Толиб-  
жон тинмай папирос тутатиб турган йигитдан сўради:

- Нима бўлди?
- Нима бўлганини кўрмаяпсизми, – деди йигит.
- Ўзани пайҳон қилади, деб директор бўғзига пичоқ

тортвортса бўладими! Невараси армиядан келишига сўймоқчи бўлиб боқиб юрган эди. Ноинсофликни қаранг-а!

Хотин индамас, жон таслим қилаётган буқачага маъюс қараб ўтиради. Кексароқ бир одам гап қотди:

– Нима иштаб анграйиб турибсанчар, кочи ~~ишиб~~ қолмай туриб саранжом қилиш керак. Қони ичидан қолса, гўштини еб бўладими?

Буқача бўғизлангандан кейин кўп уринган бўлса керак, жунлари тупроққа қоришган, йўл четлари, гиёхлар усти, хатто тутнинг бужур танасига ҳам қон сачраган эди.

Одамлар бири унинг оёғидан, бири шохидан судраб, тут тагига олиб келишди. Шоп мўйловли йигит белбоғига осилган қиндан пичоқ чиқариб, йўл четидан энгашиб тош танлай бошлади. Охири у истаган тошни топиб, бир туфладиу пичогини қайрашга тушди.

Одамларни хўп ранжитган бу «ноинсофлик» Мирвалининг иши эди.

Катта йўлда кетаётган Мирвали узоқдан ғўза пайкали ёқасида юрган молни кўради-ю машинасини шағал тўкилган йўлга буриб, тут олдига келади. Бир хотин тутга суюнганча ухлаб қолган. Буқачаси йўл четида ўт чимдиги юрибди.

Мирвали ухлаб қолган хотинни бир тепди. Хотин кўзини очиши билан тепасида газабга тўлган Мирвалини кўриб, дағ-дағ титрайди. Тепки еган жойининг оғришига қарамай, алам билан ўрнидан туриб, директорга тик қарайди.

– Нима гуноҳ қилдим, ярамас?

Кайфи бор Мирвали ғўза пайкали четида ўт чимди ўрган буқачани кўрсатади. Хотин мудраб қолганида аркон қўлидан чиқиб кетганини билади-ю, тили калимага келмай, ғулдираб қолади. Директор этигининг ўнжидан пичоқ чиқараётганида хотин қўлига ёпишади.

– Жон укам, ундан қилманг! Бола-чақангизнинг роҳатини кўринг! Бундай қилманг! Неварагинамнинг ағондан келишига атаб олганман.

– Ўн кун аввал шу буқачанг ғўза ичига кирганда армиядаги неварангни андиша қилиб кечиргандим.

– Ўшандан бери ғўзага кирмади. Арқонни ушлаб ўйл четида ўтлатяпман. Мудраб қолган эканман, аркон ўлгур қўлимдан чиқиб кетибди. Бари бир ғўзага кирмади. Киритмайман ҳам. Қандок қилай, дармоним йўқ, ўтирсан мудраб кетяпман.

– Мен сенга ўша куни нима дегандим? Бу ерда мол боқма, демаганмидим? – деди Мирвали ўдағайлаб.

– Бошқа қаёқда мол боқаман? Йўл четларидаги ўтларга дори сочиб ташлагансиз. Ўша ўтларни еб нечта мол ўлиб кетди.

– Бу мудрашинг бўлса, молинг албатта ғўзага киради. Яхиси унинг баҳридан ўтиш керак, – Директор юмшамади. Хотиннинг чиркиллаб турганига эътибор бермай, тут баргига интилган буқачанинг шохидан қайириб туриб, бўғзига пичоқ тортиб юборди. Бўғзидан повиллаб иссиқ қон отилаётган буқача ўйноқлаб, ўзини тут та-насига зарб билан урди. Шағал йўл устига отилиб тушди-ю, бошини ўнглаёлмай тутга урилар, тупроқ йўлга мункиб кетарди. Одамлар ўзларини четга олиб, телба бир алпоздаги молнинг азоб чекишига алам билан қараб туришарди.

Хотин Мирвалининг қаршисига келиб ёқасига чанг солмокчи бўлди. Мирвали қўлини қайириб ташлади. Хотин яна интилди.

– Худоё, у дунё, бу дунё икки юзинг қаро бўлсин! Урушда шахид бўлган эримнинг арвоҳи ёқангдан тутсин! Умринг қамоқларда ўтиб кетсин! – Шундай деб туриб у тиззалади-ю икки қўлини осмонга кўтарди. – Омин!

Мирвали ерга бир тупуриб машинасини гуриллатганча кетди.

Орқадан ғазаб билан қараб турган мўйловли йигит баланд овоз билан, даюс, деди. Кейин шундай гап айтганидан қўрқиб, ён-веридагиларга қаради. Улар, бу гапни сен айтмадинг, биз эшитмадик, дегандек, кўзларини олиб қочищди.

Толибжон ҳозир идорага бораман, бунақа инсофизлик қилгани учун Мирвалига каттиқ-қаттиқ гапираман, деган ниятда шахдам юриб совхоз маркази томонга қараб кетди.

Мирвали идорада йўқ эди.

Толибжон шофёрдан, ўзи қани, деб сўради. У бош кўтармай жавоб қилди:

– Дам олгани бокқа кириб кетдилар. Бирон соат ухлаб оладилар.

Толибжон уйғонгунча уни кутишга аҳд қилди. Дастьёр йигит чинор тагидаги дастурхон ёзилган столга патнисда у-бу қўйди. Чой олиб чиқиб, Толибжонни ўтиришга унади.

Мехмонхона бекаси – татар опой елкасига ип йигирадиган дастгоҳ қўйиб, бир этак тивит билан чинор та-

тига чиқди. Бир оздан кейин дастгоҳднг ари овозини эслатадиган товуши келди.

Толибжон чой хўпларкан, бояги шаҳидан анча тушгандек эди.

У ўрнидан туриб, беихтиёр татар опа иш йигираётган томонга юра бошлади, опанинг ишларига қараб турди. Опой қўлида бир сиқим тивит, бир ёғи билан чарх тепкисини босади. Пилдираб айланайтган урчук тивитни хўплаётгандек, ўзига тортиб ўтарди. Толибжон бу ишга шунчалик берилиб кетдики, опойнинг тепасига келганини ҳам билмай колди. Опой бош қутариб унга қаради.

– Ну, синга қизиқ што ли? – деди у хайрон бўлиб.

– Сиз ишингизни қиласверинг, опой. Бир оз томош қилай, – деди Толибжон.

Шу топда Толибжон болалигига онасининг чарх йигиришини эслади. Эчкидан тараф олинган тивитлараж тўпланиб қолганда, айвонга чарх олиб чиқиб, иш йигириади. Ўнг қўлида чарх айлантириб, чап қўлида урчукка тивит етказиб бериб туарди. Бу ҳам худди шундай. Факат бунда парракни тепки босиб айлантирилади.

Толибжоннинг миясига ярқ этиб бир фикр келди. Орқасига ўгирилиб, шофёрни излай бошлади. Шофёр бола қон сараган этикни тозалаб меҳмонхонага опкириб кетаётган эди.

– Мирзажон, боғдан битта вентилятор олиб чиқинг, – деди.

Ичкарига кириб кетган Мирзажон шнуруни судраб вентилятор олиб чиқди. Толибжон унинг қўлидан олиб, у ёқ-бу ёғига қаради-да:

– Отвёркангизни опкелиб, манави парракни чиқазиб ташланг, – деди.

Мирзажон ҳайрон бўлиб елкасини бир кисди-да, зум ўтмай багажникдан отвёрка, омбур келтириб бирпасда парракни чиқазиб олди. Толибжон опойнинг фартуғи чўнтағидан чикиб турган бўш урчуқлардан бирини сўраб олди. Шофёр билан иккови уриниб паррак ўрнига урчуқни ўрнатишиди. Ҳозиргина Толибжон овқатланган столни кўтариб чинор тагига олиб келишди. Толибжон вентилятор вилкасини розеткага тиқиши билан урчуқ пириллаб айлана кетди. Кўзлари кувончдан яшнаб кетган Толибжон ҳаяжон билан Мирзажонга қаради. У қойил, каллангизга қойил, Толиб ака, деб юборди. Уларнинг қилаётган ишларини кузатиб турган опой яқин келиб ҳайрон бўлиб қолди.

— Мана, опой, ишингизни осонлаштиридик. Қани, озроқ тивит олиб келинг-чи.

Опой тивит олиб келиб, лаби билан тивит учини хўллаб урчуқка ўради. Кейин вентилятор тугмасини босди. Урчуқ айланиб, унинг кўлидаги тивитларни ҳўплаб ўрай бошлади. Бир зумда қисим тўла тивит урчуқка ўрагиб бўлди.

Опой яна тивит олиб келди. Вентилятор урчуғи зум ўтмай уни ҳам ўраб ташлади. Улар учовлон бу ишга шунчалик берилиб кетишган эдикি, боғдан Мирвали чиққанини, келиб соатига қараб, битта урчуққа неча минутда ип ўралиб бўлишини кузатиб турганини сезмай қолишиди.

— Бу иш кимнинг калласидан чиқди?— деди Мирвали шофёрига қараб.

У боши билан Толибжонни кўрсатди.

— Каллангга қойилман. Ўқиган одамсан-да, калланг ишлайди. Биласанми, сен ҳозир нима ўйлаб топдинг?

Хазина топдинг, бирлашма учун миллионлаб пул топдинг!

Хўжаликларнинг санаб саноғига етиб бўлмайдиган оқ эчкилари бор. Улардан йилига бир марта тивит тараб олинар, икки марта жун киркиларди. Олтмиш тоннадан ортиқ тивитни бирлашма совхозлари лавлатга сотди. Мирвали ҳозир шу тик турганича хомчўт қилди: бу йил эчкилар сони икки баробар ошли. Эчки кўп тугадиган жонивор. Улардан тараб олинадиган тивитларнинг бир қисмини ип йигириш учун олиб қолса бўлади.

Мирвали дўстини багрига босиб, уни бошқалар учун берк боқقا судради. Иккови қофоз-қалам олиб ҳисоблашга тушиб кетишиди. У жуда тўғри, аниқ ҳисоб қиласарди.

– Менга қара. Қоплонбопдан совхозга сариқ чақалик фойда йўқ. Улар бизни эмиб ётишибди. Эркаклар эрта баҳорда кетиб, кеч кузда қайтиб келади. Хотинларнинг қиши билан қиладиган иши йўқ. У жойларга на экин экиб бўлади, на бир гиёҳ ўстириб. Нима дейсан, ўша ергаги қаровсиз ётган қассобхонани цехга айлантиrsак?! Мана шунаقا вентиляторлардан икки юзтасини олиб келиб, аёлларга ип йигиртиrsак... Хўш, қалай? Агар шу иш яхши натижа берса, рўмол тўқийдиган цех очамиз.

Шундай деб вентиляторда ип йигираётган опойнинг олдига чиқишиди.

– Менга қаранг, битта рўмолни неча кунда тўқиб битказасиз?

Опой бироз ўйланиб туриб, жавоб қилди:

– Ну, бўш вақтимга қорий. Сплошной заниматса исам, икки кунда бир рўмол бита.

– Битта шунаقا тивит рўмол бозорда неча пул туради?

— Чиялининг Жаҳон бозорида оқини икки юз ўттизга, корасини икки юзга соталар.

Мирвали яна қоғоз-қаламга ўзини урди.

Қоплонбоп билан дукатликларнинг итини ҳам туваги олтиндан бўлиб кетади. Эрлари ҳам дайдиб кетиб қолмай, бола бокадиган бўлиб қолади.

Опойдан бир соатда йигирган ипни кўрсатишни сўрашди.

Телефон жиринглади. АТС кизлари Тошкентдан телефон қилишганини, Соғлиқни саклаш министри Дехқонбодга кета туриб тўхтаб ўтмоқчи бўлганини айтди. Мирвали Толибжонга, ишинг бўлса эртага гаплашайлик, деди-ю шошиб идорага чиқиб кетди.

Толибжон гаражга телефон қилиб, бирорта бўш машина бўлса, Етимқишлоққа обориб ташласин, деб илтимос килди.

## VIII

Мирвали идорадан чиқиб машина кутиб турган эди, чинор тағида хаёл суриб ўтирган бир аёлга кўзи тушди. Аввалига у биронтаси ўтиргандир-да, деб қўя қолди. Умуман, унинг ҳозир тоғ йўлига чиқиб министрни кутиб олишга унчалик хоҳиши йўқдек эди. Министр шу йўлдан Сурхондарё томонга ўтиб кетади. Лекин унинг айтадиган гапи бор. Дукатликларнинг аризаси юзасидан гаплашмоқчи. Мирвалига қолса, умуман дукатликларни бу жойдан кўчириб юборса. Ҳаммаёққа касал тарқатади, бу маразлар. Илгарилари ҳам улар маҳсус медпункт, кичикроқ – йигирма-ўттиз ўринли касалхона қуриб беришни талаб қилишган. Шу тўғрида гап очган соғликни

сақлаш бўлими бошлиғини Мирвали қайриб гашланган эди. Мана, дукатликлар яна бош кўтариб қолишиди. Ариза ёзмаган жойи қолмаяпти. Редакциялар-ку, хатга тўлиб кетган. Аммо Мирвали унча-мунча амалдорларга сўзини бериб кўядиганлардан эмасди. У фақат биринчini тан олади. Биринчи эса уни ўғлим, деган. Шундок бўлгандан кейин ким унга тик кела олади?!

Чинор тагида ўтирган аёл ўрнидан туриб, бу томонга қаради. Мирвали уни таниди. Бу Жайронади.

Мирвали уни илгари бир кўрган. Бу қиз Тошкентда интуристда таржимон. Аввалги йили у совхозга араб аёллари делегациясини бошлаб келганди. Мирвали унинг қадди-коматига, сутга чайилгандек оппок юзи, зулукдек кошларига, чақнаб турган қўзларига боқиб, жинни бўлай деганди. Шу қизга ўзини ўқтам кўрсатиш учун, унинг эътиборини қозониш учун дастурхонга ноз-неъматларни тўкиб ташлаганди. Шу қизни деб делегациядаги аёлларнинг ҳаммасига қимматбаҳо совғалар берганди. У қизни четга чақириб, унга алоҳида совға тайёрланганини айтиб, меҳмонхонага олиб кирган. Чўнтағидан бриллиант қўзли зирак чиқазиб, бу сизга, бошқалар кўрмасин, деб тайинлаган. Қиз харчанд йўқ деса ҳам қўймай, зиракни сумкасига солиб қўйган эди.

Ташқарига чиқишиди. Араб аёллари патнисни тапиллатиб уриб раксга тушишарди. Мирвали Жайронани билагидан ушлаб, даврага тортди. Қиз бояги совғадан қувонганиданми, ё ўзи шунака шўх, қувноқми, хар қалай, қуймучи устидан шол рўмол бойлаб, бир раксга тушиб кетдики... У белидан пастгини силкитиб ўйнаганда, араб аёллари ҳам четга чиқиб қолишиди. Мирвалининг назаридага даврада бел силкитиб ўйнаётган Жайронада, араб аёллари ҳам четга чиқиб қолишиди.

на унга икки-уч марта миннатдор илжайиб қўйгандек бўлди.

Ўша куни делегация аъзолари совхоз боғида тунаб қолишиди.

Мирвали Жайронадан бир нафасгина боғда сайд қилишни сўради. Қиз ҳам йўқ демади. Иккови чироғи ўчирилган боғда алла-паллагача гаплашиб айланиб юришиди. Жайрона очиққина қиз экан. Улар қайтиб келишганда ҳаммаёқ жимжит, ошпаз ҳам, меҳмонлар ҳам донг қотиб ухлашарди. Мирвали бир қадаҳдан коњяк ичишни таклиф қилди. Қиз бош чайқади.

– Келинг, Жайрона, бундан кейин кўришамизми-йўқми. Шу учрашувимиз учун, шу ойдин кеча учун, шу қаймоқдек тоғ ҳавоси учун биттадан ичайлик.

Жайрона унинг гапини қайтаролмади. Қархисида қадаҳ ушлаб, ёлвориб турган йигит республиканинг энг атоқли, энг ўқтам, пичоги кескир, қўли узун кишиларидан эди. Кўксида Олий Совет депутатлиги нишони, «Олтин Юлдуз». Жайрона қадаҳни қўлига олиб, сиз учун, танишганимиз учун, деди. Икковлари ичиб юборишиди. Мирвали яна қадаҳларга қўйди.

– Энди бўлди, – деди Жайрона. – Буёғи ортиқчалик қилади, Мирвали ака.

– Ундей эмас, сиз мен учун ичдингиз. Аслида, мен сиз учун ичишим керак эди. Келинг, сиз учун ичайлик. Она Ўзбекистонимизда бир бекиёс қиз борлиги учун, ўша бекиёс гўзал қиз – сиз эканлигингиз учун, мендек бир бенаво, нотавон, тоғу тошларда санқиб юрган дайди йигитга сиз билан ёнма-ён туриш баҳти насиб қилгани учун кўтарамиз.

Мирвали гапираётгандың күйкириб кулар, э, оширвордингиз-ку, деб ожизгина эътиroz билдириб турарди. Ичиб юбориши. Мирвали шундан кейин уни күлтиклаб, ой ишкомлар орасига парча-парча оқ нур тўкиб турган йўлдан юриб кетиши. Узокдан Мирвалининг нималардир деяётгани, қизнинг бемалол кийкириб кулаётгани эшитилиб туради.

Тухум қилмайдиган товуқка дон бермайман, дейдиган Мирвали ўша оқшом доғда қолди. Бу қиз у сепган донни чўкиб қочганди.

Ўшандан бери Мирвали Жайронани кўрмади. Нечар марта кўриш истагида Тошкентга борганда интуристга кирди, аммо уни учратолмади. Бир борганида уни Японияда, яна бир борганида Лондонда, дейиши. Мана, ҳозир у ўз оёги билан бу ерларга келиб турибди.

Жайронана Мирвалини кўриб, ёнига кела бошлади. Мирвали ҳам беихтиёр у томонга бир-икки қадам ташлади.

– Э, бахайр, келинг, келинг... – Мирвали бошқа гап тополмай, унга маҳлиё бўлганча туриб қолди.

Шу ўтган икки йил орасида Жайронана яна тўлишибди. Қарашлари мастона. Унинг тўлғаниб келаётган гавдасида эркак зотини довдиратадиган аллақандай бир сехр бор эди.

– Келинг, келинг, – деди яна Мирвали. – Биз томонларга қайси шамол учирди?

Жайронанинг келганига анча бўлган, шекилли, ҳорғин кўринарди.

– У камдан хабар олгани келгандим, – деди у паст овозда.

Мирвали ҳайрон бўлди. Укаси бу ерда нима қиласиди?!

– Укам университетнинг геология факультетида ўқийди. Бир ярим ойдан бери шу тоғларда...

– Э, бўлди, бўлди, – деди Мирвали. – Улар тоғда дайдиб юришибди. Қачон келдингиз? Самолётдами, поезддами?

– Автобусда, – деб жавоб берди Жайрона.

– Уни қаранг-а! Жуда чарчагандирсиз? Укангиз узоқ-да. Тоғлар орасида. Яхшиям менга йўлиқдингиз, бўлмасам, у томонларга боролмай сарсон бўлардингиз. Бугун ўнг ёнбошингиз билан турган экансиз.

Ювиб, яхшилаб артилган оппоқ «Волга» улар ёнига келиб тўхтади. Одатда, Мирвали «Жигули», «Нива» машиналарида юрарди. «Волга»ни фақат Тошкентдан келадиган меҳмонларни кутгани чиқсанда юргизарди. Бугун Соғлиқни сақлаш министрини кутиш учун шофёрига атайнин «Волга»ни тайёрлашни буюрган эди. Мирвалининг фикри бузилди. Ичига шайтон кирди. Ўз оёғи билан келган ўлжани қўлдан чиқазмайман энди, дедиу, машинадан тушиб, унга илҳақ бўлиб турган шофёрига юзланди:

– Меҳмон кутишга бошқа машина чиқади. Сен манави синглимни Марジョンсойга ташлаб келасан.

Мирвали шофёри четга чақириб: «Жуда ҳам тез юрма. Мени Майдонтол олдида кутиб тур. Орқа пардани тушириб қўй. Тушундингми? – Кейин у кабинага чикаётган Жайронага эшигтириб: – Магнитофонга яхши ленталарни қўйиб, зериктирмай олиб кет», деди.

Мирвалининг юраги дукиллаб уради. Гўё унинг бутун ўй-хаёллари ҳозиргина жойидан қўзгалган машинада кетгандек эди. У эсини йиғиб, орқасига қайтди-ю, телефон олдида чой хўплаб ўтирган навбатчига нимадир

деди. Кейин телефон трубкасини олиб, боғни улашни буюрди.

— «Нива»ни боққа олиб кир. Абдулазизга айтаман, у-бу солиб қўяди. Орқага икки канистр бензин ташлаб кўй. Ҳозир ўзим боққа ўтаман.

Мирвали идорани айланиб, боғ томон кетди. Боғ жимжит эди. Ошхонада кечки овқатга тайёргарлик кўраётган ошпазни, Аблаз, деб чакирди.

Абдулазиз қўлларини фартуғига арта-арта югуриб чиқди. У, директор меҳмонни бошлаб келди, деб ўйлаган бўлса керак, андак саросимада эди. Унинг бу ҳолатини Мирвали сезди.

— Меҳмон бу ерга келмайди. Бошқа жойда кутадиган бўлдим. Нимаики пишган нарсанг бўлса, Расулбекнинг машинасига бос. Аяма, мўлроқ бўлсин.

Бу пайт Расулбекнинг «Жигули»си ҳовуз олдига келиб тўхтаган эди. Расулбек билан Абдулазиз коробкаларга жойланган нарсаларни «Нива»га таший бошладилар.

Унгача Мирвали меҳмонхонага кириб, «Олтин Юлдуз» ва депутатлик нишони қадалган костюмини кийиб, ўзига оро бериб чиқди.

— Бўлдингларми? — деди у амирона. — Анавундан бир-икки шиша ташлаб кўйдингларми?

Абдулазиз, хотиржам бўлинг, дегандек қўз қисиб қўйди. Шофёр рулга ўзим ўтираман, деб ўйлаган экан, «Нива» кабинасига кириб, буйруқ кута бошлади. Мирвали унинг ёнига келиб, туш, ўзим минаман, деди. Шофёр ҳафсаласи пир бўлиб пастга тушди. Мирвали кетар олдидан:

– Коммутатордаги қизларга айтиб күй, мени ким сұраса, эрталаб жун қирқимига чиқиб кетган, қачон қайтишини билмайман, десин, – деб тайинлади. – Ия, зарур гап эсдан чиқибди-ку, телефонни олиб кел!

Телефон шнури узун, ўн-ўн беш метр келарди. Абдулазиз югуриб бориб телефонни күтариб келди. Икки кафти билан ушлаб, кабинада ўтирган Мирвалининг трубкани олишини кутди. У трубкани күтариб, Турғуновни ула, деб буюрди. Бироздан кейин: «Менга қара, мен министрни кутгани чиқмайман. Ўзинг чиқ. Ҳозироқ йўлга туш. У нима деса, директор билади, албатта, айтаман, деявер, бўптими. У ёғини ўзинг келишиширасан. Мен тоқقا чиқиб кетдим», деди.

Трубкани шақиллатиб ташлади-ю, моторга газ берди.

Майдонтолга бурилганда узокда оқ «Волга»га кўзи тушди. Демак, кутишяпти. Унинг юраги дукиллаб ура бошлади. Тезрок етиб бора қолса-ю тенги йўқ, бекиёс гўзал қизнинг ёнгинасида ўтиrsa. У газ педалини охиригача босди. Машина гўё ҳавога қўтарилиш олдидан тезлик олаётган самолётга ўхшарди, фидираклари ердан узилиб яна тушар, яна ердан узилиб худди ҳавода сузаётгандек бўларди. Мирвали «Волга» яқинига борганда бирдан тормоз берди. Машина тошу шағалларни анча жойгача сурив бориб, ғийқиллаб тўхтади. У пастга тушиб машина моторини титкилаётган шофёридан сўради:

– Нима гап?

– Тортмаяпти, – деди шофёр. – Нима бўлганини биломаяпман.

Мирвали уни жеркиб ташлади:

— Сенга неча марта айтганман, трамблёрни алмаштириб ол, деб. Бу ахволда тепага тортолмайди. Яхшиям келганим, бўлмаса қолиб кетаркансизлар, — у шундай деб, узр сўрагандек, орка ўриндиқда ўтирган Жайронага қараб олди. — Сен қайтиб кетавер, ўзим обориб қўяман. Расулбекнинг машинаси ўтмадими? — деб сўради Мирвали.

— Ўтди, мунча ҳовлиқади-я, шунақаям чангитдики, йўлни кўролмай қолдим. Икки-уч минут чанг босилишини кутиб тўхтаб турдим.

Шофёр изза бўлган бир алпозда багажникдан пакетларни олиб, «Нива»нинг орқасига эҳтиётлаб қўйди. Жайронанинг ранги оқариб кетган, гапиришга ҳам мадори йўқ эди. У эрталаб нонушта қилганича туз тотмаган эди. Мирвали унинг ахволини кўриб, дарров пайқади.

— Очиқсанга ўхшайсиз. Ўтилинг, сал юриб, овқатланиб оламиз.

Жайронага машинага чиқди. Мирвали моторга аста газ берди. «Нива» тоғ томонга бир текис ўрмалаб борарди. Тераклар қуршовидаги сайҳонлик кўринди. Мирвали машинани тўхтатиб, юхонадан букланадиган стол ва икки стулча олиб ўрнатди. Кейин боя Абдулазиз олиб чиқсан кастрюльканни столга қўйди. Сумкадан нон, қошиқ ва санчқиларни чиқазиб, бирпасда дастурхон тузади.

— Қани, Жайронахон, бир тамадди қилиб олайлик.

Жайронага ортиқча илтифот кутмай келиб ўтиреди. Кастрюлькадан тарелкага сузилган қовурмадан ҳовур чиқиб турарди. Жайронага, олинг-олингни кутмай, ея бошлиди.

— Китдек-қитдек қиласизми, а? — деди Мирвали.

Жайрона бош чайқади.

– Келинг, озрок, йўл азобини босиш учун.

У шундай деб, машина юкхонасидан бир шиша арман конъяги ва иккита пиёла олиб столга қўйди.

– Қани, ўзингиз очасизми, ё ўзим очиб берайми?

Жайрона нима дейишини билмай, оғзида овқат билан унга ҳайрон қараб туради. Мирвали шишани олиб, оғзидаги зар қопқоғини чиқарди-да, қулқуллатиб икки пиёлани тўлдирди.

– Вой, мен бунча ичолмайман, ака.

– Кўнглингиз кўтарганича-да, синглим, – деди унинг бўш келганидан дадилланиб Мирвали.

Уни қўярда-қўймай икки-уч бўлиб ичириди.

– Ана энди чарчоқ ҳам унутилади, иштаҳа ҳам очилади.

Унинг гапи тўғри чиқди. Жайронанинг чарчоғи босилгандек бўлди. У тўйиб қовурдок еб олгандан кеин, шиша тагига бостириб қўйган салфетка қоғозга қўлларини, лабларини артиб ўрнидан турди.

– Кечирасиз-да, бу қиз мунча очофат экан, деб ўйлагандирсиз? Жуда очиккан эдим. Қорним тўйиб, энди уяляпман.

Жайрона институтни қизил диплом билан битириб, уч-тўрт йил чет элларда ишлаб келди. Араб, инглиз, форс тилларини худди ўз она тилидек яхши билади. У туристик саёҳатларда таржимон бўлиб, кўп мамлакатларни кезган. Тортинчоқлик, ийманиб ўтириш унга бегона эди. Европаликларнинг кўп киликлари унга шундоққина ўтиб қўя колганди. У чет эл туристларини Самарқандгами, Бухорогами олиб борганда уларга қўшилиб тиззадан юқори шортик кийиб олар, орқаси

ботик креслоларда оёгини чалиштириб ўтираверарди. Буни у уят санамасди. Мирвали унинг хипча бели, оппок томоқларига сукланиб қаар, қиз эса унинг бу қараашларига парво қилмасди. Чунки у йигитларнинг бу хил қараашларига ўрганиб кетган эди.

Теракзор орқасидан сой оқарди. Мирвали уни қўлтиқлаб, ўша томонга бошлади.

– Мана, қаранг, шунақа тиник сувни кўрганмисиз? Йўк, йўк, яхшилаб қаранг, нимани кўряпсиз? Балиқларни кўряпсизми?

Сойда оқимга қарши бир қарич, бир ярим қарич катталиқдаги балиқлар пилдираб сузишарди.

Улар балиқларни томоша қилгани пастга тушишди. Жайронা тошга қоқилиб кетмасин, деб Мирвали уни белидан ушлаб олган эди.

– Ия, бу маринка балиғи-ку!

– Ҳа, – деди Мирвали. – Уни Ойбалиқ деймиз. Ранги ҳам ой рангида. Олиб ерга ташлаб қўйсангиз, ярим доира бўлиб питирлайди. Худди бир тилим ойга ўхшайди.

Мирвали балиқ тутмоқчи бўлиб, иккита тошга оёгини тираб энгашди. Оралиқдан беозор сузиб ўтаётган балиқларга чанг солди. Тутолмади. Жайронা, тутолмадингиз, тутолмадингиз, деб қийқириб чапак чаларди. Мирвали қирғоққа чиқиб, унинг тирсиллаб турган икки билагидан сиқиб ушлади.

– Ойбалиқни тутолмаган бўлсам ҳам, манави тилла баликни тутдим!

Жайронা яна қийқириб кулди. Мирвали унинг копкора киприклар қуршовида қолган кўзларига тикилди.

– Онангиз сизни кийикнинг кўзига қараб туриб тукқанларми, дейман. Отингиз ҳам Жайронা, кўзларин-

гиз ҳам, қоматингиз ҳам, юришларингиз ҳам жайронинг ўзи.

Жайрона индамади. Юқорига чиқишиди. Мирвали йигитлик қони жўш ураётган бўлса ҳам, ўзини ўзи зўр билан босиб турарди. Шошилма, Вали, улгурасан, бу хуркович кийик энди ҳеч қаёққа қочиб қутулолмайди, дея ўзига таскин бериб, стол, стулларни йиғиштириб, юкхонага жойлади.

– Кани, кетайлик. Қоронғига қолиб, адашиб юрмайлик тағин, – деди кабинага чиқаркан.

«Нива»нинг орқа эшиги йўқлигидан Жайрона ҳам олд ўриндикка ўтира қолди.

Йўлга тушишиди. Кеч кириб, ажиб бир сўлим пайт бошланди. Ёнбағирлар кўум-кўк. Бу тарафларда машиналар кўп қатнамаганидан чанг-тўзон бўлмас, тез-тез ёмғир қуийб турганидан дарахтларнинг шундоғам беғубор барглари ювилиб, хандон писта мағзидек оч яшил тусда кўринар эди. Йўлнинг бир томони азамат тошлар қалашган ёнбағирлик, бир томони сой. Унда юқоридан шитоб билан қуишлиб келаётган тиник сув тошларга урилиб, қирғоққа сапчиб оқарди. Жайрона бу хил манзараларни фақат ҳужжатли киноларда, телевизорнинг киносаёҳатчилар программаларида гина кўрган эди. Ҳозир конъяк кайфидан бу манзараларни худди тушида кўраётганга ўхшарди.

– Магнитофон қўйиб берайми? – деди Мирвали.

– Француз ёки араб эстрадаси қўшиқларидан бўлса, майли. Шашмақомларга унча хушим йўқ.

– Ундоқ бўлса, гаплашиб кетарканмиз, – деди Мирвали кулиб. – Қай юртларда бўлганингизни, нималарни кўрганингизни айтиб беринг. Гаплашиб кетсак, йўл қисқаради.

– Қайси бирини айтай? Күп жойларга борғанман. Франция, Италия, Лондон, Мадрид, Кохира... жуда күп...

– Дунё кезаман, деб эрға ҳам тегмабсиз. Ёшингиз үтиб, қариб қолишиңи үйламайсизми? Ахир, рүзғор тутиш ҳам керак-ку.

Жайрона афсусланғандек, бир ух тортди.

– Гапингиз түғри. Мана, ёшым ҳам үтиб кетяпти. Үзим тенги йигитлар үйланиб кетищди. Энди мени ким оларди? Ё хотини үлган, ё хотин күйган киши олади. Қари қызы бўлиб қолиш пешонамда борга ўхшайди. Ташибиши қилманг, ака, ўтирган қызы ўрнини топади, дейдилар-ку, үзимга ўхшаган умрини үтказиб юрган биронтаси топилиб қолар. Юрган қолади. Кўрган қолади. Эрга тегиб битта болали бўлгандан кейин бунака юришлар қаёқда дейсиз.

– Сиз хуснингизга ишонасиз. Масжид бузилса, меҳроби қолади, дейишади. Қариганингизда ҳам ёш йигитлар оёғингиз тагида үралашиб юришига ишонасиз. Сиздақалар қари қызы бўлиб қолмайди. Кечирасиз, қанча ойлик оласиз? – Мирвали шундай деди-ю, чакки сўрадим, деб пушаймон қилди.

– Бир юзу етмиш сўм оламан.

– Кам экан. Бир юзу етмиш сўм пардоз-андозингизга ҳам етмайди-ку. Агар мен ҳукумат бўлсан хуснингиз учун ойлигингизга яна уч юз сўм қўшардим.

Жайрона хандон ташлаб кулди.

– Подоходний билан бездетнийга ушлаб қолармидингиз? Мен сиз үйлаганча ночор, муҳтоҷ бандада эмасман, Мирвали ака. Уйда кечалари машинка босаман, аспирантларнинг кандидатлик диссертацияларини кўчираман. Институтга кирадиганларга араб, инглиз

тилларидан репетиторлик қиласман. Журналлар учун араб, форс тилларидан ҳикоялар таржима қилиб бераман. Пулим ўзимга етарли.

Мирвали ичидә, тирикчилиги барыбір, ночор, деб үйлади. Бу импорт күйлаклару туфлилар, тақинчоқлар, хар бири саксон сүм турадиган француз атирлари учун унинг топгани нима ҳам бўларди. Топган-тутганини ниҳоятда тежаб сарфласа керак. Қаранг, кўрган одам шу гўзал қизнинг ҳам ташвиши бормикан, деб ўйлайди. Бу хил аёллар кийиниш учун, тақиниш учун овқатдан тежайди.

Мирвалининг унга раҳми келди. Агар хўп деса, ҳозирнинг ўзида сумкасига сиққанча пул солиб қўйишга ҳам тайёр эди.

– Жуда антиқа кийинар экансиз. Ҳар қандай хотининг ҳам кўзини куйдирадиган күйлаклар...

– «Берёзка» деган магазин бор, биласизми? Валютага сотади. Чет эл туристлари у ердан деярли савдо қилишмайди. Ўшалардан ўзимизнинг пулилизни валютага алмаштириб оламан. Кейин, чет элга чиққанимда ойлигимга чек беришади. Чекни биласизми?

– Биламан, – деди Мирвали худди шуни кутгандек.  
– Қанақасидан керак, менда ҳар қанақасидан бор.

Жайроне унга ҳайрон бўлиб қаради.

– Ростданми? Сизда қаёқдан бўлади?

Мирвали жавоб ўрнига бир кўзини қисиб қўйди.

– Машинангиз тепаликка келганда тортмайди, – деди Жайроне қатъий оҳангда.

– Нега? – деди Мирвали ҳайрон бўлиб.

– Мана қўрасиз! Яхшиси, қоронғи тушмай тўғрилаб олинг. Иккинчи свечаси чиқиб кетган.

Мирвали унинг гапига парво қилмай кетаверди.

– Машинани аямас экансиз. Ўзингизники эмас-да.

– Шошманг, сиз қаёқдан биласиз?

– Биламан, – деди Жайрона. – Қоҳирада икки йил,

Бомбейда бир йил машина минганман. Аммо Лондонда эплаб минолмаганман. Авария қилишимга оз қолган. Посол машина минишимни тақиқлаб қўйган. Биласизми, у томонларда машинанинг рули ўнг томонда.

Мирвали ҳанг-манг бўлиб қолди. Бу қиз бало экан. Кўрмаган жойи, қилмаган иши қолмаган. Нимани гапирсанг, олдингдан тўсиб чиқади.

Йўл юқорилади. Машинанинг тортиши қийналиб, кўксовга ўхшаб «йўтала» бошлади. Ҳар «йўталган»да кузов силкиниб кетарди. Жайрона шчитта қаради. Стрелка сувнинг юз даражага етай деб қолганини кўрсатарди.

– Сув қайнаб кетди, тўхтатинг, – деди Жайрона.

Мирвали машинани тўхтатиб, пастга тушди-да, капотни очди. Мотордан кўтарилган қайноқ хаво юзига урилиб, ўзини орқага ташлади. Жайрона ҳам тушди. Мотор ёнида оқ чинни свечага уланган сим осилиб турарди.

– Ана, кўрдингизми? Жойига тиқиб қўйсангиз, олам гулистон! Машина ҳам қийналмайди, ўзингиз ҳам.

Мирвали унинг айтганини қилди. Яна йўлга тушиши. Энди мотор бир маромда гуриллар, юқорига кучанмай ўрмаларди.

Мирвали фақат машина минишни биларди. Бирон жойи бузилса, гаражга ташлаб, бошқасини миниб кетаверарди.

У қиз олдида шу оддий нарсани билмаганидан хижолат чеккандек, анча жойгача индамай кетди.

Йўл тоғ ўнгиридан чиққандан кейин яланглик бошланди. Жайрона ташвишланиб сўради:

– Етай деб қолдикми? Коронги тушяпти-я!

– Тўғри йўлни кўчки босган. Кўчкини биласизми?

Тоғдан тош қулаб, йўлни тўсиб қўйган. Айланма йўлдан кетяпмиз. Ўн бир километр фарқ қиласади.

Ўнг томондан қип-қизил бўлиб баркашдек ой кўтарила бошлади. Мирвали машина фарасини ёқди.

– Коронгига қолиб кетдик. Юриш сал оғирроқ кечади.

Олисни кўрсатувчи фара йўл ўртасига сурилиб тушган харсанг тошларни ёритди.

– Оббо, – деди Мирвали. – Бу ёқда ҳам кўчки сурилибди-ку! Энди ўтиб бўлмайди. Орқага қайтишнинг иложи бўлмаса.

У шундай деб кабинадан сакраб пастга тушди. У ёқбу ёққа аланглаб, нималарнидир ўйлаган бўлди.

– Мундок қилсак. Чап томонга озрок юрсак, меҳмон кутадиган базамиз бор. Ўша ерда тонг отдирамиз.

Жайронанинг бўшашибгина айтган, орқага қайта қолайлик, Мирвали ака, деган гапларига у эътибор бермай, иложи йўқ, иложи йўқ, дея машинани орқаси билан юргизиб, чап томондаги икки тегирмон сув оқадиган сой устидаги омонат кўприкка қараб юргизди. Машина лопиллаб, нариги томонга ўтиб олди. Йўл тор бўлса ҳам анча текис экан. Мирвали рулни қийналмасдан бошқариб бораарди. Бироздан кейин йўлнинг ўнг томонида каттагина ғорнинг оғзи қорайиб кўринди. Мирвали машинани гор ичига бурди. Ичкари қоронги эди. Фара илдизлари осилиб турган ғор деворларини ёритиб бо-

парди. Салдан кейин тахминан ўн беш сотихча келадиган ялангликка чиқиши.

Атрофи баҳайбат тошлар билан қуршалган бу яланглик худди эртаклардаги сирли жойларга ўхшаб кетарди. Яланглик адогида гуж арчазор, тепадан бир тегирмон сув қўйилиб турибди. Сув қаёқка сингиб кетяпти, билиб бўлмасди. Машина арчазор орасида тўхтади.

– Етдик, тушайлик энди, – деди Мирвали.

Жайрона ҳайрон бўлди. Бу қанака жой? Уй йўқку. Ҳаммаёқ тош. У машинадан тушмай ўтираверди. Мирвали қоронғида қаёққадир кетди. Бирпасдан кейин оғир бир нарса қалдираб сурилди. У қайтиб келиб кабинадан картон қутини оларкан, юринг, деди.

Жайронага юраги бетламайроқ унга эргашди. Уч метрча келадиган қоронғи йўлакдан ўтиб тўхташди. Мирвали тимирскиланиб, ниманидир қидирди. Кейин бир табакали темир эшик гийқиллаб сурилди. Йўлак ёришиб кетди.

Ичкарига киришлари билан, Жайронага йўл бераман, деб Мирвали нимагадир қоқилиб, инグラб юборди. Полга тарақлаб нимадир тушди.

– Ҳа, даюс, шу ерга қўярмиди-я! – У аёл киши олдида беихтиёр сўкинганини сезиб қолди-ю узр сўради.  
– Кўрмайсизми, оёқ остига қўйибди.

Зал араб мебеллари билан жиҳозланған. Ёнидагиси оппоқ булғор мебеллари қўйилган ётоқхона. Аждар сурати солинган хитой чойшablари ёпилган қўш каравот. Пар ёстиқларнинг бурчак томони юқорига қаратиб қўйилган. Кираверишда ошхона. Атиргул тасвири туширилган чех кафеллари деворларга ёпиштирилған. Бурчакда баллонли газ. Унга ёнма-ён қора кафелли ваннахона.

Ҳамма хоналар ниҳоятда дид билан безатилган. Ҳар бир хона остонасига учи гажакка ўхшаб қайрилган хинд шиппаклари ташлаб қўйилган.

Жавонларда рангли чех, немис биллур идишлари. Хитой, япон чинни сервизлари.

– Қани, энди ўзингиз хозяйкалик қиласиз, – дея оёғини кўрсатди Мирвали. – Инвалид бўлиб қолдим.

Жайрона ошхонага кирди. Газ плитаси устидаги қозон ҳали совимаган эди. Қопқоғини очиб қаради, ҳасип.

Демак, бу ерда кимdir бўлган. Кетганига ҳали яrim соат ҳам бўлмаган. Таомлар бошқа ерда пиширилиб, қозони билан олиб келинган.

Жайрона коридорда қолган сумкасини кўтариб ётоққа кирди. Зум ўтмай, узун халатининг боғичини йўл-йўлакай бойлаб чиқиб келди.

– Сиз ўтиринг, бүёғига мен хизмат қилай.

Мирвали дастурхон устидаги докани очди. Стол усти анвойи мевалар билан тўлиб кетган эди. Хандон пистадан тортиб чақилган бодомгача, данак қорилган тоғ асалидан тортиб каклигу бедана гўштигача бор эди.

– Мирвали ака, ҳасип совиб қопти. Сиз бирпас дам олиб туринг, ҳозир иситиб чиқаман, – дедиyo яна ошхонага кириб кетди.

Бу жойларда тез-тез электр ўчиб турса керак. Ошхонадаги стол четида беш-ўнта шам ётарди. Мирвали оёғининг оғриғига чидамай, эшик калитларини столга ташлаганини сезмапти. Жайрона калитларни қўлга олдию ўйланиб қолди. Мияси яшин тезлигига ишлаб кетди. Битта шамни тарелкага ётқизиб қўйди-ю газ плиткасининг духовкасига тиқди. Ўт олдирди. Сал фурсатдан

кейин плита эшигини очган эди, шам холвайтардек эриб хилхиллаб қопди. У шошиб калитларни олди. Эриб турган шамга иккала калитни бостириб, газни ўчирди. Ана ундан кейин ҳасипли қозон тагига ўт ёқди. Шамли тарелкани олиб, холодильникнинг музхонасига тикди.

– Бўлдими? – деган овоздан чўчиб кетган Жайрона:

– Ҳозир, ҳозир, пича сабр қилинг, – деб ғудранди.

То ҳасип исигунча у икки марта Мирвалининг олди-га кириб:

– Оёғингизни оғриғи босилдими? – деб сўради.

Мирвали жавоб ўрнига болдирини силаб, ўзини ўзи зўрлаб илжайди.

– Ҳозир сузуб келаман.

Жайрона шундай деб, сервантдан лаган олиб, ошхонага қайтди. Холодильникни очиб тарелкани олди. Шам котиб оппок бўлиб турарди. У аста калитларни чиказиб, салфетка қофоз билан шам илашган жойларини артиб, олдинги ўрнига қўйди. Калит изи тушган шамни қофоз пакетга солиб супурги, швабра турган бурчакдаги пакир орқасига яширди. Бу пайт қозон қайнаб, хаммаёкни ҳасип хиди тутиб кетган эди. Жайрона бир лаган ҳасип кўтариб кирганда Мирвали ўрнидан туриб, дастурхонга қараб ўй ўйлаётган эди. Ҳасип дастурхонга қўйилди. Мирвали қўлинини кўксига кўйиб, ялингандек деди:

– Агар малол келмаса, сервантнинг пастки эшигини очсангиз.

Жайрона эшикни очди. Очди-ю, ҳанг-манг бўлиб колди. Сервантнинг паст хонаси француз, арман конъяклари билан тўлиб кетган эди. Ҳатто қўш кулоқли амфорада юонон конъяклари ҳам бор эди. Жайрона узок

юртларда буларнинг барини кўрган, аммо бу ерда бўлишига сира-сира ақли бовар қилмас эди.

— Сизга қайси бири маъқул? Ёққанини олинг.

Жайрона гўё сеҳрлангандек эди. Мирвали нима деса итоаткорона бажаарди. У «Наполеон» деган француз конъягини олиб столга кўйти. Мирвали шишша бўғзилаги зар қопқоқни пичоқ билан тилиб, пўкагини тиши билан суғуриб олди. Оч ҳаворанг қадаҳнинг иккитасига тўлдиривб кўйди.

— Қани, сайр ҳам сайр, саргардонлик ҳам сайр. Яхшиям шу жойни қурдириб қўйган эканман. Бўлмасам, бўриларга ем бўлиб кетардик. Олинг, тортинмай олаверинг. Ёмон ниятим бўлса, йўлдаёқ сизга... Сизни қаттиқ хурмат қиласман.

Жайрона хуркиброқ қадаҳни қўлига олди. Мирвали то у ичиб юборгунча қараб турди-да, кейин бир зарб билан қадаҳни бўшатди.

— Овқатга қарайлик.

Икковлари иштаҳа билан овқат ейишга тушишди. Мирвали Жайронадан бу жойда қаёқдан иссиққина овқат пайдо бўлиб қолди, деган саволни кутган эди. Агар шуни сўраса, министрни кутишга ҳозирлик кўриб қўйгандим, деб айтмоқчи эди. Лекин Жайрона сўрамади.

Бу жойни Расулбекдан ва ўзидан бошқа ҳеч ким билмасди. Уни қурган усталар жуда узоқда. Аллақачон Юнонистонга кетиб бўлган. Бетон ишларини маҳбуслар бажаришган. Бу жойга факат югурдак – Расулбек келарди. Мирвали қандоқ иш буюрса, нима учун, деб сўрамасди. Фақат, фақат бажаарди ҳолос. Мирвалининг шоффери ҳам бу жойни кўрмаган. Тоғу тошда юрадиган

чўпонлар бу жойни ҳарбий аҳамиятга эга деб, соқчи отиб қўйишидан қўркиб, якин келишмасди.

Бу маскан пастак қоялар билан ўралган. Қоялар учи худди салом бераётгандек эгилиб, қор-ёмғирлардан тўсиб туради. Бир ён тубсиз жар. Баҳайбат арчаларнинг куриган малла ранг шохларида кечалари бойўғлининг хунук сайраши эшитилади. Этларни жимирилатиб юборади. Аммо тонг маҳали оҳангларга тўлиб кетади. Тонготар пайти булбуллар пайдар-пай сайрайди. Тошдан тошга сакраб кийиклар подаси жарликка сув ичгани ўтиб кетади. Осмони фалакда бургут қанотини таранг ёзид учади. Ҳали ҳеч кимга юзини қўрсатмаган қуёш тифи унинг қанотига тушади. Гўё бургут қанотини оловли нурда қайраётганга ўхшаб кетади.

Мирвали баъзи-баъзида тонг маҳали бу тош қалъадан чиқиб, Худога, гуноҳларимдан кеч, деб илтижолар қиласди, қўраётган кунларига шукроналар айтади.

Қора кечада бу уйда бўлиб ўтган қора ишлардан шу билан поклангандек енгил тортарди.

Мана ҳозир у ширакайф. У шу топда қархисида бир жаҳон бўлиб ўтирган тенгсиз гўзал қизнинг зулукдек қошлирига, мастона қўзларига, гарданида ўримга кирмай қолиб бақбақасига яқин жойгача эгилиб кетган зулфларига маҳлиё бўлиб ўтирибди. Энди шу қиз уни-ки. Қиз нима дейди, кўнадими, кўнмайдими, унга бари бир. Шу топда биргина Мирвалининг хоҳиши етарли. Қизнинг бундан буёқдаги ҳаёти шу бугун, шу топда ҳал бўлади.

Мирвали қатъий ишонч билан ўрнидан турди. Ке-либ, қизнинг халати ёқасидан сал-пал қўриниб турган елкасига қўлини сукди. Ёқасини суриб, яланғоч гарда-

нини силай бошлади.

Қиз ҳүшёр тортди. Қаршисидаги күзлари хирсга тұлған кишининг ҳозир ҳар қандай зарбага тайёр экан-лигини сезиб турарди. У ўридан туриб, тисарилиб нари кетди. Құлтиғига қисилган зажигалкадек кичкина түп-пончанинг сийнабанд тасмасига уланган бөгичини бў-шатди. Бир интилиш билан юлқиб олишга тайёр килиб қўйди. Мирвали бориб, уни бурчакка қисди.

– Қаршилик қилишнинг фойдаси йўқ, Жайрон. Энди сен менини бўлдинг.

Жайрона ортиқча хаяжонга тушмади. Аста унинг кўксидан итарди.

– Қўйинг, қўйинг, Мирвали ака.

Мирвали турган ерида костюмини ечиб, диванга улоқтирди.

Ташқаридан машина сигнал берди. Мирвали тўхтаб, кулоқ солди. Кимдир келди. Бу томонларга ким келиши мумкин?! Мирвали, Расулбекми, ким бўлди экан, деб ўйлади. Ҳар қандай ЧП бўлганда ҳам мен боримда бу томонларга келмайсан, деб қасам ичирган эди-ку? Нима бўлди экан? Фавқулодда, зудлик билан хабар қиласидиган воқеа бўлдимикин?

Мирвали костюмини олиб, шошилганча оқсоқланиб ташқарига отилди. Машина олдида Расулбек безовтала-ниб турарди.

– Нима бўлди? – деди Мирвали паст овоз билан.

– Мени кечиринг, хўжайн. Куда бува телефон қилдилар. Қаерда бўлса ҳам зудлик билан топиб келинг-лар, ниҳоятда муҳим гап бор, дедилар. Етиб бормасан-гиз бўлмайдиганга ўхшайди, хўжайн.

Мирвали, қудам шу пайтда қидиряптими, демак,

жуда зарур гап, деб ўйлади. Ишқилиб, тинчлик бўлсинда...

У шошиб орқасига қайтиб, ичкарига кирди. Жайрона ҳамон бурчакка қисилганча кўзлари жавдираб турарди. Мирвали унга яқин келиб, иягига кўл чўзди.

– Толейинг бор экан, Жайрон. Зарур иш билан идорага кетдим. Эрталаб келаман. Ҳар эҳтимолга қарши устингдан қулфлаб кетаман. Бемалол еб-ичиб ухлайвер. Бу жойда сени ҳеч ким безовта қилмайди.

У шундай деди-ю шошилганча чиқиб кетди. Ташқари эшик қарсиллаб ёпилди, калитнинг шиқирлагани эшигилди. Оғир бир нарса қалдираб сурилди. Бир зумдан кейин ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолди.

Жайрона ҳуши ўзига келиб, атрофни кузата бошлиди. Деворнинг бир томонига туркман гилами осилган. Бурчакда япон телевизори. «Ажаб, – деб ўйлади Жайрон, – шу баланл тоғлар орасида телевизор кўрсатувларни олармикан?» У яқинроқ бориб қаради. Пастак курсида видео-магнитсфон устига салфетка ташлаб кўйилган экан. Унинг ёнида видеокассеталар...

Козикка «Коника» деб аталган япон фотоаппарати тасмасидан осиб кўйилган. Жайронা аппаратни олиб, ғилофидан чиқарди. Қанча сурат олинганини кўрсатадиган рақамга қаради. Ўн етти кадр сурат олинипти. Аппаратни жойига илиб кўйди. Видеони токка улаб, кассеталардан бирини кўйди-да, кнопкани босди. Экран ёришиб липиллаб турди-ю, бирдан Париж, Эйфель минараси кўринди. Минора узоклашиб, экранда ёзув пайдо бўлди. Бу фильмнинг номи эди. Жайронана уни илгарилиари бир кўрганди. Бу француз контрабанда шаҳвоний фильми эди. Жайронана уни тўхтатиб, бошқа кассетани

қўйди. Буниси Хитой каратэчи қизлари тўғрисидаги фильм. Уни бир оз томоша қилгандан кейин ўчирди.

Тун узок. Тонг отишига ҳали аллақанча вакт бор. У нима қилишини билмай ётоқхонага кирди. Шифонъер эшигини очиб қаради. Ҳеч қандай кийим-бош й/к. Узун ингичка эшикни очди. Токчаларда сочик, чойшаб, кўрпа ғилофлари тахланган. Пастдаги тортмани берди сурди. Унда хилма-хил атир совунлар. Етти-саккиз кутичада француз духиси. Кейинги тортмада тиш пастаси, ёнкол оладиган машинка ва бир неча пачка лезвие. Қоғозга ўроғли яна нимадир бор. Очиб кўрди. Тошкент, ГУМ, деб тамға қўйилган қоғозга ўроғли ўн чоғли янги, ҳали очилмаган фотоплёнкалар...

Жайрона улардан бирини олиб очди. Зар қоғозни халатининг чўнтағига солиб қўйди. Кейин плёнкани электр ёруғига тутиб турди-да, яна қайтиб зал уйга чиқди. Чироқни ўчириб, фотоаппаратдаги плёнкани чиқариб, янги лентадан қолган қора қоғозга эҳтиёт қилиб ўради. Устидан зар қоғоз билан обдан нур кирмайдиган қилиб ўраб ташлади. Унга ҳам қаноат қилмай, дастурхонда боя Мирвали очган шоколаднинг зар қоғозини ҳам плёнка устидан ўради. Кейин чироқни ёқиб, боя нурланган плёнкани кассетага ўраб аппаратга жойлади. Ўн етти рақами келгунча ғалтакни айлантириб, аппаратни ғилофга жойлади-да, яна илиб қўйди.

Энди бу қафасдан кутуби кетиш йўлини ўйларди. Чиқиб кетишнинг сира иложи йўқ эди. Эшик қўш қулф билан беркитилган. Жайрона нима қилишини билмай, ваннахонага мўралади. Одам бўйи етмайдиган баландликда бир патнис эни дераза бор эди. Унга темир панжара ўрнатилган. Боя Мирвали қоқилиб кетган кутуби

кўзи тушди. Тепасига кўш рюмка тамғаси тъширилган кути негадир тўла очилмай қолиб кетган, ёнида омбур ётарди. Жайрона омбурни олиб ваннахонага кирди. Панжара тўрт еридан михланган эди. У залдан стул олиб келиб, деразага бўй чўзди. Омбур билан михларни сувунчишга кирди. Жула узун мих экан ҳатеганича суғурилавермасди. Икки соатча уриниб, атиги иккита михни аранг сувуриб олди. Кўллари қавариб, герга ботиб кетди. Қолган иккитасини сувуриб ўтирумай, панжарани бир томонга сура бошлади. Панжара худди эшикчага ўхшаб бир ёққа очилиб қолди. Энди унга бемалол одам сиғиши мумкин эди. Жайрона деразага бўйлаб ташқарига қарамокчи бўлди. Дераза орқаси озгинроқ одам сиғадиган туйнук эди. Жайрона сурилиб-сурилаб туйнук охирига етди. Тоза тоғ ҳавоси димоғига урилди. Ой тўлишган бўлса керак, тошлар қиров рангида элас-элас кўриниб туради. Пастга қаради. Ер тахминан тўрт метрча пастликда.

У тисарилиб-тисарилиб, яна ваннахонага кайтиб чиқди. Залга кирди-ю, диванга ўтирганча ўй ўйлай бошлади. Хаёлига бирон жўяли фикр келмасди. Кейин бирдан фикри тиниклашди-ю, ётоқхонага кўриб, иккита чойшаб кўтариб чиқди. Бирини бирига маҳкам қиғиб боғлади. Ана энди бўлди, деб ўйлади. Бир учини панжарага боғлайману осилиб тушаман.

Соатига қаради. Бешдан ошибди. Ҳадемай тонг отади. Сўқмоқлар сал ёришиши билан йўлга тушаман, деб тонг отишини кута бошлади. Пакетдаги шамни эҳтиёт қилиб сумкасига жойлади. Яна коридорга чиқиб, оёқ остидаги кути тепасига келди. Радиола экан. Ичидан паспортини олиб, муқовасининг ич тарафига қаради. Ке йин

ичкарига кириб хат ёза бошлади. Юкларини күтариб, ваннахонага кирди. Боя иккигасини бир-бирига улаган чойшабни чамалаб күрди. Калталик килмасмикин, дейдилади. Яна битта чойшаб опчикиб улади. Энди етади, деган қаноатга келди. Боя қандай азоб билан дераза туйнукдан судралиб ташқарига бош суккан бўлса, яна ўшандай судралиб туйнук охирига етди. Тонг отган. Тошлардан шудринг күтарила бошлаган эди. Жайрон на чойшаб учини лапанглаб турган панжара маҳкам килиб боғлади. Тиши билан тугунини текшириб кўрди. Кейин мункиб кетишдан кўркиб, яrim белигача туйнукдан ташқарига чиқди. Чойшабни икки кўллаб каттиқ ушлади-ю, бутун гавдасини ташқарига олди. Орқаси тош деворга гурсиллаб урилди. Чойшабни қўйвормади. Сидирилиб кафтларини шилиб юбормаслиги учун жонжаҳди билан чойшабга ёпишиб олган эди. Худди цирқ акробатларига ўхшаб аста пастга туша бошлади. Охири оёғи ерга тегди.

Чойшабни қўйиб юбориб, қаддини ростлади. Тепага Каради. Бу томонда дераза борлиги билинмасди. Оддий гоғғорчаси бўлиб кўринарди. Жайронна сумкасини елкасига олиб, хилват майдончадан чиқиб кетишга йул излай бошлади. Тошлардан сакраб-сакраб тепаликка чиқди. Яна пастга тушди. Кечаги арчазорга кўзи тушди. Айланниб ўша томонга ўтди. Кеча уйга каердан киргачларини билолмади. Ҳаммаёқ тош. Биронта бош суккудек жой йўқ.

Арчазор олдидаги ялангликда кечаги «Нива» туарди. Жайронна кўркиб кетди. Мирвали келгану, уни кутиб турганга ўхшади. Ҳушёр тортиб, тўппончасини олиб, у ёқ-бу ёққа аланглади. Аста бориб машина капотини

ушлаб кўрди. Муздек. Демак, Мирвали кеча идорага бошқа машинада кетган. Жайрона яна орқасига қайтди. Кечаги, эшикка олиб борадиган горни қидира бошлади. Унинг бир кўнгли то шу эшикни топмагунча кетмайсан, деяёттандек эди. Аммо ортиқча ҳаяллашнинг иложи йўқ эди. Мирвали келиб қолса, ҳамма иш барбод бўлиши аник эди.

Жайрона сумкасини машина ичига отиб, кабинага қаради. Калит йўқ. Рул тагига бош суқиб, электр симларини суғуриб олди. Бирини бирига улаб газ берди. Мотор йўталгандек бир силкиниб кўйди. У яна газ берди. Мотор ўт олди. То қизигунча бир дам кутиб турди. Кеинин йўлни чамалаб аста юргизди...

\* \* \*

Мирвалининг қудаси гапни чўзиб ўтирмай, мақсадни айтиб қўя қолди:

— Менинг молия-хўжалик ишлари бўйича инструкторим Маҳкамовнинг олдига кетган. Ров бориб, ров келади. Қайтишда сизга учрайди. Бачканалик қилиб, унга ҳар балоларни гапириб ўтирманг. Олиб борган хужжатга имзо чекиб дарров қайтариб юборинг. Тушундингизми?

Куда бошқа гап айтмай, трубкани кўйди.

У айтган одам соат бирларда боққа кириб келди. Мирвали уни танирди. Марказқўм секретарлари, бўлим мудирлари минган машиналар икки йил ўтказиб область раҳбарларига, область катталари минган машиналар эса райкомларга бериларди. Бу ишларга Мирвалининг қудаси бошчилик қиласиди. Келган одам эса унинг содик хизматчиси.

Мехмон шошиб турган эди. Мирвали тайёрлаб қўйган дастурхон яқинига ҳам бормади. Папкасидан бир варақ қофоз олиб Мирвалига берди: «Шуни депутатлик бланкангизга ўз қўлингиз билан кўчириб, аслини йиртиб ташлар экансиз».

Унда шундай ёзув бор эди.

«Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Мирвали Рихсиев, СССР Олий Совети депутатлигига номзодим кўрсатилаётгани сабабли Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлиги ваколатини зиммамдан соқит қиласман».

Мирвали ичкаридан депутатлик бланкасини олиб чиқиб, хатни шошилмай кўчириди. Тагига имзо чекди.

Мирвали хатни кўчириб бўлгандан кейин бирпас ушлаб турди. Унинг хаёлидан, мени лақиллатаБтгани йўқмикин, деган гап ўтди.

Мехмон кетишга чоғланаётганда Мирвали, овқат тайёр, озроқ насиба, олинг, деб илтимос қилса ҳам, мени самолёт кутяпти, деб ўтиришга унамади. Кудасининг бу яхшилигидан Мирвалининг боши кўкка етгандек бўлди.

Мирвалининг кайфияти аъло эди. Бунаقا қувонч ҳамма вақт бўлавермайди. У тоғдаги қафасда қолган Жайрона олдига бориши керак. Маишат ҳам шу кайфиятга яраша бўлади. Шофёр қора терга тушиб машина-нинг нимасинидир тузатаётган эди.

- Қани кетдик, – деди Мирвали тоқатсизланиб.
- Ўн минут, сабр қилинг, хўжайн, ҳозир бўлади.

Мирвали депсиниб, шофёрни бўралаб сўkkанича у ёқдан бу ёққа асабий бориб-келиб турарди. Шу пайт Абдулазиз боғдан ўқдек отилиб чиқди.

— Хайрият, кетиб колмаган экансиз, хўжайин. Сизни ЦКдан сўрашяпти. Тез боринг, трубкани қўймай кутиб турипти.

Мирвали шошиб ичкарига кириб кетди. Трубкани қўтарди.

— Рихсиев эшигади.

— Мен Рибниковман. Қадрдонимиз Леонид Ильич ҳозир Олмаотадалар. Эртага бизга келадилар. Сиз катта аканинг топшириқлариға биноан меҳмонимизни аэропортда «нон-туз» билан кутиб оласиз. Ҳамма орденларингизни тақиб келинг...

У шундай деб трубкани қўйди. Мирвали шодликдан энтикли.

Бир кунда икки оламшумул кувонч. Омадинг келса, шунака бўларкан.

Демак, тоғдаги ишратхонада бўладиган майшат хам икки хисса бўлади.

Шофёр машинани ўқдек учирашиб кетди. Мирвали «Ишратхона»га етмасдан машинадан тушди.

— Эрталаб боғда мени кутиб тур. Мен «Нива»да қайтиб бораман, — дея тайинлади у шофёрига.

Мирвали озрок пиёда юриб келди-ю, кеча ташлаб кетган «Нива»нинг жойида йўқлигига ҳайрон бўлди. Шошиб «Ишратхона»нинг темир эшигига калит солди. Бўйи ва эни бир ярим метр келадиган ғор оғзи очилди. Ичкарига шошиб кирди. Калит солиб, темир эшикни очди. Жайрона, Жайрона, деб овоз берди. Жавоб бўлмади. Ҳамма хоналарга кириб чикди. Жайрона йўқ эди. Ювинаётган бўлса керак, деб ваннахона эшигини итарди. Ичидан берк эди. Такиллатди, жавоб йўқ. Ўзини бир бало қилиб қўймадимикин, деб юрагини ваҳм босди.

Елкаси билан эшикни гурсиллатиб икки-уч урди. Охири эшик очилиб кетди.

Дераза панжараси осилиб қолган. Унда чойшаб оқ байроқдек ҳилпираб турарди.

Мирвали бутун уринишлари бекор кетганидан аламда гурс-гурс юриб залга чиқди. Столда хат. Шошиб ўкий бошлади.

«Хурматли Мирвали ака!

Мени кечириңг. Сизни кутмай кетиб қолдим. Сиздан асло хафа эмасман. Ҳеч нарсангизга тегмадим. Мен тұғримда ёмон хаёлларга борманг. Аслида, ўзим шунақа «жиннироқман». Йигитларга бош эггим келмайди. Қандок қиласы, онам мени шунақа қилиб туқсан бұлса. Мен шунақа югурек жайронман. Менга ҳеч қанақа овчи ўқ етказолмайди. Тошкентта борганингизда мени йүқлаб туринг. Ҳар қалай, қадрдон бўлиб қолдик. Сизга хурмат билан Жайрон».

Мирвали хатни ўкиб, бўшашиб ўтириб қолди. Бу ярамас қиз яна у сочган донни чўқиб қочди. Хатнинг мазмунига қараганда, унчалик дили оғримаганга ўхшайди. Бу тош қалъадан омон-эсон кутулиб кетганига шукр қиляпти, шекилли.

Лекин Мирвали ниҳоятда эҳтиёткор одам. Тулки қорда из қолдирмаслик учун думи билан изларини супуриб кетганидек, у ҳам бирон жойда из қолдирмасди. У хоналарни бир-бир айланиб, жиҳозларни күздан кечирди. Телевизорни ушлаб кўрди, кўйилмагти. Қўйилган бўлса, корпуси иссиқ бўларди. Қозикдан фотоаппаратни олиб, кадр рақамига қаради. Ун еттинчи кадрда тўхтаганча турибди. Видеокассеталарни бир-бир қўлига олиб қаради. Ҳаммаси жойида. Демак, у ҳеч нарсага тегма-

ган. Факат, факат омбурнинг хонада қолгани чакки бўлган экан. Битта шу омбур панд берган. Аттанг. Ярамас Расулбекнинг пандавақилиги бу.

Бари бир хатнинг руҳи унга анча таскин берарди. Унда зарда, алам сезилмасди. Тошкентда кўришайлик, қадрдон бўлиб қолдик-ку, дегани уни анча тинчиди.

Мирвали келаётганида табиати ниҳоятда равшан эди. Майшат ҳам мана шу кўтаринкиликка яраша бўлади, деб ўйлаган эди.

Ҳамма ўйлари чиппакка чиқди. Жайронা уни доғда қолдириб, тош қафасни парчалаб қочипти.

Яна бир ёмон иш шуки, Мирвали муюлишга келгандা, ҳар галгидек, шофёрга жавоб бериб юборган эди. «Нива»да қайтаман, деб ўйлаган эди. Энди «Нива» йўқ, уни олиб келган машина кетиб қолган. Бу ерда хабар қилиш учун на телефон бор, на рация.

Мирвали гаранг ахволда эди. Пиёда юриб тогма-тоғ, довонма-довон ошиш осонми?

У нима бўлса ҳам, бирон чўпоннинг отини оларман, деган ўй билан эшикка қўш қулф уриб, гордан чиқди.

## IX

Толибжон хар куни катта йўлга чикиб, Самарқанд – Китоб, Панжикент – Шаҳрисабз маршрутида қатнайдиган автобуслардан газета олиб келарди. Болалар ҳам унга эргашиб бориб келишарди. Бекат гавжум эди. Унда кавказлик бир йигит кабоб сотади. Ланғиллаб ёнаётган кўмир тепасига кўйилган чойдиш ҳамма вақт вакирлаб қайнаб туради. Толибжон болаларни қатор ўтқазиб кўйиб, кабоб олиб беради.

Кабобчидан сал нарида бир неча хотин клеёнка ёзиб кийикути, равоч, курут сотиб ўтиради. Йўлнинг соя тарафида доимо бир эски «Москвич» туради. Эгаси фанер кутига асал тўла шиша банкаларни қўйиб, тоғ асали, деб сотади. У асли Нишоннинг Қовчин қишлоғидан, асали ҳам пахта гулинини эмган ариларники. Аммо ҳар гал автобус келганда йўловчилар гурра ёпирилиб, бу «тоғ асали»ни талаб кетишади. Кейинги автобус келгунча йигит «Москвич» багажнигидан янги «тоғ асаллари»ни олиб, кути устига териб қўяди.

Бозорча тоғ йўлларида кор эриб, катнов мавсуми бошланиши билан биринчи автобусни даста-даста чучмўмалар билан кутиб олади. Бу пайт адирлардаги лолалар хазон бўлиб, тўпик бўйи келиб қолган буғдойзорларда лолакизғалдоқ алвон кўрпасини ёпиб ташлаган бўлади. Лола сайрига тўймай колган одамлар тоғ лоласини қўриб, кўзлари яшнаб кетади. Самарқандга қайтаётган, Термизга ўтаётган машиналарнинг орка ойналари лолаю чучмўмаларга тўлиб кетади. Қовчинлик асалчи йигит ҳам савдо мавсумини бошлаб юборади. Кабобчи қўрасидан чикқан тутун ёнбағирларда сузади. Ана шундан кейин сал фурсат ўтмай, «бозорча»га равоч чиқади. Витаминга ташна йўловчилар равоч харид қиласидилар. Шундокқина пастлиқда шовуллаб оқадиган сойдан болалар ойбалиқ тутиб чиқадилар. Ой қулоғидан тол новдаси ўтказилиб шода қилинган балиқлар анча пайтгача типирчилаб турадилар. Йўловчилар дунёда тоғ сойининг балиғидек ширин балиқ бўлмаслигини биладилар. Савдога чиққанига қаноат қилмай, болалар яна тутиб чиққунларича кутиб турадилар. Июлнинг ўрталарида бориб, бозорчага олма чиқади. Бу ернинг ојмасига

дори сепилмайды. Ҳашаротдан холи тоғ қуршовидаги олмазорлар күкламда ёмғир суви, ёзда томирлари оралаб сизиб ўтадиган булок сувларини шимиради. Чанг-губордан холи боғларда етилган бу олмалар минг дардга даво эди. Асфальт йўл четида олма тўла пақирчалар тизилиб кетарди.

Тинимсиз ўтиб турган автобус, машиналардан тушган йўловчилар бир зумда бозорчани «ялаб» кетишарди.

Эртаги олма товсилиши билан кетма-кет ўрик чиқади. У томони Қарши, бу томони Жиззах ўриклари коқи бўлган, тунука томларга ёйилган ўриклар қуритиб қоплаб бўлинган пайтда бу ерларда энди ранг олади. Август этагига келиб гарқ пишади. Тоғ ўригидан туршак солиб бўлмайди, ундан қиём ва компот пишириш керак. Тоғ ўригидан тайёрланган компотдан табиий ванилини ҳиди келади. Бунақа ажиб хушбўй қиёму компотларни шаҳарликлар ҳаддан ташқари яхши кўришади. Бу йўлдан ўтганки одам бор, бир-икки пақир харид қилиб кетмаса кўнгли жойига тушмайди.

Ана шундан кейин бозорчага дўлана чиқади. Кетма-кет кузги олма, нок бозори бошланади. Анзур пиёзини сўрайдиганларнинг сон-саноғи йўқ. Йўл четларида ёнғоқ тўла қоплар қалашиб кетади.

Тоққа қор тушиши билан автобусларнинг қатнови ҳам сийраклашиб, қор тепадан пастга аста-секин туша бошлагандан автобуслар қатнови бутунлай тўхтайди. Фақат азамат юқ машиналари – «Алка»лар қишин-ёзин баробар қатнаб туради.

Сўнғи йўловчиларгина каклик бозорини кўриб қоладилар. Тўрт-беш йўловчи харидорга тулки билан бўрсиқ териси тегиб қолади.

Йўлларни одам бўйи кор босади. Чўққиларни, ёнбағиру йўлларни булут ўрайди. Ниҳоятда тиник бир жимлик бошланади. Бу сукунатни булутлар тепасидан учиб ўтадиган реактив самолётнинг гуриллаши бузади.

Хонадонлар атрофида чўққидан хўрак излаб тушган ҳайвонларнинг излари қолади. Какликлар очиқ эшикларга кириб келадилар...

Толибжон бугун катта йўлдаги гавжум бекатга бормайди. Онасига берган ваъдасига биноан Кийиксовдига боради. Бугунги газеталарни автобус шофёри кабобчи йигитта ташлаб кетаверади.

Нонуштадан кейин Зайнаб битта халтага нон, қандкурс, ёнғоқ, тутмайиз, қуруқ чой солиб берди. Кетар олдидан кампир Толибжонни ёнига чакириб, болам, Кийиксовди момомга тиловат қил, тиловат қилишни билласанми, деб сўради. Толибжон, билмайман, деб жавоб килди.

– Ҳай, майли, «Қулҳу Оллоҳу аҳад»ни уч марта ўқисанг, Қуръон ўрнига ўтади, – деди.

Толибжон, уни ҳам билмайман, деди хижолатлик билан.

– Ҳай, майли, – деди яна кампир. – Сен кетавер, шу ерда туриб ўзим ўқиб қўяман. Савоби сенга тегсин деб, момога илтижо қиласман.

Толибжон онамнинг дили оғримасин деб, «хўп, хўп, она» деганча чиқиб кетди. Кампир орқадан жавраб қолди:

– Ҳой, тентак, бевошлиқ қилиб тоғангни қийнама! Форларга кирмагин, жар ёқасига бормагин, юмронқозиқ уясига кўлингни тиқма, илон-чаёнлар чакиб олмасин. Кушларнинг боласига тегмагин, онаси қарғайди...

Толибжон Азизбекни эргаштириб йўлга тушди.

Ўн уч ёшлардаги бўйи чўзилиб қолган бу бола сира гапга аралашмас эди. Толибжон уни яхши танийди. Отаси Равшанбек деган чўпон эди. Толибжондан беш-олти ёш кичик бўлса керак. Ҳозир Толибжон унинг башарасини унутиб юборипти. Эслашга ҳаракат қилса ҳам эсломади. Равшанбек бедарак йўқолган. Кўп қидиришди, кўрдим деган одам бўлмади. Бу бола отаси йўқолгандан кейин муштдек боши билан рўзгор тебратча бошлади. Ўзини ўтга-чўкка уриб, пул топарди. Автобус бекатида эрта баҳордан то қор тушгунча равоч сотади, балиқ сотади. Тоққа чикиб ўрик териб келади, кийикўт терауди, кош қорайганда ёнғоқ тўла иккита қопни эшакнинг гарданига айри ташлаб келади. Шу эшак жонивор билан қанча равоч, ўригу дўланда ташиди. Бувиси, Толибжон Кийиксовдига борармиш, деб эшитиб, атайин унга кўшди. Отангга атаб Кийиксовди момо мақбарасига шам ёқ, деб тайинлади. Атаб қўйган еттита тангани рўмолчасининг учига туғиб берди.

– Бор, болам Азизбек, Толибжонга ҳамроҳ бўл. Муштдеккина бошингга рўзгор ташвиши тушди. Отанг бўлса сени шу ахволга солиб қўярмиди, бор, бора-вер, мени ўйлама, мен бир Худо қарғаган одамман, – дея орқасидан мунгли қараб қолди.

Толибжон уни ёнига чақирди.

– Бирга гаплашиб кетайлик, Азизбек.

Азизбек жуда кўхлик йигит бўлиб ўсаётган эди. Овозди дўриллаб, иягидаги туклар муртга айланана бошлапти. Қарашлари ўйчан. Онасига ўхшаяптимикин, отасигами? Лекин боланинг ичида қандайдир алам, пинхоний изтироб туфён қилаётгани билиниб турарди. Онасини жуда

кўхлик дейишади. Кўни-кўшнилар орасида, қадамини чакки босарди, деган гаплар ҳам бўлиб ўтганди. Ҳатто бешик тўйида бир хотин, касофати эрига урди, деб айтганини ҳам эслашади. Толибжон Азизбекни қандай қилиб гапга солиши билмай, ўйланиб туриб, кейин сўради:

– Катта энанг соғ-саломатмилар? Бир кириб, кўриб чиқай дейман...

Толибжон ўёғига гап тополмай, тўхтаб қолди.

– Ҳали бақувватлар. Ўзларига ўзлари овқат пишириб ейдилар.

Толибжон ҳайрон бўлди. Савол назари билан Азизбекка қаради. Азизбек унинг нима демоқчилигини сезиб, жавоб қилди:

– Катта энам аямнинг қўлларидан овқат емайдилар.

– Нега? – деди Толибжон.

Бола жавоб қилишга қийналди. Анча жойгача индамай борди. Айтиш жуда ҳам қийин бўлган аллақандай аламли, изтиробли бир гапни тилига чиқазолмай қийналарди. Толибжон буни сезди. Айтмай қўя қолса ҳам майли эди-я, деб мавзуни ўзгартирмоқчи бўлиб турган эди, Азизбек қатъий деди:

– Мирвали тоғани бир кун эмас бир кун ўлдириб кетаман. Уни ёмон кўраман. Дадамни шу йўқ қилган. Биламан, биламан. Уйда дадамни иккита қўшофиз милтиги бор. Орқасидан пойлаб бориб отиб ташлайман.

Боланинг овози бўғилиб, охирги гапларини айтломай, юзини тескари бурди. Этаги билан кўзини, бурунларини артиб олди.

– Катта энам кечалари Мирвали тоғани қарғаб чиқади. Аямни қарғайди. Кейин ув тортиб йифлайди. Мен ҳам бўйнига осилиб йифлайман.

Толибжон пастки лабини қаттиқ тишлаб, кошларини чимирди.

— Толиб тоға, Толиб тоға, осмонга қаранг, бургут боласини учирма қиляпти! Мана, дурбиндан қаранг!

Толибжон Азизбек берган дурбин билан чўққига каради. Офтобда оппок қорлар чақнаб, кўзни оладиган чўққининг шундок ёнгинасида баҳайбат бир бургут гоҳ мункиб, гоҳ учишга интилаётган бургутчанинг у ёнидан-бу ёнига ўтиб, баъзан тагидан келиб туртиб, уни йўлга соларди. Бургутча қанотларини пирпиратиб, ўзини эплаёлмай, ўқ теккандек, пастга шитоб билан мункиб кетарди. Она бургут шўнгиб, худди уни илиб олаётгандек, тагига кираарди-да, яна учишга ундарди.

Ёлғиз оёқ йўлда, қайноқ тупроққа бағрини бериб ётган капча илон безовталаниб бошини кўтарди. Кейин хужумга тайёрланаётгандек кулча бўлиб капгирга ўхшаган бошини тизза бўйи кўтарди-да, айри тилини ўйнатиб, қимирламай туриб қолди.

Уни тошбўрон қила бошладилар. Шунда у думи билан тупроқни чангитиб, шу чанг-тўзон орасига кириб йўқ бўлди. Толибжон дурбинни кўзига тутиб, чўққи томонга қаради. Бургут энди йўқ, олис-олисларга боласини эргаштириб кетиб бўлганди.

Азизбек Толибжоннинг ёнида индамай борарди.

Толибжон унинг дадасини эслади. Ювошгина, камгап йигит эди. Бодомгул деган чиройли бир қизга уйланди, деб қулоғига чалинганди.

Ҳақиқатан, Бодомгул ҳаддан ташқари чиройли, шаддод қиз эди. Бу атрофда ундан хушвоноз қиз йўқ эди. Чирмандани чертиб қўшиқ бошлаганди ўйнаган ҳам ўйнарди, ўйнамаган ҳам. Қишлоқ тўйлари усиз ўтмасди.

У ўзининг чиройлилигидан завқланарди. Қошидан бир энлик юкорида бир текис қирқилган патига\*, қулоғининг остига тұғрилаб қирқилган сатанғ гажагига беҳі уруғи ивитилған сув суртиб ялтиратарди. Йигитларнинг күзи күйсин, деб дуррани чап томонга сал қийшайтириброк танғирди. У сира пардоз қилмасди. Чунки шундоғам унинг ним қызыл лаблари, сарикқа мойил оқищ чехраси ҳар қандай пардоздан күримли эди. У бойсунлар ки-ядиган каштали камзул билан даврага тушганда, сил-киниб чирманда чертганда давралар жимиб қоларди. Айникса, ўртага ёқилған гулхан атрофида айланиб күшик айтаёттганда, юзи алантадан яшнаб кетарди. Бүй-нидаги қызыл, күк мунчоклар, қулоғидаги балдоклари ялтираб, йигитлар күксига учқун бўлиб сачтарди. Ана шундоқ қызы Равшанбекка насиб қилди. У тоғ-тошларда эчкилар суруви кетида чангга беланиб юаркан, фақат шу бекиёс хотинини кўмсад, чўққилар тепасига чиқарди. Олисда куюқ кумушранг туманлар орқасида кўринмай қолган қишлоғи томонга қаарди.

Областнинг илфор чўпонлари қатори бир йили Равшанбекка ҳам орден чиқади.

Равшанбек бу қувончли воқеа муносабати билан уйида зиёфат беради. Ёр-биродарлар, қариндош-урұғлар, совхоз фаоллари йиғилишади. Мирвалини да-стурхоннинг тўрига олишади. Зиёфат авжига чиқади. Ширакайф меҳмонлар, Бодомгулдан эшитайлик, шу бугун айтмаса қачон айтади, деб туриб олишади. Битта туғиб янада яшнаб кетган Бодомгул ловуллаб ёнаётган оловдек чакан кўйлак кийиб, чирманда билан ўртага тушиди. Мирвали кўради-ю оғзи ланг очилганча ёпилмай

---

\* Пат – пешонадан қирқилған соч

қолади. Бодомгул силкиниб-силкиниб чирманда чертиб, гоҳ баланд, гоҳ паст тиник овозда терма айтади. Мирвали тумонат йиғилган бу зиёфатда Бодомгулдан бошқани кўрмайди, ширакайф йигитларнинг овозларини эшитмайди, кулоги фақат Бодомгулнинг тошдан тошга урилиб тушаётган тоғ сувининг овози каби қўнғироқдек овозини эшитади, холос.

Мирвалининг нияти бузилади. У билан учрашишнинг минг хил йўлини излайди. Охири совхоз ҳаваскорларини телевизорга чиқаришни Тошкент билан келишиб, марказдаги клубда уч-тўрт кун репетиция қилишга уни чакиртирди. Бодомгулни ҳар куни машинада олиб келиб юришди. Шундай кунларнинг бирида, бирга овқатланамиз, деб уни Чорчинорга чакиртиришди. Расулбек уни машинада опкелиб, ўзи, ҳозир келаман, деб қайтиб кетди. Бу ерда Мирвалидан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Расулбек йўлнинг ярмида машина ичидаги магнитофон қўйиб ўтирди: агар бирон машина бу томонга ўтмоқчи бўлса, нозик меҳмонлар бор, деб қайтаради.

Бодомгул табиатан енгилроқ аёл бўлганидан Мирвалига тез илакишиди. Ана шу кундан бошлаб ораларидағи муносабат тезлашиб кетди. Мирвали унга шу қадар берилиб кетдики, бир кун кўрмаса туролмайдиган бўлиб қолди. Равшанбек тоққа кетган пайтларда, ҳатто уйига ҳам bemalol борадиган, баъзан кечалари ётиб қоладиган одат чиқарди.

Равшанбекнинг энаси Мирвали келган тунда неварасини бағрига босиб йиғлаб чиқарди. Бир кун тонг маҳали Мирвали чиқиб кетаётганда кампир уни тўхтатиб, яхшиликча насиҳат қилди, ялиниб-ёлворди:

– Болам, гулдек рўзгорини бузманг! Биттагина арзанда боласи бор-а! Ўғлим пайқаб қолса, жуда хунук ишлар бўлиб кетади, шуни биласизми?

Мирвали ундан тап тортмай, сиз бу ишларга аралашманг, кампир, дедию чиқди-кетди. Мирвалининг қўлидан ҳар иш келишини кампир яхши биларди. Унга тенг келиб бўлмайди, тик қараганни йўқ қилиб юборади.

Кампир қон йиглаб қолаверди. Мирвали келиб-ке-тишдан тийилмади. Кампир ўғлига айтай деса орада гап қочиб, болам шикаст еб қолади, деган ўй билан аламини ичига ютди. Тонг отгунча невараси Азизбекнинг пешо-насини силаб, ёмонларга ўлим тилаб чиқадиган бўлди. Яхшиликча келининг насиҳат қилмоқчи бўлган эди, Бодомгул гапни калта қилди:

– Ҳафталаб тоғу тошларда йўқ бўлиб кетадиган ўғлингизни йўлига кўз тикиб ёш умримни ўтказайми? Дунёга икки марта келмайман-ку!

Ана шундан кейин кампир келинининг қўлидан овқат емай қўйди. Уни ҳаром билиб, кирини ҳам ўзи ювиб, қозон-товоғини ҳам бўлак қилди. Аммо лом-мим деб боласига бу тўғрида оғиз очмай, кўз ёшларини ютди.

Кампир ўғлини сўнгти бор тоққа кетиш олдида хотинининг соchlарини силаб хайрлашаётганида кўрган. Ўшанда унинг жигар-бағри қон бўлиб оққан эди. Равшанбек ўша кетганча қайтиб келмади. Дом-дараксиз кетди. На тириги, на ўлиги топилди. Ҳар бир ғор, ҳар бир ўнгирни қадам-бақадам қараб чиқишиди. Топишолмади. Кампир боласига аза очолмай, на қора кийишини, на оқ кийишини билади. Бодомгул бир-икки ой паришонхотирроқ бўлиб юрди-ю, яна аслига келиб, сертақин бўлиб қолди. Бўйнида марваридлар,

бармоқларида бриллиант күзли узуклар пайдо бўлди. У кийган кўйлакларни бу томонларда бирон аёл киймаган.

Бу гаплардан Толибжоннинг хабари йўқ. Фақат Азизбекнинг бояги, Мирвали тогани отиб ташлайман, деганидан, бола дадасининг ўлимини Мирвалидан кўряпти, деб ўйлади. Наҳотки шундай бўлса?! Наҳотки Мирвалининг қўли одам ўлдиришга кўтарилса?! Мумкин эмас, Толибжон, гўдакнинг эзилиб турган юрагини баттар эзмай деб, бу тўғрида бошқа гап очмади.

Толибжонлар келганда мақбара олдида ёнбошига «Узтелерадио» деб ёзилган микроавтобус турарди. Мақбара орқасидаги сўрида икки-учта бахши тиззасига дўмбирасини қўйиб, ёши олтмишлардан ошиб қолган шаҳарлик бир аёл билан қизғин баҳслашиб ўтиришибди. Бериги сўрида ўзи ёш бўлишига қарамай, соқоли кўксига тушган телепрограмма оёғини саланглатиб ўтирибди. Ёрдамчиси бир ёнбошида «Уч оёқ», оғзи очилиб қолган сумкадан кўриниб турган кассеталарга бош қўйиб, аппаратни қучоқлаганча хуррак отиб ухляяпти.

Чинор танасига қоқилган патнисдек тунукада ёзув. Толибжон яқин келиб ўқиди:

«Ушбу Кийиксовди момо мақбараси инсоннинг табиятга, жониворларга бўлган буюк муҳаббати рамзи сифатида ДАВЛАТ МУҲОФАЗАСИГА олинган».

Тошўчоққа биратўла тўртта кумғон қўйиб, тагига ўт қалаётган йигит Толибжоннинг олдига келди.

– Сўрилар банд эди-я, меҳмон. Анави ерга палос тўшаб бера қолай. Тошкентдан опа киночиларни олиб кептилар, шунга...

Толибжон бу опа ким экан, деб ҳайрон бўлиб турган эди, йигит топқирлик билан жавоб қилди:

– Танимайсизми, бу опа бизнинг төглардаги хотинлардан, баҳшилардан қўшиқлар, достонлар ёзуб оладилар. Алавия опа шу киши бўладилар-да! Кўп яхши, кўп покиза аёл бу киши. Телевизорга ҳам тез-тез чиқиб турадилар. Манави ёзувни кўрдингизми, шуни ҳам опа Тошкентдан ёздириб олиб келдилар, – у шундай деб чинор танасига қоқилган тунукадаги бояги ёзувни кўрсатди.

Толибжон билан Азизбек мақбарани айланиб, у ёқбу ёқларини кўриб бўлгунларича йигит ёнғоқ тагига палос тўшаб, ўртага дастурхон ёзуб қўйди. Йўл юриб анча чарчашган эди. Баҳшилар билан берилиб сухбат қилаётган Алавия опа уларнинг беозор ўтиришларига зимдан қараб қўярди. Кейин у ўрнидан туриб кўзойнагини олди-да, бир-бир босиб улар тепасига келди.

– Кийиксовди момони зиёрат қилгани келдингларми? Балли, балли сизларга!

Опа сўрида оёқ осилтириб ўтириб толиқкан эди. Улар қаторига келиб, оёқнинг чигилини ёзай деб чордана куриб ўтириб олди. Толибжон ундан:

– Кийиксовди момо тарихда бўлганми, у ҳакидаги ривоятлар тўғрими? – деб сўради.

Опанинг овози отинойларнинг овозига ўхшаб, фақат битта нотада юрар экан. У шошилмай Момо тўғрисида гапира бошлади:

– Тарихда шундай одам ўтган. Тарихий манбаларда бу онахоннинг номи тез-тез учраб туради. Ҳақиқатан ҳам бу табаррук онахон ҳайвонлар феъл-атворини жуда яхши билганлар. Ҳатто йиртқич ҳайвонлар ҳам у кишининг кўзларига бир қараганда гипнозланиб қолган. Онахон қирқ уч ёшда ўзаро чиқишимай, бир-бирини қириб ташлаган қабиладошларидан аразлаб, бу томонлар-

га келиб қолган, танҳоликда кун кечирган. Ҳайвонлар билан дўстлашиб, ўшалар билан овуниб умр ўтказган. Минг тўққиз юз йигирма еттинчи йилда келганимда ҳам бу мақбарани зиёрат қилганман. Эмизикли боласидан ажралган кийикни қандоқ қилиб соғғанлари тўғрисидаги ривоятни шу ердаги кексалардан ёзиб олгандим. Академиянинг фольклоршуносликка бағишиланган тўпламларida бир неча марта нашр қилинди. Ӯша келганимда «Намоз ўгри» романига материал йиғиб юрган Абдулла Қодирий билан шоир Чўлпонни шу ерда учратганман. Қодирий Чўлпонга шундай деган эди: «Абдулҳамид, шу ривоятни бир достон қилмайсизми? Жуда ўқишли бир нарса бўларди. Ривоят – насрдан кўра назмга яқин. Сиз буни жуда эплардингиз. Қадим афсоналардаги Клеопатраларни ёздингиз. Бу ундан яхши чиқади. Инсоннинг табиат билан бирлиги, жониворлар билан дўстлиги тўғрисидаги бу достон ёшларимизга табиатни форат қилиш эмас, уни авайлаш, унга меҳр қўйишни ўргатарди». Чўлпон Қодирийнинг бу илтимосини бажонидил қабул қилди. «Агар ўрни келиб қолса, мен ҳам янги романга киритишга уриниб кўраман. Шу жойларга Намоз ботирни олиб келаман», дейди Қодирий. Достон ёзишни дилига тугиб юрган Чўлпоннинг бошига турли шўришлар тушиб, ниятини амалга ошиrolмади. Абдулла Қодирий ҳам янги романни бошламай туриб, армону ҳасратда отилиб кетди. Ӯшанда Қодирий Кийиксовди момо Эрон-у Ҳиндистонда, Туркия билан Афғонистон тарафларда ҳам машҳур, деган эди. Ривоятларга қараганда, Бобораҳим Машраб Каттакўрғонга келганда Сўфи Оллоёр уни Кийиксовди момо зиёратига олиб келган эмиш. Манави мақбарани Амир Темур

курдирган. Устидаги лавҳа битилган кўк тошни Улугбек ўрнатган. Бу – тарихда битилган аниқ гап. Ҳар қалай, бу жойни эҳтиёт қилиш керак, сохта диндорларнинг даромад манбаига айлантириб олишларига йўл бермаслик керак...

Азизбек Кийиксовди момо мақбарасини қучоқлаб, сафана ғиштларини силарди. Кўз ёшлари селоба бўлиб илтижо қиласарди:

– Момо! Момогинам! Дадам қайда? Айтинг, сиз биласиз, моможон! Кийикларингиздан, осмонда учеб юрган қушларингиздан, бўрилардан, тулкилардан, айиқлардан сўранг, дадам қайдалигини айтишсин. Жон момо, дадамнинг дарагини айтишсин. Мен дадагинамни соғиниб кетдим. Катта энам йиғлайвериб кўр бўлай деяпти. Кечалари тиқ этса, эшикка қараб, йўл пойлайди. Момогинам, дадамни топиб беринг, топиб беринг! Ёлвораман. Совуқда қолган кийикларингизни боқиб, қўйиб юборганман. Қушларингизга дон сепаман. Қор ёқсан пайтларда кийикларингизга атаб йўлларға хашак уйиб қўяман. Дадам қани? Дадагинам қани? Топиб беринг, жон момо!

Толибжон унинг тепасига келди. Сафана пастида Азизбек сочган тангалар ётарди. Толибжон уни қўлтиғидан олиб турғазди.

– Бўлди, бўлди, Азиз. Ўзинг эсли боласан-ку. Кўй, қўй энди, жиян! – У ўпкаси тўлиб айтадиган гапи бўғзига келиб туриб қолгандек, ҳиқиллаб гапиролмади.

Толибжоннинг дили вайрон бўлди. Томоғидан овқат ўтмади.

Бошига тоғдек ғам агдарилган, яхши деб, меҳрибон деб ўйлаган одамлардан факат ёмонлик кўравериб,

уларга ишончини йўқотган Азизбек энди умрининг охиригача изтиробда яшашини, ҳаммадан шубҳаланадиган, нафратланадиган, руҳи майиб, қаҳри қаттиқ, аёвсиз, шафқатсиз бир кимса бўлиб қолиши мумкинлигини ўйлаб Толибжон эзилиб кетди.

Алавия опа жуда хушёр аёл эди. Тоға-жиянлар орасида аллақандай дилгирлик борлигини билиб бахшилар томонга кетди. Улар кун пешиндан оқканда орқага қайтишди. Толибжон тоза ҳавода, чиройли манзараларни кўриб, бир оз кўнглим ёришар, деб ўйлаганди. Кийиксовди момо зиёрати ҳам татимади.

Йўлнинг ярмига келишганда узоқда харсанг тошда орка ўгириб ўтирган бир одамнинг қораси кўринди. Ким бўлди экан? Зиёратга келганлардан бири бўлса керак, деб ўйлади. Харсангда ўтирган кимса одам шарпасини сезиб ўрнидан кўтарилиді. Ўгирилиб қаради. Кимсасиз бу тошлар орасида одам боласига дуч келганидан севингандек, икки қўлини силкитиб булар томон кела бошлиди.

Бу – Жайрона эди. Унинг кўйлак этаклари йиртилиб, лахтак-лахтак бўлиб осилиб қолган. Тошларда, шағалларда юраверганидан туфлиси йиртилиб, бармоқлари чиқиб турарди.

Жайрона Асвонда, Искандарияда, Қохирада, Мозамбикда унга ҳамроҳ бўлган. Ораларида муҳаббатга ўхшаш гаплар ўтган. Толибжон олис араб юртларида ишлар экан, Жайрона унинг шахсий таржимони бўлган. Шаддод, бир гапирсанг, иккини қайтарадиган, кўп ўқиган, кўп мутолаа қилган, мулоҳазали қиз эди. Бутун курилиш аҳлининг кўзини ўйнатиб, оловдек кийиниб юрарди.

– Бу томонларда нима қилиб юрибсиз, Жайрон? – деди ногаҳоний учрашувдан ҳайрон бўлган Толибжон.

– Сўраманг. Гап кўп. Укам шу томонларда геологлар партиясида практика ўтаётган эди. Топдим, кўришдим. Қайтишда йўлдан адашдим. Эрталабдан бери сарсонман. Ўзингиз нима қилиб юрибсиз?

– Мени уйим шу яқин жойда. Жиянимни айлантиргани чикқандим.

– Илтимос, Толибжон ака, юравериб ҳол-жоним колмади. Мени катта йўлга чиқазиб қўйсангиз.

– Хўп, хўп, аммо шу аҳволда шаҳарга қандоқ борасиз? Бу кеча бизникида дам олиб, сахарда йўлга чиқсангиз қандоқ бўларкин?

Жайронা бош чайқади.

– Шу бугун кетишим керак. Толибжон ака, мени бу ерда кўрганингизни, илтимос, бировга айтмасангиз. Кейин тушунтириб бераман. Албатта, айтаман.

Толибжон, хўп, деди-ю Азизбекка, кетдик, дея ишора қилди. Сал йўл юришгандан кейин орқадан ёнбошига «Узтелерадио» деб ёзилган микроавтобус келиб, ёнларида тўхтади. Алавия опа деразадан бош чиқариб қай томонга борасизлар, деб сўради. Толибжон ҳозир ўнгга бурилиб кетишларини айтди-да, ана шу кетишда Тошкентга бораётган бўлсангизлар мана шу синглизмизни ҳам олакетсангизлар, деб илтимос қилди. У айтганча экан. Толибжон Жайронанинг автобусга чиқишига ёрдамлашиб юборди, машина жилди. Ҳар куни бир бор ёмғир ювиб ўтадиган шағал йўлда хирагина чанг кўтарилиди, холос.

Келаётганда шошилмай орқада юрган Азизбек қайтишда шошиб олдинда борарди.

– Мунча шошасан, Азизбек? – деди Толибжон унга  
етиб олиб.

– Энам уйда ёлғиз. Мендан хавотир олиб, останада  
үтиргандир.

– Нега ёлғиз бўлади?

– Аям кетиб қолганлар. Мирвали тоға марказдан  
бир ўзига уч хонали уй берган. Ўзи кўчириб олиб кетди.  
Энам икковимиз қолганмиз.

У Толибжонга ялт этиб қаради.

– Билиб қўйинг, Толиб тоға, мен директордан  
қасдимни оламан!

У шундай деди-ю, шагал йўлда елдек югуриб кетди.

## X

Толибжоннинг килаётган ишлари атайлаб Ўзбекистондан келиб қиладиган иш эмасди. У қилаётган нотайин ишларни ўша ердаги ходимлар қилаверса бўладиган ишлар эди. У консул қаёқка бор деса ўша ёққа бориб, умрини ўтказиб юради. Шу нотайин иш билан ўн саккиз йил умрини совурди. Бир фарзанд кўрди. Бола балогатга етди. У ўғлим бегона юртда, бегона ахлок, бегона турмуш тарзига берилиб кетмасин, деб ўғлини Ўзбекистонга олиб келди. Уйини, квартира ҳақи тўланмаган, деб юкларини битта хонага тиқишириб, бошқа хоналарни бегоналарга бериб юборишибди. Толибжон ўғлини бир вакълар ўзи ўқиган билим юргига жойлаб, ётоқ олиб берди.

Энди Толибжонни Тошкентнинг топшириги билан Африканинг Мозамбик мамлакати ихтиёрига юборишибди. Орадан бирон ой ўтиб бу ерда вабо бошланди. Шу

сабабли бу юртга пахта экиш ишларини ташкил қилиш учун келган ўзбекистонлик мутахассисларни зудлик билан бошқа томонга олиб кетишди. Толибжоннинг хотини вабога чалиниб, карантинда қолиб кетди. У ердаги bemорлар бирин-кетин азобларда тўлғаниб ўла бошладилар. Толибжоннинг хотини ёлғизгина боласидан кўнгил узолмай, жон таслим қилди. Ўликларни худди куйдиргига учраган моллар сингари бир жойга уйиб куйдирдилар. Атрофни маҳсус дориланган бош-оёқ кийим кийган полициячилар ўраб олган. Фақат дипломатларгагина бу воқеани кузатишга рухсат берилган. Толибжон хотинининг алангада жизғанак бўлиб куяётганини ўз кўзи билан кўриб турди.

Бу Толибжоннинг ҳаётида сира унутиб бўлмайдиган даҳшатли воқеа эди. Кузатувчилар ҳам бош-оёқ никоб кийганлар. Уларнинг қандоқ ҳаяжонга тушаётганларини никоб ичиди билиб бўлмасди.

Толибжон жуда кўп кийинчиликларни кўрган, минг хил азобларга дуч келган, бардошли йигит эди. Аммо шу пайт у кўзларидан дув-дув ёш тўкарди. Фарёдини бирор эшитмасди. Кўз ёшларини ҳеч ким кўрмасди.

У «Хотинимнинг кулинини беринглар, юртимга обориб расм-русум билан кўмай», деб илтимос қиласди. Аммо кулни бермайдилар. Кулда жуда узоқ вақт сақланадиган давоси йўқ дарднинг микроби бор, олиб борсангиз юртингизга ҳам вабо тарқаб кетади, деб беришмади.

Толибжон Тошкентга келганда ўғлига онасининг ўлганини билдирамади.

Ўғли ўзига ўхшаб китобдан бош кўтармайдиган, бирон жумбоқни ечмагунча, тагига етмагунча, билиб олмагунча тинчимайдиган бола эди. У шу ернинг ўзида

уриниб араб, форс, инглиз, француз тилларини яхшиги-на эгаллаган эди. Кейинги пайтларда у араб алифбосида ҳусни хат машқ қилаётганди.

Толибжон ёлғиз боласидан кўнгил узолмай юрган кезларида ундан хат олади. У ўз ихтиёри билан жанглар қизиб турган олис Афғонистонга таржимон бўлиб кетаётганини ёзган эди. Безгакка чалинган Толибжон боламнинг дарагини билиб беринглар, деб консулга учрайди. Элчихонага телефон қиласди. Улар албатта суриштириб, билиб берамиз, деб възда қилишади.

Орадан бирон ой ўтиб боланинг дараги чиқади. Боласи нобуд бўпди. Жасади солинган тобутни қаёққа юборишни билмай, охири уни ўша ернинг ўзида куйдиришганларини хабар қилишган эди.

Бегона юртда безгакка чалинган, иситмада қуйибёнгаётган Толибжон бир ўзи мунгайиб қолди. Вабо бошлаганда Жайрона Африкада эмасди. Литванинг Каунас шахрида бўлаётган бир ойлик семинарга кетган эди. Семинарнинг охирги куни Москвадан етиб келган Иттифоқ Давлат Хавфсизлиги қўмитасининг раиси Игнатов семинар қатнашчиларининг фаолиятларини бирма-бир таҳлил қилди. Жайрона Африканинг бир неча вилоятларида вабо тарқаганини Игнатовдан эшилди. Шу ернинг ўзида вабога қарши дори-дармонлар ичиришди, укол қилишди, эмлашди.

Жайрона қайтиб келганда Толибжон тўшакка ётиб қолган, иситмада қуйиб ёнарди. Хотинидан, ўғлидан жудо бўлган Толибжоннинг аҳволи оғир эди. У ўз ғами билан бўлиб безгакка қарши эҳтиёт чорасини унуглан эди. Шефнинг бошига мусибат тушган ўша кезларда Жайрона кунига яради. Кечалари то уйқу элитгунча

ёнида қоларди. Баъзан унинг ҳувиллаб қолган кимсасиз уйида ётиб қолган пайтлар ҳам бўлган.

Одам тафтини одам кўтаради, деганлари нақадар зўргап эканини Толибжон ана ўшандада билганди.

Жайронা овқат тайёрлар, бирга ўтириб тамадди қилишарди. Жайронা пазанда эмасди. Пиширган овқати гоҳ шўр, гоҳ тузсиз бўларди. Овқат пиширишга укуви йўқлигини унинг ўзи ҳам биларди. Таомни дастурхонга қўйганда, албатта, қорин тўйса бўлди-да, деб укувсизлигини қизиқчилик билан босиб кетарди. Ниҳоятда пазанда хотинининг ширин-ширин овқатларига ўрганган Толибжон учун бу овқатни ейиш анча мушкул эди. Аммо етти ёт бегона аёл вақтини аямай унга овқат пишириб берса, емаслик ноинсофлик бўларди. Толибжон, умримда ҳеч қачон бунаقا ширин овқат емагандим, деб мақтаб қўярди.

Жайронага ҳеч ким Толибжонни ёлғизлатиб қўйма, деб тайинлаб қўймаган. У одамгарчилик, қолаверса, юртдошлик бурчини ўтаётган эди. Толибжон иситмада ўртаниб ётибди. Безгак ҳар хуруж қилганда, аввал қалтираб совқотарди. Кейин бирдан ҳарорати ошиб кетади. Терга ботиб, кийим-боши, чойшаб, болишлар, одеяллар тердан шалаббо бўлиб кетади. Жайронага уни ечинтириб, баданларини артиб, тоза қўйлак кийдириб қўярди.

Ҳадеганда иситма қайтавермайди. Докторларнинг дорилари, уколлари ҳам кор қилмасди. Жайронага элчихона боғбонининг маслаҳати билан безгакка чалинган кўп bemорларни даволаган бир кампирни бошлаб келди. Кампир саксон ўшларга борган бўлса ҳам ҳали тетик, қадди расо хотин эди.

Уни умрида неча марталаб заҳарли илонлар, чаёнлар чаккан. Илон, чаён чаққан кишиларни тупуги билан даволар экан. Кампир Жайронага мастава тайёрлашни буюради. Устига «Кибрит» деб ёзилган гугурт қутичасида олиб келган иккита қора күнғизнинг биттасини оловкуракка кўйиб куйдирди. Кейин уни майдалаб, мурчга аралаштирди-да, Толибжонга билдирмай маставага солди. Иштахаси йўқлигидан овқат емай қўйган Толибжонга зўрлаб ичирди.

– Бўлди. Эрталаб отдек бўлиб кетасан, – деди кампир. – Аммо кечаси иситманг кирқ даражага чиқади, кўрқма. Ҳарорат бирдан тушади.

Кампир кетди. У айтгандек, кечаси Толибжон иситмада куйиб-ёнди. Алаҳсираб, хотинини чакирди, қаёкларда юрибсан, деб ўғлини койиди. Шундан кейин терга ғарқ бўлиб ухлаб қолди.

Эрталаб кўзини очганда, танида безгакдан асар қолмаганди. Аммо қуввати йўқ эди.

Жайронана унинг ёнидан жилмас, ўз жигаридек унга меҳрибончиликлар қиласарди. Кирини ювади, ўзини ювинтиради. Уйини йигиштириб, кўзи сал илиниши билан халта кўтариб бозорга югуради. Оғзига ёқадиган нарсалар топиб келиб, едиради.

Толибжон дармонга кириб ўзига кела бошлаганда, Жайронага қандоқ қилиб миннатдорчилик билдиришини билолмай қийналарди.

Бир куни иккови балконда чой ичиб ўтиришганда Толибжон дилидаги гапини айтди:

– Жайронана, ҳеч ким ўзга юртда дардга чалинмасин экан. Ўз юртингда оғрисанг, юртингнинг ҳавоси хам дори бўлади. Аммо мусофириликда жуда ғарип бўлиб

қоларкансан. Яхшиям сиз бор экансиз. Минг раҳмат. Бўлмасам, ким билади, нима бўлардим. Ҳеч қачон яҳшилигингизни унумтамайман. Ўлмасам, сизга бу яхшилигингизни ўн чандон ортиқ қилиб кайтараман.

Жайрона кулди. Бу яхшиликни сизга қарзга берадеётганим йўк, ахир одаммиз-ку. наҳотки пича яхшиликка ҳам миннат қилсак, шу тузалиб кетганингиз – қилган яҳшилигингиз, деди.

– Бир гап айтсам хафа бўлмайсизми?

Толибжон, майли, айтинг, деди.

– Толибжон ака, сиз курашга ярамайдиган, иродаси бўш одам экансиз. Сиз Лев Толстой назариясига амал қиласидиган кишиларданисиз. Биласизми, Толстой зулмга қарши бош кўтарма, деган ақидани олдинга суради. Мен сизга қойил эмасман. Сиз нима қиляпсиз, э-э... – Жайронна ҳафсаласи пир бўлиб, кўл силтаб қўйди.

Ер ёрилмади-ю, Толибжон ерга кириб кетмади. Бир ҳисобда унинг гаплари чин эди. Толибжон тақдирга тан бериб яшаётганини сезмасди. Шу топда сезди. Буни унга Жайрона айтди.

– Бу ерга келиб нима иш қиляпсиз? Ҳозирги қилаётган ишингизни шу ердагилар ҳам бемалол қила олишади. Бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга келиб қиласидиган иш эмас бу. Сизни мутахассис сифатида юборишиган эмас. Қувғин қилишган. Тўғрими?

Толибжон бош иргаб унинг гапини тасдиқлади.

– Ана, буни ўзингиз ҳам биласиз. Нега индамайсиз? Нега бош кўтариб, ҳақлигингизни исбот қилолмайсиз? Нега Москвага ёзмайсиз? Нега Политбюрога хат юбормайсиз?

Толибжон бир хўрсиниб олди.

— Кимлар билан олишганимни билмайсиз-да, синг-лим. Бу ишга Брежневнинг күёви аралашган. Энди бу чигал ишни узокдан туриб ечиб бўлмайди.

Жайрона, э-э, кўйинг-э, дея ўрнидан туриб кетди. Бемор одамнинг дилини оғритиб кўйдим, дея яна қайтиб келиб, жойига ўтирди.

— Мендан хафа бўлманг. Бир кизишиб кетдим-да.

Толибжон бошини кўттармай жавоб қилди:

— Аммо рост гапни айтдингиз.

Жайрона қатъий гап қилди:

— Уйланинг, Толибжон ака. Ўзингизга ўхшаган иродасиз, бўшашибган аёлга эмас, олов бўлиб ёнадиган, ийкилса ер титрайдиган, тишли, тирнокли аёлга уйланинг. Бўлмасам, давр шамоллари сизни хазондек шопириб ўйнайди. Оёқ ости бўлиб кетасиз. Мен айтгани килинг. Юрганда товонидан ўт чакнайдиган хотин олинг.

Толибжоннинг кўнглидан ялт этиб бир гап ўтди. У айтаётган аёл ўзи эмасмикан? Кўнглига келган гапдан ўзини койиди. Мени бошига урадими?

Бу тўғрида ораларида бошқа гап айланмади. Жайрона унга дори ичириб, алла-паллагача бошида ўтирди. Кўзлари бирам чиройли. Худди жайрон кўзларига ўхшайди. Энгашиб кўлтиғидан градусникни олаётганда, соchlари осилиб, Толибжоннинг юзидан сирпаниб ўтади. Ундан аллақандай баҳор ҳиди анқиб кетади. Шунда Толибжон ўзини ўзи бошқаролмай қолади. Аста кўлларидан ушлайди. Бармокларини силайди. Жайрона қўлини тортиб олмайди, қўйиб беради. Толибжон бирдан ўзига келади. Кўлини олади. Мени кечиринг, дейдигу, кўзига қараёлмай, юзини ўгиради.

Толибжон тамоман тузалиб кетолмайди. Асабий-лик дардига мубтало бўлади. Сал нарсага қизишиб ке-тадиган, бирор билан гаплашганда силтаб ташлайдиган бўлиб қолади. Буни Жайрона билади. Дарбадарлик, хотинининг ўлими, жабр қилган одамга қарши бош кўта-ролмаслиги уни шу кўйга солган.

Элчихонадагилар маслаҳатлашиб, уни Ватанга қайтариб юборишга қарор қилишади. Жайрона аэропортгача кузатиб чиқади. Шунда Толибжон ўзига бенихоя кўп ва самимий меҳрибончилик қилган бу қизга дил-дилдан миннатдорчилик билдиради.

— Жайрона, келинг, акаларча пешонангиздан бир ўпиб хайрлашай.

Жайрона пешонасини эмас, юзини тутади. Нозик кўлларини унинг бўйнига чирмаб, лабини лабига босади, мен боргунимча уйланиб қўйманг, деб яrim ҳазил, яrim чин бир гап қиласди. Толибжон то самолётда Тошкентга келгунча бу гапнинг мағзини чақишига уринади. Кўнглида унга нисбатан қайноқ бир ҳис уйғонганини сезади. Кейинги ойларда Жайрона, ҳатто тушларига ҳам кирап, унутдингизми, деб таъналар қиласди.

У Тошкентга келганда ҳам Жайронани унотолмади.

Бугун ваҳший тоғлар орасида у билан яна юзма-юз келди. Ҳеч ўйламаган, кутмаган бир пайтда олдидан чиқди.

Эрга тегдимикан? Ё сўққабош бўлиб юрибдими? Толибжоннинг кўнглида ухлаган хотиралар уйғониб кетди-ю, оромини йўқотади...

Бир ойдан ошдики, Толибжон дунёда нималар бўлайтганидан бехабар. Газета йўқ, телевизор ҳали ҳам ишламайди. Довонда ўпирилиш бўлганми ё бирон иш килишяптими, йўл бекилиб, транспорт қатнови учун сой ёқасидан вақтинча омонат йўл қилинган. Бу йўл бекатдан бирон километр пастликда. Автобуслар ўша томондан ўтиб кетишаверади. Толибжон ўргангандан гавжум бекат энди жимжит. Кабобпаз ҳам қўрасини кўтариб сойликка тушиб олган. «Тоғ асали» сотадиган йигит йўл бекилмасдан олдин довоннинг нарёғига ўтиб кетган. Йўл қачон очилади, умуман, довонда нима иш килишяпти, Толибжон билмасди. Мирвали ҳам ишлари кўпайиб кетиб, Толибжондан хабар олмай қўйган. У бева кампирнинг буқачасини бўғизлагандан буён Толибжоннинг ундан анчагина кўнгли олинган. Азизбек ҳам дилига хиралик солиб қўйган эди.

Толибжон аввалгидек, сокин сойликка тушиб кетганича, кечгача минг хил хаёллар суреб янга қайтиб чиқарди. У ҳар гал қайтаётганда гувала деворли ҳовли остонасида Азизбекни учратарди. У ўша-ўша камгап, бирорга қўшилмас, ўз ўйлари билан ўзи овора эди.

Тўғри, Толибжон бу орада икки марта Қоплонбоп билан Дукатга бориб, сой бўйларида айланиб юрди. Бу кезишлиарда хаёлан режалар тузиб чиқди. Лекин унинг режалари Мирвалига маъқул бўлармикан?

Қоплонбоп оралаб оқадиган сойни қувурдан ўтказиш керак. Токи сойга селлар ҳар хил нажосатни ювиб тушмасин. Мана шу ифлосланган сувдан дукатликлар колит қасалига мубтало бўляптилар. Шундок катта,

миллионер, имкониятлари ҳар кандай харажатни писанд қилмайдиган хўжалик учун ярим километр ерга қувур ётқизиш кийин бўлмаса керак. Қоплонбопликлар учун бир тегирмон сув оқадиган лоток қўйса, bemalol етади-ку.

Мирвали ғалати феълли одам. Ишига аралашадиганларни унча хуш кўрмайди. Бироннинг маслаҳатини олмайди ҳам. Илгарилари келиб, ҳолинг не, деб Толибжоннинг кўнглини овлаб кетарди. Энди уни бутунлай унутиб юборди. Бормисан, йўқмисан, демайди.

Толибжоннинг эса киладиган иши йўқ. Саланглаб у ёқка боради, бу ёққа келади. Кўл учидаги кун кўриб турган бир ветвачнинг рўзғорига шерик бўлиб ўтирипти. Халқда, меҳмоннинг иззати уч кун, деган гап бор. Тирик товон бўлиш ҳам етар, деб ўйларди Толибжон.

У қаёқка боради? Тошкентга кетай деса, у ерда унга кимнинг кўзи учиб турибди. Бирон ишнинг бошини ушлай деса, бу кишлоқда унга мос иш йўқ.

Мирвали унга бир-икки ишни айтиб кўрди. Албатта, Толибжон эплайдиган иш. Мирвалининг кўл остида ишлаш унга тўла тобе бўлиш, яхши-ёмон ишларига шерик бўлиш демакдир. Толибжонга кампир энаси: «Болам, Мирвалига хушёр бўл, унинг қўли қонли дейишияпти. Унга қўшилиб, сен ҳам бадном бўлиб қолма», деган эди. Бу гапнинг чин эканлигига Толибжоннинг ақли етиб қолганди. Демак... Толибжоннинг боши қотди.

Толибжон ўйлай-ўйлай дикқинафас бўлиб кетди. Кампир энасига, бир айланиб келай, деб уйдан чиқдида, боши окқан томонга кета бошлади.

У юриб-юриб терскай тарафдаги адирга чиқди. Кишлоқ болалари шу тарафда қўй-ечкиларини боки-

шарди. Эллик чокли эчки тошдан тошга сакраб, ўтлаб юрибди. Кўйлар пастликда. Болалар эса қумғон тагига ўт қалаб гурунг қилишяпти. Толибжон улар даврасига кўшилиб, гапларига қулок сола бошлади.

Дунёда ҳали гуноҳга ботмаган, виждони азоб берадиган хоинликларга дуч келмаган. ўй-ҳаёлтари ўзилек тоза инсончалар... Атрофда худди шу сабийлардек покиза, суви ҳам, ҳавоси ҳам, дов-дараҳтлари ҳам иффат пардасини йўқотмаган, инсон тафаккури яратмиш кимё мўжизаларига, бирни бор қилмоқ учун ўнни йўқ қилувчи фан «ютуқлари»га рўпара келмаган бир поклик ҳукмрон эди.

Кумғон вақирлаб қайнаб кетди. Алюмин кружкада чой ҳўплаганда лабининг куйишига қарамай, болаларнинг оғзи гапдан бўшамасди. Уларнинг алмойи-алжойи гапларидан Толибжон мириқиб кулар, ҳузур киларди.

– Биласизми, каклигимнинг биттаси ўлиб қолди!

– Нега? – деди ҳайрон бўлиб Толибжон.

– Хўрозга бостирган эдим, бечора каклигимнинг орқаси битиб қолди-да, тезак ташлаёлмай, уч кун кийналиб ўлди.

Азизбек ўрнидан туриб кетди.

– Э, гапинг қурсин. Ҳаммаси ғирт ёлғон...

Азизбек шундай деб сумбул толаси билан «каён ўт» тергани пастликка тушиб кетди.

Унинг кетиши ҳикоячи болага айни муддао бўлди.

– Битта зўр гап айтаман. Азизбекка айтмаймиз, айтсак Кийиксовди момомнинг арвоҳи урсин, деб қасам ичсаларинг айтаман, деди.

– Бўпти, қасам ичамиз.

– Бир кун воҳди туриб, какликларимни ёввойи мушук олиб қочмадими, деб ҳовлига чиқсам, Мирвали тоға бизнинг девордан ошиб тушяптилар. Аввалига қўрқиб кетдим. Мирвали тоға бармокларини лабларига босиб, тисс, дедилар-да, ёnlаридан битта ўн сўмлик чиқариб, қўрганингни бирорга айтма, деб эшигимиздан чиқиб кетдилар. Бирпасдан кейин Равшанбек тоғам девор наҳрасидан қараб, жиян, шаттан бирор тушмадими, деб сўрадилар. Мен, йўқ, ҳеч ким тушмади, ёввойи мушук ўтди, дедим. Анчадан кейин Равшан тоғанинг сўкинганини, Бодомгул кенойимнинг йиғлаганини эшилдим. Ана шу.

– Ва-а! – деди бир бола. – Мен бирон қизиқ гап айтсанми, деб ўйлагандим.

Гапи қизиқ чиқмаганидан хижолат тортган бола хафсаласи пир бўлиб ҳўриллатиб чой ича бошлади.

– Ундан кўра индийский кинога билетсиз кирганингни айт. Толиб тоға, эшилинг, жуда боплаган.

Бола, эндини қизиқ бўлади, деб гап бошлади:

– Индийский кино келганди. Билетимиз йўқлиги учун эшикда ўтирган киши киритмади. Шошма, боплайман, дедим. Болалар билан битта тирик каклиқдан гаров ўйнадик. Четга чиқиб, дўппимнинг астарини ағдариб кийдим. Сочларимни тўзгитиб, кўзларимга туширдим-да, контроль бобонинг олдига бориб ёлғондакам хиқиллаб йиғлаб туравердим.

– Нега йиглайсан? – деди контроль бобо.

– Аям шу кинога кириб кетган. Уйда келинаймни тўлғоқ тутиб қолди. Мендан бошқа ҳеч ким йўқ. Келинайм ўлиб қолади деб, қўрқиб кетяпман.

Контроль ўйланиб туриб, шундай деди:

– Уйингда ой-куни яқин келининг бор экан, кинода нима қиласан, мочағар! – Кейин менга қаради. – Бор, кириб аянгни чақириб чиқ!

Ичкарига кирдиму дўппимни ўнглаб, соchlаримни тўғрилаб, одамлар орасига биқиниб, маза қилиб кино кўрдим. Шу.

Болалар унинг ҳикоясидан котиб-қотиб кулишарди. Толибжон бу боланинг муғомбирлигига, топағонлигига қойил қолди. Ичида, бу боланинг калласи ишлар экан, ўқиса яхши одам бўлади, деб кўйди.

Ҳаммани қойил қолдирган бола завқланиб, янги ҳикоясини бошлади:

– Катта одамлар ўпишаверадилар, ўпишаверадилар. Киноларда роса ўпишади. Индийский кинолар яхши, сира ўпишмайдилар. Шу десанг, ўпишиш маза бўлса керак деб, биттасини ўпганман.

– Ёлғон, ёлғон гапиряпсан! – дейишдичувиллашиб болалар. – Кимни ўпгансан, мард бўлсанг, айт!

– Ҳеч кимга айтмайсанларми? Бўпти, айтаман. Тиш доктори Муллақанд тоғага ҳафтада ўнта каклик обориб берардим. Унинг бўйига етай деб қолган Иза деган қизи бор. Унга қош терадиган мўйчинак бериб ўпканман. Ундан товуқ ҳиди келаркан. Қусиб юборай дедим. Сассиқ экансан, деб мўйчинакни қайтариб олганман. Ана шу, тамом!

Болалар унинг ёлғон гапларидан қорниларини чанглаб кулишди. Толибжон бу бола ўқиса ёзувчи бўлиши мумкин, деб ўйлади.

Пастдан бир отлик чиқиб келди.

Болалар уни дарров танишди.

– Эшаккулук тоғам келяптилар, – деб чувиллаша бошлаши.

Унинг «Эшаккулук тоға» деб аталишига сабаб бор эди. Бундан түрт йил олдин апрель ойининг охирларида тоғдан сел келди. Мана шу тоғанинг бригадасидаги куртак ёзиб қолган олма кўчатларини ювиб кетди. Мирвали I май куни ҳамма байрам қиласин, деб далада ишларни тўхтатади. Совхоз марказида сайл уюштиради. Сайёр бозор келади. Морожнийчилар, кабобчилар келишади. Катта қозонда ош дамлашади. У ёғи Қарши, бу ёғи Самарқанд театридан артистлар келади. Эркаг-у аёл, ёшяланг совхоз марказини тўлдирган. Ўйин-кулги авжида. Бирдан Мирвалининг дала айлангиси келади. Машинани ўзи бошқариб, далаларни айланиб чиқади. Охири мана шу Эрали тоғанинг ерларига ўтади. Қараса, бригада аъзолари байрам қилмай қайтадан кўчат экишяпти. Мирвали машинадан тушиб, улар олдига келади.

– Нима қиляпсизлар?

Байрам тантанасидан кечиб, олма кўчати экайтганимизни кўрган директор хурсанд бўлади, деб ўйлаган бригадир Эрали мақтанганнамо дейди:

– Кўчат экяпмиз, олма бўлади, ўртоқ директор.

– Май ойида эккан кўчат кўкариб олма бўладими? Эшакнинг қулоги бўлади! – дейди Мирвали уни масхара қилиб.

Эралига мақтов ўрнига майна бўлгани жудаям алам қилади. Шартта икки тиззаси билан ерга ташланади, Қўлларини осмонга кўтариб нола қилади.

– Э, Худо, ёлвориб сўрайман, шу кўчат эккан жойимизнинг бир-икки гектаридан директор айтган нарсадан чиқазиб берасан. Омин! – дейди.

Мирвали аввалига ҳайрон бўлиб туради-да, кейин бирдан қах-қах уриб кулиб юборади.

– Енгдинг. Енгдинг, мени номард!

У шундай деб машина юхонасини очади. Боя тепли-цадан олган лимон, бодринг, помидор солинган қутини кўтариб, ариқ бўйига қўяди. Кейин қофоз коробкадан учшиша арок олади-да, Эралиниңг ўз қўлига беради.

– Экиб бўлганларингдан кейин майшат қилларинг.

У машина томон кетар экан,вой номард-э,вой ярамас-э, мени боплади-ку, деб хиринг-хиринг кулади.

Ана шундан бери Эрали чавандознинг номи Эшакқулоқ тоға бўлиб кетганди.

Эрали ҳаддан ташқари содда, тўпори одам. Бир муддат Мирвали билан оралари бузилиб юрди. Кейин, шу одамнинг нимасидан хафа бўламан, деб Мирвали уни кечирди. Илгаригидек гаплашиб кетишди.

Мирвали Олий Совет сессиясида аксар шоир Fafur Fулом билан ёнма-ён ўтиради. Шоирнинг олтмиш ёшлик юбилейни нишонланишини эшитиб, Мирвали унга:

– Юбилей қилиб биз томонларга борсангиз, совхозимизда тўхтаб ўтинг. Бизда адабиёт муҳлислари кўп. Бир адабий кеча қиласлий. Ундан ташқари, сиз Олий Советга биринчи марта биз томондан, Ургутнинг Қоратепасидан сайлангансиз, – деб илтимос қилган эди.

Кунларнинг бирида обкомдан телефон қилиб, Fafur акани таклиф қилган экансиз, совхозингизни программага киритиб қўйдик, палон куни келади, деб айтишади.

Адабий кечада уни табриклаш ва тўн кийдириш Эрали тоғага топширилади. Бу одам умрида шеър ўқимаган, шоир ким, композитор ким – унга барибир эди. Мактаб директори икки кун унга гап ўргатади: «Адабиётимиз-

нинг карvonбошиси, денг. Шеъриятимизнинг фахрисиз, денг. Ўзбек совет адабиётида социалистик реализм методи асосчиларидан бириسىз. Сизнинг «Шум бола», «Ёдгор» қиссаларингиз, «Вакт», «Сен етим эмассан» каби фалсафий шеърларингиз халқ орасида машхурдир. Биз бу ноёб шеърият дурдоналаридан баҳраманд бўлганимиздан ғоятда миннатдормиз, деб айтасиз. Тушундингизми? Эсингиздан чиқмайдими?»

Тоға, хотиржам бўл, деб уни тинчтади.

Тантанали кеча бошланади. Катта клубга одам сифмай кетади. Мактаб болалари шеърлар ёдлаб келишган, ўқитувчилар шоирни қутлуғ олтмиш ёш билан табриклиш учун жуда чиройли нутқлар ёзиб келишган.

Биринчи бўлиб Эрали тоғага сўз берилади. Мирвали президиум столига икки қўлини тираб туриб, уни яхшилаб таърифлайди.

– Ҳозир устоз шоиримизни муборак олтмиш ёш билан қутлаш учун совхозимизнинг энг илғор маккажўхорикори, илғор боғбони, фронтовик, зўр чавандоз, қатор орденлар соҳиби... – шу ерга келганда у эшаккулօқ дейишга тили бормай, асли отини тополмай, анча довдирраб туриб қолади. Кейин ўзидан сўрайди: – Лақабингдан бошқа асли отинг нима эди?

Пастдан Эрали, Эрали деган овозлар чиқади.

– ...Сўзни ҳозиргина яхшилаб таъриф қилинган тамаккор-маккажўхорикор Эралига берамиз.

Эрали мақтовларни эшитиб эриб кетган экан, айтадиган гапларини тамоман эсидан чиқариб қўйиб, Ғафур Ғуломга мўлтираб қараб туради. Бир минут туради, икки минут туради, йўталиб қўяди. Кейин қўлтиғидаги тўнни ёзиб унга тутади.

– Бу майда қавик түнни Ургут бозоридан етмиш сүмга олганмиз. – Кейин шоирнинг бошига дўппи кийдиради. – Бу гилам дўппини Шаҳрисабз бозоридан олтмиш сўмга олганмиз.

Ана ундан кейин қийиқни учбурчак қилиб, бир учига жез пойнакли карки соп пичоқ солинган қиннинг бандидан ўтказиб белига боғлади.

– Буни Чироқчидаги пичоқчига машина рессоридан уч юз сўмга ясатганмиз.

Ҳамма ишни кўнгилдагидек қилдим, деб ўйлаб залга караб керилиб туради-да, одамлар ундан яна нимадир кутаётганини сезиб:

– Шу, – дейди.

Мирвали ер ёрилмайди-ю ерга кириб кетмайди. Унга икки кун тинмай нутқ ўргатган ўқитувчи стол тагига кириб кетади.

Мехмонларни кутиш учун чинор тагига дастурхон тайёрлатиб қўйишган эди. Мирвали, меҳмон шоир одам, кўп катта дастурхонларни кўрган, уятли бўлиб колмайлик, врач Седона дастурхон тузатсин, деб тайинлаган эди.

Седона столни гулдек қилиб ясатибди. Ўртада биллур вазада гул. Ҳар бир ликопча тагига салфетка бостирилган. Бир томонга қошиқ, бир томонга санчки билан пичоқ қўйилган. Ичимликлар алоҳида столда. Ўзи пиширган бўлса керак, аллақандай пироглар, тортлар дастурхонга тортилган эди.

Мирвали буларни кўриб, Седонанинг дидига тан берди.Faфур Ғулом кириши билан Седонага кўзи тушди. Ичида, бай-бай-бай, одам боласи ҳам шунча кўхлик бўладими-я, деб қўяди. Умивальникда кўлинини юва-

ди. Седона унга охорли сочик тутади. Шунда унинг димоғига жуда хушбўй, ҳаддан ташқари хушбўй атирихиди урилади. Шоирнинг боши айланиб, гангиб қолади.

Овқат пайтида Седона унинг тўғрисига ўтириб қолган эди. Ғафур Ғулом ярим чин, ярим ҳазил килиб дейди:

- Ҳой қиз, тўғримда ўтирма, бошқа ёққа бориб ўтири!
- Нега? – дейди Седона ҳайрон бўлиб.
- Кўзим тиниб кетяпти. Сендан бошқа ҳеч нарса кўринмаяпти. Худди кўзимга офтоб тушаётганга ўхшайди. Мунча чиройлисан?
- Билмасам, – дейди ийманиб Седона. – Онам шунаقا қилиб туққан бўлсалар мен нима қилай?
- Йигит пайтим бўлса, албатта опқочиб кетардим, тоғ болалари шоир почча, деб юришарди.

Ҳазил-мутойиба билан зиёфат ҳам тугайди. Мехмонлар қўзғалишади. Мирвали баланд овоз билан:

– Почча, қаёққа шошяпсиз, чучвара туғиб олдингизга қўямиз, чарлари ичида, куёв чақирдини ҳам ўтказиб, кейин кетардингиз-да, – дейди.

Ҳамма баробар кулиб юборади. Шу кулги товушлари орасида чинни пиёланинг жарангига ўхшаган бир овоз ажралиб туради. Бу Седонанинг овози эди.

Ғафур Ғулом кетар олдида Мирвалига бир конверт беради-да, шофёрига, ҳайда машинани деб буюради. Машина жойидан қўзғалади. Мирвали машина кўздан йўқолгунча қараб туради-да, конвертни очади. Пул. Ичиди бир парча қоғозда ёзув.

«Тўн учун етмиш сўм. Дўппи учун олтмиш сўм. Пичоқ учун уч юз сўм. Еган овқатимиз учун эллик сўм. Жами – тўрт юз саксон сўм», деб ёзилган эди.

Мирвалининг бутун вужудидан тер қуиилиб кетади. Ҳозир бориб Эшакқулоқни то оғзи-бурнидан кон келгунча дўппослайман, деб у ёқ-бу ёкка қараб, уни тополмайди. Эрали аллақачон жуфтакни ростлаб қолган экан. Шундан кейин Эрали унга кўринмай юради. Мирвали уни уришга-ку, урмайди-я, аммо ургандан баттар қийнайди. Беш-йиллик якунида уни ордендан ўчиртириди. Тамакидан энг кўп ҳосил кўтартган бўлса ҳам уни курултойга обормади. Эрали неча чақириклардан бери район советига депутат қилиб кўрсатиларди. Бу галги сайловда уни қишлоқ совети депутатлигига ҳам ўтказдирмади. Мирвали унга шунча тўсқинликлар қиласди, бари бир аламидан чиқолмасди. Олий Совет мажлислирида Faфур Fуломга кўринолмай, чет-четларда ўтириб юради. У ҳар гал сессияга боргандা тўрт юз саксон сўмни олиб борар, уни Faфур Fуломга беролмай қайтарди. Бир куни у Эралини топиб, ўзинг пиширган ошни ўзинг ич, дедию, Faфур Fуломга обориб бериш учун тўрт юз саксон сўмни қўлига бериб уни Тошкентга жўнатади. Бир ҳафта йўқ бўлиб кетган Эрали Тошкентдан хандон-хушхон қайтиб келди. Одамлар уни худди ҳаждан келгандек ўраб олишди. Эрали аввал Мирвалига учрашиб, Алишер Навоий, Пушкин, Муқимиylарнинг саломларини етказди.

– Навоий айтдиларки, Мирвалига айт, шу яқин ораларда Пушкин билан Муқими ҳазратларини олиб бораман. Ҳозирча мендан унга салом айтинг, деб тайинладилар.

Мирвали кулишини ҳам, кулмаслигини ҳам билмай, серрайганча туриб қолди. Ахир, Навоийнинг ўтганига беш юз йилдан ошган бўлса, Пушкиннинг ўтганига икки

юз йил бўлай деб турган бўлса, Муқимийга ҳам етмиш-саксон йил бўлай деяпти. Faфур ака бу Эшаккулокнинг соддалигини билиб, роса лақиллатганга ўхшайди.

Дарҳақиқат, шундай бўлганди. Faфур Fулом уни гапга солиб кўрса, соддаликда ёш боладан ҳам ўтаман дейди.

Эрали борган куннинг эртасига шоирнинг уйига чаккасидан соқол қўйган таржимон келиб, ўрисчага қилган таржималарини ўқиб бераётган эди. Сал ўтиб шоир Ҳабибий Кўқондан келган шоир Чархийни бошлиб кирди. Faфур Fуломнинг шайтонлиги тутиб, таржимонни Пушкин деб, Ҳабибийни Навоий деб, Чархийни Муқимий деб Эралига танишитиради.

Эрали шундоқ буюк одамлар билан ҳамсуҳбат бўлганидан ўзида йўқ шод эди. Faфур Fулом Ҳабибийга юзланади:

– Ҳазрат, шу Эралигина жуда пок, ҳалол одам. Совхозда жўхори, тамаки экади. Шуни бир дуо қилиб қўйсангиз.

Ҳабибий ҳам шумгина одам эди. Боплаб дуо қиласди.

– Азиз авлиёлар қўлласин, тангirimнинг шу мўмин-қобил бандаси Эралигинага тайёр дастёр бўлиб қолган фарзанд ато қилсин. Шу бандагинанинг хонадонида бўйига етган қизлар туғилсин. Омин!

Faфур Fулом кўзида ёлғондакам ёш билан «омин» деб бошлиб беради. Эрали «Навоий» гапираётганда «хов тақсир, ўргилай тақсир» деб туради. Faфур Fулом Эралига ишора қиласди:

– Туринг, қуллуқ қилинг, этакларини ўпинг!

Эрали ихлос билан қуллуқ қиласди. Икки кўзи жикка ёшга тўлиб, унинг этакларини ўпади.

Эрали бу гапларни одам гавжум пайтида мактана-мактана айтиб берди. Одамлар қаҳ-қаҳ уриб кулишар, дунёда шунака ҳам содда одам бўладими, деб ҳайрон қолишарди.

Мирвали ундан қасдини олгандек бўлдию бари гуноҳларидан ўтди. Яна бояги-боягидек бўлиб кетишиди. Бари бир тўй-ҳашамларда, гап-гаштакларда уни гоҳ Александр Сергеевич Пушкин, гоҳ Алишер Навоий, гоҳ мавлоно Муҳаммад Аминхўжа Муқимий деб чақиришарди. Эрали бора-бора бу номларга ҳам кўни-киб кетган эди.

Толибжон у тўғрисидаги латифанамо, аммо рост хангомаларни кўп эшитган, лекин ўзи билан бақамти келиб, юзма-юз гаплашмаган эди. Мана, у пастдан амиркон локдек йилтираган отини миниб хотиржам чиқиб келяпти.

Қанчалаб кўпкариларда соврин олган отни кўрган болаларнинг кўзлари яшнаб кетди. Чой чойда, нон нонда қолиб, болалар йўлга чиқишиди. Эрали келиб отдан тушди. Истиқболига чиққан Толибжон билан куюқ сўрашди. Бу пайт болалар отнинг ёлларини силашарди.

Толибжон Эралини икки-уч марта кўрган бўлса ҳам гаплашамаган эди. Бирпас гаплашмоқчи бўлди.

– Тоғ кезиб қопсиз-да, оқсоқол, – деди Толибжон унга кумғондан чой қуйиб узатар экан.

– Шу десангиз, укагинам, оёқни мазаси йўқ. Куз келди дегунча осколка теккан жойи зирқираб, жонимни суғуриб оламан, дейди. Шунга товга мумиё қидириб чиққан эдим. Тополмадим. Бу геологлар бошимизга битган бало бўлди. Пастликлардаги етмагандек, энди вертолётда келиб, одам чиқолмайдиган жойлардагиси-

ни ҳам қийратишаپти. Товлар ҳам оёкости бўлиб кетди, укагинам. На какликни қўйишади, на қуённи. Бургут нима, бирорга жағи тегмаса, тили тегмаса, тов-тошлар тепасида савлат тўкиб, файз киритиб учиб юрган беозор бир куш. Шулардан ҳам бир-иккитасини отиб туширишди. Нима қиласан, ярамас, гўштини еб бўлмаса, патини болиш қилиб бўлмаса... Бунақада жами жониворлар товнинг тожиклар томонига ўтиб кетади. Жониворларни қийратганларни Кийиксовди момонинг арвоҳи урсин.

Толибжон унинг гапларига қулоқ солардию, икки кўзи отда эди. Жонивор қоп-қора, зулукдек. Манглайида узунасига оппоқ қашқаси бор. Қолган жами ери қора баҳмалдек силлиқ. Икки қулоги диккайган, бўйни узун. Кўзлари одам кўзига ўхшаб атрофга жуда зийрак боқади. Толибжон дунёга донғи кетган араби отларни ҳам кўрган. Уларни бу от олдида оддий юккаш от деса бўлаверади.

– Зўр от экан, – деди беихтиёр Толибжон.

Эрали отга меҳр билан қараб қўйди.

– Бу Қора Лочиннинг невараси.

Толибжон Қора Лочин қанақа от, билмасди. Фақат Дукат яқинида шунақа, Қора Лочин деган қишлоқ борлигини эшифтганди. У томонларга йўли тушмаганидан қанақалигини билмасди.

– Унга бобосининг номини берганман. Якинда икки ёшга киради. Катта тўй қилиб бердим. Битта новвос, танаси бир ярим метр узун қўчкор сўйдим. Юртга ош бердим. Атроф қишлоқлардан жами уруш ветеранларини айтдим. Биткомбинатга обориб, ўзига ўлчаб баҳмал ёпқичлар тикирганман. Тошкентга бир борганимда Ғафур Ғуломга учраган эдим. У киши билан

қадрдонлигимиз бор. Яхши узанги излаб юрибман, дегандим, бир Йўлдош чавандоз деган ўртоғиникига оборди. Боякиш кариб, ўрнидан туролмайдиган бўлиб қолган экан. Келинларию неваралари хизматимизда бўлиб, кечгача бизни меҳмон килишди. Faфур Ғулом мени у кишига таништириб, отимни таърифлаб кетди. Гап орасида бир яхши узанги кераклигини қистириб ўтган эди, жуда зийрак, ҳушёр одам экан, ўғлини чақириб, қулоғига бир нима деди. У қўлинин кўксига қўйиб, хўп, деганча оркаси билан юриб чиқиб кетди. Бир оздан кейин қийикқа туғилган оғир бир нарсани отасининг олдига қўйди. Йўлдош чавандоз қийикни очган эди, бафармони Худо, кўзларимга офтоб тушгандек қамашиб кетса бўладими!? Накш чекилган бир жуфт кумуш узанги.

Чавандоз узангига узоқ тикилиб турди-да, бир хўрсиниб олди.

– Мана шу буюм сизга мендан совға. Бу узангиларга оёқ тираб кўп улокларда соврин олганман. Энди қаридим. Биз томонларда от ҳам йўқ, улок ҳам бўлмайди. Бир яхши чавандоз оёғига тирак бўлсин. Олинг, иним.

Тошкент тарафларда кўп саховатли, мард инсонлар бўлади-да. Ёнимдан ҳамёнимни чиқазиб, «Волга» олишга йиғиб юрган пулларимни этагига тўқдим. Йўлдош чавандознинг қошлари чимирилиб кетди. Faфур Ғулом зарда билан пулларни тўплаб, ҳамёнимга тиқиб қўйди-да:

– Айб бўлади, Эрали иним! Ҳамёningизни киссага солиб қўйинг, керак бўлади, – деди.

Шундок қимматли нарсани бекордан бекорга олиб кетишга хижолат чекардим. Белбоғимдаги карки сопли пиchoқни шартта қини билан чиқазиб олдига қўйдим.

– Ҳеч бўлмаса шуни олинг, ака. Мени хижолат қилманг, – дедим.

Йўлдош чавандоз пичоқни олиб, у ёқ-бу ёғига қараган бўлди. Тифини тирногига ботириб кўрди.

– Зўр пичноқ. Китобники шекилли. Устаси ҳунарвон экан.

Кечгача у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтириб, чавандознинг кўнглини олдик. Кетаётганимизда у кўзда ёш билан Faфур Fуломга илтижо килди.

– Faфур, унақа узокълаб кетма. Фаниматга ўхшайман. Қазойим етса, лаҳадга ўзинг кўй, – деди.

Faфур Fулом қайтиб бориб унинг елкаларидан кучиб, юзларидан ўпди. Пешоналарини силади.

– Сен ўлмайсан, қадрдоним. Ахир, иккимиз не-не балоларнинг оғзидан чиқмадикми! Омон бўл, дўстим! Энди тез-тез келиб тураман.

Қайтиб машинага ўтирганимизда Faфур Fулом кам-гап бўлиб қолди. Мени автовокзалга опчикиб қўйди-ю, сўзсиз хайрлашди. Ўша узангини баҳмалга ўраб сандиқса солиб қўйганман. Шаҳрисабзга бориб, бир кекса устага эгар заказ қилдим. Хотинимнинг кумуш билагузугини ҳам обориб берганман. У ер-бу ерига кумуш қаданг, деб тайинлаганман.

Толибжон, ҳар қанча таърифли от бўлса ҳам бунчалик ҳурмат жуда ортиқча-ку, деб ўйлаб ўтиради. Охири сўрашга мажбур бўлди:

– Мунча энди, нима бўлса ҳам битта от-да. Жудаям ортиқча меҳр қўйворибсиз, оқсоқол.

Эралининг энсаси қотгандек қийналиб илжайди.

– Сиз Қора Лочинни билмас экансиз. Билмасангиз, билиб қўйинг. Қора Лочин урушда яраланганимда жанг-

дан олиб чиқкан. Яраланиб госпиталга тушганимда бутун СССРни айланиб мени қидирган.

Эрали хотираларга берилиб кетдию бошидан ўтганларни шошилмай айта бошлади:

— Қирқ иккинчи йилнинг ҳали ердан кор кетмаган эрта кўкламида тоғ қишлоқларидан урушга от олишиди. Икки юз эллик от чавандози билан армияга кетди. Мен ҳам Қора Лочинимни миниб йўлга тушганман. Ҳаммамизни пойизга уришди. Орқадаги икки вагонда ем-хашак запас қилинган. Қизил Ўрдада отишга, қилич уришга ўргатишиди. Тахминан, июнь ўрталари бўлса кепрак. Смоленск деган жойда вагондан тушдик. Ҳаммаёк ўрмон. Йўлларда мажақланган танклар борми, машинаю тўп-замбараклар борми, сочилиб ётарди. Уч кун ўрмон оралаб кетдик. Тўплар, отишмалар овози эшитила бошлади. Хулласи, бизни эртасига ёқ жангга ташлашди. Ўн кун кечалари немис окопларига бостириб борамиз. Яқин келганига қилич соламиз, узокроқдагисига ўқ узамиз. Йигирма икки кун жанг қилганимиздан кейин немис самолёт солди. Бай-бай-бай, ана қиёмату мана қиёмат, ҳали у ёнимда, ҳали бу ёнимда бомба портлайди. Бир маҳал қарасам, тиззамнинг пасти жизиллайди. Силаб кўрсам, илиқ шилимшиқ нарса. Осколка теккан экан. Шу орада соним ҳам жизилляпти. От жонивор қон ҳидини билади. Остимда ўйноқлаб кетди. Бошим айланаб, кўзим хиралаша бошлади. Эгар устида чайқалиб-чайқалиб, охири қуладим.

Немис бизни куршовга олиб кела бошлаган эди. Суворийлар орқага, ўрмон ичига қараб қамчи босишиди. Мен ҳамон бир оёғим эгарда, ерда судраляпман. Қора Лочин ярми тупроққа тўлган окопга ўмгани-

ни бериб тиззалади. Елкаю сағрини ер билан баробар бўлди. Судралиб аста ўзимни эгарга олдим. От бир мункиб турдию, қамчи босмасимдан ўрмонга қараб югурди. Орқамдан автоматчилар тариллатиб ўқ узиб туришипти. Бир маҳал орқамга қарасам, мотоцикл билан қувишяпти. Қора Лочиннинг нўхтасини бир силкитган эдим, қанот чиқаздими, билмайман, туёғи ерга тегмай учеб берди. Йўлдан чиқсан қарагайларга ана уриламан, мана уриламан дейман, йўқ. Лочин шунаقا бурилишлар қиласиди, ҳатто шинелимнинг этаги ҳам тегмай ўтиб кетаман. Немис орқада қолиб кетди. Мотоцикл пот-поти ҳам эшитилмай қолди. Шундан кеийин нима бўлди, билмайман. Ўрмон ичкарисидаги дала госпиталида брезент палатада ётибман. Қора Лочин палатага ҳар замон бош суқиб менга қараб қўяди. Эртасига ёқ мени машинага солиб темир йўл томонга олиб кетишиди. Ҳар замон бош кўтариб бир қарайман. Машина орқасидан Қора Лочин жонивор елдек югуриб келяпти. Мени санитарлар вагонига олишаётганда носилкадан бош кўтариб қарадим. Қора Лочин безовта қараб турибди. Кўзида ёш борга ўхшаб кўринди. Ким билади, менга шундай туюлиб кетдими, ўпкам тўлиб йиглаб юбордим. Поезд жўнаб кетди. Деразадан қараб турган санитар йигит, отингиз поезд орқасидан чопиб келяпти, деб айтди. Ҳозирги футболни телевизорда айтиб турадиганларга ўхшаб, от қанақа чопаётганини, қоқилганини, олисда кўринмай қолиб кетганини бирма-бир айтиб турди. Юрак-бағрим эзилиб кетди. Бу отни болалигидан боққандим. «Тоҳир ва Зухра» киносида Тоҳир минган от бор-ку, ўшанинг боласи эди. Жиззахдаги от заводида иккита тўрту беш метрлик

туркман гиламига айирбош қилиб олгандим. Шундок вафодор от уруш йўлларида қолиб кетганига сира-сира чидамасдим. Олис юртларда туғишган жигарим қолиб кетгандек, ичимга чироқ ёқса ёришмасди. Вагон олдида мўлтираб тургани ҳеч кўзимдан кетмайди. Ўйлайвериб, озиб чўп бўлиб кетибман. Икки ой госпиталда даволашди. Операция қилиб, чап оёғимнинг икки жойидан осколка олиб ташлашди. Ярам битгандан кейин инвалидга чиқариб, уйга жавоб беришди. Келибманки, ҳар куни неча мартараб отхонага кираман. Ёллари илиниб қолган қашлоғичларни силаб йиглайман.

Кунларнинг бирида ҳассага таяниб пастликдан чиқиб келаётгандим, тепада йигирма-ўттиз ҷоғлик киши катта йўлга қараб жим туришибти. Олдиларига бориб мен ҳам қарадим. Пастликдан судралгандек бир от чиқиб келарди. У юрганда тез-тез мункиб кетар, оқсоқланиб аранг юрарди.

От шу алпозда судралиб, анча яқин келиб қолди. Болалар пастга гурра югуришди. Иккитаси қайтиб келиб, от эгарига милтиқ билан каска осиб қўйилганини айтди. От менга қаеридир Қора Лочинни эслатарди. Оёқ оғригини ҳам унутиб от томонга югурдим. У менинг Қора Лочиним эди! Озиб, қовурғалари кўриниб турибди-я! Ёллари ўсиб, осилиб ётибди. Оёқларидағи така едирилиб туғаб, туёқлари сидирилиб, гўшти чиқиб қопти. Қора Лочинмнинг бўйнига осилиб, ҳўнг-ҳўнг йиглай бошладим. У жониворнинг баданлари дирилларди. Тоғ йўллари тошлоқ бўлганидан унинг юриши ниҳоятда қийин эди. Ерга юраги бетламай оёқ тегизарди. Шартта тўнимни ечдим-у пора-пора қилиб йиртдим. Тўрттала туёғининг тагига қалин пайтава қилиб ўраб чиқдим. Пешонасидан,

юз-кўзларидан ўпид-ўпид, уйга етакладим. Орқамиздан тумонат эргашди.

Одамлар, бу от энди ўнгланмайди, дейишди. Мен уларнинг гапларига парво қилмай, туёқ ярасига малҳам кўйдим, емига мумиё қўшиб едирдим. Ҳар куни дурадгор устанинг уйидан қопда қипик опкелиб тагига тушайман. Юргандада оёғи зирқирамасин деб шундай қилардим. Икки ой деганда Қора Лочин аслига қайта бошлади. Лекин ҳалиям уни ташқарига опчиқмасдим. Туёғи обдан тузалгани йўқ, тақа уриб бўлмасди. Туёғининг ярасига хафтада бир мумиё қўядиган бўлдим, емига ҳам оз-оздан мумиё қўшиб беравердим. Баъзи-баъзида ҳовлида йўлига қипик сепиб етаклаб юраман. Ёлларини тараб, келинчакларнинг гажагидек қилиб қайчиладим. Ҳар куни бир марта илиқ сувга латта ҳўллаб аъзойи баданини артиб чиқаман. Икки ой ўзим емадим, унга едирдим. Орадан уч ой ўтказиб, оёқларига тақа урдирдим. Етаклаб, катта йўлга опчиқдим. От жонивор йилтириади. Машиналарда, автобусларда ўтганки одам бор, бир қараб қўяди.

То туёғи тузалгунча отхонада диққинафас бўлган Қора Лочин дала йўлларини соғинганиданми, очиқликка чиққанига суюнганиданми, остимда ўйноклаб боради. Худди цирк отларига ўхшаб, бўйнини бир томонга ташлаб, ёлларини силкитиб-силкитиб йўртарди. Кишлок ҳонадонлари олдидан, гузарлардан ўтаётганимизда одамлар фронтчи отга ажиб бир ҳурмат билан қараб қолардилар. Жангга оти билан кетиб қайтмаган узангидошларимнинг ота-оналари, бола-чақалари кўзларида ёш билан орқамиздан қараб қоладилар. Чоллар, кампирлар Қора Лочиннинг бўйинларини, ёлларини, яғринларини силаб, боламни қайга ташлаб келдинг,

жонивор, қани энди тил-забонинг бўлсаю, болагинам қайларда ётганини айтиб берсанг, деб пичирлашарди. От жуда зийрак жонивор бўлади. Уларнинг нима деяётганини билётгандек, гуноҳкорларча бош эгиб, кўзларини ердан узмай тураверарди.

Беш йил уни кўпкарига солдим. Беш гал бош соврин олдик. Ҳар гал кўпкаридан қайтаётганимизда ғалабадан кайф қилган Қора Лочин ерга туёқларини қаттиқ-қаттиқ уриб эркаланиб, тантикланиб, ўйноқлаб келарди.

Шу беш мартадан кейин уни кўпкарига солмай қўйдим. Энди у анча ёшга бориб қолган, мағлублик нималигини билмай кўя қолсин, дегандим. Аммо ҳосил байрамларида бўладиган кўпкариларга оборардим. Лекин даврага ташламасдим. Жонивор остимда ўйноқлаб, даврага интилаверарди. Жиловни маҳкам тортиб, интилишига йўл бермасдим. Ўшандай пайтларда уйга қайтганимизда хомуш бўлиб қоларди. Ерга туёғини қаттиқ ташламасди. Бошини эгиб, ақалли бирон марта бўлсин кишинамай, азадан қайтаётгандек бўлиб қоларди. Жонивор ғалаба гаштини суролмаганидан ўкинса керак-да.

Байрам парадларига уни ясатиб олиб чиқардим. Минбар олдидан ўтаётганимизда музика оҳангига мослаб туёқ урап, калласини силкитганда ёллари бўйининг гоҳ ўнг томонига, гоҳ чап томонига ошиб тушарди. Минбардагилар ҳам, томоша қилаётганлар ҳам қийқириб, фронтчи от шаънига олқишлиар ёғдиришарди. Қора Лочин жангга жўнаган ва қайтмаган отлар номидан намойишга қатнашаётганини ҳамма биларди. Одамлар қўлларидағи гулдасталарни бизга отишарди. Албатта, бир-икки гул унинг ёлига илашиб қоларди. Мен ҳам, Қора Лочин ҳам ўзимизда йўқ шод эдик.

Кейинги икки-уч йил уни тизгину нұхталардан холи килиб қўйдим. Эрталаб дарвоза очишим билан у ҳам ташқарига чиқади. Пастликка, туманлар судралған дарё томонга бир дам караб туради-да, аста-секин ўша томонга энади. Кеч пайти коронғи тушмай, яна отхонага кириб келади. Кишлокларда кўрганки одам бор, унинг ёлларини тараб, бўйинларини силайди. Урушдан ўғли кайтмаган хотинлар этакларида унга ем тутадилар. Тул қолган келинчаклар, чавандозимни қайга ташлаб келдинг, лочиним, деб бўйинларига осилиб йиғлашарди. Ошхоналар олдидан ўтаётганда одамлар еб турган нонларини бурдалаб, этакларида унга тутадилар. Қора Лочин бунга ўрганиб қолган. Кечгача адирларда, сой бўйларида ўт чимдид келади. У, муҳбирлар айтганидек, қарилик гаштини суриб юрарди.

Жониворни бияга қўйдим. Эриган қора мум суртилгандек қоп-қора ялтироқ қулунли бўлдик. Қулунимиз дўнан бўлди, фунон бўлди.

Бир куни, июль ойининг ўн еттинчи куни эди. Буни аниқ биламан. Ўлсам ҳам ўша кунни унуголмайман. Келаётсам, кўчамизда одамлар у ёқдан бу ёққа қочиб юришипти. Қарасам, Қора Лочин ўзини ҳар томонга ташлаяпти. Деворларга бошини уради. Даражат таналарига урилиб, гурсиллаб йиқилади. Ўрнидан туриб, яна телбадек дуч келган томонга ўзини отади. Одамлар Қора Лочин қутурипти, деб ўйлашяпти. Йўқ, у кутурмаган. Нима бўлганини биламан. Эрталаб кетаётганимда химиататор йигит йўл четларида ўсган ўтларга дори сепаётган эди. Алдрин деган дори бор. У сепилган гиёҳни еган жониворки бор, азоб билан ўлади. Шу дори касофатидан қанча сигиру қанча қўй нобуд бўлган. Мажлисларда

одамлар Мирвалига шу дорини септирма, деб неча марта Худонинг зорини қилишган. Қулоғига олмаган. Мана энди Қора Лочин ҳам шу дорининг қурбони бўляпти.

Югуриб бориб, жонхолатда Қора Лочиннинг бўйнига осилдим. От мени танимади. Олд оёқларини осмонга кўтариб, бир силкингандаги ариққа бориб тушдим. Жонивор шу алпозда ярим соатдан ортиқ ўлим билан олишди. Охири ҳолсизланиб, ёнбоши билан гурсиллаб йикилди-ю, бошқа туролмади. Икки-уч марта бошини кўтариб, осмонга қаради.

Осмон кўм-кўк эди. Тумшуғида тишлаган илонни осилтириб лайлак учиб ўтарди. У худди сувда сузаёт-гандек, жуда осуда учарди. Қора Лочин лайлак то чи-норнинг қуриган оппок шохлари орасидаги сават уясиға кўнгунча кузатиб қолдию бирдан бошини ерга ташла-ди. Кўзларини кул ранг парда босди. Орқа оёғи икки-уч марта ожиз силкингандек бўлди.

Эсимни йўқотиб қўйгандим. Хаёлимга нима кепти, денг. От ҳам ўйлармикин? Ўйласа, нималарни ўйлайпи-тикин... Жанг майдонларидағи портлашлар, даҳшатли замбарак овозларини эшитаётгандикин? Олис фронт йўлларидан бу ергача уч ярим ой юриб кечирган азоб-уқубатларга тўла йўлларни кўраётгандикин? Кечган дарёлари, ошган довону чўл-биёбонларни кўраётгандикин? Кўпкариларда ғолиб чиқиб, уйга гижинглаб қайтганларини эсладимикин?

Июль ойининг ўн еттинчи куни Қора Лочин шон-шухратларга тўла умрини поёнига етказган эди.

Бу тоғ ораларида яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам тез тарқаб кетади. Қора Лочин билан урушга кетиб қайт-маган узангидош дўстларимнинг ота-оналари, бола-

чақалари бирпасда етиб келишди. Омон қайтганлардан ўттиз чоғлик чавандоз елдек учеб келди.

Қора Лочинни иззат-хурмат билан күмдик. Чавандозлар отларини етаклаб, қабр атрофида айланишди.

Қора Лочиндан бир зурёд қолди. Худди отасининг ўзи дейсиз. Отини Қора Жайрон кўйдим. Уч ёшга кирганда булатуга сакрайдиган, туёғидан ўт чақнайдиган от бўлди. Кўз тегишидан кўркиб, кўчага опчиқмайман. Тоғ оралиқларидағи ялангликларда миниб юраман. Хотиним ёлларига кўзмунчоғу туморлар осиб ташлади. Мен сизга айтсан, «Тоҳир ва Зухра» киносида Тоҳир минганд Қорабайир Қора Жайроннинг бобоси эди. У Жиззахда бир марта ўғирланган. Уни Асакадаги пичоғи кескир раисга эллик мингта сотиб кетишган экан. Қорабайир асли Будённийни учётида тураркан. Уни қидириб-қидириб, Асакадан дарагини топишади. Отни ҳали байталга кўёлмаган экан. Доғда қолади. Барибир думига қадалган дўланани олиб қолади. Шу раисни қидириб бориб, дўланани сўраб олмоқчи бўлдим. Аввалига кўнмади. Кейин инсофга келиб, белбоғининг қатидан чиқариб берди. Пул берсам, олмади. Ана шу дўланани катта бобонгдан қолган, деб Қора Жайроннинг қуймучига қадаб кўйдим.

Бу дўлана ҳар қандай бало-қазолардан асрайди. Танига дард йўлатмайди, дейишади.

У томони Кавказдан, бу томони Тожикистону Туркманистондан, отингни сотасанми, деб харидорлар кела бошлади. Гўрни сотаманми? Одам ўз боласини ҳам со-тадими? Қора Жайрон фарзандимдек гап-ку. Ҳатто биттаси мойи артилмаган янги ГАЗ-24 миниб келиб, эшигим тагига кўндаланг қилди. Шуни ол, отни бер, деб туриб олди, кўнмадим. Ҳеч бўлмаса, отни бир кўрай деб

ялинди. Күрсатмадим. Доғистондан бир йигит келди. Құлымга иккита эллик сүмлик тилла заём тутқазди. Ҳар бирига ўн минг сүмдан ютуқ чиқсан. Любой савдогар ўн минг ютуқли заёмни йигирма минг сүмга олади. Ұзим ўн беш минг беріб олганман. Икковини сотсанг, кирк минг бўлади, отни менга бер, дейди.

Бетига эшикни қарсиллатиб ёпиб, уйга кириб кетдим. То қоронғи тушгунча эшик тагида ғингшиб ўтири. Кечаси хабар олгани чиқсан, кетиб қолган экан. Юрагимни вахм босди. Бунақада бир кун эмас, бир кун Қора Жайронни ўғирлаб кетишади, деб ўйладиму Панжикент томонга отни олиб ўтиб кетдим.

Қанчалаб кўпкариларда соврин олган Сангин деган йилқичи чавандоз дўстим бўлгувчи эди. Шуни йўқлаб бордим. Панжиrud яқинидаги яйловга йилқи ёйган экан. Топиб бордим. Мени кўриб севиниб кетди. Хотинига қозон осишни буюрди. Анзур пиёзи солинган хушхўр шўрва ичиб, қимиз симириб қизишиб олганимдан кейин шундок-шундок дедим. Шу Қора Жайрондан зурёд олмоқчиман, байталларингга қўяйлик, дедим. У ҳам Қора Жайроннинг таърифини эшилган экан, ўрнидан туриб, отнинг сағрисига шапиллатиб уриб, асби ҳўб, деди. У аввалига отини ташлаб кетади-ю, бирон ўн кундан кейин келиб хабар олади, деб ўйлаган экан. Мен то байтал бўғоз бўлгунча ёнида бўлишимни айтдим. Биламан, у Қора Жайронни уч-тўрт байталга қўймоқчи. Шунча байталга чопган от от бўладими? Улар фақат аравага қўшишга ярайдиган бўлиб қолишини биламан. Ўша ерда қолиб кетдим.

Сангин уюрдан еттита байтални ажратди-да менинг ихтиёримга берди. Мен уларни Қора Жайрон билан

алоҳида ажратиб яйловга ёйман. Уюр бошқа тарафда, булар бошқа ёқда. Қора Жайрон аслзода от эмасми, аввалига байталларга парво қилмади. Бирон икки кун ўтиб унисини исказ, бунисини исказ, охири ўмганида ярим ойга ўхшаган оппоқ тамгаси бор байтал билан искашиб қолди. Қора Жайроннинг бу қилиғи менга ўтиришмади. У танлаган байталнинг туёғи сариқ эди. Туёғи сариқ от кўпкаригаям, улоққаям ярамайди. Сариқ туёқда тақа яхши турмайди. Юмшоқ бўлганидан тез едиралиб, гўшти чиқиб қолади. То Қора Жайрон у билан обдан тил топишмай туриб ундан айиришим керак. Сангин билан икковимиз арқон ташлаб, уни уюрдан айириб, катта уюрга қўшдик. Қора Жайрон кишинаб, туёғи билан шағалларни орқага отиб, яқин борганни тепа бошлади. Икки-уч кун шундай жиннилик қилиб юрдию, ҳайвон экан-да, сариқ туёқни унутиб, бошқа байтал билан искашиб кетди. У уюрдаги бошқа байталларга қайрилиб қарамас, фақат ўзи танлагани билан алоҳида ўтлайдиган бўлди. Сангин бошқа байталларни қайириб, уюрга олиб кетди. Мана шу икки от кетидан юрдим. Қора Жайрон танлаган байтал худди циркнинг отларига ўхшарди. Жилови тортилмаса ҳам бўйини орқага тортиб, гижинг туриш қиласади. Юрганда ҳам худди аллақандай куйга рақсга тушаётганга ўхшарди. Асли шундоқмиди ё Қора Жайронга ёқиш учун шундай қиляптими, билмасдим. Орадан бирон ҳафта ўтиб, байтал ювош тортиб қолди. Энди ўйноқлаб юрмас, бўйини гижинг қилиб кишинамасди. Сангин унинг бу ҳолини кўриб, ўрисчалаб, все, деди. У шу биргина сўз билан байталнинг она бўлаётганини билдирган эди.

Байтал күпинча бағрини ерга бериб мудрарди. Сангин эса уни ётгани қўймас, зах ерга бағрини бериб ётишига йўл қўймасди.

Байталнинг савдосини битищмоқчи бўлдим. Сангин бу байтал совхозники эканини, сотишга ҳақки йўклигини айтди. Кейин ўзидан бир маслаҳат чиқди.

— Олиб кетавер, жўрам. Сен менинг қирқ йилги узангидош жўрамсан. Олиб кетавер. Қулунлагандан кейин йўлинг тушса ташлаб кетарсан.

Қадрдон дўстимга қайта-қайта раҳматлар айтиб, бир отимни икки қилиб қишлоғимга қайтдим.

Онам раҳматли баъзан кеч пайтда ухлаб қолсам, уйғотиб юборар эдилар. Болам, завол маҳалда ухлама, ёмон бўлади, дердилар. Шунаقا маҳал ухлаб қолган эканман, юрагим сиқилиб, ҳовлида айланиб юрдим. Қоронғи тушиб, осмонда юлдузлар милтирай бошлади. Биз томонларда юлдузлар катта бўлади. Қарасанг, кўзни олади, уйқум қочиб, у ёққа юраман, бу ёққа юраман, кўнглим нотинч. Худди бир фалокат бўладигандек. Хўроz икки чақирди ҳамки, кўзимга уйқу келмайди. Осмону фалакда чирогини пирпиратиб самолёт ўтиб кетди. У кетгандан кейингина гулдураши эшитилди. Тоғу тошлар гулдураб, узоқ-узоқлардан анча пайтгача аксадо келиб турди. Итлар улиди. Қўйу сигирларнинг безовта маърашлари эшитилди. Кейин дунё сув қўйгандек жимиди-қолди.

Айвоннинг устунига суюнганча кўзим илинган экан. Қанча мизғиганимни билмайман. Бир нарса тарақлав кетдию, шошиб кўзимни очдим. Тонг ёришиб келаётган экан. Офтоб тиф урган чўққининг учи ялт-ялт қилиб, кўзни оламан дейди. Отхона томонга жонҳолатда югур-

дим. Эшик очик. Қора Жайрон йўқ. Йўлакка югурдим. Дарвоза ланг очик. Пастлиқда тарак-туруқ туёқ товуши келяпти. Тирмашиб дўнга чиқдиму пешонамга шапатилатиб урдим. Бегона одам Қора Жайронни пастлиқка қараб қамчилаб елдириб кетяпти. Чирқиллаганимча қолавердим.

Дунё кенг, мамлакатнинг у бурчидан бу бурчига юриб етолмайсан. Осмон узоқ, ер қаттиқ, қайга бораман. Биронта, Қора Жайронни қўрдим, деган мард топилмади. Кўнглимда фақат, фақат бир умид учқунлаб ичимиň ёритиб турарди. Қора Жайрон қайда бўлмасин, бир кун эмас бир кун мингандозни эгардан иргитиб қайтиб келади. Шу умид мени ушлаб турарди.

Омонқўтонлик йигитлардан тўрттаси Москвада «Волга» арzon бўлади, деб белига пул тугиб кетишган эди. Шулар иккита «Волга» миниб қайтиб келишди. Эрали чавандоз нотоб бўлиб қопти, деб кўргани кириши. Шунда биттаси ғалати гап айтиб қолди:

– Каспийнинг у томонида машинани баржага урамиз, деб кутиб турган эдик. Красновод томондан келган баржадан папақ кийган, белидаги қайишга ханжар таққан қорасоқол йигит булутдек бир отни етаклаб тушди. Худди Қора Жайроннинг ўзи. Ичимда, Қора Жайрон дунёда битта десам, яна битта бор экан, деб кўйган эдим. Яқинига бордим. Жилов тутган қорасоқол йигит, иди, иди, деб мени от яқинига йўлатмади. Демак, демак ўша от Қора Жайрон экан-да.

Шу гапни эшитдиму Қора Жайрондан умидимни уздим. Кавказ тогларининг қайси бир сўқмоғида менинг Қора Жайроним йўртиб кетаётганикин, деб ўксиб-ўксиб йиғладим.

Бутун бир қишини ғаму андуҳ билан ўтказдим. Тоғ этакларидан қор кетиб, пастликлар яшилланиб қолган апрель ўрталарида байталим қулунлади. Қарасам, боласи қора сақичдек ялтираб турибди. Кўзларим яшнаб кетди. Севинганимдан қийқириб юборай дебман.

Шунга андармон бўлиб, Қора Жайрон қўзимдан сал нари кетгандек бўлди. Эртаю кеч фикри-зикрим шу қулунда бўлиб қолди. Уни юваман, тарайман, эндиғина мўй тортиб келаётган ёлларини меҳр билан силайман. Онаси уни мендан қизғанади. Тепмоқчи бўлади. Калласи билан нари суриб ташлайди. Бари бир мен қулунга суйкалиб боравераман. Кунгай тарафларда ердан тафт кела бошлаганда қулун билан бияни етаклаб олиб чиқаман. Яғринини офтобга соламан. Жониворнинг қоп-қора сағриси офтобда ялт-ялт қилиб кўзни олади. Ўтган-кетганинг кўзи тегмасин, деб уларни овлоқроқ жойда офтобга соладиган бўлдим. Шундай қилиб, қулунимни ортмоқлаб юриб, оёққа турғиздим. Мен унга, у менга ўрганди. Қайга борсам, орқамдан эргашади. Ота-боболари Қора Лочин, Қора Жайронлардан ёдгор бўлсин деб, унга Қора Бахмал деб ном қўйдим. Шу номга ўргатдим. Чакиришим билан кулокларини динг қилиб қарайди. Кулун эди, дўнан бўлди. Дўнан эди, ғуонон бўлди...

Эрали чавандоз шундай тўлиб-тошиб гапирадики, дунёда отдан бошқа ҳеч қандай мўжиза йўқдек. Дунёнинг бирдан бир мўжизаси шу отдан иборат эди.

Болаларнинг силаб-сийпашига ўзини қўйиб берган бу от қора бахмалдан тикилган ўйинчоқ отга ўхшаб кетарди.

Эрали гапириб-гапириб, кўнглини бўшатгандек эди. Ичи тўлиб турган экан, бир тўкиб солди-да.

У совиб қолган чойни бир симиришда бўшатиб, ўрнидан турди.

– Энди мен кетай.

У кетди. Лекин Толибжоннинг юрагида қандайдир илиқ, майин бир меҳр қолди.

## XII

Бугун довон бозори гавжум бўлди. Ўтган машина бир тўхтамай иложи йўқ. Бирор кийикўти, бирор анзур пиёз, бирор кечки ўрик, бирор қурут харид қилади.

Азизбек бугун балиқ олиб чиқсан. У уч кундан бери тутган балиқларини ҳовлидаги сув тўлдирилган бочкага ташлаб йиғаётган эди.

Эрталаб туриб балиқларни уч кило-уч килолик қилиб ўн бир бўлакка бўлди. Уларнинг ойқулоғидан тол новдасини ўтказиб, шода килди.

Айвонда жун савалаётган кампир сўридаги шода-шода балиқларга қараб:

– Болам, жуда кўпайиб кетибди-ку, қандоқ обора-сан? Кўтаролмайсан, ярмини обор. Қолганини эртага опчиқарсан, – деди.

Азизбек бош чайқади.

– Бугун сотвормасам бўлмайди. Эртагача айнаб қолади. Ўттиз кило юк нима бўпти. Зингиллатиб олиб кетаман.

У шундай деб балиқларни шодаси билан қопга солиб, орқалаб опчиқиб кетди.

Довон бозорида ҳамма вақт балиқ бозори чаққон бўлади. Азизбек келиши билан тол соясига клеёнка

әзіб, балиқ шодаларини териб қўйди. Атрофни йўловчиликлар ўраб олишди.

- Шодасига қанчадан сўраяпсан?
- Олти сўмдан.
- Инсофинг йўқ экан. Тўрт сўмдан берай, хўп, де. Азизбек кўнмади. Харидор нархни сал кўтарди.
- Бешдан берай. Тўртта шодасини оламан. Хўп, де. Азизбек савдолашиб вақт ўтказгудек бўлса, балиқлар айниб қолиши мумкин. Ана шунинг учун беш сўмданга кўна қолди.

Харидор қизиқиб кетиб, йигирма беш сўм узатиб, ҳаммасига балиқ олиб қўя қолди. Бешта шодани кўтариб машинаси томон кетди.

Йигирма минутларга қолмай, Азизбек балиқларни сотиб бўлди. Ерга ўтириб олиб пулларини санашга тушди. Роппа-роса эллик беш сўм бўпти.

Азизбекнинг бирпасда шунча пул ишлаши бошқа болаларга алам қилди. Биттаси унга эшиттириб:

- Онаси бузуқ. Мирвали тоға билан қочиб кетган, – деди.
- Нима дединг? Яна битта қайтар.
- Ёқдими? Яна эшитгинг келяптими? Айтганим бўлсин, сенинг аянг жалаб!

Азизбек унинг ёқасига чанг солди. Иягиға калла урди. Бола орқага икки-уч қадам тисарилиб-гандираклаб борди, лекин йиқилмади. У жонҳолатда ердан тош олиб, Азизбекка ўқталди.

- Яқинимга келсанг, шу билан бошингга соламан!

Азизбек уни писанд қилмай бораверди. Бола қочди. Кета туриб қўлидаги тошни отди. Тош Азизбекнинг тўпифига тегди:

— Шошма, кўлимга тушарсан, — деди болдирини си-  
ларкан Азизбек.

Хозиргина савдоси яхши бўлганидан қувонган Азизбекнинг кўнгли вайрон бўлди. Қишлоқда онаси-нинг Мирвали билан кетиб қолганини ҳамма биларди. Бу тўғрида сира Азизбекнинг олдида гапиришмасди. Ўртоқлари гаплашиб турганда унинг қораси кўриниши билан жимиб қолишарди. Шунда Азизбек, албатта аям-ни гапиришяпти, деб ўйларди. Ичлари куйиб кетарди.

Хозир у қишлоққа қайтаркан, аясининг бу қилмишидан ўзини қўярга жой тополмай, юм-юм ёш тўкиб, аччиқ қисматидан ўкиниб келарди.

Ўнгга бурилиш жойида совхознинг оқ «Волга»си ту-  
ради. Азизбек аясини олиб кетган бу машинага нафрат  
билан бир қаради-ю, юзини четга ўгириб, жадал кета  
бошлади. У тахминан машинадан йигирма қадамларча  
узоклашган эди, орқасидан «Азизбек» деган овоз эши-  
тилди. Бу овоз унга қадрдон, бешикда ётган пайтидан  
қон-қонига, жон-жонига сингиб кетган эди. Шартта  
ўгирилиб қаради. Дўланга тагида турган Бодомгулнинг  
сурма босилган кўзлари Азизбек томон илтижоли боқиб  
турарди.

Аяси сочини кестирипти. Ўсмир болаларга ўхшаб  
kestiripti. Тилла тиш қўйдирибди. Бўйнида шода-  
шода марварид. Оёғида учи бигиздек олчаранг туфли.  
Кўйлагининг этаги тizzасидан тўрт энлик юқорида.  
Бармоқларида, кулокларида бриллиантлар ялтиради.

Азизбек онасини кўрмаганига ярим ой бўлганди.  
Тушларига киарди. Катта энасига билдирамай бурчак-  
бурчакларда йиғларди. Онасининг овозини эшитиб, ба-  
данида ширин бир нарса ўрмалаб кетди. Хозир бораман,

бағрига отилиб, ўқириб-ўқириб йиглайман, деган ўй бир онда хаёлидан югуриб ўтди.

Аммо каршисида турган хотин унинг онасига ўхшамасди. Бу бошқа Бодомгул эди.

Азизбек онаси томонга ўгирилганча қимирламай туриб қолди. Унга интилмади. Бодомгул боласи томон кела бошлади.

– Бегим. Бекжоним. Соғиниб кетдим, болам. Бери кел.

Азизбек жойидан қимирламади. Онасига қарамай, юзини терс ўгириб тураверди.

Бодомгул келиб, уни бағрига босди. Кучли атир хидидан нафаси қайтган Азизбек онасини ўзидан нари итарди.

– Соғинмадингми, болам? – деди овози титраб Бодомгул.

Азизбек индамади.

– Аҳволингни қара. Кийимларинг ҳам тўзиб кетибди. Мен сенга костюм, этик олиб келдим. Ундан кейин...

Бодомгул гапини тугатмай, машина томон жадал кетди. Ундан шошиб битта тугун олди. Яна қандайдир кичкина қофоз қути ҳам олди.

– Мана, мана, – деярди у ўғли томон шошиб келаркан. – Зўр костюм. Финларники. Кўрганда ўртокларингни кўзи ўйнайди. Сенга атайлаб бўйнингга осиб юрадиган магнитофон олиб келдим. Зўр ашулаларни ёзволиб эшишиб юрасан. Этикка ғарч солдириб тикдирдим. Юранингда ғарч-ғурч қиласди.

Бодомгул қўлидағи нарсаларни Азизбекка узатди. Азизбек икки қадам орқага чекинди.

– Керакмас, керакмас...

– Нега унака дейсан, болагинам? Мен сени олиб кетгани келганман. «Волга»га солиб опкетаман.

Азизбек бошини күтариб, онасига ёмон қаради.

– Менга унака қарама, болам. Онангман-а.

– Катта энамни кимга ташлаб кетаман?! Ахволи нима кечади?

– Ҳафтада, ўн кунда хабар олиб турасан.

– Катта энамни ташлаб ҳеч қаёкка кетмайман. Сиз билан кетмайман. Сизни ёмон кўраман. Мирвали тоғаниям ёмон кўраман. Сиз...сиз...

Бодомгулнинг қошлари чимирилди.

– Нега? Менга нима қипти?

Азизбек онасига, сиз бузук хотинсиз, деб айтольмади. Лахча чўг бўлиб турган бу сўз томогида туриб қолди.

– Мирвали тоға сени яхши кўради. Ўзим ўғил қилиб оламан, деяпти. Юр, кетайлик. Велосипед олиб бераман.

Азизбек бошини сарак-сарак қилди.

– Кетинг, кетинг, ая. Агар яна келсангиз, ўзимни отиб кўяман. Ўртоқларим, сен жалаб хотиннинг боласисан, деб эрмак қилишяпти. Кетинг. Ҳозироқ кетинг.

Азизбекнинг овози хирқираб, гапиролмай қолди. Унинг кўзларидан ўт чақнаётганга ўхшарди.

– Мана кўрасиз, Мирвали тоғани албатта отиб ташлайман! Дадамнинг ўчини оламан.

– Дадангни у ўлдирган эмас, эсингни йифиб ол.

– Мени сиздақа онам йўқ. Кетинг!

Азизбек шундай деди-ю кескин бурилиб, тупроқ йўлда жадал юриб кетди.

Бодомгул қўлидаги нарсаларни унга узатганча орқасидан югурди.

— Болам, болагинам! Пешонамда биттагина боламсан. Ундей килма. Агар сен хўп десанг, уйга қайтиб келаман. Бирга турамиз.

Азизбек орқасига қарамас, йўл-йўлакай жавраб борарди:

— Керакмас. келманг. Уйимизга калам босманг. Сиз ёмон хотинсиз.

Бодомгул тўхтади. У ўғлим измимдан чиқмайди, деб ўйларди. Яқин бир ярим ойдирки, у ишқ ўйинларига берилиб, айш-ишрат оғушида энтикиб, Мирвалининг эркалашларидан худди туш кўраётгандек мавҳум бир оламда яшаркан, қишлоқда Азизбек исмли боласи борлигини бирон дақиқа хаёлига келтирмаганди. Энди ишқ оташлари ўчиб, бадани совий бошлаганда боласини эслаб қолди.

Ишқ ўйинлари бир гуриллаб ёнган гулханга ўхшайди. Кимнингдир кўксини бир дақиқа иситади, олов тиллари билан унинг хисси-хирсиётларини жунбушга келтиради.

Бу хил олов ўйини дарров сўнади. Устини лаҳзада кул босади.

Бодомгул кўксида Мирвали ёқсан гулхан ўча бошланган эди. Ишқ ўйинлари поёнига етай деб қолганди.

Бодомгул кўксини иситган, кўзларига анвойи нурлар жилвасини намойиш қилган, факат тушлардагина бўладиган бир сирли олам аста-секин асли ҳолига кайтаётган эди. Бодомгул ана шу маstonавор оламда энтикиб-энтикиб яшаркан, ҳаётимнинг буёғи нима бўлади, деб ўйламаган эди.

Энди ўйляяпти. Танида ишқ отапи совий бошланганда, булутларгача учирив олиб чиқкан муҳаббат кай-

фи тарқай бошлаганда боласини эслаб қолди. Дунёда бирдан бир суюнадиганим, орзу-умидларимни рүёбга чиқарадиган ўғлоним, деб йўқлаб келганди.

Ёшлигида рўзғор ташвиши бошига тушган болалар бирдан улғайиб қоладилар. Гап-сўзларида, юриштуришларида катталарга хос одатлар пайдо бўлади. Айниқса, орият биринчи ўринга чиқиб қолади.

Бодомгул ҳақидаги гаплар Азизбекнинг ич-этини тимдаларди. Юрагида онасига нисбатан ғазабми, нафратми, ўзи ҳам ҳали билмайдиган бир алам яшарди. Баъзан, қани эди онам пок, беғубор бўлса-ю, худди болалигимдагидек оstonада ўтириб, уйга келишини интизорлик билан кутсам, деб ширин хотираларга берилиб қоларди. Бирон одам бу бола Бодомгулнинг ўғли деса эзилиб, Равшанбекнинг ўғли деса кўкси тоғдек кўтарилиб кетарди.

Энди Бодомгул келин бўлиб тушган кадрдон қишлоғига, опа-сингил бўлиб кетган қўни-қўшниларга бегонадек эди.

У қайтиб машинага чиққанда шофёр, қўлидаги туғунга қараб бош чайқади.

– Ўғлингиз анчагина ўжар кўринади.

Бодомгул индамади. У ўз ўйлари билан овора эди. Дунёда ҳамма нарсадан мосуво бўлган бу аёлнинг хозирги аҳволи жуда аянчли эди.

Машина уни икки қаватли уй олдига ташлаб, қайтиб кетди. У энди зинага оёқ босаётганда орқасидан бир аёл кишининг, келдингизми, деган товуши эшитилди. Бодомгул ўгирилиб қаради-ю, уни танимади. Бир вақтлар ниҳоятда чиройли бўлгани билиниб турган, энди хасталикданми ё турмуш мاشақкатлариданми ранги синик-

қан, юзига ажин туша бошлаган бу аёлни илгари бирон марта күрмаганди.

– Менда ишингиз бормиди? – деди хайрон бўлиб Бодомгул.

Хотин, ха, деб бош иргади. Лекин Бодомгул унга, уйга киринг, деб айтмади.

Хотин истехзо билан деди:

– Йиғлабсиз-а? Ҳали кўп йиғлайсиз, синглим.

Вақтида биз ҳам қон-қон йиғлаганмиз.

Бодомгулнинг зардаси қайнаб кетди.

– Нега унака дейсиз? Менга бунаقا дейишга нима ҳаққингиз бор? Ўзингиз ким бўласиз?

Хотин унга ўқрайиб қаради.

– Ҳаққим борлиги учун гапиряпман. Ким бўласан, дедингиз? Кимлигимни айтами? Мирвалининг сиздан олдинги ўйнаши бўламан. Бўйнингиздаги шода-шода марваридлар аввал менинг бўйнимда эди. Мирвали омон бўлса, бу марваридлар ҳали кўп хотинларнинг бўйнини безайди. Сиз, ҳар қалай, текисгина экансиз. Анчадан бери ишқ ўйинида мастсиз. Мирвали ҳеч бир аёл билан бирон йил бўлмаган. Кўрпа кўтарадиган пайтингиз ҳам келиб қолар. Бу ишлар менинг бошимдан ўтган. Маслаҳатимга қулоқ солинг. Кетинг бу уйдан. Мирвали шарманда қилиб ҳайдамай туриб кетинг. У осонликча ҳайдамайди. Шипшийдам қилиб ҳайдайди. Бармоқларингиздаги узукларни, бўйнингиздаги марваридларни олиб, кейин ҳайдайди. Обрўйингиз борида кетиб олинг, синглим.

Хотин унга раҳми келгандек, бош-оёқ қараб чиқдида, шўринг курсин, дегандек, маъноли илжайди. Кейин, хайр ҳам демай, кетаверди.

Бодомгул унинг орқасидан беҳуш қараб қолди. Иккинчи қаватга судралгандек аранг кўтарилиди-ю, уйга кириб, ўзини диванга отди.

У алам билан куйиб-ёниб, ўртаниб йигларди.

### XIII

Тоғ болаларининг қувончи чексиз эди. Эрталабдан хонадонларда телевизор экранлари ёришди. Болалар деразаларга парда тутиб сабрсизлик билан мультфильм бошланишини кутишарди. Экранда гулга тўлган боғлар, чексиз яйловлар, тоғ этакларида булутдек ўрлаган қўйлар, чўққилардан кўйилаётган шаршаралар, олманорга, ковун-тарвузларга тўлиб кетган гавжум бозорлар, «қарилик гаштини сураётган» кексалар, шар ушлаб параддан ўтаётган гўдаклар, тоғ-тоғ «оқ олтин» хирмонини уяётган «зангори кема»лар...

...Туғуруқхона. Доя хотин қўлида янги туғилган чақалоқ. У болани баланд кўтаради. Нурга йўғрилган рангин далалар, боғлар. Гўё шуларнинг бари сеники, деяётгандек.

Оқ лиbosга бурканган келинчак билан «ҳаёт завқидан маст» куёв. Улар қучоқ тўла гулдаста билан мотамсара она ҳайкали томон кетмоқдалар.

Адирларда лола териб юрган болаларнинг бошлари аранг кўринади. Кўчани тўлдириб, карнай-сурнай билан куёв-навкарлар келишяпти. Автобуслар, машиналар тўхтаган, ҳамма уларга завқ-шавқ билан қарайди.

Далаларда атлас қўйлак кийган қизлар ғўза чопиқ қилишяпти. Куёвлардек кийинган, кўкси орденларга тўлган чўпон сурув-сурув қўй орқасидан най чалиб

**кетялти. Унинг юзида табассум, қарашлари маъноли, хаёллари порлоқ эртани кўриб тургандек.**

Дала шийпони худди келни тушган уйдек безатилган. Дастурхонда турфа ноз-неъматлар. Арнқ бўйида оппок халат кийган ошпаз ош дамлаяпти. Жизиллаб турган кабобдан кўтарилаётган ниимранг кўкиш тутун паҳтазор бўйлаб таралади. Ёзга чопик килаётган сўлкилдок баҳтиёр колхозчи кизлар ҳар кунги бўладиган тушликларга ўрганиб кетишган бўлса керак, овқатга занг урилса ҳам ишни тўхтатмаяптилар. Тепаларидан «барака» дорисини сочиб ўтган самолёт учувчисига мамнун кўл силтаб кўядилар...

Новвой тандирдан узилган лоладек патирларни бетига сув сачратиб саватга ташлаяпти. Кўксига иккита орден қадалган бригадир опа дастурхон четига оппок крахмалланган салфетка билан қошиқ-санчқиларни териб чиқмоқда...

Авж пардага кўтарилиган куй тугамай туриб, экранда «Фильм тугади» деган ёзув пайдо бўлди.

Нихоят, экранда телетомошибинларга кўпдан таниш, қадрдон бўлиб қолган диктор киз кўринди.

«Телекамералар, радио микрофонлари Тошкент аэропортидаги ҳалқаро линияларда учадиган самолётларни қабул килувчи маҳсус майдончага ўрнатилган. Бутун Ўрта Осиё регионидаги барча республикаларнинг раҳбарлари шу ерда. Тошкент меҳнаткашларининг минг-минглаб вакиллари шиорлар, транспарантлар кўтариб олганлар. Улар «ӯзбек паҳтакорларининг отаси» – Леонид Брежневни кутиб олишга чикишган».

Сочларига анвойи ленталар таккан кизлар юкори мартабали меҳмонга гулдасталар тутиш учун сабрсиз-

лик билан кўкка бокадилар. Кўп ўтмай, осмон бурчидага азамат ҳаво лайнерининг қораси кўринди. Ҳукумат раҳбарлари жим бўлиб қолишган. Улар Тошкент тепасида фахрий доира ясаётган «Ил-62» ҳаво лайнеридан кўз узишмайди. Ана, гулдурос солиб самолёт ерга кўнди. Самолёт эшиги очилиб, трап кўйилди. «Ўзбек пахтакорларининг отаси» – Леонид Брежнев биринчи бўлиб юз кўрсатди. Гулдасталар кўтарган болалар хурматли меҳмон сари қушдек учиб боришарди. У гулларга кўмилиб кетди. Республикализнинг энг машхур кишилари нон-туз кўтариб, олий мартабали меҳмон истиқболига пешваз чиқдилар.

«Ўзбек пахтакорларининг отаси» илгариги келишида бошини бир томонга сал эгиб, жуда чаққон қадам ташларди. Бу гал ундей эмас, тез-тез мункиб кетар, қаёққа келиб қолганини билмаётгандек атрофга аланг-лаб кўярди.

Ниҳоят диктор қиз: «Тошкент аэропортидан олиб кўрсатган репортажимизнинг маҳсус сони тугади», деб эълон қилди.

Мультфильм кутиб ўтирган болалар ҳафсаласи пир бўлиб тарқаб кетишиди.

Етимқишлоқ сартарошхонасида телевизор кўриб гурунг қилаётгандардан биттаси, отахонимиз пишиб қоптилар, юзларига нариги томоннинг шарпаси тушиб турипти, деб юборди. Бу гапни эшитганлар ўзларини эшитмаганга солиб, сен айтмадинг, биз эшитмадик, бу гап шу ерда қолиб кетсин, дея тарқаб кетишиди. Баъзилари телевизор кўрмай мен ўлай, шу ўлгурни уйда кўра қолсан ҳам бўларди-ку деганича пилдираб уйига жўнаб қолди.

Мирвали Тошкентга кетаётганда Толибжонга, телевизорни албатта қўйиб, «ўзбек пахтакорларининг отаси»ни кутиб олиш маросимини кўринглар. Мен у кишига нон-туз олиб чиқаман, деганди. Нон-тузни бошқалар олиб чиқди-ку! Отахон қўлидаги рўйхатга караб, республиканинг номдор пахтакорлари, чорвадорларининг исми шарифини номма-ном ўқиб берди. Унда ҳам Мирвалининг номи чиқмади. Илгарилари унинг исми биринчи бўлиб айтиларди. Энди ўзини ҳам кўрсатишмади, номини ҳам айтишмади. Тошкентда бўладиган тантанали йиғинларда телекоммуникациялар фақат уни кўрсатишарди. Бу гал нима бўлди? Тошкентта кетди-ю, сувга тушгандек, жимиди-кетди.

Кўпчилик Мирвалини хуш кўрмасди. Ундан кўрқарди. Кучадан келаётганда уйи остонасида неварасини ўйнатиб ўтирган оппоқ соқолли чоллар ҳам уйга кириб кетар, тўрт-беш киши гурунг қилиб турган бўлса, унинг қораси кўриниши билан, ҳар тарафга тарқаб кетишарди.

Мирвали бу томонларда ўзи «хон», ўзи «бек» эди. Кўнглига келган ҳар қандай ишни тап тортмай қиласаверарди. У раҳбар бўлган бирлашма ҳудуди гўё алоҳида бир музофот, алоҳида хукумат эди. Мирвалининг ўзи жорий қилган, зўравонликка асосланган қонун-қоидалари бор эди. Бу қоидаларга нафақат бирлашма одамлари, ҳатто қўшни район, қўшни хўжаликлар ҳам бўйсуниши керак, деб ўйларди. Унга терс келадиганларнинг косаси оқармасди.

Тоғларда яшайдиган эркин, ҳеч қандай тартибга бўйин бермайдиган асов, жангари йигитлар ҳам ундан кўркишарди. Лекин Мирвали ўғрилик қилган, тартиб

бузганлардан биронтасини қаматмаган. Қаматса, бу сер-фарзанд кишиларнинг болаларини ким бокади? Унинг маҳсус йигитлари ўғрилик қилганларни тоғлар орасига опкириб, обдан калтаклаб, шалҳак қилиб ташлаб келарди. Калтак еганлар судралиб-судралиб уйига келарди-ю, то танидаги оғриқ босилгунича «одобли» бўлиб юрарди.

Мирвали бу тоғлар орасида мушти билан, камчиси билан тартиб ўрнатган эди.

Толибжон аввалги йили Қоҳирага кетаётганда Одессада «Грузия» теплоходида Ўзбекистондан Европага саёҳатга отланиб турган туристлар билан учрашганди. Улар орасида машҳур адиб Абдулла Қахҳор ҳам бор эди. Толибжон жасур ёзувчининг китобларини ўқиб, гойибдан ҳурмат қилиб юрарди. Унга шу адиб билан сұхбатлашиш насиб қилган эди. Шунда Абдулла Қахҳор ундан, иним, қаердан бўласиз, деб сўраганди.

Толибжон туғилан жойини айтганда, адибнинг қўзлари яшнаб кетганди.

– Ажойиб жойнинг фарзанди экансиз, – деганди у.  
– Улуғбек, Жомий, Навоий кадами теккан ерларда ўсган экансиз. Самарқанддан Тахти Қорача довони оркали Амир Темур Шаҳрисабзга ўтган. Улуғбек хазинасини Тахти Қорача довонига яширган. Навоий Самарқанд таҳсилини тугатгач, шу довондан ошиб Ҳиротга қайтган. Бобур шу довондан Кобулга кетган. Лекин бу жойларнинг одамлари антиқа бўлади. Директорларингизни танийман. Унинг асли қиёфасини чизиш қийин. Бир танда икки одам яшайтганга ўхшайди. Бири – ишбилармон, ташкилотчи, бири – ёвуз. Иккови ҳам авж пардада. Бири бирини сиқиб чикараман демайди. Иккови ёнма-

ён, мустақил яшайди. Бир танга иккови навбатма-навбат ҳокимлик қиласи. Бири уйғонганда, бири мудрайди...

Абдулла Қаххорнинг бу гапи Толибжонга сал оғир ботган эди. Кейинчалик у нақадар ҳақ эканини тан олганди.

Унга ким насиҳат қиласи? Кимнинг гапини олади? У ҳеч кимнинг құли етмайдыган баландликда. Унга тик бориб бўлмайди, ёнбошидан келиб ҳам бўлмайди.

Толибжон ана шундок жумбоклар чигалини ечишга уриниб боши қотди. Юраги сикилиб, күчага чиқди. Азизбек остонада ер чизиб ўтирибди. Бу боланинг нияти бузук, кўнглига шайтон уя курган, деб ўйлади ўзича Толибжон.

Сойга тушиб шаршаралар тагида бирпас дилхираликини ёзмоқчи бўлиб турган эди, пастликдан «Нива»нинг ўрлаб чиқаётганини кўрди. Ким бўлди экан? Мирвали ҳали Тошкентдан қайтмаган. Куёвим бунака машинада юрмайди. Бирон ўткинчи машина бўлиши мумкин эмас. Бу йўлнинг боши берк. Халта йўл.

Машина шағал тўкилган йўлдан силкиниб-силкиниб, Толибжоннинг олдига келиб тўхтади. Ундан бухгалтер тушди. Жуда ташвишли эди. Остонада ўтирган Азизбекка галати бир караб қўйди-да Толибжоннинг тирсагидан олиб четга тортди. Тоғолча тагига келишди.

– Бирон ёққа кетиб қолмадингизми, деб ташвишда эдим. Хайрият, шу ерда экансиз. Ишлар чатоқ, Толибжон ука.

– Нима гап бўлди? – деди хавотирланиб Толибжон.  
– Мирвали Тошкентда. Нима қилишимизни билмай олдингизга келдим. Бодомгул ўзини осиб қўйибди. Нима қиласи, Мирвалининг келишини кутамизми ё...

Ҳайронман, марказда уни ҳеч ким танимайди. Ҳамма қариндош-уруғлари қишлоқда. Қаерга кўмиш керак?! Энди маслаҳат сиздан.

Толибжон ўйланиб қолди. Бодомгул қариндош-уруғларининг юзига оёқ тираб, Мирвалига элакишиб кетиб қолган. Қишлоқда унинг номини ҳам атамай қўйишган эди. Жанозасини шу ерда ўкишга кўнишармикан?

– Мундоқ қилсак, – деди Толибжон. – Ҳар қанча маслаҳат бўлса, қайнонасидан чиқади. Жуда доно, ба-маъни кампир. Ўша нима деса, шу бўлади. Иккови Азизбеклар уйи томон юра бошлади. Толибжон шу топда жуда чиройли халқ мақолини эслади: «Ёғ ялаганда ёт, қон ялаганда қариндош ёнингда пайдо бўлади».

Азизбек ўрнидан туриб, уларга йўл берди. У икковига ҳам ҳайрон қараб турарди. Ким билади, унинг хаёлидан нималар ўтди экан. Балки, у булар дадамнинг даргини топиб келдиларми, деб ўйлаётгандикин?

Бечора дадасидан жудо бўлгани етмагандек, энди онадан ҳам айрилди. Қариб, ана кетаман, мана кетаман, деб турган бувиси ҳам оламдан ўтиб кетса, ким билан қолади? Қаёққа боради? Нима қиласди?

Кампир айвонда қуритилган тофрайхонини уқалаб, чўп-хаслардан тозалаб ўтиради. Бош кўтариб, Толибжон билан бухгалтерий кўрди-ю, юзида аллақандай кувончга ўхшаш бир нима пайдо бўлди.

– Сандиқни очаверайми? Ғойибимдан хабар топиб келганга ўхшайсизлар.

Лекин келганлар чехрасида таскин берувчи бирон белги сезилмади. Ташибишланиб ўрнидан тура бошлади. Бухгалтер Азизбекка ўгирилди:

– Сен бирпас кўчага чиқиб тургин.

Азизбек жойидан қимирламади. Толибжон кампирнинг ёнига келиб елкасидан беозор босиб, ўтиришга ундали. Кампир саросимада эди.

– Тўғрисини айтинглар, яширманглар, Равшанбем бу ёруғ жаҳонда борми? Бор бўлса, бор денглар, йўқ бўлса, йўқ денглар. Кутавериб кўзларим тўрт бўлган.

Толибжон учун бу шум хабарни айтиш ниҳоятда қийин эди. Охири кампирга юзланди.

– Эна, неварангиз кўчага чиқиб турсин, уни олдида айтадиган гап эмас бу.

– Бор, болам, бор. Бир айлануб келгин.

Бироқ Азизбек қандайдир фалокатни сезгандек кетгиси йўқ. У катта энасининг ҳам гапини олмай, кайсарлик қилиб ўтириб олди. Ноилож қолган Толибжон ердан кўз узмай гапира бошлади.

– Энажон, энди қандоқ қиласми. Бодомгул пешона-мизга сифмади...

Унинг гапи оғзида қолди. Азизбек сапчиб ўрнидан турди-ю, қафасга тушган шердек ўкириб юборди.

– Даюс, даюс Вали тоға! Мирвали тоға даюс...

Бухгалтер унинг қўлидан юлқиб тортиб ўтқазди.

– Ўзингни бос, бола! Сабр қил. Кўз ёшларинг ҳали керак бўлади. Энди сен катта йигит бўлиб қолгансан. Сабрли бўл! Сенга маслаҳат солгани келганмиз. Эс-хушингни йигиб, гапга қулоқ сол.

Толибжон узилиб қолган гапни улади:

– Энажон, сиз хонадоннинг каттасисиз. Сиз нима десангиз, шу бўлади. Йўқ, ўшаёқда дафн қилиб юбораверинглар, десангиз...

Кампир унинг гапини бўлди:

— Ундаи эмас. Бодомгул бу уйга ёр-ёр билан келин бўлиб тушган. Талоқ олган эмас. Шу уйдан чиказамиз. Ювиб-тараб, гуноҳларидан фориғ қилиб тупроққа қўямиз. Фақат битта илтимосим. Мирвали жанозага келмасин. Келса, оломон тошбўрон қилиб юборади.

Кампир мунғайиб, кичкинагина бўлиб қолди.

Маслаҳат билан Толибжон шу ерда қоладиган, Азизбек билан бухгалтер майитни олиб келгани марказга кетадиган бўлишиди.

Толибжон уйига қайтиб чиқиб, бўлган воқеани она-сига айтди. Кампир нималарнидир пичирлаб, юзига фотиха тортди.

— Бечора Рисолатнинг шу биттагина неварасидан бошқа ҳеч кими йўқ. Толиб болам, маъракага ўзинг бош бўл. Ҳой, Зайнаб, югур, кўни-кўшнини чақир. Юртга ҳабар қилишсин. Ўлим қурсин, ўлимгина қурсин, шунаقا бемахалда, bemavrid келади. Коқилганнинг остонасидан ўтади. Коқилганни қоқиб йиқитади. Шўргинанг қурғур Рисолатнинг кўрган куни озмиди?..

Зайнаб шошиб чиқиб кетди. Орқасидан болалар эргашди.

Етимқишлоқ дўппидек кичкинагина эди. Бир қумғон қайнагунча айланиб чиқса бўларди. Фуқароси бир-бираға қайишадиган, бир-биридан ҳамиятини аямайдиган аҳил эди. Тўй-ҳашамларда ҳамма баробар оёққа туради. Бодомгул бу сокин, файзли қишлоқнинг хушловоз булбули эди. Тўйларда хониш қилганда шамоллар ҳам тўхтагандек бўларди. Қушлар ҳам қўшиғига кулоқ соларди. Кечкурунлари деярли ҳамма хонадонларда магнитофон қўйилар, улардан фақат ва фақат Бодомгулнинг

қўшиклари эшитиларди. Қишлоқ тепасида Бодомгул-нинг овози тошлардан, сойлардан ошиб сузуб юради.

У Етимқишлоқнинг булбули эди. Мирвали уни қафасга солиб, банди қилиб олиб кетгандан буён қишлоқ хувиллаб, файзсиз, мунгли бўлиб қолганди. Бора-бора юртини унугтган Бодомгулдан қишлоқликларнинг ҳам кўнгли қолди. Уни унута бошлашди. Етимқишлоқ аёллари шаънини булғаган, уларнинг бошларини ҳам қилган Бодомгул назардан қолди. Унинг қўшиклари ёзилган магнитофон ленталарини токчаларда чанг босди.

Толибжон уни кўрмаган, қўшиқларини ҳам эшитмаганди. Фақат таърифи узук-юлук қулоғига чалинган пайтлар бўлганди.

Азизбеклар ҳовлиси хотин-халажга тўлиб кетди. Эшик ташқарисида етти-саккиз эркак жимгина Толибжонни кутиб туришарди. Маслаҳат билан бировини қабристонга, бировини ғассолга, бировини Оқсоқолнинг хужрасидаги маҳалланинг самоварини, чойнак-пиёлаларини олиб келишга жўнатишиди.

Кампир қабристонга кетаётган йигитни тўхтатиб, шундай деди:

– Гўрковга тайинланглар, қазиган гўр ёнидан иккита жой олиб қўйсин.

Ҳеч ким ундан нега деб сўрамади.

Дўлана тагидаги тошда етти-саккиз чол ҳассасига бағрини бериб жимгина ўтиради. Ичкаридан чиккан йигит Толибжонга деди:

– Кафанлик керак. Биронта болани магазинга юборинг.

Уларга қулоқ солиб турган чол ҳассадан бағрини узиб деди:

– Қидирма, ҳеч қайда кафанлик йўқ. Бир табаруқ зот қазо қилганди, беш кун бурун. Бутун районни қидириб тополмаганмиз. Яқин тўрт йилдирки, область магазинларига сурп келмай кўйган. Мурдани жойнамозга кафандаганмиз.

Толибжон ҳайрон бўлди. Наҳотки, олти миллион тонна пахта топшириб, битта кафандикка зор бўлса...

– Эҳтимол, кафандикнинг кераги ҳам бўлмас. Ўз жонига қасд қилганга жаноза буюрмайди. Мурдаси ҳам ювилмайди.

Бу гапни айтган кишига ҳамма баробар ўгирилиб қаради. Бир чол ўрнидан туриб, унга ўдағайлаб кетди:

– Буюради, жаноза буюради! Бодомгулнинг жами гуноҳларини Тангридан сўраб оламиз. Уни ўз жонига қасд килишга ким мажбур қилганини билиб турибмиз.

Ўтирганлар, тўғри, тўғри дейишди. Шу гапни айтган киши, «таомилни айтдим-да», дея четга чиқди.

Чол тўғри айтган экан, кафандик қидириб кетгандарнинг ҳаммаси қуруқ қайтишди. Толибжон Зайнабни чақириб, энди нима қиламиз, деб маслаҳат солди.

– Рисолат аямдан сўраб кўрай-чи.

Зайнаб шундай деб ичкарига кириб кетди. Кампир ҳамон ўтирган жойида пицирлаб, тебранарди... Зайнаб унга ҳеч қаерда кафандик йўқлигини айтди. Кампир бирпас жим қолгандан кейин чўнтаги оғзига қадалган тўғноғичини тимирскиланиб чиқаза бошлади. Каттакон калит олиб Зайнабга узатди.

– Ичкарига кир. Мехробдан тўшакларни тушириб, сандиқни оч! Ичида ўлимликка атаган тугуним бор. Олиб чиқ!

Зайнаб ичкарига кириб кетди. Бир оздан сўнг сандик кулфининг даранглагани эшитилди. Зайнаб тугунча кўтариб чиқди-да, кампирнинг олдига қўйди.

– Ўзинг оч!

Зайнаб тугунни еча бошлади. Ичида бир кафанлик сурп, қоғозига араб алифбосида «Гулжаҳон» деб ёзилган совун, бир шиша атири, куритилган райҳон, эллик-тacha дастрўмол ва яна қоғозга ўралган нимадир бор эди. Зайнаб уни ҳам очди. Ўнта қизил ўттиз сўмлик пул. Ювғувчига аталган икки кийимлик сатин, битта пешонабоғ бор эди. Зайнаб кампирга:

– Эна, бу пуллар энди ўтмайди. Пул алмашганига ўттиз беш йил бўлай деяпти-ку, деди.

Кампир унинг гапига парво қилмади.

– Нега ўтмас экан? Шу пул шўроникими, ўтади, – деди. – Ҳаммасини обор, ғассолнинг кўлига бер. Қазойим етса, юрт бир амаллаб кўмиб кўяр. Ўлимни кутган ўлмайди, кутмаган ўлади. Қирқ йилдан бери ана ўламан, мана ўламан, дейман. Қани, ўлим ўлгур кела қолса.

Соат учлардан ошганда майитни олиб келишди. Совхоз профилакториясининг врачи Седона билан бир ҳамширадан бошқа ҳеч ким келмади. Чойшабга ўралган Бодомгулнинг жасадини ҳовлига олиб кирганларида ҳам, уни уйга олиб ўтаётганларида ҳам кампир ўрнидан турмади, қарамади, пицирлаб ўтираверди. Ғассол хотин ювиб, кафанлаб бўлгандан кейингина уйга кириб, Бодомгулнинг юзини очишни буюрди. Одатда, ювилган жасаднинг юзи очилмасди. Кампирнинг гапини икки қилишмади. Очишди.

Кампир Мирвали йўлдан урган кундан бошлаб ундан ҳазар қилди. Ювуқсиз, деб бирон марта бўлсин бе-

тига қараб қўймади. Кўлидан овқат емади. Кир-чирини ҳам, емак-ичмагини ҳам бўлак қилди. Энди Бодомгул бутун гуноҳларидан фориф бўлиб, абадий уйқуда ётарди. Жами гуноҳлари, эл-юрт олдидаги юзқароликлари жони билан бирга танини тарк қилган эди. Кампир ювилиб пок бўлган келинининг пешонасидан силади. Энгашиб, манглайига аста лаб тегизди. Нимадир деб пичирлади. Кўзларидан икки-уч ёш томчиси кафанга тушди.

Бодомгул – янги келин бўлиб тушган никоҳ тонгидагидек, ниҳоятда чиройли бўлиб кетганди. Қизиллик қочган оппоқ бетидаги мошдек холи янада қорайиб кўринарди. Қошлари зулукдек қотган. Юмуқ қовоклари учидаги узун киприклари бир-бири билан жипсласиб кетган эди. Атрофда аёллар фарёд уриб, айтиб йиглаётган шу дақиқаларда кампир Бодомгулнинг келин бўлиб тушган пайтларини эслаяпти. Эрталабки келинсалом. Бодомгул ҳарир парда ёпиниб, энг аввало, қайнонасига салом қилди. Энгашганда елкаларидан ошиб тушган сочполуклар учидаги қўнғироқчалар бир-бирига урилиб, жаранглаб кетди. Қайнона бекиёс чиройли келиннинг юзини очиб, бир дам томоша қилди. Бодомгулнинг юзи шарм-ҳаёдан лов-лов ёнар эди. Киприк кўтариб қайнонасига бетлаб қаролмади. Лаблари, кичкинагина лаблари қимирлади. Ассалом, дедими, нимадир деди. Кампир унинг елкаларини силаб, бахтли бўлинг, болам, кўшгани билан қўша қаринг, деб манглайидан ўпди. Бодомгулнинг пешонаси қизиб кетган, қайнонанинг лабларини куйдиргудек эди.

Кампир энди унинг муздек, совиб қолган пешонасига лаб тегизди. Пайваста қошларини силади. Кейин қалтираб:

— Капалак кийган келади, кафан кийган кетади, — деб пичирлади. — Капалак кийиб келгандинг, болам. Энди кафан кийиб кетяпсан. Асли, бу кафан менга аталган эди. Қандоқ қилай, бу жон ўлгур чикавермаса. Гунохларингни гарданимга олдим, болам. Дўзах ўтларида мен куяй. Сен ҳуру ғилмонларга қўшилиб кет. Кафанимни сенга бердим. Покиза танга аталган кафанимни бердим. Тинч ёт, болам. Орқангдан ҳеч ким тош отмайди. Бирон оғиз ёмон гап айтмайди. Кўзим тирик экан, сени ёмонотлиқ қилмайман. Тонг-саҳарларда тиловат қилиб, гунохларингни сўраб оламан. Болам, мени қаргама. Мендан рози бўлиб кет. Равшанбеккинамнинг жасади топилса, ёнгинангга ётқизаман. Бирга бўласизлар, кейин мен ҳам ёнингларга бораман.

Кампир қалтираб ёнбошига оғиб кетди. Хотинлар суюб ростлашди. Қўлтиғидан кўтариб, ташқарига олиб чика бошлишди. Кампирнинг икки қўли оппоқ кафангча чулғанган Бодомгул томонга чўзилганча кетарди.

Бу тоғларда кийикдек юргурган, шамолдек елган, булбулдек нола қилган, ҳар баҳор тоғ ёнбағирларида ловлов ёнадиган лола гулханлариdek кўзларни яшнатган, тўйларга файз киритадиган – бутун кишлоқнинг эрка келинчаги Бодомгулнинг табиат фақат бир мартагина яратиши мумкин бўлган чехрасига энди парда тортилган эди.

Офтоб оғаётганда тобутни елкага олишди. Азизбек олдинда белини боғлаб бораарди. Неча ойлардан бери токчада чанг босиб ётган ленталар яна магнитофонга қўйилди. То қабристонга етгунича хонадонларда тобут эшик олдидан ўтиши билан магнитофон қўйишар, Бодомгулнинг чирманда жўрлигида айтган мунгли

қўшиқлари то қабристонгача кузатиб борарди. Бодомгул худди ўз жанозасида ўзи фарёд уриб, айтиб йиглаётганга ўхшарди.

Кун ботиш уфқи алвон нурларини чўққиларга санчаётган чоғи Бодомгулни тупроққа кўйишиди.

Ҳар юртнинг машҳур бир нимаси бўлади. Парижнинг жаҳонга машҳур Эйфель минораси, Самарқанднинг дунёни лол қолдирган Регистони, Бухоронинг булатларга боши қадалган Минораи Калони, Етимқишлоқнинг биттайи-битта шу эрка Бодомгули бор эди. Энди у йўқ. Етимқишлоқ яна бир марта етим бўлиб қолди.

Мирвали уч кундан кейин Тошкентдан қайтди. Бўлган воқеани эшитиб, эсанкираб қолди. У чинакамига Бодомгулни яхши кўрармиди? Улар ўртасидаги муносабат муҳаббатмиди? Ҳар қалай, Мирвали Бодомгулни бирон кун кўрмай қолса, кўнгли у томонга талпинаверарди. Бирга бўлган пайтларда дунёнинг жами ташвишларини унутиб, бағрига сингиб кетарди.

Мирвали юраги бетлаб кундузи Етимқишлоққа келолмади. Қош қорайганда машинани пастликда қолдириб, пиёда қабристонга келди. Ҳали ой кўтарилмаган. Гўрковнинг хужрасида чироқ ёниб туради. Мирвали гўрковга учраб, Бодомгулнинг қабрини кўрсатишни сўради. Ўт-ўланлар ўсиб кетган гўрларнинг кўпигурилган, ёз ўртаси бўлишига қарамай, дараҳтлари барг ташлаган, тош сағаналар тагида шамлар лишиллаб ёнаётган ваҳимали қабристонда гўрков Мирвалини эргаштириб борарди. У янги, устига атиги биттагина ҳасса санчилган қабр олдида тўхтади. Бу Бодомгулнинг гўри эди. Мирвали қабрнинг оёқ томонида жуда узоқ чўқкаласб ўтирди. Бир оғиз ҳам сўз айтмади. Бирон марта

бўлсин бошини кўтариб атрофга қарамади. Шу энгаш-  
ганича қимирламай, мункайиб ўтираверди. Тик тураве-  
риб оёғи толган гўрков, кетишини ҳам, кетмаслигини  
ҳам билмай, оғирлигини дам ўнг оёғига, дам чап оёғига  
ташлаб, Мирвалининг ўрнидан туришини бетоқат бўлиб  
кутарди. Охири Мирвали икки тиззасига тиралиб ўрни-  
дан турди, гўрковга эргашиб дарвозахона томон юра  
бошлади.

У кетар олдида гўрковга санамасдан бир даста пул  
тутқазди. Ҳеч нарса демади. Афтидан, гўрков нима  
қилишини ўзи билса керак, бош ирғаб орқасидан қараб  
қолди. Мирвали узоқлашгандан кейин, у хужрадан шам  
олиб чиқиб, яна Бодомгулнинг бошига борди. Шамни  
ёқиб, бирпас қараб турди-да, сўнг қуриган ўтларни ши-  
тирлатиб орқасига қайтди.

Бойўғлининг хунук овози эшитилди. Ой кўтарили-  
ши билан чирилдоқлар базми бошланди. Ўпирилган  
гўрлардан бир-бирини қувиб ёввойи мушуклар чиқди.  
Уларнинг кўзлари кумуш тангадек кўкимтири совуқ нур  
бўлиб узок ўчмай туради.

Еттинчи лампа аранг ёритиб турган хужрада гўрков  
Куръон тиловат қиласади.

## **ЮЛДУЗ СҮҚМОҚЛАРИ**

*Белингдаги пичогингни, минган  
отингни, никоҳингдаги хоти-  
нингни бирорга ишонма, болам...*

### **XIV**

Толибжон умрининг буёғини шу тоғларда, болалиги қолган қишлоқда яшаб ўтказишга қарор қилди. У жаҳонни кезди. Денгизлар, тоғлар, саҳролар ошди. Шоҳона меҳмонхоналарда яшаб кўрди. Лекин шу кичкинагина, азим тоғлар пинжига суқилган она қишлоғидек қадрдон жойни кўрмади. Шу ер менинг сўнгги бекатим, деди. Куёви ҳовли этагига пойдевор қўйиб, буёғига чоғи келмаганиданми, қўли тегмаганиданми, ташлаб қўйган уйни битказмоқчи бўлди. Бугун икки ҳафтадирки, у жијяларини ёнига олиб, гувала думалаттиради.

Бу қишлоқ одамларининг ажиб яхши одатлари бор. Бирор иморат бошласа, қўни-қўшнилар ялпи ҳашарга чиқишиади. Ҳар куни битта қўшни ош-овқатни бўйнига олади.

Толибжоннинг иморатга уннаганидан хабар топган қўшниларarraю пойтешаларини кўтариб келаверишди. Бири ходаларнинг пўстлоғини шилади. Бири пойтеша билан тўсин чопади.

Кун ёйилиши билан Толибжон онасини ўрик тагидаги чорпояга ўтқазиб қўяди. Кампир Толибжоннинг энди ҳеч қаёққа кетмаслигидан, шу қураётган уйимизда

иккимиз яшаймиз, деб айтганидан ниҳоятда хурсанд. У ичиди, болам-а, мен буёғига қанча яшардим, сенинг бошингни икки қылсам, шу уйда кўпайсанг, деяпман-да, дерди. Аммо Толибжон уйланмоқчи эмас, умр кетди. Эндиғи топилган ҳамроҳни ярим йўлда ташлаб, баҳтиқаро қилиб кетиш номардлик, деб ўйларди.

Дарднинг келиши осон, кетиши қийин. У докторларнинг гапларига қулоқ солмаган эди. Тог ҳавоси, тоза сув таранг тортилган асабларини аста қўйиб юбораётганини ўзи ҳам сеза бошлаган эди. Шу уй битса, Тошкентдаги уйимни топшириб, кўч-кўронимни олиб келардим, деб ўйларди. Қишлоқ совети раисининг кабинети ёнида каттагина хона бор экан. Китобларимни шу жойга олиб келсам, қишлоқ болалари баҳраманд бўлармиди...

Толибжон якин ўттиз йилдан бери китоб йигарди. Ўғлим вояга етганда ўқийди, деб ният қилганди. Салкам йигирма минг китоб кимсасиз уйда чанг босиб, сарғайиб ётиби. Шуларни қишлоққа совға қиласман. Яхшигина кутубхона бўлади.

Унинг дилида ниятлари кўп эди. Эндиғи қолган умрини она қишлоғининг болаларига бағишлиамоқчи. Уларни ўқитиб, оламни танитмоқчи. Бу қишлоқ болалари учун бирдан бир идеал – Штирлиц билан Раж Капур, холос. Болаларни китобга ўргатиш керак. Токи улар ишчи кучи бўлиб эмас, онгли, катта жамиятнинг билагон аъзолари бўлиб этишсинглар. Уларнинг ҳозирги туриш-турмуши факат жисмоний меҳнатдан бошқага ярамайдиган қилиб кўяди.

Кунларнинг бирида Толибжон дўсти Мирвалидан: «Ўртоқ, болаларнинг ўқиши чатоқ-ку, ўқитувчиларинг ҳам ҳеч балони билмайди, уларинг на газета ўқийди, на

китоб, улар тарбиялаган болалар ким бўлиб етишади?», деб сўраганда, Мирвали хандон ташлаб кулган эди.

– Нима, ўқиб профессор бўлармиди? Ёзиш-чизиши, ўқиши билса бўлди-да. Ундан юқорисини билса, кетиб қолади. Институтда ўқийман, деб шахарга талпиниб қолади. Битта ўқиган сенми, кетиб қолдинг-ку. Бошингта ташвиш тушмаса, қайтиб келмасдинг. Булар ҳам шунаقا-да. Менга ишчи керак, олим эмас, ишчи. Илми бўлса, тоғда эчки боқадими? Маълумоти бўлса, пода кетидан чангта беланиб юриб, бўйнига кўза осиб хонадонлар олдидан «ошҳалол» деб чақириб юрадими? Илми бўлса, тили чиқади. Агар менга қолса, тоғ ораларидағи қишлоқларда ўрта мактабларни ёпиб, бошланғич мактаб қилиб қўярдим. Саводи бўлмаса, катта бўлганда аноним ёзолмайди, билдингми?! Афсуски, бунақа қилолмайманда, замон кўтармайди.

Бу гапларни юрган юрт отаси, давлат миқёсида иш юритадиган Мирвали айтиётганига Толибжон ишонмаганди. Қизиқчилик қиляптими, уни лакиллатаяптими, ё кўнглидаги гапни айтияптими, билолмаганди.

Мирвали ҳеч кимдан ҳайикмайди. Истаган ишини қиласверади. У, хукумат бу тоғларни менга берган, деб ўйлаяпти. Йўқса, бунчалик золим бўлиб кетмасди.

Кампир сўрида ўтирганча усталарни гапга солади. Уларни кўрмаса ҳам овозидан танийди.

– Хой, сен Эгамбердимисан? Невара-чевараплинг тинч-омон юриптими? Қизинг кепқолганди. Кетдими ё ўтириптими? Жўнатвор, қиз деган чиқиб кетган уйига бегона бўлади.

– Кетган, кетган, эна, – дейди Эгамберди.

– Бинойи бўпти. Энди келса, киритма. Чиқсан қиз чиғириқдан ташқарида, шу гапни биласанми? Хотининг

рахматли ҳалимдаккина, паришталиккина эди. Уйлан-  
мадингми?

– Ёшим ҳам кетиб қолди. Уят бўлар.

– Унақа дема, дунё шу. Кетган кетди. Энди қайтиб  
келмайди. ЁтARING бор, турARING бор. Яна ўзинг билан-  
сан, бошинг болишга етганда пешонангга битта уриб  
қолмагин, дейман-да.

Кампир долчин чойини хўплаб, узоқ тин олади. Яна  
усталарнинг гангир-гунгур гапларига қулоқ солади. Гап-  
га аралашгиси келади. Ўзини тутади. Охири бўлмайди.

– Ғупромиддин. Ҳой, Ғупромиддин! Илгарилари ки-  
риб, бирпас-яримпас гаплашиб ўтириб чиқиб кетардинг.  
Нега дарагинг йўқ?

Олтмиш ёшлардаги жиккак чол тешасининг сопини  
белбоғидан ўтказиб, сўрига келади. Омонатгина ўтириб,  
кампирдан ҳол-ахвол сўраган бўлади.

– Кампир эна, хотин уч-тўрт кун ол кетдим, ол  
қолдим, деб кўркитди. Шунга андармон бўлиб киролма-  
дим. Долчин чойингизнинг хумори тутиб туради. Қани,  
битта кўйинг.

Кампир чой қуиб узатади. Неча марталаб айт-  
ган гапларини яна бошлайди. Ғупромиддин кўнгли  
учун бу гапларни биринчи марта эшиتاётгандек, ҳа-я,  
шунақами-я, деб ўтираверади.

– Барака топкур, хотининг кичкиналигига жуда  
жикилдоқ эди. Битта гап айтганга ўнтани кўндиради.

Ғупромиддин бошини силкитиб-силкитиб кулади.

– Э, энаси тушмагур-а, биззи хотин ёшлигига бир  
гапга ўнни кўндиурса, қариганда ўттизни қўндиради.  
Унга битта гап айтиб орқангга қарамай қоч!

– Бай-бай-бай, – дейди кампир, – ҳалиям қолмапти-  
да, шу одати ўлмагур. Ҳай майли, умридан барака топ-

син. Ишқилиб, Худо сенга түзим берсин. Чидайсан-да, чидамай қаёққа ҳам борардинг. Шунча невара-чевара, эвара...

– Қалампирдек заҳар гапларига ўрганиб қолган эканман. Касал бўлганда қўркиб кетдим. Икки кун тилдан ҳам қолди-да, бояқиши, қарғишларим ижобат бўлдими, деб ўзимни ўзим койидим. Жа жонимдан ўтказвorgанд, тилинг кесилсисин, деворган пайтларим бўлганди. Тавба қилдим, Худойим, тавба қилдим, деб нола қивордим. Хайрият, тили чиқди. Ҳозир бинойидек мени карғаб ётиби.

– Отангни онасини эслайсанми? Момонгни айтяпман.

– Ҳа, биламан. Эслайман. Элас-элас эслайман, жуда қариб қолган эдилар.

– Ҳа, балли, – дейди кампир. – ўша момонгни бо-бонг Макритдан опқочиб келганди. Ҳусн деганинг ой десанг ой, кун десанг кун эди. Соч деганинг ерга тегарди. Қишлоқ қизлари томга чиқиб, қалдирғочдек тизилиб олиб, уни томоша қилишарди. Раҳматли тирик бўлганда юз ўттиздан ошарди. Худонинг қудрати билан болалари ўзига ўхшамади. Отасига ўхшаган қаншари паст бўлиши.

– Энажон, энди борай, иш қолмасин.

Гупромиддин шундай деб ўрнидан турди. Кампир ўтириб-ўтириб, яна зерикди. Ким биландир гаплашгиси, кимгадир йигилиб қолган гапларини айтгиси келди. Охири чидамай овоз берди:

– Долимбо-е, нима қиляпсан, битта чой ичиб кет. Пойтешада тик турганча болор чопавериб, ҳассага ўхшаб кетгандирсан. Кела қол!

Атрофдаги усталар Долимбойга караб илжайиши:

– Бор, бора қол, очеретинг келди.

Долимбой пойтешани қалин пайрахалар устига  
эхтиёт қилиб күйиб, сүрига келиб ўтириди.

Кампир чойнак тагида қолганини силқиб қуиди. До-  
лимбойга узатди. Кейин, Толиб-е, чой опке, деди. Нима-  
дан гап бошлашни билмай, бир оз турди. Нихоят, гапи-  
ни топди.

– Долимбой, кичкина қуданғни мелиса деб эшитдим.  
Ростми? Мелисалик ҳам яхши ҳунар. Ёнида түппончаси  
бўлса, яна нима керак. Келининг мўмин-қобилгинами  
ё мелисани қизиман, деб қайнонасини токчага чиқазиб  
кўйяптими?

– Йўғ-э, – деди уста Долим. – Бу қиз қуда аянинг ол-  
динги эридан. Дадаси сартарош бўлган. Қудачиликни  
ўша билан қилдик. Даромади яхши. Бутун районда ун-  
дан бошқа суннат қиласиган сартарош йўқ. Топиши  
яхши.

– Ундоқ бўлса, дуруст. Беш-үн йилдан буён тоғда  
ўғил бола кўп туғиляпти. Бу ҳам бўлса қуданғни ризқи-  
да. Сенга Худо бериб қопти. Ҳозир ўтириб ҳисобласам,  
мани ҳисобимда сан бу йил олтмиш иккига киаркан-  
сан. Келаси йили пайғамбар ёшига кирасан. Мовлуд  
ўқитасанми?

– Йўғ-э, – деди уста Долим, – замон кўтармайди.  
Ёшлигимда комсомол бўлган эканман, эсимдан чиқиб  
кетибди. Гап тегади, энажон.

Кампир лабларини бурди.

– Ҳеч бўлмаса, Кийиксовди энамга бирон нима ата.

Ҳашарчилар Долимбойни чақириши:

– Ҳо, уста бува, қараб қолдик-ку!

Остонада мункайиб ўтирган чол ёнбошига қўйиб олган пачоқ пақирдан қийшиқ-қинғир михларни олиб, болға билан тўғриларди. У қорин солганидан мунка-иб ўтиришга қийналарди. У, кампир мени ҳам чақириб қолармикан, жиндаккина белимни ёзиб олардим, деган ўй билан тез-тез овоз чиқариб қўярди: «Хой болалар, чойга қаранглар, пайраха олдида гугурт ўйнаманглар, оёқ остидаги гувалаларни четга олиб қўйинглар».

Кампир уни овозидан танимади. Бу ким бўлди экан, деб ўйлади. Охири чол чидамай келди:

– Кампир эна, шунча овоз бераман, нега мени чақирмайсиз?

Кампир овоз келган томонга қаради.

– Кимсан? Танимайроқ турибман. Овозинг нотаниш.

– Ахир, мен Раззоқ буқачиман-ку.

– Овозинг ўхшамайди-ку?

Раззоқ буқачи ўрнига бошқа бирор жавоб қилди:

– Ичавериб овози шунаقا бўлиб қолган. Кечаси уйга келганда болалари овозидан танимай, аввал девор наҳрасидан қараб, дадасилигини билиб, кейин эшик очишади.

– Вой, омон бўлгур-э! Ўзингам арақ ўлгурни сувдек ичардинг-да, шу ичишингга воҳлигина ўлиб кетарсан, деб ўйлаган эдим. Хайрият, жонинг қаттиққина экан. Кел, кела қол, битта чой ичиб кет.

Пўстлоқ шилиб, бели қотиб кетганларга алам қилди.

– Хў, пияниста номард, беочирт ўтдинг-а, энди мени навбатим келган эди.

Кампир Раззоқ буқачига чой узатди.

– Чўлга шакар ёққани эсингдами? – деди кампир Раззоқ буқачига. – Ўшанда уйингдаги пахса деворларни

йикитиб, қайнатилган янтоқ шарбатини яна олти марта қайнатиб, лойқадан ўтказиб тинитган эдинг. Пахса охурдан, пахса лойқасидан ўтказилган шарбат булоқ сувидек тип-тиниң бўлган эди. Дош қозонда суви буғланиб кетгунча қайнатаверган эдинг. Охири қозон тагида оппок, хукуматницидан ҳам оппок шакар қолганди.

Бола-чақанг билан бу атрофда пахса қолдирмадинг. Эшак аравада янтоқ ташиганинг-ташиган эди. Ўзинг ҳам молдек ишладинг. Қўни-қўшниларнинг қозонини шарбатга тўлдириб, олти қоп оппок шакар қайнатиб олган эдинг. Ўзинг ўлгидек пишиқ бўлсанг ҳам, баъзи-баъзида одамгарчилигинг тутиб қоларди. Толибнинг суннат тўйига бир қоп марвариддек шакар чиқазган эдинг. Шу янтоқ шакаридан беш кашкил шинни солгансан, ҳў бунга неча йил, неча замонлар бўлиб кетган. Шиннинг таомм бўлгандир.

– Бор, бор. Бирон ўттиз шишада шинни бор. Қишда болалар қорни шиннига қориб, «Роҳатижон» қиласидилар. Янгичасига айтганда, «Фруктовий» музқаймок бўлади.

– Уруш йиллари хўпам кутургандинг-а. Ўлигинги битта буқанинг бўйнига ташлаб олгандинг. Битта гунаҗинга кўйишига юз сўм олардинг. Эллигини ўзинг еб, эллигини буқангга едирадинг. Сани бошингдан ўтган гаплар шундоққина эсимда турипти. Бир чеккадан айтиб берайми?

Улар орасида ўтаётган гапларга қулоқ солиб турганлар: «Айтинг, айтинг, кампир эна, бизга оғиз очирмайди, сиз айтинг», деб туриб олишди. Раззоқ буқачи ўзини у ёқ-бу ёққа ташлаб кўрди-ю, бўлмади. Кампир чой ҳўплаб, гапга тушиб кетди:

– Шу десанг, Рazzоквой, сан уйланганингда «Рўмалим» пластикаси энди чиккан йили эди. Тўғрими? Тўйингда ҳовлига патифон опчикиб, ўн етти марта кўйиб эшитганмиз. Ўша хотининг тўйдан етти кун ўтмай қочиб кетган эди. Ундан кейин паландаралик битта жувон хотин оллинг. Ўша йили пилла тутгандарларга баҳмал бериш расм бўлганди. Ўша хотининг яхшигина, соғломгина эди. Бир ойга қолмай ранги сарғайиб, оқсоқланиб қолганди. Сал кун ўтмай, оламдан ўтиб кетди. Қанақа дарди борлигини ҳеч ким билмай қолди. Ундан кейин Равотмеш томондан қиз олдинг. Кўхликкина эди. Ўшанда ўзимизнинг кувалик теримчи Шакархон Мўминова деган жувоннинг суврати газетада чиққанди. Келинни юзини ҳеч ким кўролмай қолганди. Тўйнинг эртасига ёқ чирқиллаганича сеп-сидирғасини ҳам ташлаб, Равотмешга пиёда додлаб, қочиб кетганди.

Уста Долим гапга аралашди:

– Кампир эна, бу ярамас кунига иккита кирпининг шўрвасини ичади. Бедананинг тухумини хом ютади. Қассоблардан ошнаси кўп. Кўчкор сўйган куни ўқдек учиб боради.

Кампир пиҳиллаб кулди.

– Тағинам Або Муслими соҳибқирон бўлиб кетмаган экансан-да!

Бу гаплардан ҳашарчилар қотиб-қотиб кулишарди. Рazzок буқачи пешонасини уқалаб, терга пишиб, индамай ўтиради. Кампир худди китоб ўкиётгандек, унинг таржимаи ҳолини аниқ қилиб айтарди.

– Шундан кейин сени танийдиганлар киз бермай кўйишганди. Яна уч бор уйландинг. Биттаси ўлди, стоналари 'аравада олиб кетишиди. Биттасиний эрта сахарда

ўзини сувга ташлаётганда ушлаб олишди. Бечора коронғи тушиши билан күшниларникига чиқиб кетганча эрталабгача уйга қайтмасди. Охири қочиб қолди. Кейин кимга уйлангандинг? Ҳа, эсимда, бир ёши ўтганроқ яккабоғлик яллачини олувдинг. Уйландинг, озиб-тўзиб, деворларни ушлаб, ҳассага таяниб, пашшаларга таланиб юрадиган бўлиб қолдинг. Хайрият, бу хотинингнинг жони қаттиқцина экан. Яшаб кетдинг. Шунга уйландингу пенсияга чиқмасанг бўлмай қолди.

Усталардан бири овоз берди:

– Нима бало, кампир хола, қишлоғимизни исправични бўйрасимисиз? Ҳамма гапни китобга ёзгандек биласиз-а!

– Биламан-да, кўз ўлгур бундок бўлгандан кейин, ўтган-кетганларни эслаб ўтираман. Ҳаммаси ёдимга келади. Бирори бор, бирори урушда ўкка учиб кетган, бирорлари тириклик, деб тўрт тарафга таркаб кетган.

У яна Раззок буқачига ўгирилди.

– Хўш, хотининг қалай? Невараларга қоришиб ўтириптими?

– Ҳа, энди ўтирмай қаёкка ҳам борарди. Аммо-лекин пардоз-андоз ўшандок. Қошидан ўсма, юзидан упа аримайди. Хотин кишининг юзи бир нурагандан кейин пардоз тутмай кўяркан. Қари артистларга ўхшаб терисини тортиурса, бошқа гап. Масжид бузилса, меҳроб қолар дегандек, асли ҳуснидан пича бор. Шўхлиги ҳам ўзига яраша.

Усталар гап қотишли:

– Буқачи баъзи-баъзида уйидан қочиб чиқиб, кечалари оқсоқолнинг ташқари ҳовлисида ётиб юради.

Кампирнинг ичи ёлғизликдан гип бўлиб қолган экан. Ҳамқишлоқлари билан гаплашиб, роса дилини ёзди. То либжон эса ҳашарчиларнинг бир ота-онанинг боласидек аҳилликларига, онасининг улар билан ўз жигаридек гаплашишига қараб, юраги тўлқинланиб кетарди. Дунёнинг ҳеч ерида бунаقا аҳил одамларни кўрмаганди. Яхши ёмон кунларда бир-бирининг пинжига кириши, биттасининг дардига ҳаммасининг жони оғришига, биттасининг қувончига ҳаммаси баб-баравар яйраб кетишига ҳайрон бўлиб қолган эди.

У ҳаётда ана шундай қувончли, нурли, беозор, хузур-ҳаловатли дамларнинг кўп бўлишини, узоқ бўлишини истарди.

Кампир ўтирган сўрига офтоб келиб қолди. То либжон кўтариб айвонга обориб қўяй, деса кўнмади. Қадрдон ҳамқишлоқларидан бир қадам бўлса ҳам нари кетгиси келмасди.

- Ҳой Ғупромиддин, бери кел.
- Э, қанақасиз, эна. Ғупром ҳозир чой ичди-ку!
- Ғупромиддинни икки карра чой ичишга ҳаққи бор. Бошқоронги келинларга алоҳида «Нордон боғ» қилган. Шунинг учун «Облиздровия» ичидаги чироғи бор соат берган, билдингми?

– Болам, уйдан Зайнабнинг соябонини опчиқиб бер. Тутиб ўтираман. Нега чарчарканман, болам. Сан ота юртингга келиб ватан тикасан-у, мен чарчайманми? Бу ҳашарчилар кўз олдимда ўсган болалар. Овозини эшитсан, ота-оналари эсимга тушади. Уларни тирик кўргандек бўламан. Чарчамайман, болам.

Дарҳақиқат, ҳозир ҳовлини тўлдириб ҳашар қилаётган чолларнинг олди олтмишдан, кети элликдан ошган

кишилар эди. Кампир улар туғилганда ўттиздан ошган, юрса ер титрайдиган полвон хотин эди. Гурсиллатиб кетмон чопарди. Тоғдан бурни ерга теккудек бўлиб ўтин орқалаб келарди. Толибжоннинг отаси қирга буғдой сепарди. От-улов бўлмай қолганда, шу хотин қоп тўла донни елкалаб пилдирағанча келаверарди. Мана шу чоллар ўша пайтда тўрт-беш яшар бола эдилар. Улар кампирнинг кўзи олдида ўсиб одам бўлишди. Қанчаси урушга кетди. Келмаганларининг уйида аза очилди. Қанчаси баҳт излаб аллақаёқларга изғиб кетиб қолди. Мана шу қолганлари кампир учун бениҳоя қадрли, азиз кишилар эди. Кампир уларнинг барини сенлаб гапиради. Назарида ҳали ҳам бола-ю, тез-тез тергаб турмаса бўлмайдиган туюлади. Шу топда биронтасини койигиси келди.

– Ҳой, Абдумажид! Нима бало, хотининг одамгарчиликдан чиқиб қолганми, дейман. Бодомгулнинг маъракасида ров кўриниб, ров йўқ бўлди.

Абдумажид пўстлоқ шилаётган ўроғини ёнига қўйиб, жавоб қилди:

– Бола-чақа кўпайгандан кейин эркақдир, хотиндир одамгарчиликдан чиқиб қоларкан. Бечора Хайрободга тушган қизиникида. Ой-куни яқин. Қизининг қорнига кулогини тутиб ўтирипти.

\* \* \*

Кечга яқин, офтоб терскай томонга утган маҳалда Зайнаблар эшиги олдида икки юқ машинаси тўхтади. Бир машина борти китоб, иккинчиси ҳар хил рўзгор буюмлари, шкафлар, кўрпа-ёстиқ, кийим-бошлар билан тўла.

Осмондан тушдими, ердан чиқдими бирпасда кишлоқ болалари күчани тұлдиришди. Улар: «Толиб тоғам күчиб келдилар, Толиб тоғам күчиб келдилар!» деб чуғурлашарди. Уларнинг қувончи чексиз эди. Иморт қураётган усталар ҳам ишларини ташлаб ташқарига чикишди. Улар энди Толибжон бутунлай шу ерда қолмокчи эканига ишонган эдилар. Болалар бўлак-бўлак килиб боғланган китобларни айвонга таший бошладилар. Кексалар ўрин-кўрпаларни, шкафларни олиб киришарди.

Кампир сўрида пичирлаб ўтирибди. Толибжон унинг олдига келиб юкларини олиб келганини айтганда, у, билиб турибман, болам, деди. Кейин Толибжон ташқарига чикиб, «Волга» бағажнигидан иккита тугун кўтариб келди. Бу жиянларига, Зайнабга, онасига совғалар эди! Сўрига ўтириб, тугунларни еча бошлади. Икки катта тугунда хаммага етадиган кийим-кечаклар бор эди. Кейин у машинадан болалар велосипедлари, самокатлар олиб, жиянларига тарқатаверди. Шу пайт унинг қўзи ҳеч нарсага парво қилмай, остоңада мунғайиб ўтирган Азизбекка тушди. Кўнгли алланечук бўлиб кетди. Щодлигини, болалигини йўқотган бу боланинг ахволи юрак-бағрини ўртаб юборди.

Айвоннинг шифтигача китоб калашиб кетди. Шкафларни кўйишга жой қолмаганидан ток сўри тагига кўйишди.

Раззок буқачиникидан тоғора устида янги ёпилган иссиқ нони билан ош чиқди. Ҳашарчилар кўлларини ювиб, сўрига, кампир атрофига чўкка тушиб ўтиришди. Ош устида гап китоб тўғрисида кетди.

– Шу китобларнинг ҳаммасини ўқиганмисиз? – деб сўрашди.

– Луқмони Ҳаким ҳам шунაқа кўп китоб ўқиб, олим бўлган эканлар.

– Китоб ўқиган одамларни садағаси кетаи, ўқиб-ўқиб сўғин начайли бўлишган.

– Э, нимасини айтасиз, бу китоб дегани юкканга юқаркан. Мана, Муқим тарокчини ўғли Тошкентдек шаҳри азимда беш йил ўқиб келиб, мактаб болаларини раз-два қилиб югуртириб юрипти. Шу юқмаганида. Шо-жалил утилчини ўғли олти ойгина ўқиб, елкасида пого-ну белида тўппонча билан келди. Бу юққани-да. Уйига ҳеч қўли қуруқ келмайди. Кимсан, Шомовлон мелиса. Шу бола мелиса бўлди-ю, қишлоғимизга файз кирди. Тўй бўлса, у келмагунча қозон очилмайди. Ўзиям мияси бутун бола бўлган. Калласи тўла илм. Газеталарни ша-риллатиб ўқиб ташлайверади. Ҳукуматнинг энг ишон-ган одами. Сир сақлашни билади. Бир куни телевизор кўриб ўтиргандик, кириб қолди. Шунда, Шомовлон, начайлик болам, менга бир нарсани тушунтириб бер, бошқа шаҳарда туриб гапираётган манави қиз қандоқ қилиб бу шаҳардаги телевизорда пайдо бўлиб қоляпти, деб сўрадим. Ақллилигини қаранг: «бобой, сиз бунақа нарсаларга аралашманг, бу давлат сири, ҳаммага айти-лавермайди», дейди. Ўшанда унга қойил қолганман.

Толибжон бу содда ва лекин беғубор кишиларнинг ўзларидек беғубор сухбатларига кулиб-кулиб кулок со-либ ўтиради.

Кеч кирди. Эртага синч орасига гувала уришни маслахатлашиб ҳашарчилар тарқалишиди.

\* \* \*

Толибжон Рибников олдидан чиқиб келаётганда қабулхонада Жайронани учратган эди. У, сизга айтадиган гапим бор эди, Толибжон aka, пастда пича кутмайсизми, деб илтимос қилди.

Жайрона Рибников олдида узок турмади. Йигирма минутлар чамаси вакт ўтмаёқ қайтиб чиқди. Боя кабинетга кириб кетаётганда чехраси яшнаб турган эди. Энди қандайдир асабийроқ кўринарди.

Улар сўзсиз юриб, тўғридаги Гагарин ҳайкали ўрнатилган хиёбондан боришарди.

Анҳорнинг нариги томонидан футбол ишқибозларининг ўқтин-ўқтин ҳаяжонли қийқириқлари эшитилиб турарди. Жайрона гап бошлади:

– Толибжон aka, дарбадарлик яна бошимизга тушяпти-ку. Индамай кетаверамизми? Сизни-ку, билмайман, аммо мен бунақа адолатсизликка энди чидамайман. Ахир, мен аёл кишиман. Умрим ўтиб кетяпти. Ҳеч ким буни ўйламайди. Рўзгор қилсан, бола-чақа орттирсан, дейман. Мени ҳеч кимим йўқ. Детдомда ўсганман. Таниш аёлларнинг уйларига борганимда, болаларини кўриб ҳавасим келади. Бегона юргларда дарбадар кезаверсан, қачон бир рўзғорнинг бошини тутаман. Эртами-индин умр ҳам ху деганча ўтиб кетади. Қарирман ҳам. Гўдаклигим «Болалар уйи»да ўтгани етмагандек, қарилигим ҳам «кексалар уйи»да ўтадими? Ана шуниси алам қиласди.

– Қаерга юборишаپти? – деди Толибжон.

– Ливанга. Бормайман, деб қатъий жавоб қилдим. Борасан, дейди. Коммунистсан, бўйин товлашга ҳаққинг йўқ, дейди. Бормайман, эрга тегаман, дедим.

– Жайронахон, Маҳкамов мени кутяпти. Мухим гапи борга ўхшайди. Келинг, кечқурун қўришайлик.

Жайрона юришдан тўхтади.

– Толибжон ака. Ичим тўлиб кетган. Тўкиб соладиган одамим йўқ. Сиз аҳволимни биласиз. Ҳеч бўлмаса, сизга айтай.

У шундай дея, сумкасидан қофоз олиб, телефон номерини ёзиб берди. Аввал телефон қилинг, ўзим бориб олиб келаман.

Жайрона «Яшил гумбаз» кафесининг рўпарасидаги тўккиз қаватли уйда турарди. Уч хонали уй ниҳоятда дид билан безатилган. Ҳаммаёқ ораста. Толибжон, ивирситадиган ёш бола бўлмагандан кейин, шляпасини бир томонга, костюмини бир томонга иргитадиган эркак киши бўлмагандан кейин, қандай қилиб ивирсиқ бўларди, деб ўйлади. Сервант япон, хитой, француз, Бовар сервизлари билан тўлган. Чехларнинг рангли биллур идишлари электр нурида чақнаб кўзни оларди. Зал уйнинг бир деворини эроннинг ипак гилами эгаллаган. Ўртасига Леонардо да Винчининг Мона Лиза (Жаконда) суврати илиб қўйилган. Столда икки кишига етарли ширинликлар, «Камус» деб аталган француз конъяги. Толибжон ўзининг соддалигидан ўқинди. Э, нодон, аёл кишининг уйига кетяпсан, бир бойламгина гулдаста олмайсанми, у ҳам бўлмаса, битта духи олсанг бўлмасмиди?

– Жайронахон, умримда ёлғиз аёл кишининг уйига кирмаганман. Гул олишга ҳам ақлим етмапти.

Жайрона хандон ташлаб кулди.

– Тажрибангиз йўқ-да. Бу масалада ҳали норастасиз. Балоғатга ҳам етиб қоларсиз.

\* \* \*

Толибжон Рибников олдидан чиқиб келаётганда қабулхонада Жайронани учратган эди. У, сизга айтадиган гапим бор эди, Толибжон ака, пастда пича кутмайсизми, деб илтимос қилди.

Жайрона Рибников олдида узоқ турмади. Йигирма минутлар чамаси вақт ўтмаёқ қайтиб чиқди. Боя кабинетга кириб кетаётганда чехраси яшнаб турган эди. Энди қандайдир асабийроқ кўринарди.

Улар сўзсиз юриб, тўғридаги Гагарин ҳайкали ўрнатилган хиёбондан боришарди.

Анҳорнинг нариги томонидан футбол ишқибозларининг ўқтин-ўқтин ҳаяжонли қийқириқлари эшитилиб турарди. Жайрона гап бошлади:

– Толибжон ака, дарбадарлик яна бошимизга тушяпти-ку. Индамай кетаверамизми? Сизни-ку, билмайман, аммо мен бунақаadolатсизликка энди чидамайман. Ахир, мен аёл кишиман. Умрим ўтиб кетяпти. Ҳеч ким буни ўйламайди. Рўзғор қилсан, бола-чака орттирсан, дейман. Мени ҳеч кимим йўқ. Детдомда ўсганман. Таниш аёлларнинг уйларига борганимда, болаларини кўриб ҳавасим келади. Бегона юртларда дарбадар ке заверсан, қачон бир рўзгорнинг бошини тутаман. Эртами-индин умр ҳам ҳу деганча ўтиб кетади. Қарирман ҳам. Гўдаклигим «Болалар уйи»да ўтгани етмагандек, қарилигим ҳам «кексалар уйи»да ўтадими? Ана шуниси алам қиласди.

– Қаерга юборишаپти? – деди Толибжон.

– Ливанга. Бормайман, деб қатъий жавоб қилдим. Борасан, дейди. Коммунистсан, бўйин товлашга ҳаққинг йўқ, дейди. Бормайман, эрга тегаман, дедим.

– Жайронахон, Маҳкамов мени кутяпти. Мухим гапи борга ўхшайди. Келинг, кечқурун кўришайлик.

Жайрона юришдан тўхтади.

– Толибжон ака. Ичим тўлиб кетган. Тўкиб соладиган одамим йўқ. Сиз аҳволимни биласиз. Ҳеч бўлмаса, сизга айтай.

У шундай дея, сумкасидан коғоз олиб, телефон номерини ёзиб берди. Аввал телефон қилинг, ўзим бориб олиб келаман.

Жайрона «Яшил гумбаз» кафесининг рўпарасидаги тўккиз қаватли уйда турарди. Уч хонали уй ниҳоятда дид билан безатилган. Ҳаммаёқ ораста. Толибжон, ивирситадиган ёш бола бўлмагандан кейин, шляпасини бир томонга, костюмини бир томонга ирғитадиган эркак киши бўлмагандан кейин, қандай қилиб ивирсиқ бўларди, деб ўйлади. Сервант япон, хитой, француз, Бовар сервизлари билан тўлган. Чехларнинг рангли биллур идишлари электр нурида чақнаб кўзни оларди. Зал уйнинг бир деворини эроннинг ипак гилами эгаллаган. Ўртасига Леонардо да Винчининг Мона Лиза (Жаконда) суврати илиб қўйилган. Столда икки кишига етарли ширинликлар, «Камус» деб аталган француз конъяги. Толибжон ўзининг соддалигидан ўқинди. Э, нодон, аёл кишининг уйига кетяпсан, бир бойламгина гулдаста олмайсанми, у ҳам бўлмаса, битта духи олсанг бўлмасмиди?

– Жайронахон, умримда ёлғиз аёл кишининг уйига кирмаганман. Гул олишга ҳам ақлим етмапти.

Жайрона хандон ташлаб кулди.

– Тажрибангиз йўқ-да. Бу масалада ҳали норастасиз. Балоғатга ҳам етиб қоларсиз.

Жайронанинг эгнида ҳаворанг юпқа халат. Бадани ҳар хил тасмалардан холи бўлганидан бутун вужуди тўлғаниб туради. Толибжон назарида эртаклар оламига тушиб қолган-у, дунёда тенги йўқ бир пари атрофида парвона бўлаётгандек.

Жайрона биллур вазада вараки олиб чиқди.

– Бошқа овқатдан умид қилманг. Бори шу.

Уйни вараки ҳиди тутиб кетди.

– Келинг, шу аламларга биттадан конъяк ичайлик.

У шундай деб «Камус»нинг тиқинини сугура бошлади. Очди. Қадаҳчаларга тўлдириб кўйди.

– Қани, Толибжон ака. Икковимиз учун. Тошларга урилиб ёрилмаган, ҳеч кимга эгилмаган бошларимиз учун. Нопоклик аралашмаган машаққатли ҳаётимиз учун, бундан буён ҳам худди шундай яшашимиз учун. Олинг, ака!

Толибжон кўпдан бери ичкиликни оғзига олмаган. Шу бугун ичгиси келиб турган эди. Айни муддао бўлди. Сесканмасдан, афтини бужмайтирмасдан ичиб юборди. Аввалига гап гапга қовушмай турган эди, учинчи қадаҳдан кейин «инدامас» Толибжон ҳам тилга кирди. Жиндек қизишиб олган Жайрона дадиллашди.

– Толибжон ака, эртага бориб отказ қилинг. Бормайман, деб очиқ айтинг. Ҳеч нарса қилишолмайди. Сиз ҷарчаган, дам олиши керак бўлган одамсиз. Мажбуран юборишга ҳақлари йўқ.

Толибжон ён чўнтағидан конверт чиқазиб столга кўйди.

– Энди Рибников олдига боришга ҳожат қолмади. Ишларим бирорвга айтса асло ишонмайдиган даражада муваффақиятли бўлди. Конвертни очиб кўринг.

Жайрона конвертни очиб, қофозларга қўз юргуртириди-ю, қийқириб чапак чалиб юборди.

Қофозларнинг бирида Толибжон Усмоновга Иттифоқ аҳамиятидаги пенсия тайин қилиш тўғрисида қарор. Бирида унинг чет элларда ишлаб юрган пайтларининг ўн йилига командировка харажатлари тўлаш тўғрисида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўрсатмаси, яна бирида қонунсиз равишда тортиб олинган квартирасини қайтиб бериш, ҳозир бу хоналарни эгаллаб турган кишиларни зудлик билан кўчириб юбориш ва хоналарни таъмирлаш тўғрисида Тошкент шаҳар ижроия комитетининг кўрсатмаси ва, ниҳоят, Толибжонга беш йил муддат давомида даволаш фондидан ҳар ойга беш юз сўмдан пул ажратиш тўғрисида Республика касаба союзининг кўрсатмаси бор эди.

Толибжон бу ҳужжатларга илова қилди:

– Агар сизни мажбуран чет элга юборишса, мен бу имтиёзларнинг баридан кечиб, сиз билан кетаман...

Толибжоннинг гапи оғзида қолди. Жайрона ўрнидан туриб, унинг қўлидан тортиб турғизди. Бўйнига осилиб чўлп-чўлп ўпа бошлади.

– Ҳеч қаёққа кетмайман. Энди ўтиринг. Одамларга ўхшаб бир хотиржам базми жамшид қиласиз.

Иккови ҳам қадаҳларни то охиригача бўшатишиди.

– Мен бошлаган бир муҳим операцияни охирига етказишим керак, – деди Жайрона ва тоғдаги саргузаштларини шошилмасдан айта бошлади. Толибжон бу гапларга ишонишни ҳам, ишонмаслигини ҳам билмасди. Унинг ҳар гапига, наҳотки, деб луқма ташлаб турарди. Шу тобда Жайрона унинг кўзига бениҳоя жасур аёл бўлиб кўринарди.

– Мен дўстингизнинг пайига тушганман. Бу одам ҳар қандай амалдорни пулга сотиб оладиган, бениҳоя шафқатсиз, икки қўли қонга белангани жаллод. Суратларни, тош қалъанинг планини, унга олиб борадиган йўл харитасини Луқмоновнинг ўз қўлига топширдим. Яна бир гап. Фотоплёнкадаги сувратларда Мирвалининг тоғда овқилиб юргани, сойда чўмилгани, чўққига чиқиб, қорга яланғоч бўлиб думалагани олинган экан.

Толибжон афсуслангандек, унга қараб турарди.

– Нега менга ғалати қарайпсиз, Толибжон aka? – деди ҳайрон бўлган Жайрона.

– Шунча меҳнатингиз бекор кетибди-ку! Ахир, Мирвали билан Луқмонов aka-уқадек қадрдон-ку! Ҳар якшанба куни Луқмонов вертолётда келиб Мирвали билан кийик овлайди. Энди мендан қура сизнинг ҳаётингиз хавф остида экан. Луқмонов сиз тайёrlаган ҳужжатларни Мирвалига кўрсатмаган, деб ўйлайсизми? Йўқ, аллақачон кўрсатиб бўлган.

– Толибжон aka, Луқмоновнинг худди ана шундай қилишини билиб туриб ҳужжатларни берганман. Мени анойи деб ўйламанг. Лейтенант Мардон Рўзиев билан «иш» бошлаганимиздан кейин Луқмоновга ҳужжатларни берганман. Тоғдаги ишратхонанинг плани, унга олиб борадиган йўл харитасининг бир нусхаси ўзимда қолган.

– Бу ишларингиз натижасиз қолади-да.

– Унақамас, – деди Жайрона. – Натижаси мен ўйландан ҳам яхши бўлди. Луқмонов билан Рихсиевнинг қилмишларини лейтенант худди кино кўраётгандек қилиб гапириб берди. Яширин ишратхона тўғрисида ҳам, Мирвалининг Луқмоновга шу жойни сотмагани

тұғрисида ҳам гапирди. Ана шундан кейин Лукмонов қанчалик ёвуз одам экани маълум бўлди. Худди ўша кундан бошлаб эркатой Мирвали доимий кузатув остига олинди. Хўш, бу натижа бермаганими?

Толибжон Жайронага қараб туриб, бу кичкинагина қизда шунча қудрат, шунча ақсл, шунча ирома, шунча тадбир қайдан пайдо бўлган, деб ўйларди. Ҳар бир қилган ишининг оқибатини кўриб туришига, ёзувчи айтгандек, эртага қишишадиган жойини бугун қашлаб қўйишига қойил қоларди.

## XV

Райкомнинг биринчи секретари эрталаб парткомга телефон қилиб, Мирвали у ёқ-бу ёққа кетиб қолмасин, ўн бирларда бораман, деб айтиб қўйган эди. У айтган пайтида келди. Аммо биринчи постдаги навбатчи йўлини тўсди. У мен райкомнинг биринчи секретариман, қўйиб юборинг, деса ҳам кўнмади. Хўжайн ҳеч кимни киритма, деганлар, деб туриб олди. Жаҳли чиққан секретарь телефон трубкасини олиб, котибдан директорга улашни сўради.

— Директорга райком секретари Кодиров кепти, денг...

Қиз хўп, ҳозир кириб айтаман, деганча анча ҳаяллаб қолди. Кейин трубкадан овоз келди:

— Ҳозир қабул қилолмас эканлар, эртага келсин, дедилар.

Райком секретари шунча йиллар ҳар хил лавозимларда ишлаб бунчалик мулзам бўлмаган эди. Бу қанақаси? Ўз қўл остидаги одам шундай деб турса...

Қодиров қайтиб кетди. Райкомга келиб, обкомнинг биринчи котибига бўлган воқеани телефонда айтиб берди.

– Да-а, – деди Маҳкамов, – жуда шишиниб кетибдилар-ку. Бурниларини ерга ишқаб қўйиш керакка ўхшайди. Мундок қилинг. Кечқурунга бюро чақиринг. Мен ҳам қатнашаман. Жуда бошимизга чиқариб юбордик уни.

– Битта шу масалага бюро чақирсак қанақа бўларкин?

– Ахир, пишиб турган масалалар кўп-ку! Масалан, пахта теримига тайёргарлик, мактаблар ремонти, кўп профилли касалхона қурилиши масаласи ҳам бор. Бўпти, кечқурун ўша ерда гаплашамиз.

Аммо кечқуран гаплашиш насиб қилмади. Телефонда гаплашиб кўя қолишиди.

– Қодировмисиз? Укам, энди шундок бўлиб қолди. Бюрони қолдиришга тўғри келади. Тошкент билан гаплашган эдим, кўнишмади. Ҳозирча бу масала очик қола турсин. Сиз дикқат бўлмай ишингизни қилаверинг.

Қодиров кеч салқинда бир-икки хўжаликнинг тамакисини кўрмоқчи эди. Кўнглига сигмади. Шофёрига жавоб бериб, ўзи уйига пиёда кетди.

\* \* \*

Обкомнинг қора «Чайка»си харсанг тошлар пинжига суқилган кафе олдида тўхтади.

Бу жой ниҳоятда сўлим, баҳаво эди. Йўловчи автобуслар шу жойда бир дам тўхтаб ўтарди. Ҳайдовчилар қизиб кетган моторларни совитиб олишарди. Йўловчи-

лар эса пастлиқдаги магазинга ёпирилиб киришар, бир қисми кафега кириб чой, кабоб буоришарди.

Кафе орқаси чукур жар. Унда тогдан қуишиб келаётган Омонқұтон сойи оролчалар ҳосил қилиб оқади. Сойнинг нарёгида юксалған адирлар баҳайбат тоғ сил-силаларига үланиб кетади.

Кафеда биронта бүш жой йўқ. Кабобпазларнинг, чой ташувчиларнинг қўли қўлига тегмайди.

Аммо «Чайка»да келгандарга юқорига, ичи ковак бўлиб кетган чинор тагига алоҳида жой қилинган. Ясатилган дастурхон атрофига сават стулчалар қўйилган. Оппоқ халат кийган ўрта яшар мезбон яқин икки соатдан бери йўлга тикилиб ўтирипти.

Бу ерда ишлайдиган, яшайдиганлар бунақа меҳмонларни кўп кўришган. Айниқса, шу «Чайка» Тошкентга бориб олиб келаётган меҳмон қанақа лавозимга мўлжалланганини сира адашмасдан айтиб бера олишарди. Агар райкомга янги котиб ёки ижроқўмга раис тайин қилинадиган бўлса, албатта шу «Чайка» келарди.

– Райком Қодировнинг ҳам куни битибида-да, – деди «Чайка»га қараб бир чойхўр. – Ҳозир Қодировнинг жанозасини ўқишиади, «чилёсин» қилишади.

– Тўғри айтасан. Балки янги «газета» олиб келишгандир... Буни ҳам Мирвали бир кунда ўқиб ташлайди.

Ҳамманинг кўзи янги меҳмонда эди. Ёши олтмишларни қоралаб бораётган, кўл ҳаракатларидан, юриш-туришларидан, одамларга беписанд қарашидан илгари катта лавозимлар жиловини ушлагани билиниб турган киши хурматли китобхонларимизга таниш Ҳожимурод Холматов эди. Нурмат тоға тоғ ўнгирла-рига яланғоч ҳайдаган, сарсон-саргардон қилганидан

буён бу томонларга келмай қўйган эди. Унинг бу жойларни кўрарга кўзи йўқ. Мана, тақдир тақозоси билан яна келяпти. Келяпти-ю, бўлиб ўтган воқеани эсламасликка тиришиб, йўл-йўлакай фикрни алаҳситадиган воқеаларни ўйлаб келяпти.

Мезбон маҳсус тайёрланган кабобни чўғи ланғиллаб турган кўрага тера бошлади. Кела-келгунча машинада ўтиравериб, бели қотиб кетган Ҳожимурод у ёқдан бу ёққа юриб, оёғининг чигилини ёзмоқчи бўлди. Пастликтаги магазин очиқ эди. Ҳозиргина жўнаб кетган автобус бу ерни гавжум қилиб турган йўловчиларни олиб кетган. Магазинда одам йўқ эди. Ҳожимурод нималар бор экан, деб ичкарига кирди. Пештахта орқасида ёшигина сотувчи йигит кичкинагина эговча билан тирноғини қириб ўтиради.

Ҳожимурод дурустрок бирон нарса бормикин, деб дўконни эринмай айланиб чиқди. Кўнглига ўтирадиган нарса кўринмади. Бир маҳал қулоғига жуда узокдан аллақандай куй эшитилгандек бўлди. Бу куй унга таниш ва қадрдон эди. Ҳожимурод аланглаб куй тараляётган жойни қидира бошлади. Пештахта устидаги бир сўмлик сўлкавойдан сал каттароқ соатга кўзи тушди. Куй шу соатдан тараляётган эди. Ҳожимурод унга яқин борганда куй тинди. Соатни қўлига олди. У ёқ-бу ёғига қаради. Унинг соатга ҳавас билан қараётганини кўрган сотувчи йигит, японники, деди. Ҳожимурод уни қулоғига тутди. Чиқиллаб турипти. Ху, това тош устида диргизлаб ётган пайтида ҳам билагида худди шунака чиқиллаб турганди.

— Яхши соат. Точний юради. Музика чалади. Кечаси ўзидан нур чиқазади. Ойни, йилни, ҳафталарни ҳам

күрсатиб туради. Ёнидаги кнопкани босиб қўйсангиз, звонок чалиб уйғотади.

Ҳожимурод сотувчи йигитга қаради.

– Неча пулга олгансииз?

Йигит қўл силтади.

– Сув текин. Битта брезент туфли, битта каламинка шим, битта чит кўйлакка алмаштириб олганман. Пулга чақса, жами ўттиз беш сўмга етмайди. Оғайниларим, со-тасанми, деб ҳол-жонимга қўйишмайди. Биттаси беш юз сўм берди. Сотмадим.

– Қонунни биласизми? – деди Ҳожимурод. – Ўғрилик молни сотиб олган одамга ҳам статья бор. Сиз ўғрилик молни сотиб олибсиз.

– Йўғ-э, – деди кўрқиб кетган йигит. «Чайка»да келган бу одам прокурор эмасмикин, министр эмасмикин, деган ўй бир лаҳза кўнглидан ўтди. – Менга туппатуззук одам сотган эди.

Ҳожимурод соатни йигитнинг кўлига берди.

– Ҳозир сизга ўғирлик эканини исбот қилиб бераман. Битта кичкина пичоқча учини ёнбошидаги улоқ жойига тиқинг. Орқа қопқоғи очилади. Унга «1959-йил, 50 ёш. Ҳ. Холматовга» деб ёзилган. Қани, очинг!

Йигитча боя тирноқ кириб ўтирган эговча уни билан қопқоқни очди. Очди-ю, ҳайрон бўлиб қолди. Ҳожимуродга савол назари билан қаради.

– Қаёқдан билдингиз, ака? Ҳў, қанчадан бери бу соатни тутаман. Муни қарангки, қопқоғини очиб кўрмабман.

– Э, укагинам-э, ахир бу соат меники эди. Йўқотиб юрган эдим.

У шундай деб ёнидан қизил муковали гувохномасини олиб узатди. Унда «Хожимурод Холматов» деб ёзилган эди.

Йигит соат қўлдан кетишига аниқ ишонган эди. Аммо Ҳожимурод умрида биринчи марта мардлик қилиб, йигитнинг олдига битта эллик сўмликни ташлади.

– Осон қутулдингиз, укагинам. Сизни милицияга бериб юбориш ўрнига пул беряпман. Олинг, иккинчи бунака иш қила кўрманг. Сиз савдо ходимисиз. Қонунни яхши билишингиз керак.

Ҳожимурод шундай деди-ю, соатни олиб, ташкарига чиқиб кетди. У иримчи эди. Иш бошлайдиган районга биринчи қадамини босиши билан бир умрга йўқотган нарсасини топди. Демак, ишлари яхши бўлади. Бироқ, Мирвали билан тил топиб кетармикан? Не-не райком секретарларининг бошини еган бу жоҳил сал бўлса ҳам унга ён берармикан? Аммо Ҳожимурод ҳам кўпни кўрган, пихи қайрилганлардан эди. Кеча «юқорида» бўлган сұхбатда, Мирвали билан тил топиб ишланг, деб тайинлашган эди. Шундок бўлгандан кейин бу ярамас билан нон-қатиқ бўлишим керак. Яхши гап билан илон инидан чиқади, дейишади-ку. Уни инидан чиқазаман. Ҳиндиларга ўхшаб сурнай чалиб ўйнатаман. Сен илон бўлсанг, мен мушукман. Орқамни пайғамбарлар силаған. Тоғдан ташласанг ҳам тўрт оёғим билан тушаман.

Ҳожимурод кабоб чайнаб ўтиаркан, Мирвалини ўз томонига оғдиришни ўйларди. Икковимиз бир ёқадан бош чиқазиб ишлаймиз, бу томонларга фақат сен учун келдим, юқорида бешта районни айтишди, танла, дейишди. Мен сен бор бўлганинг учун шу районни танладим, дейман. Ишларингга аралашмайман, шу хўжалик

сеники, вақти-вақти билан ҳолимдан хабар олиб турсанг бўлгани, дейман. Бунаقا гап кимга ёқмайди? Ёғдек эриб кетади. Вактики келиб битта чигил жойини топиб, ушлаб олганимдан кейин, жилови қўлимда бўлади.

Хожимурод игнанинг тешигини қўзойнаксиз кўрадиганлардан эди. Олдидан келса қопадиган, орқасидан келса, тепадиган ўжар хўжалик раҳбарларини бўйсундирган, бўйин бермаганларини қайириб ташлаган, қаерда ишламасин, ҳукмини ўтказган эди. Аввалига ҳалимдек мулойим бўларди. Кейин силлиққина бўлиб рақибларининг пинжига кирав, оғрийдиган жойини пайпастлаб топгач, худди ўша жойига зарба берарди. У раҳбарликнинг мураккаб стратегиясини эгаллаган, пишиқ одам эди.

Мирвали бошқача рақиблардан эди. Сал бўш келса, ҳап қиласди-ю, ютади-қўяди. Хожимурод ишни унга сувек ташлаб кўришдан бошлашга аҳд қилди.

Аммо Мирвали бюрода унинг номзодини кувватлаб сўзга ҳам чиқмади, овоз ҳам бермади. Одамлар унинг атрофини ўраб, янги, катта лавозим билан табриклиётганларида Мирвали индамай ёнидан ўтиб кетаверди.

Хожимуроднинг келишидан Мирвалининг дили оғриган эди. Отахон яна сўзида турмади. Исроилнинг жанозасига келганда ижроқўм раислигига у айтган кишини юборишга ваъда қилган эди-ку! Нима бўлди? Отахон кетма-кет унинг хоҳишини қайтаряпти. Орага бирон ғаламис тушдимикин? Майли, у юборган одамини шунаقا ҳам маймун қилиб ўйнатайки, чапак чалсам, йўргалаб ўйинга тушиб кетадиган бўлсин.

У шундай ўйлар билан райком биносидан чиқди. У ёқ-бу ёққа аланглаб, машинасини қидираётган эди, обком секретарининг ёрдамчиси ёнига келди.

– Мирвали ака, ўртоқ Маҳкамов сизни сўраяптилар. Зарур гаплари бор экан, биринчининг кабинетига киравмишсиз.

Мирвали унга нима деб жавоб беришини билмай, ўйланиб туриб қолди. У Маҳкамов билан кўпдан бери чап келиб юрипти. Лекин бегоналар олдида уни хуш кўрмаслигини сездирмасди. Нима қилсан экан, кетаверайми ё қайтайми, деб ўзидан ўзи сўради. Кириш керак. Кирмасам, гап илашиб раҳбарга етади. Юборган одамимга борган куниёқ, иш бошламасданоқ ғайирлик киляпти, дейди.

Мирвали истар-истамас яна райком биносига кирди-ю, иккинчи қаватга кўтарилди. Қодировнинг кабинетида Маҳкамовдан ташқари бюро аъзолари ўтиришарди. Мирвали кирганда, Маҳкамов ўрнидан турмади. Келинг, деб кўя қолди. У Мирвалининг номзод учун овоз бермаганини биларди. Мирвалига ёқмаган ижроқўм радиси бемалол ишлолмаслигини ҳам билади. Янги раис унга ёқмаганини бошқалар ҳам сезиб туришипти. Аммо Мирвали қанча ғўдаймасин, ичи бўшаб қолганини улар билишмасди. Буни Маҳкамов билан Қодировгина биларди.

– Бир пиёла чойимизни ичмай кетмоқчимисиз? Сиз чой қилиб бермасангиз ҳам биз қилдик. Ҳозир чиқиб очиқ ҳавода пича тамадди қиласиз, – деди Қодиров бўш курсини суриб, уни ўтиришга ундар экан. – Энди эски одатингизни қилманг, ғайирлик қилманг.

Мирвали ғижинди. «Ия, бу тирранчанинг ҳам тили чиқиб қопти-ку! Ўзи нима гап?» – деб ўйлади. Лекин жавоб қилмади.

Кўпчилик бўлиб райком билан ижрокўм ходимлари овқатланадиган икки хонали олди айвон меҳмонхонага тушишди. Бу ерда ортиқча ҳашамсиз дастурхон тайёрланган эди. Райком котиби Қодиров Ҳожимуродни тўрга олиб:

– Шу жой сизники. Энди сиз мезбон, биз меҳмонмиз. Ҳимматингизни кўрсатинг, – деди.

Ҳожимурод меҳмонларни ўтиришга таклиф қилар экан, Мирвалига қаради.

– Сиз манави ёқка ўтинг. – Мирвали у суриб қўйган курсига ўтирди. – Ўртоқлар, мен янги одамман, деб айттолмайман. Ҳаммангизни танийман. Хизмат юзасидан тез-тез учрашиб турганмиз. Районни ҳам биламан. Ҳамма хўжаликларни бўлмаса ҳам, кўпини кўрганман. Айниқса, дўстимиз, машхур пахтакор, ажойиб ташкилотчи, номи Иттифоққа кетган Мирвали Рихсиев раҳбарлик қилаётган хўжаликни жуда яхши биламан. Мен, албатта, Мирвалидек инсонлар билан ишлашдан завқланаман. Унинг хўжалиги бир мактабки, унда манаман деган хўжалик раҳбарлари ўқиса арзийди. Ўйлайманки, Мирвали мени ҳам шу ажойиб мактабнинг бир ношуд талабаси деб билади.

Мирвали унинг гапини бўлди:

– Ҳожи ака, ўзингиз академиксиз. Биздақаларнинг кўпига дарс берасиз.

– Аксияда фарғоналикларни ҳам қочирасиз, Мирвалижон! – деди Ҳожимурод.

Самарқанддан то Бойсуннинг Сайробигача бу ерликлар асияни «аксия», кинони «кно» деб айтарди.

Гапнинг буёғи ҳазилга айланиб кетди. Мирвали Ҳожимуроднинг ялтоқланишидан ундан чўчиётганини

сезди. Кўнглида: «Сен билан тил топмасам ишлолмас эканман, йўриғингдан чикмайман», деган гап ётганини Мирвали аллақачон сезган эди. Бу «газета»ни ҳам жуда тез ўқиб ташлашга ақли етди.

Гапдан гап чиқиб, Маҳкамов янги раисга уй топил-гунча бирон дурустrok жой кераклигини ўртага ташлаб қолди. У шундай дея туриб, Мирвалига қаради.

– Меҳмонхонангизда беш-ўн кун яшаб турса...

Маҳкамовнинг гапи оғзида қолди.

– Бўлмас-ов. Келди-кетди кўп жойда қийналиб қоладилар. Меҳмонхона бир карvonсаройдек гап. Ҳали мухбирлар, ҳали киночилар, ҳали олимлар, ишқилиб, бирон кун одамсиз турмайди. Дача узоклик қиласди. Иссиқ-совуқларидан хабар оладиган одам йўқ. Агар хўп десалар, Чорчинорга жой қилиб беришим мумкин. У ерда яхши пазанда Нурмат тоға деган киши бор. Зерик-тирмайди.

Мирвали шу гапни айтди-ю, ер остидан Ҳожимуродга қаради. Унинг бир қоши кўтарилиб, лабининг чети пир-пир уча бошлади. Мирвали атайлаб унинг кушандаси Нурмат тоғани тилга олди.

– Йўқ, йўқ, ўртоқ Маҳкамов, Самарқанддан қатнаб турарман.

– Йўқ, бўлмайди. Иссиқ-совуғингиздан хабар олиш қийин бўлади. Шахрисабз меҳмонхонасининг люкс хонаси жуда сизбоп. Келди-кетдини кутадиган кенг зали ҳам бор, – деди Маҳкамов.

Шу билан уй тўғрисидаги гап тугади. Ҳожимурод иш бошламай туриб, Мирвалининг биринчи зарбасига дуч келганини сезди. Сир бой бермади.

– Мирвали укам, – деди у сунъий бир самимийлик билан ва йўлда ўйлаб қўйган гапларини тилига чиқарди, – бу жойга сизга ишониб келганман. «Юқорига» чақиришганда бешта районни айтишди. Хоҳлаганингни танла, дейишди. Мен атайин сиз бор районни танладим. Сиз билан бўлсам, ишлаш осон кўчишини билганимдан шундай қилдим. Кўлни қўлга бериб бир ишлашамиз, бўптими?

«Ха, тулки», деди ичиди Мирвали унинг гапларини кўнгил учун тасдиқларкан.

У идорага қайтаркан, бир ҳисобда бу галварснинг келгани дуруст бўлди, гуноҳи кўп одам, тили қисик, бунақаларнинг бурнидан ип ўтказиб етаклаб юриш осон, бошқа биронта жангариси келгандан шунинг ўзи дурустга ўхшайди, деб ўйлади. Лекин уй масаласига келганда Мирвали ҳақ эди. Нима қилади бегонани хона-донига олиб кириб. Уйдаги сирни кўчага чиқазиб нима қилади?! Агар Ҳожимурод шу ерда яшаса, кўп сирлардан огоҳ бўлиши мумкин. Бунақа одамларга сал узоқроқдан муомала қилган дуруст.

## XVI

Асқарали уйғониб ёнига қаради, хотини йўқ. Ташқарига чиққандир, деб бироз кутди. Ундан дарак бўлмади. Гугурт чақиб табуреткадаги соатга қаради. Иккidan ўтиби. Ўрнидан туриб, чироқни ёқди. Ташқарига чиқмоқчи эди, оstonада иягиға тиравиб ўтирган хотини кўриб ҳайрон бўлди.

– Сенга нима бўлди? Эт-бетинг оғриётгани йўқми?

– Йү-ү-үк, – деди чўзиб Салима. – Мош ўлгурдан да-  
рак йўқ.

– Э, шунга ухламаяпсанми! Юрғандир дайди.  
Ҳозир авжи мов маҳали, кавалери олиб кетган уни. Тур,  
кириб ёт. Шамоллаб қоласан.

Асқарали шундай деб ичкарига қайтиб кирди-да, тў-  
нини олиб чиқиб, Салиманинг елкасига ташлади.

Улар тоғда биринчи марта баҳорни кутишарди.

Ҳаво анча салқин эди. Тоғ ўнгирларида ҳали қор  
эримай қотиб ётибди. Тонгга яқин ариқлар бетини ту-  
хум пўчоғидек юпқа муз қоплади.

Салима шу Мош мушугига ўрганиб қолган. Уни кў-  
зини очмаган вақтида боқиб олган. Бу ёққа келаётганла-  
рида ўзлари билан олиб келишган эди.

Икки йилдирки, Мош улар хонадонининг ҳақиқий  
аъзоси бўлиб қолганди.

Ўн кундан бери Мошнинг юриш-туриши бошқача.  
Кечалари полни тимдалар, дераза рафига чиқиб олиб,  
ташқарига интиларди.

Бу тоғларда ҳамма нарса бошқача. Гиёҳидан тортиб  
жониворлари-ю курт-қумурсқаларигача шаҳарникига  
ўхшамасди. Тоғ мушуклари ёввойилашиб кетган,  
одамга яқин келмасди. Миёвлаши ҳам аллақандай  
йиртқичлигидан дарак бериб турарди.

Уй атрофида ана шундай ёввойи мушуклардан бири  
ўралашиб қолди. Кечалари одамнинг этини жимирлата-  
диган даражада хунук миёвлар, баъзан ўзини деразага  
урарди. Ўшандай пайтларда Мош ҳам безовталаниб,  
каравотдан столга, столдан токчага сакраб, чойнак-  
пиёлаларни жаранглатиб тушириб юборарди.

Бу хил нотинчлик жонига теккан Асқарали жаҳл билан эшикни очиб юборарди. Шунда Мош ташқарига ўқдек отилиб чиқиб кетарди-ю, тонг маҳали ғингшиб, эшикни тимдаларди. Асқарали уни сўкиб-сўкиб яна ичкарига киритиб юборарди. Мош куни билан ухлар, идишига қўйиб қўйилган сутга қайрилиб қарамасди.

Ҳар куни қоронғу тушиши билан яна ёввойи мушукнинг хунук миёвлаши, Мошнинг безовталиги бошланарди.

– Шу мушугингни қопга солиб, юк ортилган вагонга ташлаб келаман, бу нима, бирон кун одамга ўхшаб ухлаётмайман.

Салима, ҳой, бу шаҳдингиздан қайтинг-ов, бир-икки кунда тинчиб қолади, деб уни шаҳдидан қайтарарди. Аммо Мош ўзини деразага уришдан тийилмасди.

Ана шундай чиқиб кетишларнинг бирида Мош уйга қайтиб келмади.

\* \* \*

Асқарали «Москвич»ини чодирнинг олдигинасида тўхтатди.

Бу ерда газ балони, икки камфоралик плита, учта пақир. Чодир ичида йиғма стол ва стуллар. Тепага тошфонар осилган. Столда батареяли иккита фонар, «Спидола» радиоси, дурбин.

Пастда, шағал тўкилган йўлда машина қораси кўринди. Бу совхознинг фақат директор билан Расулбек миандиган оқ «Нива»си эди. Асқарали аввалига, мени излаб келишяпти, деб ўйлаб, қараб турди. Машинадан у турган жой кўринмасди. «Нива» баҳайбат тошлар панасида

бир кўриниб, бир кўринмай келарди. Тахминан, икки юз метрларча наридаги пастлиқда машина тўхтади. Ундан Мирвалими, Расулбекми тушди. Узоқдан кимлигини билиб бўлмасди. Асқарали чодирга кириб, дурбин олиб чиқди. Қаради. Мирвали экан. У икки қўлини белига тираб, ғилдиракка ҳайрон қараб турарди. Асқарали дурбинни ғилдиракка тўғрилади. Ели чиқиб, пучайиб қопти. Асқарали қарашиб юбора қолай, деб энди чоғланиб турган эди, машинанинг эшиги очилиб, бир аёл тушди: Седона.

У ўтган йили Самарқанд медицина институтини тугатиб келган, асли Варганзедан эди.

Асқарали уни яхши танирди. Бир куни селда қолиб шамоллаганда профилакторияга бориб, унга банка қўйдирган эди.

Седона авжи ширага тўлган. Қишлоқ йигитларининг кўзи унда. Эркак зоти борки, унга бир қарамай, бирон хуш ёқадиган гап айтмай ўтолмайди. Бўй йигитлар соппа-соғ бўлсалар ҳам ўзларини хасталикка олиб томир ушлатишга келишарди, қанчадан қанча байту ғазаллар айтиб, уни эритишга уринишарди. Бу хил муомалалар Седонага ёқарди. Ўзининг ҳусни малоҳатидан, яккаю ягоналигидан ғуурланарди.

Асқарали, тоғда бирон чўпон касал бўлиб қолган-у, Мирвали уни ўша ёққа олиб кетаётган бўлса керак, деб ўйлади. Шу топда бориб унга ёрдам берсам, ғаши келмасин, деб пастга тушмади.

Мирвали домкрат қўйиб орқа ғилдиракни олиб, бошқасини қўйди. Кейин Седонани машинага чиқазиб, йўлга тушди.

Тоғларнинг тунги манзааси ниҳоятда чиройли бўлади. Чанг-тўзондан, заводлардан, машиналардан кўтариладиган газлардан холи. Юлдузлар пиёладек-пиёладек бўлиб кўринади. Улар жуда яқин, худди қўл узатса етадигандек. Қараган одамнинг кўзи қамашади. Аста эсаётган шаббода ўт-ўланларни силкиб, анвойи ислар олиб келади. Чигирткалар, чирилдоқлар бири олиб, бири қўйиб хониш қиласиди. Чалқанча ётган одам, албатта чексиз фазода сузиб юрган Ер йўлдошини кўради. У лип-лип қилиб, тоғнинг бу томонидан у томонига ўтиб кетади. Ундан кейин тоғу тошларни ларзага солиб реактив самолёт ўтади. Шундай пайтларда уяларда мудраған қушлар чирқиллаб юборишади. Бўрилар улийди. Шундоққина оёгинг тагидан тулкилар камон ўқидек учиб ўтади.

Кун ботишига яқин ўтган вертолёт кечаси соат ўн иккиларда қайтади. Кон излаб бургулаётган геологлар партиясига озиқ-овқат, асбоб-ускуна, портлатиш анжомлари олиб бориб қайтади. Баъзан сокин тоғ кечасини безовта қилиб портлаш товушлари эшитилади. Унинг овози ўнгирларда акс-садо бериб, узоқ айланиб юради. Охири тошларга бош қўйиб жимиб қолади.

Асқарали ана шундай – ҳам сокин, ҳам нотинч тоғ оқшомларини севиб қолган эди. Армиянинг кўчманчи ҳаётини йигирма йил кечирган офицер учун бу ҳаёт умрининг энг ноёб дақиқаларидан эди. Асқарали роҳат қилиб, мириқиб яшарди.

Осмоннинг ярмини қора девор бўлиб тўсиб ётган тоғ тизмалари орқасидан шошилмай бир чети синган ликопчадек ой кўтарилди. Бирданига атроф – тошлар, гиёҳлар кумуш рангга кирди.

Ой тепага келганда Асқарали чодирга кириб, түшакка чўзилди.

Гиёхлар шитирлайди. Шамол чодирни силкитади.

Бари бир Асқаралининг кўзи илинмади. Хаёли ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа олиб кетаверди. У асосан ўтмишни ўйларди. Йигирма йиллик ҳарбий хизмат уни болалик ўртоқларидан, қариндош-уругларидан узиб қўйганди. Ҳарбий хизматдан бўшабдики, мана шу тоғларда кезади.

Аслида, у камгап, бировга аралашмайдиган одам эди. Атрофда бўлаётган воқеалардан бехабар эди. Даврнинг шиддатли овозалари у кезиб юрган тоғ ораларига етиб келмасди.

Мош эса ёввойилашиб кетган. Баъзан чодирга келиб, Асқаралига ёв қараш қилас, қорнини тўйғазиб, ёввойи мушуклар тўдаси билан тоғма-тоғ изғиб кетарди.

Асқарали ётиб ётолмади, туриб туролмади. Ҳали тонг ёришмасданоқ чодирдан ташқарига чиқди. Асқарали Мирвалига қойил қолиб юради. Шунча ғайрат, шунча шижоат қайдан пайдо бўлган бу одамда, деб унга ҳавас қиласарди. У тўғрида ҳар хил иғво гаплар ҳам бўлиб турарди. Унча-мунчаси Асқаралининг ҳам қулогига чалинганди.

Кимнидир урипти, кимнингдир хотинига тегишипти, кимнидир йўқ қилиб юборипти...

Асқарали бу гапларни кўролмайдиганлар тарқатган, деб ўйларди. Тўғри, унинг қаттиқўллиги бор. Шундай қилмаса, бунақа катта хўжаликни бошқариб бўладими? Бирони сўқади, бирони уришади, биронинг бошини силайди. Минглаб гектар ерға экин-тикин қилиш, шунча одамнинг бошини бир ерга қовуштириш – унча-мунчанинг қўлидан келадиган иш эмас. Шу биттагина совхоз-

нинг ери иккита район ерига тенг келади. Мирвалидан бошқа киши буни эплолмайди. Йигит эмас, олов у!

Офтоб тошларга тушиб, шабнам қўтарила бошлади. Арилар негадир ҳалигача уядан чиқмаяпти. Бу ҳаво айнишига ишора, Асқарали жомга қўйилган пақирдаги асални очиб қаради. Хайрият, чумоли таламапти. Чумоли ўтмасин, деб жомга сув қуйди. Флягадаги асал қопқоғини очиб қаради. Яхши турипти. Яна қопқоғини зичлаб ёпиб қўйди.

Чодир безовта силкина бошлади.

Асқарали ташқарига чиқди. Осмонни қора булут қоплаб келарди. Шамол ўт-ўланларни чайқатар, ёввойи жийда шохларини буйдаларди. Ўнгирларда қўтариленганди гирдоб хас-хашакларни чир айлантириб, осмони фалакка олиб чиқиб, қўйиб юборарди. Тоғ-тошлар тепасида хазонлар, хашаклар уяси бузилган қушлардек безовта айланарди.

Асқарали ташқаридаги нарсаларни ичкарига олиб кира бошлади. У флягаларни олиб киришга улгурмай шатир-шутур қилиб жала бошланди. Ҳаммаёқ қопкоронги бўлиб кетди. Қора булутлар орасида киличдек ялтираб чақин чақа бошлади. Бир неча дакиқадан кейин, тоғу тошларни ларзага солиб, момақалдириқ гулдиради.

Бехосдан бошланган жала селга айланди. Залворли тошларни ҳам қулатгудек сел ёнбағирлардан куйилиб кела бошлади.

Замбуруғқоя қўлтиғида икки автобусга тенг келадиган тош ярим белидан ташқарига чиқиб турарди. Ким билади, бу тош неча минг йиллардан бери шу алпозда турганикин? Юқоридан куйилиб келаётган сел эллик метрча баландликдан шу тошга зарб билан уриларди.

Илгари сел йўли шу тошнинг нарёғида эди. Шағалу қумларни суриб келаётган оқим йўлини тўсиб қўйганидан сел энди шу тош тепасидан ҳар қандай ғовни суриб ташлайдиган куч билан қўйилиб келарди.

Аскаралининг назарида тошнинг бош томони пастга мункиётганга ўхшаб туюлди. У яна диққат билан тикилиб қараган эди, тош ўрнидан анча жилиб қолганини сезди. Сел суриб келган қора тош гулдурос билан пастга кулади. Пастга оға бошлаган тошга урилди-ю, уни жойидан қўзғатиб юборди. У ўнгир томонга сон-саноқсиз тошларни суриб, ваҳима билан кулади. Замбуруғқоянинг бир томонини ўпириб, кенглиги ўн беш метр келадиган камар очиб қўйди. Камарга лойқа кириб, ҳайвонларнинг суякларини ювиб, пастга оқиза бошлади.

Аскарали брезент плаш ёпиниб, бу даҳшатли манзарни киприк қоқмай кузатиб туради.

Илдизи билан қўпорилган қари чинорлар, арчалар пастга сурилиб туша бошлади.

Табиатнинг бу телба ўйини ўн минутдан сал ортиқ давом этди. Қўрғошиндек қора булутлар Ойкор тоглари томон ўтиб кетди. Осмоннинг этаги очилди. Офтоб ҳам юз кўрсатди.

Бутун олам бир дамгина жимиб қолди. Кушлар чуғурламас, ҳайвонлар ҳам овоз бермасди.

Аскарали шунча тог кезиб, бунақа кучли селни кўрмаганди. Неча минг йиллардан бери қимиrlамай турган Замбуруғқоя қўлтиғидаги баҳайбат тошни қулатишга юзлаб портлатгичнинг ҳам қурби келмасди.

Чодир шамолда силкинавериб, бoggланган темир қозикларни қийшайтириб юборган эди. Аскарали қозикларни ўнглаб бошқатдан қоқди.

Үнгирлар, тоғ этаклари туманга чулғанди. Офтоб бир зумда тошларни қиздириб буғ күтәрарди. Ҳаммаёқ оппок туман пардасига ўралиб қолди. Асаларилар ҳамон уядан чиқмай, ҳатто ғұнғилламай тек туришарди. Асқарали ташқарыда қолиб, шалаббо бұлган шолчани тош устига ёйиб қўйди.

Аста эса бошлаган шамол туманни суриб, пастликтарга олиб кетди. Асқарали беихтиёр Замбуруғқоя тағида очилған камар томон кета бошлади. Ёлғизоёқ йўлларни шағал, кум босган. Чуқурликларда шох уюмлари қалашиб ётарди. Тошлар орасида эчки, қўйларнинг жасадлари кўринарди. Бирининг оёғи, бирининг боши тошлар орасида сиқилғанча қолган. Асқарали қўйечкилар ўлигини кўрди. Камарга ўн метрча қолганда Асқаралининг кўзи тошлар орасидан бир бурчаги чиқиб турган темир кутига тушди. Нима экан деб яқин борди. Тошларни олиб, қути атрофидаги шағалларни суриб ташлади.

Пўлат сандик – сейф. Ҳайратдан серрайиб туриб қолган Асқарали уни ўнглаб, қулфи очиқми, ёпиқлигини билмоқчи бўлди. Бир томони нам кумга ботиб турганидан ўнглаётмади. Ҳарчанд уринса ҳам кучи етмади.

Атрофга аланглаб, сел оқизиб келган шох-шабблар орасидан бир ходачани танлаб олиб, пўлат сандик тагидан қумларни сурға бошлади. Охири таги очилди. Асқарали ходачани унинг тагига суқиб бор кучи билан босган эди, сандик кўтарилди. Уни яна бир кучаниш билан ўнглади. Сандик қулф эди. Асқарали уни кўтаришга уриниб кўрди, тахминан, юз килога яқин шекилли. Жойидан қўзғатолди-ю, аммо кўтаролмади.

Бу сандық қайдан келиб қолган, кимники? Унинг ичида ҳужжатми, бойликми, буни Асқарали билмасди.

Бир вақтлар Улуғбек хазинаси яширилган бу тоғларда яна қанчадан қанча хазиналар бор экан, деб ўйлади Асқарали. Мана шундай тасодиф бўлиб Улуғбек хазинаси ҳам бир кун топилиб қолса ажаб эмас.

Асқарали сандық устига шох-шабба ташлаб, орқасига қайтди. У ёқ-бу ёқни саранжом қилиб бўлгач, бу воқеадан милицияни хабардор қилмоқчи бўлди. «Москвич»и устидаги ёпқични олаётганда мотор гуриллаганини эшилди. Пастга қаради. Сел бузган йўлда силкиниб-силкиниб директорнинг «Нива»си келарди. Кечаки ўтиб кетганича энди келяпти, деб ўйлади Асқарали.

У «Москвич» ёпқичини капот устида қолдириб, пастга югурди. Тошлардан тошларга сакраб бораркан, қўл ҳаракати билан Мирвалини тўхташга ундарди. Мирвали уни кўрди шекилли, сел олиб кетган омонат кўприкдан эллик метрча берида машинани тўхтатди.

Мирвали машинадан чиқиб, уни кутиб турди.

– Нима гап? Тинчликми?

Асқарали машина ичига қаради. Орқа ўриндиқда Седона ғужанак бўлиб ўтирибди.

– Нима гап? – деди яна бояги гапини такрорлаб Мирвали.

Асқарали уни тирсагидан ушлаб четга тортди. Худди бирор эшитиб қоладигандек шивирлаб, бўлган воқеани айтиб берди.

Мирвали ғалати аҳволга тушди. Нима дейишини билмай, бирпас гарангсиб туриб қолди.

Мирвали ҳар қандай танг аҳволдан жуда тез ўнгланниб оларди. Тез фикр қилас, тез хулоса чиқазарди.

У Асқаралини күчоклаб олди.

– Биласизми, майор. Сиз мени шармандалиқдан сақлаб қолдингиз. Мен оз бўлмаса партбилетимдан ажралардим. Эл-юрт олдида шарманда бўлардим. Шу шармандалиқдан мени сиз кутқардингиз. Бу сейфни бундан етти кун олдин идорадан ўғирлаб кетишган эди. Кидирмаган жойим қолмаганди. Бировга айтишга ор килардим. Унда партбилетим, орденларим, депутатлик нишоним, «Олтин Юлдуз»им бор эди. Олий Советдан келган аллақанча хужжатлар бор эди. Дардим ичимда, куйиб-ёниб юргандим. Сизга минг раҳмат, майор! Илтимос, бу тўғрида бировга оғиз очманг. Мен бадном бўлиб қоламан. Энди қиёматлик ака-ука бўлайлик. Минг раҳмат сизга! Мен ҳам сизга бир яхшилик қиласман. Анави машинада ўтирган жононни қўйнингизга солиб қўяман.

Асқарали сесканиб кетди. Бу нима? Астойдил айт-яптими? Ё йўқотган нарсаси топилганидан севиниб довдираяптими?

Седона пастда қолди. Улар иккови тошларга тирмашиб юқорига чиқа бошлишди. Мирвали тоғларда юриб, баланд-баланд чўқкиларга чиқиш машқини обдан эгаллаган эди. У осонликча тепага чиқиб олди. Асқарали ҳансирақ қолди.

Улар тошдан тошга сакраб, Замбуурғоя томон кетишиди. Асқарали боя бостириб қўйган шох-шаббаларни олиб ташлади. Мирвали сандик тепасига келиб, энгашди. Қимирлатиб кўрди. Бирон ери пачоқ ҳам бўлмабди. Фақат кирилиб, бўёғи шилиниб, темири қўриниб қолибди, холос.

– Директор, қандай қилиб олиб кетасиз?

– Эплаймиз, – деди Мирвали. – Арқонми, симми борми?

– Машина багажнигидан трассни олиб келайми? – деди Асқарали.

Мирвали бош ирғаб майли ишорасини қилди.

Асқарали кетди. Мирвали у кетиши билан сандиқни яна қимирлатиб күрди. Ичига сув кирмадимикин, дея ташвишланди. Агар қалити ёнида бўлганда ҳозир очиб кўрарди. Афсуски, қалит идорадаги бошқа сейфда.

Бу сандиқ ичи пулга, олтину марваридларга тўла эди. Ундан ташқари, пачка пачка юз сўмликлар, долларлар бор эди. Мирвали бу сандиқни беш йил олдин шу жойга яшириб, гор оғзига тошларни қалаштириб ташлаган эди. Ҳар йили бир келиб, сандиқни очар, қоғоз пуллар айниб қолмадимикин, деб текшириб кўрарди. Бугунги селғорнинг ярмини ўпирашиб, сандиқни ҳам пастга эндирган эди.

Асқарали сим арқон кўтариб келди. Арқоннинг икки учини сандиққа белбоғ қилиб бойлаб, икки кишилашиб судрай бошлишди. Сандиқни то Асқаралининг чодири олдига судраб келгунча икковлари ҳам ҳолдан тойишиди.

– Менга қаранг, майор, тўхтанг энди бир иш қиласиз. Сандиқни машинанигизнинг орқасига бойлаймиз. Пастга прицеп қилиб олиб тушамиз. Кўркманг, машинага шикаст етмайди. Агар бирон жойи шилинса, шу бугунок гаражга олиб бораман. Саккизта мойи артилмаган «Жигули» турибди. Хоҳлаганингизни миниб кетаверасиз.

Асқарали унинг бу гапига кулибгина қўя қолди. Севиниб кетганидан нима деяётганини билмай довдираяпти! Бу нарсалар топилмаса, бечора чинакамига шарманда бўларди. Шунинг учун нима қилсан хурсанд бўларкин,

деб шошяпти. Менга ҳеч нарсаси керакмас. Шу қувончи менга кифоя! Асқарали шундай деб ўйларди.

Ноинсоф ўғрилар, пулини ол, молини ол, наҳотки орденларини олсанг! Ялтиратиб тақиб юролмасанг, нима қиласан олиб? Партибилетини олишдан нима наф кўрасан? Депутатлик нишонидан фойдалана олмайсан. «Олтин Юлдуз» керак бўлиб қолдими?

Асқарали шунча юрт кўргани билан ниҳоятда тўғри, содда одам эди. Ҳеч қачон қингир ишларга дуч келмаган, соф яшаб, соф меҳнат қилиб юрган бир ҳарбий одам эди. Шунинг учун ҳам Мирвалининг ҳамма гапларига чиппа-чин ишонган эди.

Мирвали сим арқонни «Москвич» юхонаси тагидаги илгакка боғлади. Асқарали моторга ўт бериб, то қизигунча бир дам кутиб турди. Кейин аста юргизиб, пастга қараб эна бошлади. Сандиқ шағаллар устида судралиб, ўзи билан хас-хашакларни тўдалаб борарди. Мирвали энгашиб, хашакларни олиб ташлар, йўлда учраган каттароқ тошларни олиб четга иргитарди.

Шу алпозда, ортиқча қийналмай, сандиқни пастга тушириб олишди. Мирвали «Нива»ни орқалатиб юргизиб сандикқа тўғрилади. Кейин сим арқонни чиқазиб, ўз машинасининг орқа эшигини очди. Орқа ўриндиқ орқасидаги кичкинагина юхонага сандиқнинг сиғишиғаслигини чамалаб кўрди. Сигади, деган хулосага келди.

– Қани, майор, бир қарашиб юборасиз-да! – у шундай деб яна машина ичидаги қимирламай ўтирган Седонага деди: – Доктор, сиз ҳам тушинг, аргамчига қил қувват, дегандек, фойдангиз тегиб қолар.

Седона тушди. Уч кишилашиб сандикни күтара бошлашди. Сандиқ оғир, уни ердан бир метрча баландга күтариб қўйиш осон эмасди. Мирвалидек азамат йигит ҳам терга пишиб кетди.

Шунда сим арқон илгакдан чиқиб кетди-ю, юхонанинг капотига (қопқоғига) илиниб, «ошиқ-мошиғи»дан айириб юборди. Капот ярмигача букилиб қолди.

– Машинани расво қилдик-ку. Бирорга яхшилик қилиш шунақа қимматга тушади.

– Ҳечқиси йўқ, – деди Асқарали, – ўзим тузатиб оламан.

– Тузатолмайсиз. Сварка қилмаса бўлмайди. Ёмғир ёғиб қолса, юхона ичи сувга тўлади. Уни гаражимизга обориб, яхшилаб тузаттириб бераман. Буёгидан хотиржам бўлинг. «Ёмон даллол ёнидан» деган гап бор. Менга яхшилик қиласман деб, сиз зарап кўриб қолманг-да, биродар.

Асқаралининг бу гапга кўнмай иложи йўқ эди. Ёгин-сочин пайтларда у кийим-бошларини шу юхонада сақларди. Энди юхона сувга тўлса...

– Хўп, – деди Асқарали. – Нарсаларимни йигиштириб қўяй. Очиқ-сочиқ қолмасин.

– Юраверинг, нарсаларингизга ҳеч ким тегмайди. Чўпонларимдан биттасини қўриқчи қилиб қўйиб кетаман. «Нива» кетидан орқама-орқа келаверасиз.

Асқарали шошиб чодирга кириб кетди. Брезент сум-касини очиб, иккита пенициллин шишасида қандайдир суюқлик нарсани олиб, чўнтағига солди.

– Асли ўзим тўнг одамман. Бу тоғлар Мирвалига қарашли. Асалларни нима қиляпсан, деб сўрамайди. Шу пайтгача бирон пақир асал билан йўқлолмадим. Албатта, у асалга муҳтож эмас. Кўнгилда, кўнгил.

«Нива» рулига тирсагини қўйиб уни кутаётган Мирвалига иккита шишачадаги бояги суюқликни узатди. Бу асалари моткасининг сути. Турган-битгани йигит кишига қувват. Мирвали «шўхгина, модабозгина» йигит эмасми, у майорда шунака нарса бормикин, деб умидвор бўлиб юради. Хайрият, фаҳм-фаросати етиб, неча марта қилган тагдор гапларига энди тушунипти.

– Бундан кейин ҳам йўқлаб турарсиз...

Сандиқ юхонага bemалол сифди. Мирвали кўйлакларига илашган хас-хашакларни қоқаркан, Асқаралига Седонани имлаб кўрсатди.

– Хўш, майор, нима қиласиз? Иштаҳангиз қалай?

Асқарали ер остидан Седонага қаради.

У профилакторияга бориб, банка қўйдирганда бу гўзал, фариштадек беғубор қизга хавас билан боққан эди. Энди унинг кўнглида қандайдир ҳам ачиниш, ҳам йирганиш бор эди.

Улар боққа етиб келишганда Мирвали «Москвич»ни Абдулазизга топшириб, каттиқ тайинлади:

– Бир ярим соатда тузатиб қўймаса, калласи кетади. Механикка айтиб қўй. Овқат-повқатинг борми?

– Манти туғиб домга чиқазиб юборганман, – деди Абдулазиз.

Асқарали бир одамни баҳтсизликдан, бадномлиқдан сақлаб қолгани учун ўзини ниҳоятда енгил сезарди.

\* \* \*

Улар коридорга киришлари билан манти қозондан чиқаётган бут ҳиди димокларига урилди.

Понбархат халат кийган Седона уларни очиқ чеҳра билан кутиб олди.

Бу уйни Мирвали Седонага яқинда берганди. Бириңчи йўлақдаги уйни олишга Седонанинг ота-оналари, бу уй бехосият, Бодомгул ўзини осиб қўйган, деб кўнишмади.

Мирвали уни гараж механиги Кузьма Денисовга бериб, иккинчи қаватдаги уйини зудлик билан ремонт қилдирди-да, Седонани кўчириб киргизди.

Уй жиҳозлари ҳам ўша-ўша. Бирон нима ўзгармаган. Бодомгулдан қолган кийим-бошларни ҳар кимларга бериб юборган. Фақат тошойна тортмасидаги тақинчоқларни олиб қолган. Ўша Бодомгул тақиб юрган шода-шода, ўртасида икки қатор дури бор марварид Седонанинг бўйнида. Узуклар ҳам, тўғногичлар ҳам Седонада.

Седона чой кўтариб кирди. Мирвали, чалоб қилмадингизми, деб сўради. Седона, ҳозир, деди-ю, коридордаги холодильник эшигини очиб, сопол кўзача олди. Уни Мирвалининг олдига қўйиб кетаркан, боғичи ечилиб кетган халатини ўнгламоқчи бўлди. Оппоқ сонлари очилиб кетди. Орқага ўгирилиб, боғични бошқатдан боғлай бошлади.

Аскарали Мирвали ҳақида ўйларкан, зап ишбилармон, меҳнаткаш йигит-ку, аёллар масаласида бежилов экан, деб кўйди. У Бодомгул воқеасини ҳам эшитган эди. Унинг ўша ишқ ўйини фожиа билан тугаганини ҳам биларди. Ҳали Бодомгулнинг тупроғи совимай янгисини топибди. Бирон марта рўзғор кўрмаган, не-не йигитларнинг кўзини куйдирган бу там-там қиз унинг тузогига тушиб қолганига тушунолмади. Балки уйланмоқчири, деб ўйлади. Бу Мирвали қандоқ одам? Турган-битгани сир. Кимлигини, нималигини билиб бўлмайди. Би-

ров уни буюк одам деса, бошқаси пасткаш одам дейди. Қайси бири түгри? Ажаб, бир танда икки одам!

Асқарали ана шу жумбокни ечолмай ўтиради. Седона яримлаб қолган арман конъягини столга қўйиб кетди.

– Тўхтанг, – деди Мирвали. – Оғзи очилган пишани мемонга қўйиб бўлмайди. Бутунини олиб чиқинг.

– Кўйинг, – деди Асқарали. – Барibir мен ичмайман. Машина минаман.

Мирвали кўлинни силтади.

– Вой-бў! – деди Мирвали. – Сизни уруш кўрган одам деб ким айтади??

Манти жуда хушхўр бўлган экан. Асқарали торгинмай, мақтаб-мақтаб еди.

– Энди менга жавоб беринг, директор.

Мирвали ортиқча қаршилик кўрсатмади. Пастда ҳозиргина таъмирдан чиқсан «Москвич» уларни кутиб турарди.

У кетгач, Мирвали хомуш тортиб қолди. Хонага кириб диванга ўзини ташлади-ю, ўй ўйлаб кетди.

– Бу одам ким? Агент эмасмикин? Пайимга тушганлардан бири эмасми? Текшириб кўриш керак. Синаш, синаш керак.

Ошхона томондан Седонанинг шакир-шукур қилиб идиш-товоқ юваётгани эшитилиб турарди. Мирвали кўйлак ёқаларини ечиб, кўксини силади.

Седона ишларини битириб ёткка ўтиб кетди. Кейин соchlарини тараб, икки қулогининг тагига атир шишасининг қопқоғини тегиза-тегиза, Мирвалининг ёнига келиб ўтиради.

Мирвали унинг кўлтиғидан қўлини ўтказиб, ўзига тортди.

– Кўйинг! – деди Седона астойдил ўпкалаб. – Мени анави асалчига совға қилиб юборишингизга оз қолди-я!

– Унинг эркаклиги фронтда шикастланган. Шунинг учун боласи йўқ, шунинг учун мушук бокади.

Мирвали Седонанинг уйидан кечаси соат бирларда чиқиб кетди.

Седона эрталаб профилактория эшигидан кираёт-ганда бегона бир хотин олдидан чиқди.

– Марваридлар қуллуқ бўлсин! Бу кўчма марварид энди сизга тегдими? Ундан Бодомгулнинг ҳиди келмаяптими? Эҳтиёт бўлинг, кечаси ечиб ётинг. Ухлаганингизда бўғиб қўймасин! – У шундай деди-ю, йўлида кетаверди.

Седона унинг орқасидан анқайганча қараб қолди.

## XVII

Эрталабдан бери Замбуруғқоя тепасида вертолёт айланади.

Мирвали ГАИга телефон қилиб, вертолёт сизларникими, деб сўраганди, йўқ, деб жавоб қилишди. Мирвали геологларники бўлса керак, деб кўя қолганди. Тушга яқин яна битта вертолёт ўтди. У тоғ тепасида айланиб юрмади. Геологлар бурғилаётган томонга қараб кетди.

Аввалгиси ҳамон гоҳ баландлаб, гоҳ пастрлаб айланниб юрипти. Мирвали мумиё ўғрилари бўлса керак, деб гумон қилди.

Альпинистлар ҳам чиқолмайдиган баландликдаги мумиёларни учувчилар қийратишини Мирвали била-

ди. Ушлаб олсам, она сутини оғзидан келтираман, деб юарди. Аммо уларни қандок қилиб ушлайди. Тоғларда учадиган вертолётлар бир идорага қараса, бошқа гап эди. Минздравники бошқа, Геология министрлигиники бошқа, ГАИники бошқа. Қайси биридан гумон қылса бўлади?.. Ҳатто бир куни Мирвали тоғ йўлидан кета туриб, пастлаб учиб юрган вертолётни ов милтифи билан отиб туширмоқчи бўлиб чоғланганди-ю, катта жанжалга айланишини ўйлаб, бу шаҳдидан қайтганди.

– Бу абраҳлар тоғларни ҳам оёқости қилиб юборди!  
– деб тажанг бўлди Мирвали.

Аммо вертолётнинг факат бир жойда айланиши уни ташвишга сола бошлаган эди. Унинг тоғ камаридағи яширин меҳмонхонаси Замбуруғоянинг орқасида. Шуни қидираётган бўлмасин тағин?! Мирвалининг кўнглини гумон босди. У кеча ўша меҳмонхонага бориб, Седона билан майшат қилганди. Видеомагнитофонни, телевизор билан кассеталарни, чех ва немис сервизларини қоғоз қутиларга жойлаб, уйига олиб келган. Энди гиламларни олиб кетса, бас. Ундан кейин бу меҳмонхонага оёқ босмайди. Баҳридан ўтади.

Тоққа қор тушиши билан геологлар кўч-кўронини кўтариб, мавсумни тугатиб, қайтиб кетишарди. Асбобускуналарини совхоз хўжалик омбори ҳовлисидағи бир хўжрага жойлаб қўйишарди. Мирвали бир кунимизга яраб қолар, деган ўй билан геологлар бошлиғидан ўн-ўн бешта механик-портлагич олдириб қўйганди. Шу топда унинг кўнглига бу меҳмонхонадан кутулиш керак, деган ўй келди-ю, омборчига ўша портлагичдан тўрттасини олиб келишни буюрди. Кейин Расулбекка телефон қилиб, бир ошли харажат билан етиб кел, деб тайинлади.

Расулбек айтганини қилиб, «Нива»га харажатларни жойлаб олдига келди.

— Тоқقا борамиз, рулга ўзинг ўтирасан. Мен жуда чарчаганман. Бир мириқиб дам олиб келамиз, — деди Мирвали.

— Мен колсам. ҳұжайин, тоғ орқасидан бугун келдим. Уч кундан бери уйга борганим йўқ.

Мирвали унга бир ўқрайиб қараган эди, гапи оғзида қолди. Фақат Седона ҳам борадими, деб сўраёлди.

Унинг бу гапи Мирвалига ёқмади. Кўзига бундан ўн беш кунлар чамаси аввалги учрашув кўриниб кетди.

Мирвали тогдаги чўпонларни укол қиласан, деб Седонани тоққа олиб кетди-ю, чўпонлар олдига олиб бормай, йўлни ишратхона томонга бурди. Директорнинг кўнглида бундай қабиҳлик борлигидан бехабар Седона у бошлаган томонга индамай кетаверди. У олиб кирган уй чўпонлар уйига ўхшамасди. Шоҳлар яшайдиган, унча-мунча одам хаёл қилса ҳам кўз олдига келтиролмайдиган, эртаклардагина бўладиган жой эди. Седонанинг юрагини ваҳм босди. Тоғ оралиғидаги одам топмас ғорлар ичига жойлашган бу шоҳона саройдан қочиб кутулиш қийин эди. Кеч кириб, тун бошланди. Кимсасиз тоғ орасида Мирвали билан икковларидан бўлак зоф йўқ эди. Аёл боши билан бу девдек кишига тенг келолмасди у.

Седона қанчалик монелик қилмасин, унга таслим бўлди. Мирвали ўшандада кўпдан билгиси келган учинчи холи икки кўксининг ўртасидан сал пастроқда эканини билди.

Седона жавдирар, ёшли кўзлари ундан шафқат тилярди.

Мирвали тун ярмидан окқанды ётоказхонадан чиқиб, зал уйнинг чироғини ёқди. Минерал сув ичиб, бир оз ором олмоқчи бўлди. Ётоказдан Седонанинг алам билан йиғлашини эшигидиу, бақирди.

– Йиғлама! Йиғлоқиларни ёмон кўраман. Бўлмаса, тур, кет! Ҳозир эшикни очиб бераман. Тўрт тарафинг қибла!

Седонанинг овози тинди. Мирвали ёгоқка кириб электрни ёқди. Чойшабга бурканган Седонанинг елкалари силкинар, аммо овоз чиқаргани кўркарди. Мирвали каравот четига ўтириб, унинг елкаларини силади.

– Менга қара. Олдингда икки йўл, биттасини танла. Бири шу тоғлар орасида қолиб, кузгуналарга ем бўлиш, бири мен билан бўлиб, шоҳи атласларга бурканиб, олтину бриллиантларга безаниш. Танла!

Седона индамади.

– Мен билан бўлсанг, маликалардай яшайсан. Зорлик нима, муҳтожлик нима, билмайсан.

Мирвали унинг устидаги чойшабни олиб ташлади. Седона ғужанак бўлиб олган, оппок мармардек тани дир-дир титрарди. Мирвали уни елкасидан тортиб, ўзига қаратди.

– Менга қара! Қара, деяпман! Мен билан бўласанми? Айт. Ё ха де, ё йўқ де. Йўқ, дедингми, ёш жонингга жавр қиласан.

Седона:

– Ахир хотинингиз бор-ку, – деёлди хиқиллаб.  
– Гапни айлантирма.

Седона эшитилар-ешитилмас, алам-изтироб билан, ха, деди.

Ана шундан кейин Мирвали қайтадан ечиниб, унинг ёнига ётди...

Расулбек ҳамма ишлардан хабардор эди. Мирвали нимаики иш қилган бўлса, шу Расулбек қўли билан қилганди. Тоғнинг нариги томонига эчки ҳайдатишга ҳам Расулбек ишбошилик қиласди. У томондагилар билан пул олди-бердиларига у аралашмасди. Фақат Равшанбекнинг ҳалокатидан кейингина Мирвали пул ишларига уни аралаштирадиган бўлди.

Мирвали Расулбекни қадрлайди. Мўмайгина қилиб пул беради. У Мирвалига қўшилиб кам бўлмади. Авваллари оддийгина бир фотограф эди. Энди у бир-икки юз минг пулли бўлди. Самарқандда данғиллама уй қурди. Жиянининг номига «Волга» олиб қўйди. Еди-ичдиси совхоз бўйнида. Шунинг учун ҳам унга соядек эргашган. Ўл, деса ўлади, тирил, деса тирилади. Унинг яхши, дўндик аёллардан таниши кўп. Тошкент томонлардан келадиган азиз меҳмонлар учун топиб кел, дедингми, айтган гапинг тугамай ҳозир қиласди. «Берёзка» ва чек магазинларида ўз одамлари бор. Мирвалининг саксон мингдан ортиқ пулинни долларга, франкка алмаштириб берган. Москвадан келадиган мухбирларга совға қилиш учун Швейцария соатлари, япон магнитофонларини Чияли бозоридан топиб келади. Шунаقا нарсалардан аллақанчасини Мирвали эҳтиёт шарти сейфда сақлаб қўйган. Расулбек ана шунаقا унга зарур одам эди. Аммо бошига қора кун келганда бу бола чидармикин? Аввал бирон қаттиқчилик кўрганмикин? Мирвали ана шуни билмасди.

Ҳозир иккови тоғ йўлида жимгина кетишияпти. Мирвали ўз ўйлари билан банд. Расулбек кечада Ҳожи ака билан бўлган суҳбатни эслаяпти.

Ҳожимурод райижроқўм раиси бўлиб келди. У Расулбекнинг эски қадрдони. Бир вақтлар иккови ака-ука бўлиб, кўп ишлар қилишган. Буни Мирвали яхши билади. Шунинг учун ҳам бундан бир ҳафта олдин Расулбек-ка шундай деган эди:

– Билиб қўй, яхши бузоқ бўлиб икки онани эманан, десанг, бу дунё билан хайрлашавер. Бу ердаги гапни у ёққа ташийман, деб овора бўлма. Ҳожимурод ким бўлти? Бугун райижроқўм раиси, эртага ҳеч ким. Агар билсанг, у менинг қўлимдаги ўйинчок. Шуни эсингдан чиқарма.

– Ўлибманми, хўжайин. Сиз билан бўлиб ёмон бўлмадим-ку. Хиёнат қилмасмикин, деган гапни кўнглингизга келтирманг. Ҳожи акалар мен учун бир марта еб бўлинган овқат. Буёғига у билан замонасозлик қилиб гаплашаман.

Мирвали қаҳ-қаҳ отиб кулди.

– Оббо фалокат-э, ёмонсан. Ишинг битгандан кейин отанг бўлса ҳам уч пулга сотворасан. Шу ишингга борманда. Бир кун эмас, бир кун мени ҳам уч мирига сотворасан. Гап қайтарма. Худди шунақа одамсан. Сени пиринг йўқ. Виждонинг ҳам йўқ. Пиринг ҳам, виждонинг ҳам – пул. Тўғрими? Тўғри де, аблах.

Расулбек тилар-тиламас, тўғри, деди.

– Битта гап айтсан майлими? – деди у. – Сиздан сал гинам бор. Сизга, ошналарингизга қанчалаб дўндиқларни топиб берганман. Аммо сиз биронта сарқитингизни ол, демадингиз. Седонага менинг ҳам кўнглим кетиб юрган эди. Ризқимни қирқдингиз, хўжайин.

Мирвали нима дейишини билмай, унга қаради. Бу боланинг ҳамма гапдан хабари бор. Ер тагида илон

қимирласа билади, аблах! Мана шунақалар билан ишлансандар арзиди. Айтадиган гапинг оғзингдан чиқмай, нима демоқчилигингни билади.

— Седона ҳали-бери сарқитга чиқмайди. Сенга айтадиган бошқа гапим бор. Тош меҳмонхонага энди келмаймиз. Кеча видеоларни олиб кетганман. Гиламларни сен йиғиштириб ол. Сенга бердим. Битта ош қилиб еймизу, уй билан хайрлашамиз. Орган ҳид олган. Куни билан вертолёт нимага учайтганини биласанми? Шу жойни қидиришяпти. Топиб бўпти. Видео ёмон нарса. Ўшани қўйдингми, дарров уларнинг аппарати топади. Шунинг учун олиб кетдим.

— Тўғри айтасиз, хўжайн. Самарқандда, Шахрисабзда ҳам чет эл «SEX» фильмларини қўяётган видеоларни кўчада машинада юриб топишяпти. Аппарати дарров биларкан, — У машинани секинлатиб, Мирвалига қаради. — Эрталаб тоғнинг нарёғидан одам келганди, — деди ташвишланиб.

— Пулни олиб кептими?

— Ҳа. Аммо энди эчки ўтказмай туинглар, бирон ой сабр қилайлик, совхозни ОБХСС босди, уларни тинчитгандан кейин қолганларини оламиз, деб кетди.

— Пул қани?

— Машинамни багажнигига қолган.

— Аҳмок, пулни машинада сақлайсанми? — деди танбех оҳангига Мирвали. — Менга бермай нима қилиб олиб ўтирибсан?

— Олиб кирай десам, партком билан ўтирган эканисиз.

— Машина қаёқда?

— Бокқа олиб кириб қўйганман.

Яна жим кетиши. Узокдан арчазор күриниши билан Расулбек йўлни чап томонга солди. Чунки илгариги йўлни портлатиб, бекитиб кўйишган эди. Йўлни Мирвалининг шофёри портлатганди. Сабабини сўраганда, Мирвали, ишинг бўлмасин, деб гапни калта қилган эди.

Мирвали Жайрона қочиб кетгандан кейин бошка томондан йўл очган. Вертолёт билан қидириб топишолмаётгани ҳам шундан бўлса керак.

Бу йўлда Расулбек юрмаган. Шунинг учун ҳам у машинадан тушиб, рулни Мирвалига берди-да, ўзи орқага ўтирди.

Ҳар бири гувала катталигидаги тошлар сочилган бу йўлда «Нива»дан бошқа машина юролмасди. Ҳатто «Нива» ҳам баъзан тортолмай, кучаниб аранг ўтарди.

Машина тепаликка бир кучаниб чикди-ю, бирданига пастликка қараб шўнғиди. Пастликда бир тегирмон сув ёйилиб оқарди. Бу сув тошлар орасига кириб, арчазорга етганда яна юзага чиқарди. Сув шу қадар тиник эдики, тагида сузиб юрган балиқчалар шундоққина кўриниб турарди.

Машина арчазор оралаб, меҳмонхона олдидаги ялангликдан чиқди. Расулбек чаққонлик билан иргиб пастга тушди-ю, ғор оғзини беркитиб турган тош деворни кучаниб, ўнг томонга итара бошлади. Бўйнига осилган фотоаппарат саланглаб унга халақит берарди. Девор тагидаги темир ғалтак қалдираб, ниҳоят, ғор оғзи очилди. Узун тош коридордан гугурт чақиб, темир эшик олдига келишди. Расулбек икки жойдан калит солиб, даранглатиб эшикни очди. Деворга кўл чўзиб, электрни ёқди. Ичкари йиғиширилмаган, ўрин-кўрпалар айқашуйқаш бўлиб кетган эди. Мирвали батарея чироқ билан

ёритиб, боя Расулбек гугурт чаққанда чўпини ташламадими, деб яхшилаб қараб чиқди. Гилам устида нимадир йилтиарди. Пиёла синигининг парчаси бўлса керак, деб ўйлаган эди Расулбек. Йўқ, аёллар зираги экан. Энгашиб олди.

— Бу ёққа бер, — деди Мирвали.

Расулбек зиракни унга узатди.

Мирвали Расулбекка шу гап шу ерда қолсин, демади. Расулбекнинг гап ташимаслигини биларди.

— Аввал гиламларни йиғиб, машинага олиб чиқ. Кейин овқатга уннайсан. Айтганча, менинг фотоаппаратимни бир текшириб кўй. Ўзим текшириб кўрдиму, барабирик ўзинг текширганинг дуруст бўлади.

— Хотиржам бўлинг, хўжайин. Унда фақат сизнинг тош кўтарганингиз, сойда чўмилганингиз олинган, холос. Жононларнинг суврати йўқ. Уларни лакиллатиб аппаратни ёлғондакам чиқиллатганман. Ундан кейин чўққида яланғоч бўлиб қорга думалаганингиз бор...

— Балосан, балосан, аблах, — деди кўнгли хотиржам бўлган Мирвали.

Расулбек қўлидаги гўшт, тўғралган сабзи солинган тўрвани ошхонага киритиб кўйди-да, гиламларни йиғиширишга киришди.

Бу гиламларни Расулбекнинг ўзи топиб келган эди.

Расулбек то гиламларни йикқунча Мирвали пиёз арчиб, гўшт тўғраб турди. Расулбек жуда чаққон йигит эди. Бирпасда тўртта гиламни тахлаб, коридорга олиб чиқиб кўйди.

— Оёқ остида ётмасин, машинага олиб чиқиб кўй, — деди Мирвали.

– Хўжайин, «Нива»га битта ҳам гилам сифмайди. «Нива» ўзи яхши-ю, сифими кичкина. Агар запас филдиракни ташлаб кетсак, битта гилам сифиши мумкин.

– Бўпти, шу ерда қолаверсин.

Мирвали диванга чўзилди. Расулбек қозонга ёғ ташлаб, овқатга уннаб кетди. Мирвали озрок ётди-ю, яна ўрнидан турди. Ташқарига чиқиб, машинадан механик-портлатгич солинган халтани кўтариб кирди.

Уни диван орқасига қўйиб, ошхонага чиқди. Кизиётган ёғдан чиққан оппоқ тутунда Расулбек аранг кўринарди.

– Менга қара, Бек, – деди Мирвали. – Мен озрок мизғиб оламан. Ёғ ҳиди кирмасин, деб эшикни беркитиб кўяман, бўптими? Ош пишганда уйғотарсан.

Расулбек, хўп, дея бош иргаб қўйди.

Мирвали эшикни ичидан беркитиб, халтадан портлагичларни олди. Тўртталасининг ҳам механик милларини учдан ўттиз минут ўтган вақтга тўғрилаб, бирини диван тагига, яна бирини ванна тагига тикиб қўйди. Яна иккитаси бор. Қайга қўйсам экан, деб бир дам ўйланиб турди. Яна ичкарига кирди. Соатига қаради. Жавондан битта конъяк олиб, Расулбекнинг олдига чиқди.

– Ҳа, хўжайин, ухламабсиз-ку? – деди қозон ковлаётган Расулбек.

– Уйқум келмади. Кел, мана шу шишани бўшатайлик. Охирги марта ичишимиз, бу жойда.

– Унақа деманг, хўжайин, Худо хоҳласа, ҳали кўп келамиз бу жойга.

– Айтганинг келсин. Манави бўлаётган «шамолтўполон»лар сал босилсин, кейин келармиз.

У шундай деб шишани очди. Иккита пиёлага түлдириб қўйди.

– Қовурилган гўштдан ол.

Расулбек тарелкага тўрт-бешта жаз ташлаб, столга қўйди.

– Қани, ол, Бек. Мен сени астойдил укам, деганман. Сен ҳамма сиримни биласан. Сендан сир яширгаганман. Сени ўзимдек биламан. Ол, ол, укагинам.

Расулбек уни ҳеч қачон бунаقا меҳрибон бир вазиятда кўрмаганди. Ҳайрон бўлди.

Иккови ичиб юборишиди. Мирвали кетма-кет яна қўйди.

– Энди мен жиндек туриб ичай. Бўлмаса, ошни бузиб қўяман, – деди Расулбек.

– Ичавер, бузмайсан. Шовла қилиб қўйсанг ҳам евoramиз. Шу бугун жуда табиатим яхши. Ичгим келяпти, дўстим.

Расулбек унинг бу хил кайфиятини СССР Олий Совети депутатлигига кўрсатилганидан деб ўйлади. Шу хурсандчиликка шерик бўлиш учун иккиланмай пиёлани кўтарди.

– Сизнинг бу дунёи оламда соғ-саломат яшаб юришингиз учун. Орқангиздан эргашиб, биз ҳам тирикчилик қилиб юришимиз учун, – деди.

– Биласанми, – деди Мирвали Расулбекнинг елкасига қўлини қўйиб, – мен сахий одамман, шуни биласанми?

– Биласан, хўжайин.

– Тоғнинг нарёғидан қанча пул келди?

– Саксон минг, хўжайин, – деб жавоб қилди Расулбек.

– Шу пулларнинг ҳаммасини сенга бераман. Ол. Менинг давлатимда яйраб қол!

Расулбек ўзини йўқотиб қўяй деди.

– Йўғ-э, хўжайин, жуда кўп-ку?!

– Олавер, менини ўзимга етади... Ташқарига чиқиб, пича кийикўти териб келаман. Қон босимим қўтариляпти. Шу коњяк ўлгурни ичмай дейман-у, яна бўлмайдида! Қон босими бор одамга коњяк бўлмайди, арак дуруст.

У шундай деб тўрва қўтариб, ташқарига чиқиб кетди.

Ҳаво яшнаб турарди. Мирвали икки елкасини орқага кериб, хузур қилиб нафас олди. Атрофга аланглаб, бего-нанинг назари тушмасин, деб тош деворни қалдиратиб суриб, ғор оғзини беркитди. Чўнтағидан бояги ён соатни олиб қаради. Унинг совғага олган, исми ёзилган соатлари, Расулбек «Берёзка»дан олиб келган электрон соатлари кўп эди. Уларни тутмасди. Бу ён соат унга ота қадрдон бўлгани учун доимо ёнида олиб юрарди.

Мирвали пастдан туриб, ишратхона тепасида икки томондан эгилиб турган қояга қаради. Баҳайбат тошлар шундоққина тепасида соябондек турарди. Мирвали тошларга тирмашиб тепага чиқди. Механик портлатгичнинг биттасини ўнг томондаги харсанг тагига, яна биттасини чап томондаги тош тагига тиқиб қўйди.

У пастга қайтиб тушиб, ариқда бет-қўлини ювиб, дастрўмолига артди. Машина ёнига бориб, ўн беш минутлар чамаси у ёқ-бу ёқларни безовта томоша қилиб турди. Кейин кабинага ўтирди-ю, машинани гуриллатиб ҳайдаб кетди.

У арчазордан чикқанда соат учдан йигирма олти минут ўтганди. Яна тўрт минутдан кейин меҳмонхона портлайди. Мирвали моторга газ берди. Машина шағалларни суриб, тепаликка чикди-да, сув кечиб пича юргач, боя Расулбек рулни берган жойга келди. Бу пайт соат учдан йигирма саккиз минут ўтганди. Мирвали меҳмонхонадан, тахминан, тўрт юз метрча нарига бориб қолганди. Машинани тўхтатиб, пастга тушди. Соат учдан йигирма тўққиз минут ўтди. Мирвалининг бир кўзи соатда, бир кўзи тошлар орқасидан учлари кўриниб турган арчазорда. Соатнинг секунд стрелкаси олти рақами устидан ўтаётганда Мирвали икки кафтини юзига тортиб, «Оллоҳу акбар!» деди. Шу пайт даҳшатли портлаш бошланди. Кетма-кет портлаш тошларни осмонга отди. Тоғ ораликларида кулоқни кар қиласидиган хунук акс-садо айланиб юрди. Бир зумдан кейин яна ҳаммаёқ жимжит бўлди-қолди.

Расулбек ҳам кетди. Мирвали учун у энди ортиқча эди. Кейинги йилларда Мирвали нимаики қилган бўлса, ҳаммасига шу Расулбек шоҳид. Тоғ ортига ўтказилган эчкиларни, мана шу меҳмонхонада бўлиб ўтган ишларни у яхши билади. Вақтики келиб, ахвол танг бўладиган пайтларда, албатта, у оғзидан гуллайди. Энди унинг хизмати битди, яшашга ҳаққи йўқ эди.

Мирвали дарров йўлга чиқмади. Бемаҳал портлашдан ҳайрон бўлган чўпонлар шу топда бу томонга караб туришипти. Озроқ вақт ўтказиб йўлга чиқиш керак.

Мирвали боя битта хатога йўл қўйганини билиб қолди: меҳмонхонада Расулбек ечиб қўйган костюм чўнтағидан машинасининг калитини олиш керак эди. Ол-

мапти. Боғда қолган унинг машинаси багажнигига пул бор. Қандок қилса бўларкин? Бир йўли топилиб қолар, деб ўйлади Мирвали.

Яна соатни олиб қаради. Учдан кирк уч минут ўтипти. Энди кетса ҳам бўлади. Йўлга тушди. Шундоққина дўнг айланиб сув бўйига бурилганда, пастдан пақирда сув кўтариб чиқаётган Асқаралига кўзи тушди.

Бу одам селда оқиб тушган пўлат сандифини топган эди. Мирвали айтган баҳоналарга ишонмаслиги мумкин. Одам боласининг сир сақлаши қийин. Мирвалининг кўнглида ёмон, жуда ёмон ният туғилди...

Асқаралининг пастдан то йўлга чиқиб олишигача етти-саккиз қадам қолди. Машина тезлиги соатига салкам олтмиш километрни кўрсатиб турипти. Яна озроқ газ бериш, етмиш километр тезлик олиши керак.

Асқарали йўлга чиқиб олганда, машина ундан эллик қадамча узокликда эди. Мирвали яна газ берди. Асқарали чўчиб, қадамини тезлатди. Пақирлардаги сув чайқалиб, унинг тез юришига монелик қиласарди. Мирвали унга етдим деганда, у пақирни ташлаб, ўзини четта олди. Мирвали рулни кескин буриб юборган эди, Асқаралини том бўйи тошга қапиштириб кўйди.

Мирвали машинани дарров орқага қайтармади, то лабидан қон оккунча, кўзи оқиб тушгунча қисиб тураверди. Охири орқага тисарилди. Асқарали шундоққина ёнбошига йикилди.

Бурилишда атайнин кўприкдан ўтмай, машинани сувга солди. Сув машина салонигача чиқди. Мотор ўчиб қолишидан кўркиб дарров яна қирғокқа чиқди. Шиддат билан оқаётган тоғ суви машинага кўнган ғуборларни ювив кетган эди.

Шу бугун, ярим соат ичиди Мирвали икки гувоҳдан халос бўлганди. Бунақа «омад» келган кунлар жуда кам учрайди, елкамдан оғир юқ ағдарилиди, деб ўйлади.

У магнитофон тугмасини босди. «Ўхшайди-ку» қўшиғи янграб кетди. Мирвали кайф билан бошини гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа ташлаб, қўшиқдан сел бўлиб борарди.

Икки кишининг ҳаёти бандидан қирқилган шундай пайтда кўнгли қўшиқ истагани унинг учун ғайритабий бир ҳол эмасди.

Бухоро амирининг жаллоди ҳам зинданда одам сўйиб чиққандан кейин чаккасига гул тақиб юрар экан.

Ниҳоят, бокқа келди. Абдулазиз сўрида Мирвали тўғрисида мақола чиқкан «Сельская жизнь» газетасини ўқиб ётарди. У Мирвалини кўриши билан ўрнидан сапчиб турди.

- Овқат-повқатинг борми?
- Бор, бор. Сузиб чиқайми?
- Давай! – деди Мирвали.

У шундай деб тол тагида турган Расулбекнинг «Жигули»сига қаради. Абдулазиз овқат сузиб келгунича сабри чидамай, Расулбекнинг машинаси олдига борди. Багажникка калит солиб кўрди, тушмади. Қайтиб келиб, гаражга телефон килди.

- Гаражда нечта «Жигули» бор? – деб сўради.

У тарафдан, учта хусусий, еттита ҳали ҳеч кимга берилмаган «Жигули» бор, деган жавоб бўлди.

- Ҳаммасининг калитини йиғишириб кел.

Абдулазиз дастурхонга овқат қўйди. «Халқ номзоди» Мирвали Рихсиев ҳаддан ташқари очиқкан эди, ҳеч қаёққа қарамай, бирпасда овқатни шапиллатиб еди.

Устидан икки пиёла чой ичиб, ўрнидан турди. Гараж бошлиғи бир шода калит билан кириб келарди.

– Бўлди, сен кетавер, – деди Мирвали унинг қўлидан калитларни олар экан. – Бироздан кейин Аблаз опчиқиб беради.

Гараж бошлиғи кетгач, Мирвали калитларни багажник қулфига бир-бир солиб кўра бошлади. Биттаси тушди.

У бағажникдаги қоғоз қопни олиб, ичига қаради. Юз сўмлик, эллик сўмлик пачкалар. Яна бир кичикроқ қоғоз пакетда ҳам йигирма минг атрофида пул.

– Аблаҳ! – деди Мирвали. – Саксон минг, деб мени лақиллатган экан. Йигирма мингни ўмарид қўйган эканда!

У бағажникни ёпиб, яна қулфлаб қўйди. Қоғоз қоп билан пакетни кўтариб, меҳмонхона зинасидан чиқар экан, Аблаз, деб чақирди. Югуриб келаётган Абдулазизга калитларни отди.

– Гаражга опчиқиб бер!

Меҳмонхонада пулларни санаб, жами юз минг эканлигига қаноат ҳосил қилгач, қопни каравот тагига тиқиб, ўзини тўшакка отди. У бугунги кунидан ниҳоятда хурсанд эди.

\* \* \*

Салима институтнинг РАФ машинасида келди. Эшик берк эди. Уй атрофини айланиб, Мош, Мош, деб чақирди. Мушук келмади. Демак, Асқарали уни олиб кетган, деб ўйлади.

У шунча йўл юриб келган шофёрни овқатлантириб, кейин жавоб бермоқчи эди.

– Акангизни олдига олиб бориб құясыз энди, иним.  
Үша ерда ризқимизга яраша егулик топилиб қолар.

Машина Замбуруғқоя томон йүл олди. Куз кириб, тоғ салқын бўлиб қолган эди. Машина орқасида чанг кўтарилимасди. Йўл ёқасида онда-сонда учраб қоладиган дўлана тупларида барг қолмаган. Шохларидаги шигил мевалар қип-қизил бўлиб кўзни олади. Кийикўтлар қуриб, қовжираб қолган. Тошларнинг офтоброу томонида ёввойи капитарлар икки қанотини ёзиб, кўкракларини қизиган шағалга бериб ётишибди. Шундокқина ёнларидаги илон пўстиларига бепарво қарашибади. Үн чоғлик тошбақа йўлни кесиб ўтапти. Шофёр уларни кўрмади, шекилли, босиб ўтиб кетди. Салима орқа ойнадан қаради. Тошбақаларга ҳеч нарса қилмапти. Шофёр кўрган, атайин босиб ўтган экан.

– Нима деб ўтирибсиз, опа, – деди. – Самосвал босиб ўтса ҳам ҳеч бало урмайди. Бир марта семон ортилган самосвал тошбақани босиб ўтганди, ўлди-ёв, деб кабинадан тушиб қарасак, ҳеч нарса бўлмагандек пилдираб кетяпти.

Йўлга тош қулапти. Ўтиб бўлмай қолди. Шофёр нима қилишини билмай, ҳайрон бўлиб турган эди, тепаликдан устига бир қоп анзур пиёз ортилган эшакни етаклаб бир чол тушиб келаётганини кўрди. Чол улар ёнига келганда ўзи гап бошлиди:

– Жўлни тас басқан. Сувдан кешиб ўтингиз. Аржаги тоза жўл.

Шофёр унга раҳмат айтиб, машинани тисариди, сал орқага берди-да, пастликка қараб юргизди.

Сув тиник эди. Тоф суви шундоғам тиник бўларди. Айниқса, куз кириб, янада тиникипти. Тагидаги тошла-

ри санаса бўладиган даражада аниқ кўринади. Машина сувда озроқ юргандан кейин яна юқорига – йўлга чиқиб олди. Чол айтганча, йўлнинг бу томони текис эди. Машина силкинмай, равон борарди. Чамаси, икки километрча юрганларидан кейин тепалиқда Асқаралининг чодири кўринди.

– Етдик, опа.

Шофёр шундай деди-ю, Асқаралининг «Моск-вич»и очган сўқмоқдан юқорига энди кўтарилаётган эди, ўн беш чоғлик ёввойи мушук мотор товушидан чўчиб, тўрт тарафга тирақайлаб қоча бошлади. Шофёр билан Салима пастга тушишди. Ёввойи мушуклар орасида Мош ҳам бор эди. У оғзида тишлаб кетаётган бир парча гўштни ерга ташлаб, ўгирилиб қаради. Салимани таниди. Яна гўштни тишлаб, у томонга кела бошлади. Бошқа мушуклар тошлар тепасида уларга жуда хунук қараб туришарди.

– Ҳа, ўлгур, юрибсанми? Ўз тирикчилигинг ўзингга қолдими?

У шундай деб Мошнинг бўйинларидан силади. Ёввойи мушуклар яна боя қочган жойларига ёпирилиб кела бошладилар. Шофёр бу ерда нима гап бор экан, эчкими, кўйми ўлган бўлса, ёввойи мушукларга ем бўляпти шекилли, деб ўйлади-да, ўша томонга юра бошлади. Ёввойи мушуклар одам шарпасидан яна қочишиди.

Салима Мош билан овора эканлигидан, шофёрнинг қайтиб келганини сезмаганди. Унинг ранги ўчган, қалтқалт титрарди. Ияги силкиниб, гапиролмай қўли билан мушуклар қочган тарафни кўрсатарди.

Салима ҳайрон. У нима деяпти? Нима бўлди ўзи?

У шофёр кўрсатган томонга юраётган эди, билаги-дан ушлаб тўхтатди.

– Борманг, борманг, – дея олди зўрга.

Салима тўхтади.

– Акам, – деди титраб-қақшаб шофёр. – Ўлиб ётибди...

Салима унинг гапини охиригача эшитмади. Ўша томонга ўқдек отилиб кетди. Оркасидан Мош ҳам югурди. Шофёр бормади. Боришга юраги бетламасди. Бир оздан кейин Салиманинг аламли қичқириғи бир эшитилди-ю, тинди. Бошқа овоз чиқмади. Шофёр шошиб, ўша томонга борди. Салима ўзидан кетиб йиқилган, Мош ҳамон гўшт чайнар эди.

Аскарали ёнбоши билан ётиб қолган. Унинг кекирдаги, кўкраги, қорни ғажилган.

Бундай пайтларда эркак киши дадилроқ бўлади. Шофёр ўзини ўнглаб олди. Салимани кўтариб четга слиб, тошга суяб ўтқизиб қўйди. Нима қилишини билмай бир дам ўйланиб турди-да, илдамлик билан орқасига қайтиб, машинага ўтирди. Келган йўлидан жадал кетди.

Орадан сал вақт ўтиб, чўпонларни бошлаб келди. Бир чўпонни совхоз идорасига хабар беришга юборди.

Салима ҳамон қимиirlамай, тошга суянганча ўтирипти. Мош шапиллатиб гўшт чайнайди. Чўпонлар ҳам нима қилишларини билмай, анча вақтгача серрайиб туриб қоли什ди.

Бир чўпон, опанинг юзига сув сепинглар, деди.

Йўл ўртасида иккита пакир ётарди. Биттасида сув олиб келишди. Салиманинг юзига сепишиди. Салима уйқудан уйгониб кетгандек, чўчиб кўзини очди. Оёғига ишқаланаётган Мошни тепиб юборди. Мош норози бир

овозда миёвлади. Асқаралининг жасади устига чопон ёпиб кўйишди. Ҳеч кимдан садо чиқмасди.

Мирвали «Нива»да участка милицияси билан келди. Жасаднинг бетини очиб қаради. Асқарали кўкрагидан машина сикиб, энтикиб-ентикиб жон таслим қилганда оқиб тушган кўзлари ўшандайлигича қолган. Мирвали унинг бетини ёпди. У кўп ўлимларни кўрган, мурдадан чўчимайдиган бўлиб кетганди.

– Мушукларни қириб ташлаш керак. Яқиндан бери тоғда одамхўр мушуклар пайдо бўлган. Бу ўшаларнинг иши, – деди Мирвали чўпонларга қараб.

Чўпонлар унинг гапини тасдиқлашди.

– Мушук инсонга дўст бўлмайди, – деди биттаси.

– Мушукларнинг нияти ёмон бўлади. Боланг ўлсин, тиззангда ўзим ўтирай, деркан.

Салима гўшт чайнаётган Мошга ўқрайиб қаради. Ўрнидан туриб, ердан тош олиб, унга жон-жаҳди билан отди. Тегмади. Мош қочди. Баланд тош устига чиқиб, бағрини берганича, уларга ёмон тикилиб тураверди.

– Чодирдан кўрпа олиб тушиб ўранглар, – деди Мирвали. Кейин Салиманинг олдига келиб, ҳамдардлик билан деди:

– Опажон, қандоқ қиласиз. Пешонасига тогтошларда ўлиш битилган экан. Чидамай иложимиз йўқ.

Салима индамади. Ахир, шунча йил бирга яшашди. Бирон марта бири-бирини сен демади. Армия ҳаётининг мураккаб йилларини бирга баҳам кўришди. Асқарали хизмат қиласиган қисм қайга кўчса, Салима ҳам бирга кўчди. Бирон кун уни ёлғиз ташлаб кетмади. Фарзандлизикдан куймасин, деб унга боладек эркаланди. Эрмак

бўлсин, деб мушук боқди. Қайга борса олиб юрди. Мана шу мушук унинг қўксини ғажиди. Тилка-пора қилди.

Шу топда Салиманинг кўзи олдидан бутун умри бирма-бир ўтди. Ана энди тамом. Тоғ-тошлар орасида Асқарали умр йўлини тамом қилди.

Асқаралини РАФ машинасига олишди.

– Опажон, сизлар кетаверинглар. Бу ерда қолган юкларни ўзим жўнатаман. Машинасини ҳам ҳайдаб олиб бориб берамиз. Совхоздан жанозага одам жўната-ман. Кам-кўстингиз бўлса айтинг, тортинманг...

Мирвалининг гапи оғзида қолди. Салима биргина «раҳмат» сўзи билан унинг гапини бўлиб қўйганди.

– Мана шу мушукни йўқотинглар. Шуни кўрмай.

Ҳамма тепада тошга бағрини бериб ётган Мошга қаради. У одамларга ёмон тикилиб турарди. Участка милицияси ёнидан тўппончасини чиқазиб, уни мўлжалга ола бошлади.

Мирвали унинг қўлини қоқиб ташлади.

– Тўппонча билан уриб бўлмайди. Шошмай тур.

У шундай деди-ю, машинадан қирқма қўшоғиз милтиқни олди. Қўндокни елкасига тираб туриб, иккала тепкини баробар босди. Тоғ-тошлар гумбурлаб кетди. Мош пастга юмалаб тушди. Икки-уч марта оёқ қоқди-ю, жим бўлди.

Баданга игнадек санчиладиган кеч кузги тоғ шамоли эсди. Тепада эгасиз қолган чодир силкинди.

РАФ жўнаб кетди. Чўпонлар орқадан маъюс қараб қолишиди. Мирвали ҳеч кимга қарамай, машинасига ўти-раркан, орқасига ўгирилди.

– Боринглар энди. Тоғда қанча мушук бўлса, барини отинглар. Битта қолмасин. Қанча ўқ сарф қилсанглар, мен тўлайман.

У йўлда кетаркан, ўз қилмишларини мушукларга тўнкаб юборганидан мамнун эди. Аскаралининг ўлимини энди ҳеч кимдан гумон қилишмайди. Одамхўр мушукларга тўнкайверишиади.

Кўнгли хотиржам бўлган Мирвали магнитофон тугмасини босди. Алиматов сатода «Чўли ироқ»ни ижро этарди. Мирвали дарров ўчириб қўйди. Бу куй унга Аскаралининг оқиб тушган кўзларини эслатди.

Мирвали бугуннинг ўзида икки одамни ўлдирди. Иккови ҳам унга отаси қилмаган яхшиликларни қилганди.

Расулбек унинг ҳисобсиз бойликларини қўрикларди. Унга вафодор кулдек хизмат қиласарди. Мирвали уни ана шунинг учун ўлдирди. Унинг олдига дастурхон ёзиб, ҳисобсиз бойликларни, шу ҳаммаси сеники деб, машинада ҳам опкетиб бўлмайдиган даражада кўп гиламларни совға қилиб, тоғ ортидан олиб келган пулларни ҳам, менга қилган яхшиликларинг учун сенга бердим, деб уни ғордаги ишратхонада портлатиб юборди.

Аскаралини нега ўлдирди? Тоғ камарига яширган пўлат сандифини топиб бергани, уни то боғгача опкелиб бергани учун ўлдирди.

Одам боласи бирорга ҳеч қачон бекорга яхшилик қиласади. Шу яхшилик тагида, албатта, бир хиёнат, ёвузлик яшайди, деб ўйларди Мирвали. Кимdir сенга яхшилик қилдими, албатта, дилида бир кир нияти бўлади. Шунинг учун ундан фойдаландингми, ўша захоти уни йўқ қил.

Мирвалининг шиори ана шундай эди.

## XVIII

Жайрона Қоҳирада кўйлак сотиб олганди. Уйга келиб, кийиб кўрса, елкаси сал кенгга ўхшади. Тошкентга борганда тузаттириб оларман, деб чемоданга ташлаб кўйганди. Якинда ўша кўйлакни ательега олиб борди. Бичиқчи хотин унга таниш эди. У Жайронага, қалай, Шефнинг туғилган кунларини яхши нишонладингларми, деб сўраб қолди.

Шеф Москвада эди. Наҳотки туғилган кунини ўзи йўғида нишонлашган бўлса. Жайрона ўзини гўлликка солди.

– Мен Самарқандда эдим. Бугун эрталаб келдим. Яхши нишонлашган бўлса керак. Буни сиз қаёқдан била колдингиз?

– Шофёрлари бизнинг хўжайниндан иккита қўйни сўйдириб, калла-почаси билан олиб кетган экан.

Бичиқчининг эри гўшт комбинатининг директори эди.

Жайрона Луқмоновнинг шофёри лейтенант Мардон Рўзиевнинг баъзи олғирликларидан воқиф эди.

Луқмонов бунақа жойларга нарса сўраб одам юбормасди. Таъминот ишлари билан шуғулланадиган одамлари бор. Лейтенантнинг баъзи ишлари тўғрисида унчамунча гаплар Жайронанинг қулоғига чалиниб қоларди. У базаларга бориб, пул тўламай сархил моллар олиб кетишини, хўжайнин юбордилар, деб арақ-винолар, ширинликлар ундиришини, Кўйлиқдаги шоличилик тажриба станциясидан Шефнинг уйларида гуруч қолмабди, деб шоли окладиган тегирмонда торттириб уч қоп гуруч олиб кетганини, Шефнинг уйларига Москва, Ленинград, Киев томонлардан генераллар келяпти, деб

корейслар колхозининг бедана фермасидан аллақанча беданани тозалатиб, ўн кути тухумини олиб кетганини айтиб беришган эди.

Якинда, ўз таъбири билан айтганда, пулга чўмиладиган майший хизмат комбинатининг директори олдига бориб, унга астойдил бир яхшилик қилмоқчилигини айтди. Директор аввалига қанақа яхшилик экан, деб ҳайрон бўлди.

– Шеф мажлисга кириб кетганларида папкаларини машинада қолдирадилар. Қани, папкада нима бор экан, деб очиб қарадим. Айтаверайми, сиз қўрқманг, ўзингизни тутиб туринг, хўпми? Очиб қарасам денг, сизни қамоққа олиб тергов қилиш тўғрисидаги қарорнинг қоралама нусхаси.

Директорнинг рангида ранг қолмади. Кўзлари аланг-жаланг бўлиб қолди.

– Ташвишланманг, – деди Рўзиев. – Ҳужжатга ҳали имзо чекилмаган. Уни машинкадан чиқазиб, кейин имзо чекади. Сиз менга қўп яхшиликлар қилгансиз. Текинга туфлилар тикдириб бергансиз. Ана шунинг учун ҳам сизни огоҳ қилиб қўйиш учун олдингизга келдим. Қўпам диққат бўлаверманг, тўғриласа бўладиган иш. Бир ҳаракат қилиб кўрамиз. Ўртага тушсам, мени хижолат қилиб қўймайсизми? – дейди лейтенант. – Лекин, бу катта чиқим билан бўладиган иш. Гаплаш, десанғиз гаплашаман. Яхшилаб ўйлаб, кейин айтинг.

– Гаплашинг. Чиқимдан қочмайман, – деди умидворлик билан директор.

– Бугун гаплашиб, эртага натижасини айтаман. Ҳар эҳтимолга қарши айтганингизни эрталабга тайёр қилиб туринг. Мени ҳам қуруқ қолдирмассиз.

– Бегники бежоғлик, дейдилар. Хамир учидан патир. Манави гулли баҳмални хонимингизга олиб боринг.

Лейтенант кетаётганда директор:

- Ишонса бўладиган гапми? Хотиржам ухлайверай-ми, – деди бу ишониш қийин ишдан гаранг бўлиб.
- Ухлайверинг, ҳатто хуррак ҳам отишингиз мумкин, – дея Мардон Рўзиев кулиб чиқиб кетди.

Эрталаб лейтенант илжайганча кириб келди. Ди-ректор кечаси ухламаган шекилли, қовоклари шишган, озроқ ичганга ўхшарди. Лейтенантни кўриши билан шошиб:

- Нима бўлди, – деб сўради. – Иш битдими?
- Бу дунёда битмайдиган иш борми? Қаловини топсанг, қор ёнади, дейдилар. Қорни ёндирадиган қалов мана бу.

Лейтенант бош бармоғини кўрсаткич бармоғига ишқаб кўрсатди. – Табриклайман. Ишлар битди. Агар бу гапнинг ҳидини чиқазсангиз нима бўлишини биласизми. Туя кўрдингми, йўқ, қабилида иш тутинг.

Директор, мана элликта, деб қоғозга ўралган пулни унинг қўлига тутқазди.

- Нима, ёмон даллол ёнидан, деб шуни айтадилар-да. Қолган элликтани ёнимдан бераманми? Бўпти, ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолсин. Ишимиз битмади, Оллоҳу акбар, деб қўя қолайлик.

Директор стол тортмасидан худди боя узатгандек қоғозга ўроғли пулнинг яна биттасини столга ташлади.

- Мана, яна элликта. – У шундай деб ёнини ковлаб, ғижимланиб кетган эллик сўмликларни бармоғига туфлаб санай бошлади. Санаб бўлгандан кейин, – бу сизга, – деб лейтенантга узатди.

Шу билан иккови ўртасидаги олди-берди тугади. Лейтенант чиқиб кетаётганда битта гап айтди, холос. «Хатто хотинингиз ҳам билмасин».

Рўзиев ниҳоятда гапга чечан, ҳар гапига мақол кўшиб гапирадиган, ўқиган китоби миясига муҳрланиб қоладиган, хотираси кучли одам эди. Шеф мажлисгами, коллегиягами кириб кетганча икки-уч соат қолиб кетарди. Шундай пайтларда у вақтини китоб ўқиш билан ўтказарди. Министрлик гаражидаги шофёрлар китобга қараб туришарди. У ўқиганини ёддан, нуқта-нуқтаси билан, вергул-вергули билан ёддан айтиб берарди. Битта ҳам хато қилмасди. Китобга қараб текшириб турғанлар у ёддан ўқиб бўлғандан кейин, койил, қойил, деб чапак ҷалиб юборардилар.

Унинг бу қобилиятини Жайрона зимдан кузатиб юради. Изма-из юриб, унинг қаёққа борганини, кимдан нималар олганини аниқ билгандан кейин ўзи билан очиқласига гаплашди.

Жайрона бунақаларнинг кўпини кўрган, тилига пишиқ, ўлақолса сирини бермайдиганларнинг қанчадан қанчасини илинтирган эди.

Жайрона унга, қилиб юрган ишларингизни Лукмонов билиб қолишидан кўркмайсизми, – деди.

– Билмайди, – деди ишонч билан лейтенант.

– Борди-ю, мен айтиб қўйсам-чи?

Лейтенантнинг тилига гап келмай қолди.

– Сиз ундин қилмайсиз. Яхши одамсиз.

– Шу сиз айтган яхши одамнинг сизга жиндек хизмати бор. Агар кўнсангиз, атиги ўн кунгина менинг ихтиёrimda бўласиз. Нима десам, шуни қиласиз. Йўқ де-

сангиз, ихтиёр ўзингизда, қилиб юрган ишларингизни оқизмай-томизмай унга айтаман.

Лейтенант ёмон ахволга тушиб қолди.

– Бир кун муҳлат беринг, ўйлаб кўрай, – деди.

Жайрона бу ишда ютиб чиқишига ишонарди. Хўп, демай, иложи йўқ унинг Жайронанинг уйи «Яшил гумбаз» кафесининг тўғрисида. Ички ишлар вазирлиги пиёда юрганга икки минутлик йўл. Шофёрлар ҳар куни кафедан сомсами, кабобми олдириб келиб тушлик қилишарди. Жайрона лейтенант билан биринчи қаватдаги аптекада учрашди. Лейтенант ўйлаб-ўйлаб рози бўлишга қарор қилганини айтди.

Ўн кун кутиш шарт эмас. Мирвали билан Луқмонов ўртасидаги бўлаётган сухбатни аник қилиб айтиб берса бўлди. Шу яқин орада иккови, албатта, учрашади.

Орадан уч кун ўтиб, Жайрона кутган кун келди. Луқмонов Мирвали билан учрашди. Боғнинг бу томонида Маҳкамов Толибжон билан гаплашяпти. Толибжон бошидан ўтган оғир мاشаққатли кунларни айтиб беряпти.

Боғнинг бу томонида, Мирвалининг руҳсатисиз биронта одам киролмайдиган сокин боғда Луқмонов билан Мирвали қандайдир жиддий бир гапни қизишиб гаплашияпти.

Уларнинг сухбати икки кишилик театрга ўхшарди. Иккови ҳам teng хуқуқли бош ролни ижро этишмоқда. Лейтенант Рўзиев эса пардани очиб-ёпадиган, тўлиб қолган кулдонни тўкиб келадиган, совиб қолган чойни тўкиб ташлаб, янгитдан қўйиб кўядиган дастёр ролини бажармоқда.

Ташкаридан мабодо бирор одам карагудек бўлса, бу икки киши ўртага пул уйиб кўйиб қимор ўйнаяпти, дейиши мумкин эди. Бирок ўртага уйиб кўйилган пул эмас, аллақачон марҳум бўлиб кетган чўпон Равшанбекнинг руҳи эканини ҳеч качон хаёлига ҳам келтиролмасди.

Лейтенантнинг ёлланган муддати эртага тугайди. Айтадиганини бугун айтиб берса, бўлди, шундан кейин унга раҳмат айтиб, жавобини беради.

Боғнинг бу томони жимжит. Лейтенант машинанинг орка ўриндиғида ухляяпти. Ташқарига чиқиб қолган оёғидаги кўпдан ювилмаган пайпоғини пашиша талајапти.

Жайрона унга бирпас қараб турди-да, машина ойнасини чертди.

– Мумкинми?

Лейтенант шошиб машинадан чиқди. Кўзларини ишқаб, хижолатлик билан узр сўради.

– Ювениб олинг-да, биз ўтирган жойга боринг. Кўрқманг, эҳтиёт чоралари кўрилган. Орқангиздан ҳеч ким кузатмайди. Ўзингизни яхши тутинг. Шахсан оқсоқол отанинг ўзлари гаплашадилар. Бу жойда прокурорлар, Олий суд вақиллари, Давлат хавфсизлигидан келган кишилар ўтиришибди, секадан ҳам одам бор.

Тортиниб, ийманиб кириб келган лейтенантни оқсоқол ота таништириди.

– Министр Луқмоновнинг шофёри, лейтенант Мардон Рўзиев.

Лейтенант ер ёрилмади-ю, ерга кириб кетмади.

– Бу укамиз бўлаётган ишларнинг жонли гувоҳи. Ҳамма гапи рост. Қани, лейтенант, бугун Шефингиз билан Мирвали ўртасида қандоқ гаплар бўлди? Битта қолдирмай ҳаммасини айтиб беринг, – деди оқсоқол ота.

Лейтенант шундоқ катта мартабали улуғ одамлар олдида ўз бошлиғига хоинлик қилиши кераклигидан хижолат бўларди. Умуман, лейтенант машинада ётиб олиб, китоб ўқигани-ўқиган эди. Сотқинлар тўғрисидаги романларни ҳам кўп ўқиган. Лейтенант ўзидан ўзи жирканиб кетди. Бу кунимдан ўлганим яхши эди. Ўғрилик қилиб қўлга тушганим, оломоннинг калтагини еганим минг марта яхши эди, деб афсус-надоматлар чекди. Энди бу пушаймоннинг фойдаси йўқ. Бугун, бундан бир неча дақиқа олдин бўлган сұхбатни, қандоқ бўлса, ўшандоқ қилиб, оқизмай-томизмай айтиб беришга мажбур. Унинг биринчи гапи шу бўлди:

– Бугун Луқмонов билан Мирвали ўртасида ўлик савдоси бўлди.

У шу гапни айтди-ю, худди сонига оловда тобланган тамға босилаётган отга ўхшаб, пишқириб юборди.

Лейтенант Мардон Рўзиев ҳозир айтадиган гапларни, сиз муҳтарам китобхон, ўз кўзингиз билан кўриб тургандек бўласиз. Чунки унинг хотири тиник бўлишидан ташқари, гапларининг мантиқи, далил-исботлари ниҳоятда кучли, аниқ, рад қилиб бўлмас даражада пишик эди. Кўрган нарсаси кўзида муҳрланиб қолар, эшитган гапи қулоги ичига кириб олар, қайтиб чиқиб кетмасди.

У кўп китоб ўқиганиданми ёки детектив романлар таъсириданми ўзи кўрган-билган воқеаларни жуда қизиқарли қилиб айтиб бериш қобилиятига эга эди. Азиз китобхон, келинг лейтенант Мардон Рўзиевнинг ҳикоясига қулоқ тутайлик.

...Мирвали билан Луқмонов арчазордан чиқишиди. Атрофда ҳеч ким йўқ. Луқмонов ўтиришга жой излаб

кatta оппoқ бир тошга кўзи тушди-ю, бориб ўтиrmоқчи бўлди. Чанг эмасми, деб бармоғи билан сидириб кўрган эди, тоза экан. Ўтиrdи.

Бу жойдан олис тоғлар, пистазорлар, ёнғоқзорлар куюқ туман ичидагуда жудати бўлиб кўриниб туради.

— Хўш, гапни нимадан бошлай, оғайнини, — деди генерал.

— Ия, — дея унга қаради Мирвали. — Шунчалик гап кўпми, нимадан бошлашни билмаяпсиз?

— Кўп. Жуда кўп. Тонг отгунча гаплашсак ҳам тугамайдиган гаплар.

Мирвалининг юрагини ваҳм босди. Кейинги бир-икки йил ичидаги қилган ишлари кўз олдидан ўта бошлади. Қай биридан хабар топди экан? Агар ёмон нияти бўлса, мен билан гаплашиб ўтирасди. Биттасига буюрарди, зинғиллатиб олдига солиб олиб бораарди. Ё каттамизга тушунтириб, бошимга минг бир балони соларди. Йўқ, у бошқача йўл тутяпти.

Довонга кўтарилишда ўнг томонда бир машина сиғадиган йўл бор. Бу йўл охирида каттагина сахнни эгаллаган теракзор. Мирвали шу Луқмоновнинг илтимоси билан кичкинагина, атиги беш хонали дачага курган. Унда министрликдан келган генераллар, полковниклар дам олиб кетарди. Бошқа кунлари район милицияси ходимлари ичкиликбозлик қиладиган жойга айланиб қолган эди. Бу иш қўнглига ўтирамаган Мирвали дачага олиб борадиган йўлни бузиб, хоналарни кулфлаб ташлади. Балки Луқмонов шунинг аламини олмоқчиidir... Шунинг учун уни четга тортиб, айтмоқчи бўлган гапларини эсига солаётгандир. Ё дўпписи тор келиб қолган, ё мени шилмоқчи, деб ўйларди.

— Менга қаранг, Мирвали, ҳозир жонингиз менинг кўлимдалигини биласизми?

Луқмоновнинг бу гапи Мирвалига малол келди. Ахир у кимсан, Олий Совет депутати, Қаҳрамон, қолаверса, Биринчининг энг яқин кишиси. Бу генералчага мунақа гаплашишга ким ҳукуқ берди?

— Нима? — деди Мирвали зарда билан. -- Мени қўрқитмоқчимисиз? Овора бўласиз!

Луқмонов ўрнидан туриб кетди. Мирвали ҳам турди. Бир бирини тепмоқчи бўлиб турган иккита хўрозга ўхшарди улар.

— Менга қара, гўдак! Сени уч модда билан айблайман. Бири кекирдагингдан, бири киндигингдан, яна бири оёғингдан дорга осадиган айблар. Агар биттасини айтсам, оёқларим тагида эмаклаб юришга ҳам рози бўласан.

Мирвали бўшашибди. Модомики, у шу хил баланд келаётган экан, демак, қўлида рад килиб бўлмайдиган далиллар бор.

— Айтинг! — деди Мирвали сал ён бериб. — Айтаверинг. Чўзманг.

Иккови яна тошга ўтиришибди. Луқмонов кўп маҳбусларнинг терговида қатнашган, генерал формасини кўрганда қалт-қалт титраганларнинг кўпини кўрган эди. Аммо манави, ҳеч кимга бўйин бермайман, деб турган олифтанинг чиранишлари совун кўпигидек ёрилиб кетишини ҳам биларди.

— Биринчининг оёғига йиқилиб, илтижо қилган кампирнинг ўғлини танийсанми? Анави йўқ бўлиб кетган чўпонни...

— Биламан, — деди Мирвали.

– Шуни сиз ўлдиргансиз! Мана шунинг учун сиз бўйнингиздан осиласиз.

– Тухмат қиляпсиз. – Мирвали ҳеч чўчимасдан, унинг кўзларига тик қараб айтди бу гапни.

– У оддий чўпон эмас эди. Буни яхши биласиз. У сизни кинлигингиздан осадиган гунохингиздан хабарлор эди. Учинчиси – оёғингиздан осадиган гунохингизни бир оздан кейин айтаман. Аввал биринчисини ҳал қилайлик – У шундай деб ён чўнтағидан каттиқ муқовали дафтарча олиб, ичидан бир сурат чиқазди. – Манави ўша чўпон Равшанбекни ўлдириб, ўнгирга ташлаб кетганингизда олинган сурати. Шундан гаплашайлик. Хўш, нима қиласиз? Нима қилишимизни ўзингиз айтинг. Сиз айтганча бўлади. Агар келишолсак.

Мирвали ўзини ўнглаб олди. Аввалига унда рад қилиб бўлмайдиган далиллар бор, деб ўйлаб сал-пал чўчиған эди. Энди уни лақиллатмоқчи бўлди.

– Менга қаранг, ака. Хўш, шундок бўлган, дейлик. Қандоқ қисам, сиз айтган дорга бўйнимдан осилмайман?

Луқмонов жавоб ўрнига бош бармоғи билан кўрсаткич бармоғининг учини бир-бирига ишқаб кўрсатди.

– Қанча? Битта етадими?

Луқмонов яна овоз чиқазмади. Уч бармоғини кўрсатди.

– Бу кўп, – деди Мирвали.

Луқмонов, сиз билан келишолмадик, деб ўрнидан турди. Мирвали унинг кители этагидан тортиб ўтқазди.

– Бўпти. Розиман. Лекин хужжатларни қўлимга берасиз.

– Розиман, – деди Луқмонов.

– Энди иккинчисини... Киндигимдан осадиган гуноҳимни айтинг.

Луқмонов дафтарчасини олиб, ёзувларини ўқий бошлади.

– Совхозда эллик минг эчки бор, деб хужжатлаштиргансиз. Аслида етмиш минг эчки бор. Сиз ҳар йили эллик минг эчки туғилади, деб хужжатлаштиргансиз. Аслида, етмиш минг эчкидан йигирма минги така бўлиб, эллик минги иккитадан туғади. Ҳар йили бор эчкилар ёнига юз минг эчки қўшилади. Сиз йилига эллик минг эчкини тоғдан ошириб савдога ўтказасиз. Ҳар бир эчкига арzon-гаров нарх қўйиб, йигирма сўмдан пуллайсиз. Эллик минг эчки йигирма сўмдан неча пул бўлади? Ҳисобини ўзингиз биларсиз? Бир миллион сўм бўлади, тўғрими? Мен сизнинг тонна-тонналаб сотадиган тивитларингизни ҳисобга киритмаяпман. Ундан ҳам икки-уч юз минг даромадингиз бор. Хўш, буларни нима қиласиз? Ё гувоҳларни чақирайми?

Мирвали ҳар қандай танг пайтда ҳам ўзини йўқотмасди. Рақиби олдида ҳеч қачон паст келмасди. Аммо бу гал озроқ ён бермаса бўлмасди.

– Хўш, нима қиласиз? – деди Луқмонов.

– Нархини айтинг, – деди у аста таслим бўлиб келаётганини унга сездирмай.

– Сиз айтинг!

Мирвали битта бармоғини кўрсатди. Генерал, энсаси қотгандек лабларини буриб, учта бармоғини, Мирвали иккитасини кўрсатди. Генерал ҳамон учтасини кўтариб турарди.

– Бўпти. Мени шилишга келган экансиз. Энди оёғимдан осадиган гуноҳимни айтинг.

Луқмонов чап чўнтағидан қалам билан чизилган ҳаритага ўхшаган қофозни олиб, тош устига қўйиб, буқланган жойларини бармоқлари билан текислаган бўлди.

– Нималигини биляпсизми?

Мирвали билмади.

– Яхшилаб қаранг. Майдонтолдан бошланган йўл. Буёғи қаёққа олиб боради? Қани, яна бир қаранг! – Мирвали бир қараашдаёқ билди. – Бу гордаги пинҳона ишратхона йўли. Ичида нималар борлигини айтиб берайми? Видеомагнитофондаги ленталарда кимлар ва нималар суратга олинганини ҳам айт, десангиз айтиб беравераман.

У шундай деб тош устига бир даста сурат ташлади. Мирвали суратларни бир-бир кўра бошлади. Ҳамма хоналар алоҳида-алоҳида суратга олинган. Видеодаги беҳаё фильmlар ҳам фотога ўтказилган.

– Йўл эсингиздами ё ўзим оборайми? – деди Луқмонов. – Калит идорада, сейфда қолган десангиз, мен калитимни бериб туришим мумкин.

Генерал чўнтағидан иккита калит олиб, жаранглатиб тош устига ташлади.

Унинг далилларини асло рад этиб бўлмасди.

– Биламан, – деди Мирвали ғазаб билан. – Бу Жайронанинг иши. Қўлимга тушарсан! Киндигигача тиламан.

– Хўш, буни нима қиласми?

Мирвали индамади. Ҳали ҳам ғазаб ўтида қовриларди.

– Хўш, буни нима қиласми? – деб такрорлади генерал.

– Нархини айтинг! – деди жаҳл билан Мирвали.

- Бу иш пул билан битмайди.
- Бўлмаса, нима билан битади? – деди Мирвали унга савол назари билан қараб.

Луқмонов бир муддат тек қолди. Кейин деди: – Щу жойни менга берасиз. Вассалом. Шунда оёғингиздан осилишдан кутуласиз.

- Берганим билан сиз бу жойларга боролмайсиз. Неча жойга шлагбаум қўйганман. Ундан ташқари, сиз элга таникли одам бўлсангиз.

- Бу томонидан хотиржам бўлинг. Вертолётни ни-мага чиқазган.

- Шартингизга рози бўлишдан олдин битта гап сўрай-ман. Очиғиии айтинг, бу Жайрона дегани қандоқ бало?

– Гапни кавлаштирунг.

- То шу жувонни бир кечада бағримга босмас эканман, ўлсам армоним ичимда кетади.

Луқмонов хандон ташлаб кулди.

- Чучварани хом санаманг, Мирвали. Бу Жайро-на ҳали қиз бола. У ҳатто Эронда Зохир шоҳни ҳам лақиљатиб кетган. Сиз ким бўпсиз?!

Мирвали,вой-бу, деб юборганини билмай қолди. Генерал ўрнидан турди.

- Бу ерда пулингиз йўқдир. Мен кириб, бироз ухлаб олай. Унгача сиз бориб олиб келинг. Мен, одатда, бу-гунги ишни эртага қолдирмайман.

– Хужжатлар нима бўлади?

- Сиз берадиганингизни беринг, хужжатлар ўша заҳоти бўлади.

- Сиз менинг ўрнимда, мен сизнинг ўрнингизда бўл-сам, бўйнингизга олти юз минг сўм юклаб қўйсам, худди менга ўхшаб индамай бераверармидингиз?

Лукмонов оркасига кайтди. Кутылмаган бу сүрокка бирдан жавоб беролмай, пича ўйланиб турди.

— Албатта, берардим. Биласизми, Мирвали, бу бир кимордек гардкам иш. Омад бир сизга, бир бошқага келади. Омадинг келдими, ол, омадинг кетдими, бер. Мана шунда ўғил болача иш бўлади.

— Раҳмат, — деди Мирвали. — Сиздан худди шундай жавоб кутгандим. Мен пулни олиб келгани кетдим.

Мирвали шундай деб машина томон юрди.

Лукмонов унинг ҳалиги сўроғига унча эътибор бермади. Сўроқ тагида қандок сир-синоат ётганини ўйлаб кўрмади. Хотиржам ётотка кириб кетди.

Мирвали ҳеч қачон, ҳеч кимга ем бўлган эмас. Генерал хамирдан кил суғургандек килиб ундан олти юз минг оламан, деб ишонди. Тортишмаганига, савдолашмаганига, ақалли бирон марта ундоқ эмас, деб эътиroz билдирмаганига ҳайрон бўлмади.

Мирвали йўл-йўлакай ўйлаб бораради:

«Мени сигир килиб соғса бўлаверадиган лакма деб ўйлаяпти, шекилли. Ҳали қараб тур, ўзингни шилиб, шир яланғоч қилиб кўйганимни билмай коласан. Лекин сен абраҳ унча-мунча гунохларимни биласан. Биламан, кўпдан кузатасан. Қадамимни санаб юрибсан. Сен шоҳида юрсанг, мен баргида юришимни билмайсанми? Жайронани қўлга олдингми? Ишратхонанинг калити қўлингга қайдан тушди? Ундан факат икки нусха бор эди. Бири Расулбекда, бири менда эди. Уни ўзимизнинг устахонада юонон устасига ясатганман. Равшанбекнинг ўлимини менга ёпиштирмокчимисан. Шошма, унинг ўлигини бўйнингга шундай осиб қўяйки, қаёққа борсанг, кўриниб турсин...»

Равшанбек охирги марта довон ортига эчкى ҳайдаганда йигирма кун уйига келмаган эди. Кунорат оркасига эчкى ҳайдаб, чангга беланиб, сүкмокларда юаркан, уйига сира боргиси келмасди. Унга хиёнат қилган Бодомгулни күришга тоқати йўқ эди. Йигирма кундан бери ҳайдаётган эчкilar ҳисобда йўқлигини Равшанбек биларди. Аммо бу тўғрида бировга лом-мим деб оғиз очишга қўрқарди. Унга шерик бўлиб бориб келаётган Расулбек олди-сотдига аралашмай четда туради. У ана шунаقا, қилган ишидан из қолдирмайдиган уста эди. Уч юз минг сўмни ушлаб ҳам кўрмади. Нима бўлса, Равшанбек бўлсин, деб ўзини эҳтиёт қилди.

Равшанбек сўнгги отарни «эгаси»га топшириб келаётганда ҳам Расулбек у билан ёнма-ён қайтмади. Ундан тахминан икки-уч юз метр орқада коралаб келаверди.

Равшанбек чарчаган, бутун вужуди чангта беланган, отда мудраб келарди. Замбуруғ қоя тагидаги камарда милиция капитани уни кутиб турганини билмасди. Камар оғзида капитан йўлини тусди. Равшанбек довдираб қолди. Орқада Расулбек ўзини панага олди. Капитан тўппонча ўқталиб, Равшанбекни отдан туширди. Расулбек бўйнидаги фотоаппаратини олиб, узоқдан оладиган обектив кўйди. Равшанбек то отдан тушгунча икки марта суратга олди. Капитан от эгаридағи хуржунни кўрсатиб, нимадир деди. Равшанбек оркасига тисарилди. Капитан хуржунни эгардан тортиб туширди. Ичидагиларни ерга тўкди. Пачка-пачка юз сўмликлар ерга тушди. Расулбек тинмай суратга олаверди. Капитан Равшанбекка нимадир деб бақирди. Равшанбек энгалиб, пулларни хуржунга сола бошлади. Шунда капитан унинг бошига гуваладек тош билан урди. Равшанбек муккаси билан

йиқилди. Капитан пул тұла хуржуини елкалаб, униң жасадига қаради. Кейин оёғи билан суриб, уни пастилника тепиб юборди. Ана шундан кейин капитан ёлғиз оёқ йўл билан жадал юриб кетди.

Расулбек бу воқеани ўз кўзи билан кўрибгина қолмай, ўн беш чоғлик фото кадрга муҳрлаб қўйганди.

Мирвали қайтиб келганда Луқмонов олдига папирос кутисидек магнитофон қўйиб, ўзи яхши кўрадиган ҳофиз кўшиқларини эшитиб ўтиради. Мирвали йўталгандан кейин бошини кўтарди.

– Бўлдими?

– Бўлди, ака, – деди Мирвали.

– Машинангизни менинг машинамга ёнма-ён килиб кўйинг. Ўша жойда гаплашамиз. Луқмонов кабинадан бир жигарранг папка олиб, Мирвалига салмоқлаб кўрсатди. Кейин машина юкхонасини очиб қўйди. Мирвали кўтариб келган дипломатни юкхонага бепарво ташлади. Луқмонов юкхона қопқоғини қарсиллатиб ёпди.

– Ҳаммасими? – деди у.

– Ҳаммаси. Икки юз минг, – деди Мирвали.

– Ия! – дея қошлари керилиб кетди генералнинг. –

Олтитага гаплашганмиз-ку.

– Учтасини аввал олганингиз эсингиздан чиқдими?

Хотирангизнинг мазаси йўқ экан, генерал.

Луқмонов ғазабдан титраб кетди.

– Ким билан гаплашаётганингни унутма! Қачон сендан уч юз минг сўм олганман?! Туҳмат қилмокчимисан?!

Бу гапдан Мирвали пинагини ҳам бузмади. Қайтага уни эрмак қилиб кула бошлади.

– Кекирдагингдан отаман! Кимлигимни билмас экансан.

— Мени сенламанг, — деди хамон совукконлик билан Мирвали. — Сиз билан офтобда катик яламаганман. Бешигимни тебраттан бўлсангиз ҳам сенламанг. Дипломатда икки юз минг бор. Кани, ҳужжатларни чўзинг. Ана ундан кейин савдосини битишганимиз — кекирдагимдан отадиган айбим тўғрисида гаплашамиз. Ана ўшанда уч юз мингни қачон олганингизни айтаман. Агар олган карзингизни исбот қилиб беролмасам, уч юз минг тайёр. Ҳозирнинг ўзида бераман. Келишдикими?

Лукмонов унинг шартларига ноилож кўнди.

— Гугурт борми? — деб сўради Лукмонов.

Мирвали машинадан гугурт олди.

— Мен сизга битталаб узатавераман сиз ёндираве-расиз.

Лукмонов тўрт сахифали қоғоз узатди. Сўнгги тўртинчи сахифа тагини йиртиб олиб қолди.

— Бу кейинги тўрт йил ичидан довондан оширилган эчкилар ҳакида. Кимга, қанчадан сотганингиз аниқ кўрсатилган.

Мирвали шошиб, қоғозга кўз югуртира бошлади. Унда Расулбек билан Равшанбеклар олиб ўтган эчкилар сони, кун ва ойлари аниқ кўрсатилган эди.

— Буни кимлар ёзгани мана бу ерда. Буни ўзим куйдираман. — Шундай дея боя йиртиб олиб қолган бир бурда қоғозни кўрсатди. — Ким ёзганини билишингиз шарт эмас.

Мирвали гугурт чақиб, қоғозларни тутди. Ярми ёнгунча ушлаб турди-да, кейин ташлади.

Лукмонов машинкада ёзилган экспертиза хулосасини унга узатди.

– Бу чўпон боланинг ўлими тўғрисида. Равшанбек исмли чўпон эканини таоғилаган. Ёндирасизми ё эсадликка олиб қоласизми, ихтиёр сизда. Манавилар сизни Равшанбек билан Замбуруғ қоя тагидаги камарда гаплашиб турган пайтингизни кўрган икки гувоҳнинг кўрсатмаси. Булар тожик чўпонлари. Хотиржам бўлинг, бу хужжатлардан нусха кўчирилмаган. Кўряпсизми, регистрация ҳам қилинмаган, рақам ҳам кўйилмаган. Бир ўқиб чиқинг-да, куйдириб ташланг. Экспертиза хуласасини куйдирмадингиз-ку.

– Эсадликка олиб қолмоқчиман, – деди хотиржам Мирвали.

Луқмонов энди Мирвали эсанкираб қолади, ўзини унинг оёқлари остига ташлаб ёлворади, деб ўйлаган эди. Ажаб, акси бўляпти. Довдирмаяпти ҳам. Кўйиб берса, ҳатто ундан баланд келмоқчи. Нимасига ишоняпти?

Луқмонов папкадан саҳифалари ип билан чатилган дафтарчани олди.

– Булар устингиздан тушган аноним хатлар. Ҳаммасини оқибатсиз қолдирганман. Биронтаси дафтардан ўтказилмаган. Контейнерларда Сибирга жўнатиладиган қуруқ мева ўрнига тивит жойлаганингиз...

Луқмонов бир дам гапиришдан тўхтади. Кўзларини қисиб, Мирвалига, энди қалайсан, дея тиржайиб турарди.

– Мана шу хатни ишга солиб юборсам, биласизми, нима бўларди? Сўзсиз отувга хукм қилинардингиз. Бу хат бошқа бирорнинг қўлига тушса, ёруғ дунёда бир минут ҳам туролмасдингиз. Бунақа жиноятни давлат ке-чирмайди.

Мирвали унинг бу гапларига парво қилмади.

– Шунақа деб ўйлайсизми? Вой-бу, қўрқитиб юбор-дингиз-ку!

Мирвали қоғозларни ғижимлаб, ерга қўйди, гугурт чақди. То ёниб тугагунча қараб турди.

– Мана, энди тамом! Хотиржам ухлашингиз мумкин. Бу нарсаларни фақат тушингизда кўрасиз, – деди генерал.

– Аноним ёзганлар яна бош кўтармайдими?

Генерал пичинг қилди:

– Боши омон бўлса кўтаради-да.

– Жайронанинг боши омон-ку?

– Ундан хотиржам бўлинг. Яқин орада уни бирон мамлакатдаги элчихонага таржимон қилиб юборамиз. Хўш, энди қарздан гаплашайлик. Қачон қарздор бўлиб қолган эканман?

Тантана қилиш, эзғилаш навбати энди Мирвалига келганди. У костюмининг ён чўнтағидан бир конверт чиқазди. Уни очмай, қўлида ўйнаб туриб гап бошлади:

– Машинадаги дипломатни олиб, ичидаги пулни санаб кўринг. Кўчадан топсанг ҳам санаб ол, деган гап бор.

Луқмонов машина юкхонасидан дипломат олиб тош устига қўйди, очиб, пулларни санай бошлади. Тўппатўғри икки юз минг сўм чиқди.

– Энди манави конвертни очинг! – деди Мирвали буйруқ оҳангига.

Луқмонов конвертни олиб очди. Ичидан бешта сурат чиқди. Генералнинг қўллари дир-дир титрай бошлади. Кўзойнагини олиб артмоқчи бўлди, ёнини излаб дастрўмол тополмади.

— Ўзингизни қўлга олинг, генерал, — деди сохта меҳрибонлик билан Мирвали.

Луқмонов қўлидаги суратларда Равшанбекнинг ўлими, милиция капитанинг пулларни олаётгани, хуржунни орқалаб кетаётгани жуда аниқ акс этган эди.

Расулбек профессионал фотограф эканлигини яна бир марта намойиш қилган эди.

— Хўш қалай? Қайнингизни танияпсизми?

— Сен провокаторсан!

— Сенламанг, дегандим-ку сизга. Агар бу исботлар ҳам сизни қаноатлантирумаса, яна ундан ҳам зўрини ўртага кўяман. Ёнингиздаги магнитофонингизни олинг. Битта антиқа лента бор, қўйиб эшитасиз.

Луқмонов унга еб қўйгудек бўлиб қараб туради. Мирвали шимининг чўнтағидаги магнитофон кассетасини олиб, олдига ташлади.

— Қайнингизнинг овозини эшитинг.

Луқмонов кассетани магнитофонга қўйди.

...Равшанбекнинг ўлимидан ўн беш кунлар ўтиб, Луқмоновнинг қайниси, милиция капитани тоқقا ўртоқлари билан овга келади. Мирвали худди шундай қулай фурсатни кутиб юрарди. У Луқмоновнинг қайнисини тушликка таклиф қиласди. Овқат устида Расулбек олган суратларни олдига қўяди. Агар бўлган воқеани ўз оғзи билан айтиб бермаса, ҳозироқ органдан одам чақириб, қаматишини, ишини трибуналга оширишини айтади. Озроқ ичиб довдираб қолган капитан ҳамма гапни айтиб беради. Мирвали унинг гапларини магнитофон лентасига тушириб олади. Капитан ўшанда бу ишни поччамнинг топшириғи билан қилганман, у билб қўй, сенга қўлимдан пул бермайман, мен йўл кўрса-

таман, ўзинг пул топасан, деганини айтади. Хуржундаги уч юз минг сўмни обориб, Луқмоновга берганини бўйнига олади. Ўша гаплар мана шу лентага ёзилиб қолган.

Луқмонов овоз ёзилган лентани эшитар экан, қошлари чимирилди, кўзлари аланг-жаланг бўлиб кетди.

– Хўш, қалай?! – деди Мирвали истехゾ билан. – Бу тоғларнинг чумолисидан тортиб чумчуғигача саноғли. Битта бегона капалак учиб келса ҳам биламиз. Бирор келиб, одам ўлдириб, пулинни олиб кетади-ю, билмаймизми?!

Луқмонов индамади. Унга еб юборгудек бўлиб бир қараб кўйди.

– Чўпоннинг хуржунидан олган уч юз мингни беринингиз шарт. Бу пул бўйнингизда осилиб ётган қарз. Сен одам ўлдиргансан, шу гуноҳинг учун уч юз минг берсан, деб савдолашган эдингиз. Энди шу фактни ўзингизга сотаман. Яна уч юз минг бўйнингизга тушади. Олти юз минг тўлайсиз. Икки юз минг сўмни қойил қилиб олган эдингиз, – У шундай деб тош устидаги дипломатни олиб, ўз машинасининг олд ўринидигига ташлади. – Бу пул сизники эди. Энди меники бўлди, деб ҳисоблайман. Ўзингиз, бугунги ишни эртага қолдирмайман, деб айтган эдингиз. Икковимиз бир хил эканмиз. Мен ҳам эртага қолдирмайман. Ёнингизда олти юз минг борми? Тошкентга бориб олиб келасизми? Шундай қила қолинг. Мен сизга ўхшаган худбин эмасман. Рақибимга ишонаман. Манави суратларни ҳам, кассетани ҳам аввал қўлингизга бериб қўйиб, кейин ҳақимни оламан. Буёғидан қўнглим тўқ. Суратларнинг негативи, магнит лентасининг асли ишончли жойда.

Лукмоновдаги аввалги ғурур, ғүдайиш, ўзига ишонч аллакачон ғойиб бўлганди. У энди тамоман таслим бўлиб, афтодахол бир алпозда бошини эгиб ўтиради.

Бутун республика милициясини оёкка турғизалиган, ёмон кўрган одамидан аёвсиз касос оладиган генерал энди ночор бир аҳволда эди.

– Мундок қилайлик, – деди Мирвали. – Сиз Тошкентга бориб овора бўлиб юрманг. Яхшиси, Булунғурга боринг. Ахир, ҳамма топган-тутганингиз бефарзанд холангиз қўлида-ку. Шундай қила қолинг. Ҳам яқин, ҳам нақд. Шофёргиз шу ерда гаровга қолади. Сизни менинг шофёrim иккита адъютантим билан оборади. Пулни шофёргизга бериб, ўзингиз қайтиб келмасангиз ҳам майли. Машинангиз пул келгандан кейин кетади.

Лукмоновнинг рангидаги ранг қолмади. Қошлири бир кўтарилиб, бир тушарди.

– Ҳайрон бўляпсиз-а? Пулимни қаерда сақлашимни бу қаёқдан билади, деб ўйлаяпсиз. Ўлманг. Сиз бутун республиканинг сирини биласиз. Мен сизнинг сирингизни биламан.

Одамларга зуғум қилиб ящаган, қанчалаб кишиларга жабру ситам ўтказган бу зўравон, энди бир совхоз директорига ўйинчок бўлиб ўтирипти.

– Шофёrim машинани самолёт қилиб учирив оборади. Қирқ минутда Булунғурга етасизлар. Қирқ минутда қайтиб келасизлар. Холангиздан пулни санаб олишга бир соат кетсин. Жами бир юз қирқ минут. Яъни икки соату йигирма минут вақт кетади. Сизга беш соат муҳлат бераман. Сиз қайтиб келмасангиз ҳам майли.

Лукмонов каловлаб, овсарларга ўхшаб, нима бўлаёт-ганини билмай, анграйиб қараб турарди. Мирвали уни яна аврашга тушди.

— Менга қаранг, генерал, шу арзимаган олти юз минг сўм учун бир-биримиз билан сен-менга бориб ўтирамайлик. Ўзингиз биласиз, мен бир девона феъл одамман. Сиз учун шу арзимаган пулдан кечиб юборишим ҳам мумкин. Аммо атиги бир кунгина «ғалаба» нашъасини сурмоқчиман. Келинг, дикқат бўлманг. Бу пул сизники эди, энди менини бўлди. Эртага яна ўзингизники бўлади. Мен сахий одамман. Ҳа деб пулни ўйлайвермайлик. Узоқ йўл юрасиз. Жаъфар қовурдок қилган. Ҳозир икковимиз сув бўйига тушиб, пича хашакланиб оламиз. Йўлга қувват бўлади.

Луқмоновда Мирвали пулдан кечадиганга ўхшайди, деган илинж пайдо бўлди.

Иккови сув бўйида яхшилаб қорин тўйғизиб олишди.

— Озиқлик от ҳоримас, дейдилар, энди Булунгурга борсангиз бўлади.

— Машинангта бензинни кўпроқ куйиб ол, — деди Мирвали шофёрига.

Луқмонов дармонсиз судралиб, ичида Жаъфар билан Насим полвон ўтирган машина олдига келди. Борйғини шилиб олган Мирвалига нафрат билан қаради.

— Сен одам эмас, қашқир экансан!

— Тўғри айтасиз, — деди Мирвали. — Икковимизнинг тупроғимиз бир жойдан олинган.

«Волга» елдек учиб кетди. Орқасидан қараб колган Мирвали:

— Шўринг курсин, — дея кулиб кўйди...

\* \* \*

Йиғилиш аҳли лейтенантнинг ҳикоясидан ҳайрон-у лол бўлиб қолди. Ҳамманинг гапи бир жойдан чиқди.

— Луқмоновга тезда эҳтиёт чораси кўриш керак, — деди йиғилишни бошқараётган Оқсоқол. — Ўртоқ прокурор, шундай қилсак қонуний бўладими?

— Мен санкция бераман. Шу бугуноқ қамоқقا олинади. Уни энди очикда қолдириб бўлмайди.

Шу билан зўравон Луқмоновнинг тақдири ҳал бўлган эди.

## XIX

Мирвали нотинч эди. Бугун у суюнган тоғларнинг бири қулади — Луқмонов хизмат вазифасини сунистъмол қилгани ҳамда порахўрлиги учун ишдан олинди, шу куниёқ уни қамоқقا олиш тўғрисида санкция берилди.

Пора олганлиги исбот қилинган одамнинг ахволи нима бўлишини Мирвали яхши билади. Луқмонов тилига пишиқ одаммиди? Бошига қилич келганда ҳам сукут саклай оладими?

Кечагина Мирвали ўзи тўғрисида тушган хужжатларни ундан сотиб олган, кўзи олдида ёндирган эди. Бир бобой ҳукумат тилидан шундай деган эди: «Йиққандан кўркма, егандан кўрк. Йиққанини оламиз, еганини ололмаймиз». Аммо Луқмонов емаган, йиққан эди. Олдириши аник.

Одам боласининг иши бир юришмаса, кетма-кет юришмас экан. Мирвали Луқмонов билан сўнгти марта учрашганда у, хотиржам бўлинг, устингиздан манави хатларни ёзганлар бу ёруғ жаҳонда тирик юрмайди, деганди. Луқмонов ваъдасини бажаришга улгурмади. Мирвалининг рақиблари жазосиз қолди. Улар кимлар

эди? Бу бир Лукмоновгагина маълум. Уларнинг яна бош кўттармаслигига энди ким кафил бўлади?

Мирвалининг дарди-дунёси коронғи бўлиб юрган шу кунларда, саратонда чакмоқ чаккандек, яна бир воқеа уни тамоман гангитиб кўйди.

У телевизор орқали бериладиган кўрсатувларни унча хушламас эди. Ҳаммаси ўзим билган гаплар, деб ўйларди. Аммо «Время» информацион программасини, албатта, кўрарди. Мамлакатнинг бир кунлик сиёсий хаёти шу кўрсатувда акс этади. Мирвали қаерда бўлса ҳам – тогу тошларда юрган пайтларида ҳам чўпонлар ўтовига кириб, «Время»ни кўрарди.

Бугун у тоғда хуморбосдига ов қилди. Аксига олиб на бир күш, на бир қуён ура олди. Бекорга ўқ сарф қилиб бокқа қайтиб келди-ю, ечинмай каравотга ўзини ташлади. Уйку келмади. Кўзига Луқмонов кўринаверди. У ёққа ағдарилди, бу ёққа ағдарилди, охири тажанг бўлиб ўрнидан турди.

Ёз кунлари узун, кеч кириши қийин. У соатига караб, телевизор тугмасини босди. «Время» бошланди. Ана шундан кейин...

Мирвали учун даҳшатли воқеа юз берди. Худди ёнгинасида бомба портлагандек гаранг бўлиб қолди. Диктор қиз пахтачиликни ривожлантиришда энг юқори кўрсаткичларга эришганликлари учун Ўзбекистон ССРдан палончи ва палончиларга иккинчи марта Социалистик Мехнат қаҳрамони унвони бериш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармонини ўқиб эшиттирди. Экранда «олисни кўзлаган» механизатор аёл сурати пайдо бўлди. Мирвали шу дақиқаларда мутлақо нафас ҳам олмагандир.

Мирвалининг рақиби, ҳамма вақт йўлига тўғаноқ бўладиган раис кўринди. Мирвали учинчи одамнинг номи чиқишини кутарди. Бу одам Мирвалининг ўзи бўлиши керак эди. Унинг номи чиқмади. Сурати ҳам кўринмади. Ҳаммамиз учун ҳурматли отахон, илгари-лари Мирвали билан кўришганда, унинг «Олтин Юлдуз» тақилган кўкрагига бармоғини теккизиб туриб: шу битта жой бўш турсин, юлдузни иккита қиласиз, дерди. Мирвали иккинчи «Олтин Юлдуз»га олиб борадиган сўқмоқларнинг анчасидан омон-эсон ўтган эди. Бу сўқмоқларда қанча хавф-хатар, қанча тўқнашувларга дуч келди. Бу сўқмоқларда қанча қурбонлар қолган. Иккинчи «юлдуз» сўқмоқлари борса келмас, қайтиш гумон сўқмоқлар эди.

Шу топда Мирвалининг вужудида ваҳший бир куч ғалаён қиласди. Кимнидир отиб ташлагиси, кимнидир кўллари оғригунча дўппослагиси, нималаргадир ўт қўйиб юборгиси келарди. Мирвали еру кўкка сифмасди. Бақиргиси, югургиси, бошини деворларга ургиси келарди. Умр бўйи айтганини қилдирган, бир оғиз сўзига ўнлаб одамлар баб-баравар лаббай деб турган, эрталаб уйғонганда кексадир, ёшdir саломга келадиган, сув деғанда дарёни бошлаб келадиганлар олдида бебурд бўлиб қолаверадими? Мирвалининг умрида биринчи марта шундай танг аҳволга тушиши эди. Демак, дунёда ундан ҳам қудратли, зўр одамлар бор экан. Биттаси отахоннинг қил ўтмас дўсти, биттаси «олисни кўзлаган» анаву...

Мирвали бодга дам олаётганда тиқ этган товуш эши-тилмасди. Меҳмонхонага бирор кирмасди ҳам, чиқмасди ҳам. Боғдаги дастёрлар оёқ учida юришар, шивирлаб гаплашишарди.

У кечалари ёлғиз ётишдан қўрқарди. Тунлари бирон жойга борадиган бўлса, машинада оёғининг тагига қирқма қўшофиз милтиқ ташлаб қўярди. Ухлаётганда тез-тез чўчиб уйғониб кетарди-да, шошиб ёстиқ тагига қўйган пистолетини ушлаб қўрарди. Назаридан кимлардир уни таъкиб қилаётганга, дараҳтлар панасида кимлардир уни нишонга олиб турганга ўхшайверарди.

Унинг нотинч ухлаши, кечалари довдираб ўрнидан туриб кетиб, қўлида пистолет билан дераза олдига келиб ташқарини кузатиши бежиз эмасди. Область прокурори, милиция органлари неча мартараб уни қамоққа олишга чоғланишди. Ҳар гал ордерга имзо чекиб, энди қўлга оламиз, деб турганларида, албатта, Иттифоқнинг энг мўтабар газеталаридан бирида у тўғрида – «ажойиб ташкилотчи» Мирвали тўғрисида бир саҳифа мақола бо силарди. Прокурор ҳам, милиция органлари ҳам доғда қолаверардилар.

Қонун органлари бу ишларни яширин тайёрлашарди. Уни қўлга олиб, жиноятини бўйнига қўйиб, кейин юқорига хабар қилишни мўлжаллашарди.

Область прокурори қамоққа олиш тўғрисида кечаси ордерга имзо чекарди. Терговчилар, машинисткалар, секретарлар, ҳатто кабинетни йиғиштирадиган фаррош ҳам кетиб бўлгандан кейин ордерга имзо чекарди. Оператив группани тўплаб, эрталаб уни қўлга олиш тўғрисида ўта маҳфий бир шароитда топшириқ берарди.

Бу хабар ўша заҳотиёқ Мирвалининг қулоғига етарди. Тошкент йўлига тўрт енгил машина жўнатиб, пана жойларда пусиб туришни топширасиди. Ўзи тонг саҳарлаб совхоз машинасида довон орқали Самарқанд, Жиззах оралаб йўлга чиқарди. У орқасидан мили-

ция машинаси кузатиб келаётганини биларди. Кескин қайрилишларда тошлар панасида пусиб турган бошқа машинага ўтиб олганини милиция ходимлари билмай қолардилар. Улар аввалги машина орқасидан қувиб кетаверардилар. Етиб олганларида адашганликларини билиб, Мирвали алмаштирган машина изига тушишарди. У эса то Тошкентга етгунча яна учта машина алмаштиришга улгуарди. Катта идора остонасидан ўтиши билан кудасига рўбарў келарди. Кудаси катта аканинг ўнг кўли эди. Ана шундан кейин Мирвалини безовта қилган масала ўз-ўзидан тинчиб кетарди.

Мирвали совхозга қайтиб келиб, область прокурорини телефонда «Салом бердик, aka», деб эрмак қиласади. Лекин Мирвали улар бир кун суиқасд уюштиришлари мумкин, деб кечалари безовта ётарди.

Телефон зарб билан жиринглади. Абдулазиз Мирвалига, нима қиласан, нима деб жавоб берай, дегандек қаради.

– Аввал кимлигини бил-чи, кейин шунга қараб муомала қиласан, – деди Мирвали.

Абдулазиз трубкани кўтариб, ким биландир одоб билан гаплашди. Кейин, ҳозир ўзларига трубкани бераман, деди.

– Куда бува, сизни сўраяптилар.

Хали ҳам унча ўзига келмаган, бош оғриғи қилишдан ўзини тийиб ўтирган Мирвали гандираклаб бориб, телефонга жавоб қилди. Унинг салом-алиқдан кейин айтган гапи шу бўлди:

– Энди кечирасиз-да, қуда. Кеча пича беодобчилик бўлди. Ўзимдан ўтганини ўзим биламан. Итдан баттар хор бўлиб кетдим-ку!

— Менга қаранг, куда. Бирордан гина қилишга асо-  
сингиз йўқ. Айб ўзингизда, устингиздан тушган хат-  
ларни ўқисангиз, тепа сочингиз тик бўлиб кетарди.  
Айғирлик ҳам эви билан-да, тоғларни, умуман, бирлаш-  
мани нас бостириб юборибсиз. Номусидан айрилиб,  
эрга теголмай юрган қизларнинг оналари йиглаб ёзган  
хатларни ўқисангиз, ҳатто ўзингиздан ўзингиз жирка-  
ниб кетардингиз. Каттамизни сал-пал юмшатгандек  
бўлдим. Бугун қўш қаҳрамоннинг уйига табриклагани  
узоқ-яқиндан келганлар қўп бўлади. Уларга ранжига-  
нингизни сездирманг. Акага гинахонлик қила кўрманг.  
Устингиздан тушган ўша хатларнинг ҳаммасини ўқиган.  
Чапақай жаҳли чиқиб турибди. Кўпчилик олдида шар-  
мандангизни чиқариши мумкин. Сизга ўргатгулик эмас,  
буёғини ўзингиз эплаштирасиз.

Мирвали бир оғиз ҳам гапирмади. Ҳамма гапни  
куданинг ўзи айтди.

Шу гаплардан кейин Мирвали қўш қаҳрамонни  
табриклашга бормаса бўлмайди. Ҳамма унга қарайди.  
«Юлдуз» ололмай қолган зўравоннинг ичидаги нималар  
бўлаётган экан, деб уни кузатиб ўтиришади. Мирвали  
ўзини ҳеч гап бўлмагандек тутиши керак. Албатта, бу  
қийин иш. Аммо Мирвали бу масалада артист эди. Ўз  
ролини ўзи аъло даражада ижро эта оларди.

«Лукмоновнинг шундай нозик пайтда қамалиши иш-  
нинг белига тепди», деб ўйларди Мирвали. Бир ҳисобда  
унинг тахминлари тўғри эди. У ўзига қарашли кишилар  
тўғрисида ёзилган хатларни пойтахт томонга утказмас-  
ди. Рақибларини йўлдан олиб ташламоқчи эди. Улгу-  
ролмади. Энди шикоят хатлари пойтахт томон дарёдек  
оқиб кетяпти.

Мирвали шу пайтгача ракиб деб тахмин қилиб юрган ҳамқишлоқларининг таъзирини беришни дилига туғиб кўйди.

Кўш қаҳрамонни иккинчи «Юлдуз» билан табриклиш учун бориши керак. Ўзига қолса, асло бормасди. Унинг ризқини юлиб кетган бу айёрни кўрарга кўзи йўқ эди. Энди бормай иложсиз...

Нима қилсин? Куруқдан-куруқ бораверсинми? Ҳар ким ўз обрўсига яраша иш тутиши керак. Гилам оборса, чол назарига илмайди. Магнитофон оборай деса, чол одам уни нима қилади. Тилла соатми? У ҳам бўлмайди. Арзимаган нарса. Шундай нарса оборсинки, раҳбарнинг кулогига етсин. Яқин одамларимни ҳам қадрлаяпти, десин. Эгасини сийласанг, итига суюк ташла, деб бекорга айтишмаган.

Иккинчи «Юлдуз»га аввал очган сўқмоқларни ўт босди. Энди янги сўқмоқлар очиш керак. Кўш қаҳрамон – «каттамиз»нинг энг яқин кишиси. У нима деса, шуни қилади. Сўқмоқни уни остонасидан бошлаш керак. Шунда йўл уни тўппа-тўғри қўшалоқ «Юлдуз»га оборади.

Мирвали ўйлаб-ўйлаб, анчагина мушкул, аммо эпла-са бўладиган бир йўл топди...

Мирвалининг буйруғи деб Эралини оти билан чақириб келишиди.

Эрали, қандайдир маросим бўлса керак, Мирвалининг мана шунақа отларимиз, мана шунақа чавандозларимиз бор, деб мақтангиси келган бўлса керак, деб ўйлаганди. Шунинг учун кўксига ҳамма орден-медалларини тақиб, бошида янги гилам дўппи, эгнига охорли олача тўн кийиб келган эди.

Лекин Қора Бахмал негадир ўйноқламас, бошини хомуш этганича битта-битта босиб келарди. Чавандозлар, от сезир жонивор, ўзини нимадир кутаётганини билиб туратын, дейишади. От хұрсина, фалокат юз беради, баҳридан ўтиш керак, дейишарди. Баъзан чавандозлар сүйиб юборишади.

Қора Бахмал хұрсингани йўқ. Фақат у хомуш. Қандайдир күнгилсиз ҳодисани сезиб турғанга ўхшарди. Отининг бу ҳолатидан Эралиниң руҳи тушди.

Мирвали машинага суюниб, құлидаги новдани пичоқ билан кертиб, ўй ўйлаб турарди. Эрали унга яқин келиб, отдан тушди. У билан икки күллаб қуришмоқчи бўлди. Бу нима қилгани? Чавандозни писанд қилмаганими ё калласи ниҳоятда жиддий бир гап билан бандлигиданми? Эралиниң күнгли ўксиди. Давраларда бирорга гап бермай, ўз таъбири билан айтганда, бошидаги дўпписи тушиб кетса, пул бериб бирорга олдирадиган яккаифт чавандозга шунақа муомала қиласими? Боласи тенги гўдак шу ишни қиласими?

Эрали ўзига етгулик мағур эди. Бир күнгли унинг құлинин силтаб ташлаб, шартта орқасига ўгирилиб, отга қамчи босиб кетвортсаммикан, деб ўйлади ҳам. Шайтонга ҳай берди. «Бир сир бордирки, Мирвали бунақа муомала қиляпти, Қани, кўрай-чи, буёғи қанақа кўчаркин», деб ўйлади Эрали.

– Келдингизми? – деди Мирвали унинг феъли айниб турғанини сезиб. – Биз билан бирон пиёла чой ичишга ҳазар қилмассиз, чавандоз.

«Бу қандоқ гап бўлди? Ғалати-ку», деб дилидан ўтказди Эрали.

– Гап бундок, чавандоз. Сизни ҳурмат қилишимни биласиз. Қаерга борсам сизни пропаганда қиламан. Пенсиянгизни ҳам орага тушиб ҳамманикidan баланд қилиб берганман. Томорқангизни совхоз тракторида ҳайдатиб беряпман. Қандоқки мажлис бўлса фронтовик, деб президиумга чиқазаман. Ёдгорлик очилишида сизни эл танисин, катталар назарига тушсин, деб атайнин отлар парадини ташкил қилдим. Шуларни биласизми?

- Биламан, биламан, аканг айлансин.
- Мен, билмайсиз, деб юрган эдим. Раҳмат, биларкансиз. Неча ёшга кирдингиз, оқсоқол?
- Бир кам етмишга, – деди Эрали ҳайрон бўлиб.
- Ёшингиз ҳам кетиб қопти. Йигитларга ўхшаб жикиллаб юриш энди ярашмайди. Ёшингизга ярашикли иш қилинг. Энди бўлди, отдан тушинг, оқсоқол.
- Ҳали қўпкарига яраймиз, укагинам. Унча-мунча йигитга белимизни бериб қўймаймиз, – деди Эрали ерга қараб. – Агар хўп десанг шу жойда, ҳозирнинг ўзида бир беллашмаймизми?
- Унақа қуруқ гапни қўйинг. Бўладиган гапдан гаплашайлик. Бола бўлиб сиздан бирон нарса сўраганманми?
- Йўқ. Ҳамма нарсаси бут, тўқис, бадастир одамсан. Мендан ниманиям сўрадинг?
- Борди-ю, сўрасам, йўқ демай берасизми?
- Эрали ўйланиб қолди.
- Бераман. Жонимни сўрасанг, ол. Уйимни сўрасанг, ол. Фақат белимдаги пичогимни, никоҳимдаги хотинимни, минган отимни сўрама. Қолган нимам бўлса, бари – сеники.

Мирвали унинг сўнгги сўзидан кейин айтар гапини йўқотди. Энди очиқчасига галлашиш пайти келди, деб ўйлади.

– Борди-ю, шу минган отингизни сўрасам-чи?!

Эрали бошини сарак-сарак килди.

– Одам боласи ўз фарзандини бирорга берадими? Тўғри, кўп болалилар баъзан бефарзандларга раҳми келганидан, шу гарининг хонадонига ҳам гўдак овози келсин, деб беради. Жонидан суғуриб беради. Аммо якка фарзандлilar ўлақолса бунга қўнмайди. Қора Бахмал менинг биттайи битта фарзандим. Бунақа гапни бир айтдинг, иккинчи оғзингга олма.

– Борди-ю, мажбур қилсан-чи?

Эрали истехзо билан кулди.

– Гитлер тирилиб келганда ҳам ололмайди.

– Э, Гитлерни қўйинг! У йўқ бўлиб кетган нарса.

Мен мажбур қиласман.

– Унда, – деди Эрали ғазаб билан, – ўртага пичоқ тушибади.

Кўчанинг нариги бетида уч йигит бўлаётган воқеани кузатиб туради. Булар Мирвалининг йигитлари эди. Улар директорнинг сўзига кирмаган, ҳар хил «игво» гаптарқатадиганларни унинг буйруғи билан тоғ ораларига обориб калтаклаб, чала ўлик қилиб ташлаб келишарди. Уларнинг бири Насим полвон, бири Жаъфар, бири Иштон полвон лақабли Ражаб полвон.

Мирвали ўрнидан туриб, бош эгиб ўтирган Эралининг тепасига келди.

– Пичноғингиз ёнингизда тура турсин. Бодринг арчиб ейишга керак бўлади. Сиз ҳали менинг совунимга кир ювмабсиз. Мен битта гапираман. Иккита гапириш-

га мажбур қилманг. Ёруғ дунёни кўзингизга зимиштон килиб қўяман.

Мирвали шундай дея туриб, кўчанинг нариги бетидаги йигитлардан бири – Насим полвонга имо қилиб қўйди. Уч йигит унинг қўлини қайириб Мирвалига қаратди. Эрали инграб юборди. Қариб кучдан қолган бу одам уч давангирга бас келолмасди. Эрали Жаъфарга газаб билан қичқирди:

– Номард! Бир гадодек ночор бола эдинг. Отангни ўлиги уйда ётганда қўшним-қўшни изғиб, қарз сўраб юргандинг. Шунда отангни мен ўзим кўмгандим. Маъраларида кадбони\* бўлиб хизматини қилганман. Бор буд-шудимни сарфлаганман. Ҳой, Насим, сенга нима бўлди? Кимга итялоқлик қиляпсан? Даданг онангга уйланганда ҳеч ким ўғрига миёна рав\*\* бўлишга унамаган. Мен ўшанда миёна рав бўлганман. Қўлимни қайирма, номард!

Чинорга боғлаб қўйилган Қора Бахмал безовталашиб, Эралига қараб талпинди. Оёги билан ер тимдалаб тупроқни орқага ота бошлади.

– Обор! – деди Мирвали амиrona. – Йўқот кўзимдан! Уч йигит куч билан Эралини судраб кетди. Мирвали уларга қичқирди:

– У ёқقا эмас, манави ёққа!

## XX

Мирвалининг «Волга»си Темур дарвозасидан ўтгач, Санзор сойини ёқалаб борарди. У тезликни пасайтириди.

\* Кадбони – кайвони (дастурхончи, меҳмон кутадиган одам).

\*\* Миёна рав – кудалар билан олди-берди қиласиган, икки ўртада иш битирадиган одам.

Унинг орқасидан келаётган юк машинаси бортида бошига дастурхон ёпиб, бўйнидан танғиб қўйилган Кора Бахмални Насим полвон билан Жаъфар қўш жиловда икки томондан тортиб ушлаб келишарди.

Йўлга чиқишаётганда кўпни кўрган, кўп тегир монлардан бутун чиқкан Насим, отнинг кўзини боғлаб қўйиш керак, йўлни кўрса қайтиб келади, деб айтган эди. Шунда Мирвали елкасига қоқиб: «Яшавор, эски ўғрисанда, биласан, – деганди. – Биринг от ўғриси, биринг ҳўқиз ўғрисисан. Насим, дадангга teng келадиган ўғри бўлмаган. Азим ўғри деса, Самарқанддан Душанбегача ҳамма танирди. Ҳозирги ўғрилар ҳам ўғрими? Зўр ўғрилар ўтиб кетган».

Мирвалининг бу гапларидан икковлари ҳам ғуурурланиб кетдилар.

Макритлик Низом полвон деса ҳамма танирди. У Ургутда бўлган катта бир курашда номардлик қиласи-ю, назардан қолади. Макритда бош кўтариб юролмай, Деновга кўчиб кетди. У ерда ҳеч ким уни курашга тортмади, тўрт ой ўтиб яна бош эгиб, Макритга қайтиб келди. Ургутда катта кураш бўлди. Панжакентдан келган бир аёл полвон:

– Ким талабгор бўлса ўртага чиқсин, – деди.

У ниҳоятда келишган, чиройли, ўттиз беш ёшлардаги жувон эди. Шу билан кураш тушай, йиқилсан ҳам армоним йўқ, деганлар кўпайиб қолди. Жувон қандоқки полвон ўртага тушса, икки давра айланганда елкасини ерга босаверди. Жиззахлик, яккабоғлик, чироқчилик полвонлар бирин-кетин йиқилавердилар.

Низом полвон даврага чиқиб, йиқилган полвонларни ҳақорат қилди.

— Аёл кишидан йиқилган номардлар! Кураш тушиши сенларга күрсатиб күяман!

У шундай деб, худди бургут қанот қоқаётгандек, икки қўлини икки томонга силкитиб давра айланди. Аёл полвонни ўртага тушишга ундаdi.

Жувон оркасида тўлғаниб турган икки ўрим сочини бошига чамбарак қилиб танғиди-да, ўртага чиқди.

Олишиш бошланди. Низом полвон унга қўл узатганди, у шундай зарб билан қоқиб ташлардики, гўё қўли тирсагидан узилиб чиқиб кетадигандек бўларди.

Даврани тўрт айланишди ҳамки, жувон ёнбош бермади. Қайтага Низом полвонга чил бериб, ёнбошига отиб юборди. Бориб устидан босмоқчи эди, Низом полвон чақконлик билан ўрнидан туриб кетди. Жувон рақибининг заиф жойини билиб олганди. Низом полвон ёнбошга ярамас экан. Жувон яна бир марта унинг икки қўлидан силтаб тортди-ю, ўнг оёғи билан унинг чап оёғини қоқиб юборди. Низом полвон гурсиллаб ерга йиқилди. Жувон босди. Низом полвоннинг бир елкаси ерда, аммо чап елкасини ердан бир қарич баланд ушлаб турарди. Жувон, ё Момо Ҳаво деди-ю, унинг чап елкасидан боса бошлади. Шунда Низом полвон жирканч бир ишга қўл урди.

Тирсаги билан жувоннинг кўкрагини эза бошлади. Бор қучи билан жон аччиғида эзди. Шунда нимадир бўлди. Жувоннинг кўкрагидан аллақандай томир узилди. Жувон инграб юборди. Ерда бир елкаси билан ётган Низом полвоннинг устидан турди. Кўкрагини чангллаб даврадан чиқаркан, унга қараб газаб билан деди:

— Ризқи як бачам хўрди-я, номард! (Бир боламнинг ризқини единг; номард.)

Ана шундан кейин Низом полвоннинг номи Қиз полвон бўлиб кетди. Давраларда ўртага тушса, чиқ, чиқ даврадан, аёллар билан курашга ярайсан, Қиз полвон билан курашмаймиз, деб чиқазиб юборадиган бўлишиди.

Бу атрофдан Азим ўғрига тенг келадиган ўғри чиқмаган. Яккабоғ билан Қайнар ораси қирқ километрлар бор. Азим ўғри бир кечаси Яккабоғдан хўқиз ўғирлаб келади. Унинг кечаси хўқиз ҳайдаб келганини ҳеч ким кўрмаган. Лекин ҳамманинг гумони шундан эди.

Азим ўғри кечқурун намозшомни Қайнар масжидида ўқиганини ҳамма кўрган. Эрталаб бомдодни ҳам шу масжидда ўқиганига гувоҳлар бор. Қандоқ қилиб бир кечада қирқ километр у ёққа бориб, қирқ километр бу ёққа хўқиз ҳайдаб келиши мумкин?

Аслини олганда, Азим ўғри намозшомни ўқигану, Яккабоқقا елдек югуриб кетган. Тонг саҳаргача хўқизни ҳайдаб келиб, адир орқасига яшириб, яна бомдод намозига етиб келган.

Одамларнинг айтишларига қараганда, Азим ўғри эллик-олтмиш килоли қўйни елкасига олиб қочганда, чўпонларнинг ити ҳам қувиб етолмас экан.

Азим ўғри ўлганда онаси шундай деб йиғлаган экан:

*Кечаси юриб мол топган  
Азимў, боламў.  
Кундуз ётиб ел топган  
Азимў боламў.*

Мана шу Насим полвон ўша Азим ўғрининг кенжашуғли эди.

Насим полвон билан Жаъфар Мирвалининг энг ишонган кишилари. Ур деганини уришарди, тен деганини тенишарди.

Кун пешиндан окканда улар шахар бўсағасига етиб келишди. Мирвали шофёрга машинани тўхтатишни бујорди. Ўзи «Волга»дан чиқиб, орқадан келаётган юк машинасини кутиб турди. Машина худди унинг ёнгинасига келиб тормоз берди. У кабинага бўй чўзид:

– Сизлар шаҳарга кирманглар, айланма йўл билан бориб, чорраҳада мени кутиб туринглар. – деб бујорди.

Хурматли китобхон, сизга тушунарли бўлсин деб воеани сал олдиндан бошламоқчимиз. Насим полвон билан Жаъфар отни машинада олиб келгунча тўрт ой олдин мана бундай воеа бўлганди...

...Кечадан бери Чор чинор радиоузели панжакентлик Ҳабиба полвон Бободўстова билан Қиз полвон ўртасида ҳал қилувчи «жанг» бўлади, деб қайта-қайта эшилтиради.

Қиз полвон – Низом полвоннинг лақаби. У билан эрқаклар умуман кураш тушмай қўйишган. Ўтган галги курашда Низом рақибасининг кўкрагини тирсаги билан эзиз сут келмайдиган килиб қўйган. У, Худо хоҳласа, бу кўкрагидан ҳам сут юрмайдиган қилиб қўяман, деб ният килган.

Ўша жангда Ҳабиба полвон, «Ризқи як бачам хўрди номард» деб даврадан чиқиб кетганди.

Бу галги жанг аёвсиз бўладиган кўринади.

Чор чинорнинг «Оламайдони»га одам сиғмай кетди. Кабобпазу, сомсапазу, морожнийчилару, пахта қанд сотадиганлардан тортиб, «хоним» пишириб чиқканлар, айрончилар кураш ишқивозларидан кўра кўпга ўхшарди.

Ҳакамлар ўз жойларини эгаллашди. Аввал район лардан келган ёш полвонларга гал беришди.

Кураш ишқивозларининг ичи қизиб кетди.

– Бу Қиз полвон билан панжакентлик полвон опа-нинг курашини кўргани келганимиз, аввал шуларга нав-бат берилсин, деган овозлар чиқди. Кўпчилик бу гапни қувватлаб тўполон бошлади. Ҳакамлар бу талабларга қулоқ солмасалар кураш бузиладиганга ўхшаб қолди.

Баковул ўртага чиқиб, эълон қилди:

– Талабларингизни қондирамиз. Ҳозир «Қиз полвон» лақабли Низом полвон Азим ўғли билан панжакентлик полвон опа Ҳабиба Бободўстоваларни даврага чақирамиз, марҳамат...

У икки рақибни бир-бири билан қўл олишириб, кураш бошланди, деди.

Низом полвон хотиржам эди. Аммо Ҳабибанинг юзида, кўзида, ҳолатида қандайдир ғазаб, ўч олиш ҳисси сезилиб турарди.

Баковул, омин, деб юзига фотиха тортди. Олишиш бошланди. Яна икки эски рақиблар бетма-бет келишди.

Ҳабиба полвон Бободўстова Низом полвоннинг қўлидан ушлаб бир силтаган эди, бағрига келиб тушди. Уни азот қўтариб, худди тош ўйнайдиган полвонлардек бошидан икки қарич баланд қўтариб, яғрин томони билан ерга ташлади. Зарб билан тушган Низом инграб юборди. Ҳабиба фурсатни бой бермай, икки елкасини ерга қапиштириб, тиззаси билан унинг «нозик жойини» эза бошлади. Жон-жаҳди билан, кучининг борича эзаверди. Низом полвон жон таслим қилаётгандек овози секин-секин ўча бошлади.

Баковул улар тепасига келди.

– Синглим, бас қил. Инсофинг борми, ўлдириб күясан-ку.

Ҳабиба унинг гапларига қулок солмади. Охири Низом полвоннинг овози ўчди.

Уни икки йигит замбарда опчикиб кетаётганда Ҳабиба деди:

– Ту энди мард нести, ту энди ҳезалак (Сен энди эркак эмассан, ҳезалаксан). Сени ҳамма Қиз полвон дейди. Энди сен ҳез полвон бўлдинг, номард, – деди-ю, даврадан чиқиб кетди.

Мана шу Низом полвон Азим ўғрининг тўнғич ўғли, Насимнинг катта акаси эди.

Насим полвон билан Жаъфар уни чорраҳада кутиб туришарди. У келиши билан машина бортини очиб, тахтадан кўприк қилишди. Қора Бахмални аста етаклаб ерга туширишди. Унинг қўзидан боғичини ечиб олишганда энтикиб бошини силкитди. Үзини қўярга жой тополмай, туёқ қоқа бошлади. Мирвали, ҳо жонивор, ҳо жонивор, дея унинг бўйинларини силай бошлади. От сал тинчи-гандек эди.

– Сизлар энди орқага қайтинглар. Пасткашлиқ қилиб пассажир олиб ўтируманлар, – деди Мирвали.

Насим полвон сал ранжигандек бўлди.

Юқ машинаси орқага қайтди. Мирвали Қора Бахмалга миниб олди. От ўйноқлаб уни устидан ирғитиб ташламоқчи бўлар, аммо қўп отларни бўйсундирган, умри от устида ўтган Мирвалининг жилов тутган қўллари темирчининг лақقا чўғ бўлган темирни қисган омбуридек бакувват эди. У от устида туриб шофёрга деди:

— Сен сал туриб, шошилмай колхоз боғига бор. Аммо мендан олдин борма. Хўпми?

Шофёр, тушундим, дея бош қимирлатиб қўйди.

Мирвали отга қамчи босмади. Икки тиззаси билан оҳиста нуқиб қўйди. Қора Бахмал бўйини гажак килиб, ёлларини силкитиб, асфальт йўлни тараққатиб юриб кетди.

Колхоз боғи дарвозаси олдида машиналар қалашиб кетган эди. Республиканинг деярли хамма областлари номери қўйилган машиналар бор эди. Улар орасида икки-учта «ТНО», «СНО» сингари белгилари бор «Чайка» машиналари ҳам турарди.

Мирвали отни гижинглатиб, дарвозадан ичкарига кирди. Олди фонтанли ҳовуз ёқасидаги шийпонда одам кўп. Ноз-неъматларга тўлган дастурхон атрофида ўтирганларнинг аксарияти Қаҳрамонлар, депутатлар эди. Қўш қаҳрамоннинг ўғли – тўладан келган, кўринишидан ниҳоятда ўзига бино қўйганлиги билиниб турган йигит зиёфатни бошқаради. Қайсиdir тезкор рассом аллақачон қўш қаҳрамоннинг портретини иккита юлдуз билан ишлаб улгурипти. Бўйи салкам икки метр келадиган портрет шийпонга чиқаверишдаги аркка осиб қўйилган. Қўш қаҳрамоннинг ўғли кўлида қадаҳ билан нималардир деб турган эди, бокқа отда кирган одамга зарда билан бир қаради-ю, лекин тезда чимирилган кошлари ёзилиб, жойига келди. Беихтиёр,вой-бў, деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. Ўтирганларнинг ҳаммаси баб-баравар ўгирилишди.

Мирвали улар томон булутдек от устида силкиниб келарди. Ошхона томондан келаётган қўш қаҳрамон унинг истиқболига чиқди. Мирвали чаққонлик билан

ўзини эгардан олди. У билан ота-болаларча кучоклашиб кўришди. Кейин от жиловини унга тутқазиб, икки кўлини қовуштирганча, от қуллук бўлсин, деди.

Бир пасда отни одамлар ўраб олишди. Бир йигит хокандозда тутуни чиқиб турган исириқ қўтариб келарди. У от атрофида айланиб тутатиб, қайтиб кетди. Ота-бала бу ажойиб совғадан ўзларида йўқ шод эдилар. Ахир бу кўп пойгаларда, қўпкариларда соврн олган, юрганда циркнинг отидек бўйнини гажак қилиб, таманно билан қадам ташлайдиган Қора Бахмал эди! Қўш қаҳрамон Мирвалининг қўлларини қисиб раҳмат айтди.

Кайф қилиб қолган раислар, шу отни миниб боғни бир айланган раиснинг олтин юлдузи ҳалол (уларнинг ҳаммаси қаҳрамонлар эди), деб уни минмоқчи бўлишар, Қора Бахмал эса пишқириб, уларни эгарга яқин йўлатмасди.

Раисларнинг бири қўли лат еб, бири оқсоқланиб четга чиқди.

Қўш қаҳрамоннинг буйруғи билан икки азамат йигит Қора Бахмални ошхона орқасидаги толга боғлаб қўйишли.

Ҳамма учун ҳурматли отахон Жиззахга кептилар, ҳозир катта опани кўргани кириб кетганмишлар, деган гап тарқади. Бу гапдан хабар топган раислар бирдан ҳушёр тортиб қолишли.

Шу пайт ёши етмишларга борган, барваста қоматли, телевизорларда эзмаланадиган, ўз тили билан айтганда, «очерк устаси» Тўхтамиш Масафоев деган ёзувчи мана шу ўтирган раислар мен туфайли «Олтин Юлдуз» эгаси бўлганлар, деб уялмай гапиради. Уларни мен газеталар-

га ёзиб, телевизорларда кўрсатиб қаҳрамон қилганман, деярди.

Ҳамма учун ҳурматли раҳбар атайн келиб, меҳмонларга салом бермай кетсам яхши бўлмас, деб боқقا кирганди. Шу пайт ошхона орқасига боғлаб қўйилган отнинг арқони бўшаб, у семон йўлкага чиқди. Ўрганмаган жойда ётсираб, семон йўлкани тарақлатиб у ёқдан бу ёққа безовта югуро бошлади.

– Бу от қайдан пайдо бўлиб қолди? – деди раҳбар ажабланиб.

– Мирвали Рихсиев совға қилиб олиб келипти, – деди Кўш қаҳрамон.

– Қариганда от мингингиз келиб қолдими? Ёшингиз бир жойга бориб қолган бўлса... Кўйинг, одамларга гапсуз бўлманг. Отни қайтариб юборинг. Бу отни биргина Ўзбекистон эмас, бутун Ўрта Осиё билади. Айтинг, Мирвали уни қайтариб олиб кетсин.

Тўхтамиш Масафоев тантиқланиб, ҳамманлар менинг балачаларимсизлар, дегандек эркаланиб нутқини давом эттираётган эди. У ҳаммамиз учун қадрли раҳбарнинг боқقا кириб келганини сезиб, гапининг бу ёғини ялтоқланиб, у кишига ёқадиган қилиб давом эттираётган эди.

Раҳбар шийпон яқинига келиб, унинг нутқига қулоқ сола бошлади. Қошлари чимирилди. Ҳам хижолатли, ҳам зарда билан Масафоевнинг гапини бўлди.

– Оқсоқол, бу гапларни кўп эшитганмиз. Кўш ҳўқиз қўшилган арава, чўтирир чашма, белбоқقا қистирилган қаттиқ нон... Энди бас. Пластинкани алмаштиринг.

У шундай деди-ю, орқасига қайтиб, боғдан чиқиб кетди.

Ўртага жуда нокулай жимлик чўқди. Раислар Маса-фоевни «чўқий» бошладилар.

– Инсоф ҳам керак-да, домла. Қаерда йигин бўлса, албатта айтадиган гапингиз битта. Кўш ҳўқиз қўшилган арава, чўтири чашма. Қотган нон, кир қалпок... Бугунги хурсандчиликда бир яйраб ўтирай деб келган эдилар. Шуни ҳам татитмадингиз. Омин, Оллоху акбар. Тўй та- мом, кетдик.

Раислар шийпондан тушиб ташқари томон юра бошладилар. Масафоев аввал қайсиdir маросимда елкасига ташланган тўн билан ҳайрон туриб қолди.

– Интирисное! Мен хато гап айтмадим-ку. Нима де-ган бўлсан ҳаммаси рост.

Ҳеч ким унинг гапига қулоқ солмади. Кўш қаҳрамон меҳмон кутиб чарчаган, раисларни яна пича ўтиринглар, деб қистамади.

Мирвали боғ дарвозаси олдига келди.

– Хўп, хайр, оқсоқол, – деди у Кўш қаҳрамонга.

– Отни олиб кетинг. Ҳозироқ олиб кетинг.

Софгани қайтариб олиб кетиш Мирвали учун ўлим билан тенг эди.

У катта бир гуноҳ қилиб қўйган одамдек, Кўш қаҳрамонга ботинмайроқ қаради.

– Менга жавоб берсангиз, кетай.

– Бемаҳал бўлиб қолди-ку. Ётиб колинг, эрталаб ке-тарсиз.

– Эрталабга мажлис чақириб қўйганман, – деб ёлғонлади Мирвали. – Бормасам бўлмайди.

Унинг ёлғон гапираётганини Кўш қаҳрамон ҳам би- либ туради.

– Майли, ундоқ бўлса, отни нима қиласиз?  
– Сизга атаб олиб келгандим. Қолсин.  
Қўш қаҳрамон, афсуслангандек, деди:  
– Иложи йўқ. Мен от минадиган ёшдан ўтганман.

Олиб кетинг.

Мирвалининг тишлари ғичирлаб кетди.

– Оладиган биронта ишқибоз одам бўлса, текинга бериб кетардим.

Қўш қаҳрамон чарчаган, шу топда Мирвали билан гаплашиб туриш ҳам малол келаётган эди.

– Бу отни кимга берсангиз ҳам бизнинг юртимиздан ташқаридағи одамга беринг.

Унинг бу гапи қамчи ургандан баттар бўлди.

– Бўпти, – деди Мирвали ғижиниб.

– Кечаси оборасиз. Ҳеч ким кўрмайди. Ҳозир юк машинасини чақираман. Обориб ташлайди.

Мирвали ёлғонлади:

– Юк машинаси бор. Аккумулятор заводига совхоздан юк машинаси келган. Бизни кутиб туришипти. Ўшанда олиб кетамиз.

Мезбон рози бўлди. Мирвали бениҳоя мулзамлик билан отга минди. Жилов силтаб дарвоза томонга йўрттириди.

Кўчада ўзининг «Волга»си кутиб туради. Эгардан тушмай, шофёрига буюрди:

– Бетонкага чиқиб, мени кутиб тур!

У шундай деди-ю, отга икки марта аччиқ-аччиқ қамчи босди. Эркалатишларга, силаб-сийпашларга ўрганган Қора Бахмал кутилмаган бу бедодликдан сапчиди. Устидаги чавандозни силкитиб туширмокчи бўлиб, орқа оёкларини баробар силкитиб, гоҳ ўнг ёнбошига,

гоҳ чап ёнбошига отмокчи бўлиб ирғишилади. Аммо Мирвали эгар кўрган чавандозлардан эди. Унинг чўяндек қаттиқ қўллари жиловни шундай куч билан тортардик, от бўйни тортилган камондек орқага эгилай-эгилай дерди.

Кора Бахмал итоат килишга мажбур эди. Эгардаги суворий жиловни каёкка тортса, ўша томонга йўл соларди.

Шаҳар кўчалари жимжит. Эл бир уйқуни уриб бўлган. Яқин орадаги парранда фермасидан раста бўлган инкубатор хўrozларининг манқа кичкиришлари эшитиларди.

Мирвали чайқала-чайқала от йўрттириб, бетон йўлга чиқди. Шофёр «Волга»нинг чироғини ўчирмай, уни кутиб туради. У машина ёнига келгандан кейин эгардан тушиб, ичадиган ниманг бор, деб сўради. Шофёр багажникдан бир шиша «Белый аист» деган конъяк билан бир бош узум олиб, капотта кўйди.

— Оч. Тиқинини чиқазиб бер деяпман!

Шофёр шиша оғзидағи қизил кўрғошин калпок-часини тиши билан олиб ташлади. Мирвали шишанинг ўзидан карнай қилиб қулқуллатиб ича бошлади. Афти буришмасдан, энтикмасдан, бир ичишда шишани яримлатди. Ҳозиргина артилиб, ялтиратиб қўйилган капотда турган бир бош ҳусайнини узумни гижимлаб оғзига тиқди. Бармоклари орасидан оккан узум сувлари кўйлак ёқаларига томди. Бирпас нафасини ростлагандан кейин худди боягидек қилиб қолганини ичди. Бу гал газак килмади. Кухлаб, ичидан оловдек қайнок нафасини чиқазиб, ўша заҳоти тунги муздек чўл ҳавосини ютди. Кейин қўлидаги шишани улоктирди. Бетон йўлга бориб тушган шиша чил-чил бўлиб кетди. От чўчиб орқага че-

кинди. Унинг жилови Мирвалининг чап кўлида эди. У хам силтаниб, олдинга мункиб кетди. Тун кора, от кора. Кўройдинда факат отнинг пешонасидағи ўсма баргидек ингичка, узунчок оппок қашқаси кўриниб турарди.

Мирвали от ёлларини силади. Куймучига шапиллашиб уриб кўйди. Юзини юзига кўйиб эркалатмоқчи бўлди. Конъяк ҳидидан беҳузур бўлган от бошини силкитди. Сал нари сурилиб, ёнбоши билан Мирвалини бехос туртиб юборди.

Мирвали ғазабга келди. Шу абраҳ от бўлмагандан бугун бунчалик изза бўлмасдим. Бугун йигилган пашмалақ раислар мени кўролмайди, кўришга кўзи йўқ уларнинг, шулар олдида шарманда бўлдим-а, деб фарёд уриб юборгиси келарди. Ҳаммасига шу ярамас от айбдор.

Мирвали жилов учини кафтига икки ўраб олиб, алам билан отнинг бошига, юз-кўзи аралаш икки-уч марта аччиқ қамчи босди. Бу ногаҳоний зарбада эсанкираган от сапчиб кетди. Аммо Мирвалининг метин қўллари жиловни кўйиб юбормади. Алам устида отни савалайверди, савалайверди. Охири от зарб билан орқага чекина бошлади. Қалқиб кетган Мирвали оёқда туролмай, юзтубан йиқилди. Шунда ҳам жиловни кўйвормади. Уни от бетон йўл устида судраб кетди. У қорни билан судралиб бораркан, тинмай сўкинарди. Охири жилов кўлидан чикди. Шошиб ўрнидан турди-ю, йўл ёқасидан катта бир тошини олиб, Қора Бахмалга қараб отди. Тош унга тегдими, тегмадими – билолмади. Чунки қора от қоронгуликда кўринмай колган эди. Факат аста узоклашаётган туёқ товуши эшитилиб турарди.

Шофёр ғазабдан титраб турган Мирвалининг олдига келди.

– Отни тутиб келайми?  
– Йўк! – деди у қагъий. – Кетсин, сволоч! Бўриларга  
ем бўлсин! Суякларини шоқоллар гажисин!

У гандираклаб-гандираклаб келиб, машина эшигини очди. Оркасига оғиб кетди. Агар шофёр ушлаб қолмаганда чалқанчасига йиқилиши, бирон кор-ҳол бўлиши аниқ эди.

Мирвали нима қилаётганини, нима деяётганини билмасди. Шофёр уни суюб, орка ўриндикка чиқазиб қўйди. Эшик ташқариенда қолган икки оёғини тиззасидан букиб, ичкарига итариб киргизди. Бу пайт Мирвали жуда хунук хуррак бошлиганди.

У шу ухлаганича сахар пайти, ҳали тонг ёришмай уйғонди. Боши зиркираб оғрир, томоғи қакраб кеттанидан ютинолмасди. У ҳали ҳам машинада ётибман, деб ўйлаган эди. Қараса, боғдаги меҳмонхонада оппок чойшаб устида тупроққа қоришган кийимлари, этиги билан ётибди. Мункиб-мункиб ўрнидан турди.

Боғ чироги ўчмаган, ҳаммаёқ кундуздек ёп-ёруг эди. У чайқалиб-чайқалиб, дераза олдига келди, ташкарига бош чиқазиб, Аблаз, деб чақирди.

Ховуз бўйида чопонини бошига ёстиқ қилиб ётган ошпаз Абдулазиз бошини кўтарди.

– Чой опкел!  
– Чой усталда, сочиққа ўраб қўйганман.  
– Бошқатдан дамла! – деди Мирвали афтини буриштириб.  
– Яқинда дамлаб, ўраб қўйгандим.

Мирвали оркасига қайтиб, сочиққа ўралган чойнакни очди. Ҳали қайнок, кўл куйдиради. Пиёлага қуйиб

хўпламокчи бўлди. Эплолмади. Оғзига қайноқ нарса олиб бўлмасди.

– Аблаз! – деди яна.

Абдулазиз югуриб келди.

– Этикни торт!

Абдулазиз ерга ўтириб олиб, этикларни тортиб чиқазди.

– Вайнани ёк!

– Ёкиб қўйганман.

– Мастава қил!

– Мастава тайёр. Гуручини солсам бўлди.

– Чўмиламан. Кийим-бошларимни тайёрлаб бер.

– Майка, труси, янги пайпок, сочик опкириб қўйганман, – деди Абдулазиз.

Мирвали уни калтаклашга бирор асос тополмай, ноилож ваннахонага кириб кетди.

Абдулазиз тупрокқа қоришган этикни, ариқ бўйига ўтириб олиб, обдан ҳўл латта билан ишқалади. Кейин уларни зина олдига қўйиб, маставага гуруч солгани ошхонага кирди.

Мирвали ваннахонада узоқ колиб кетди. Охири кипкизил бўлиб, каттакон сочикни паранжига ўхшатиб бозшига ёпиб чиқди. Бу пайт Абдулазиз мастава кўтариб кираётган эди.

Мирвали сочикка ўралиб ўтириб, бир-икки кошиқ мастава ичган бўлди. Оғзига олганини ютолмади. Томоғини оловдек куйдирди.

Мирвали юрт устида депсиниб юрган, айтган жойидан кесадиган, кўзлаган мақсадига ўша заҳоти етмаса, ўз алангасида ўзи ёнадиган бесабр одам эди.

У иккинчи «Олтин Юлдуз» тўғрисидаги нияти чиппакка чиққанидаи жазавага тушди.

Ялтироқ зиналарнинг икки поясини бир қилиб, пастта тушди.

Ариқ бўйида балиқ тозалаб ўтирган Абдулазиз унинг важоҳатини кўриб, эсанкираб қолди. Мирвали унга, опкел, деб бақирди. Абдулазиз нима опкелиши кераклигиги биларди. Югуриб ичкарига кириб кетди. Зум ўтмай бақалоқ шиша кўтариб чиқди. Бу «Камус» деб аталган француз конъяги эди. Бир ликопчада қаҳрабодек сапсарик, бармоққа ўхшаш узун-узун ҳусайнини узумни столга кўйди. Мирвали конъяк пўкагини очолмай, Абдулазизга бақирди.

– Даюс, очиб чиқсанг ўласанми?

Абдулазиз пўкакни пичоқ билан чиқазиб унга узатди. Мирвали икки марта пиёлани тўлдириб ичди.

– Менга қара, Аблаз, бирор телефон қилса, мени йўқ, деб айт. Каёқда, деб сўраса, ўлган, ҳозир жанозасини ўқишияпти де.

– Кўйинг, хўжайин, нафасингизни иссиқ қилинг, яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришталар омин, дейди-я.

Мирвали кўп кутди. Аммо ҳеч ким телефон қилмади. Кута-кута тоқати тоқ бўлган Мирвали Тошкентга, кудасининг уйига телефон қилди. Уйида йўқ. Мирвалининг қизи трубкани олди. Салом-алик ҳам қилмай, даданг қани, деб сўради. Қизи, идорадалар, ҳали келганлари йўқ, деб жавоб қилди.

Мирвали марказқўмга, кудасининг кабинетига телефон қилди. Трубкани куданинг ўзи олди.

– Ўзи нима гап, куда, жуда оёқости бўлиб кетдимку. Бир одамга шунчалнк ҳам жабр қиласизларми?

Куда босиклик қилди.

– Унақа енгил бўлманг, кайфингиз борга ўхшайди. Эртага гаплашайлик. Йўқ, ҳозир сиз билан гаплашмайдилар. Ўнг қулоғингиз билан ҳам, чап қулоғингиз билан ҳам эшитиб қўйинг. Бу даргоҳга иккинчи марта кайфингиз борида телефон қилманг. Гапингиз бўлса, соғ пайтингизда гаплашасиз.

Куда хайр ҳам демади, бола-чақасининг соғлиғини ҳам сўрамади. Трубкани зарда билан шақиллатиб ташлади.

Мирвали устма-уст ичаверди. Йиқилиб қолгунча ичди. Абдулазиз уни, ўликни судрагандек қилиб, аранг ётокқа олиб кириб, кийим-боши билан каравотга ётқизди.

Офтоб чиққанда уйғонган Мирвали зинапояда бошини чанглаб ўтиарди.

– Аблаз, бўлмаяпти-ку! – деди у зорланиб.

– Бир пиёла арақми, конъякми, кўзингизни чиртюмиб ичиб юборсанғиз, тинчийсиз. Давоси шу.

– Шунақами, – деди у афтини буриштириб. – Ундан бўлса, опкел!

Абдулазиз сервантни очиб, ундан бир шиша конъяк билан пиёла олиб қўйди. Мирвали қўли қалтираб, шишани очди. Қуяётғанда димоғига қўланса конъяк ҳиди урилиб, башараси бужмайиб кетди. Пиёлани оғзига олиб бориб, нафас олмай шимириди. Ичи ёниб кетгандек бўлди. Сочик билан оғзини елпиди. Оҳ уриб юборди.

– Менға қара, Аблаз. Боққа ҳеч ким кирмасин. Иштон полвон келса, уйғонгунимча жилмай, кутиб ўтирсин.

– Ражаб aka шу ерда. Қайрағоч тагида «Муштум» вараклаб ўтирибди.

– Чакир!

Абдулазиз уни чақирди. Мирвали унга афтини буриштириб қаради.

– Ўйлаб қарасам, сен ҳам керакли одам экансан. Сенга мухим топшириқ бор. Бу ерда үралашиб юрма. Тоққа бор. Азизбек деган болани биласан-а?

– Равшаннинг ўғлини айтяпсизми? Биламан.

– Шу боланинг орқасидан соядек эргашиб юрасан. Холироқ жойда рўбарў келиб қолса, отиб ташлайвер, савобга қоласан.

– Ҳозир тоғда ўқ овози чиқиши билан формали, формасиз мелисалар кўз очиб юмгунча етиб келадилар.

– Ундай бўлса, бўғизлаб, хандаққа ташлаб юбор.

Бу гапни эшитиб турган Абдулазиз сесканиб кетди. Мирвали Ражаб полвонни мақтаб кўйди.

– Зўр боласан-да, Иштон. Ўзимнинг иштонимсан, абллаҳ.

У шундай деб гандираклаганича ётоғига чиқиб кетди.

Ражаб полвон оғизга тушиб қолган полвонлардан эди, жуссаси кичкина бўлишига қарамай, ўзидан катта полвонларни ҳам енгиб юрарди. Унинг рақиблари қандоқ қилиб тагига тушиб қолганларини билмай қолардилар. У худди мультфильм қаҳрамонларига ўхшайди. Лип этиб у томонида, лип этиб бу томонида пайдо бўлиб қолар, томоша қилиб ўтирган ишқибозларининг ҳам бошлари айланиб, нима бўлаётганини билмай қолардилар.

Бир катта сайлда бўлган курашда баковул Ражаб полвонни қўлидан ушлаб давра айлантириди.

– Ражаб полвонга борми талабгор. Мултъфильм полвонга талабгорлар бўлса, даврага чиқсин!

Бухоролик Истам полвон ўртага чиқди. У гавда-

ли, мускуллари терисини туртиб чикқан баланд бўйли полвон эди. Бу полвонда куч кўпу, ҳунар йўқроқ эди. У даврада кўпам ҳадис олиб юрмасди. Шартта кўтариб ураг, ё устидан чиқар, ё тагига тушганини билмай қоларди.

Баковул уларнинг белбоғларини текшириб кўриб, олишувга рухсат берди.

Истам полвоннинг тоши оғир эди. Уни кўтариб ерга уриш учун аввал оёғини ердан узиш керак. Ражаб полвон рақибининг оёғини ердан уздими, тамом, уни ерга уриши, устидан босиб тушиши аник.

Иккала полвон ҳадис олиб, бир-бирини синаб, даврани бир айланишди. Ражаб полвон рақибини ғафлатга солиб, бир кўтаришда ерга урмоқчи бўлди. Ё пирим, деб кўтаришга чоғланди. Истам полвон, ерга михлаб қўйилгандек, қотиб тураверди. Ана шундан кейин Ражаб полвон бор кучини йигиб, бир ҳамлада ердан узмоқчи бўлди.

– Ё, пирим!

Шунда кутилмаган воқеа юз берди. Яъни, Ражаб полвоннинг иштонбоғи чирт этиб узилди-кетди. Буни Истам полвон сезди. Уни шартта кўтариб чирпирак қилиб айлантира бошлади. Ражаб полвоннинг иштони тиззасигача тушди. Яна шитоб билан айлантира бошлади. Иштон энди тўпиққача тушган эди. Истам полвон янада тез айлантира бошлади. Иштон тўпиқдан учеб чиқиб, ҳакамлар ёнига бориб тушди. Истам полвон иштонсиз рақибини ҳамон айлантирасди.

Баковул зўр билан уларни тўхтатди. Икковининг ҳам боши айланниб, ўртада маастга ўхшаб чайқалиб-чайқалиб

аранг туришарди. Ражаб полвон кўл силтаб, даврадан чиқиб кетди.

Ана шу воқеадан кейин унинг Ражаб полвон оти Иштон полвон бўлиб кетган эди.

## XXI

Жайрона Лукмоновнинг Мирвали билан яқинлигини биларди. Билиб туриб, тоғдаги ишратхона тўғрисидаги ҳужжатларни унинг қулига берганди. Ҳужжатлар Мирвалининг кимлигини очик-ошкор кўрсатиб турибди. Ҳужжатларнинг тақдири эса энди Лукмоновнинг кимлигини айтиб беради.

Азиз китобхон! Лукмоновнинг шофёри лейтенант Мардон Рўзиевнинг Мирвали билан Лукмонов ўртасида бўлиб ўтган «савдо-сотик» тўғрисида маҳорат билан айтиб берган ҳикояси ёдингизда бўлса керак. Ана шу ҳужжатни Мирвалига жуда катта пулга сотгани тўғрисида рад килиб бўлмайдиган далиллар келтирган эди.

Жайрона Лукмоновга топширган ҳужжатларнинг тақдирини билади. Аммо шу ҳужжатлар министрликда рўйхатта олинганими, бирон жойда кайд қилинганими, шуни билмоқчи. Умуман олганда, бу ҳужжат ўша куниёқ ўз вазифасини ўтаб бўлганди.

Жайрона янги министрни жуда яхши танирди. Кремлда Давлат хавфсизлиги ҳамда ички ишлар ходимларига орден, медаллар топширилаётганда иккови ён-ма-ён ўтиришган. Ўшанда капитан Жайрона Ҳакимова «Ленин» ордени, полковник Акбар Рассоков «Қизил байроқ» ордени олган эди.

Жайрона уни областлардан бирида Ички ишлар бўлни мишилиги бўлиб ишлаб юрган пайтларидан биларди. Акбар Рассоков яхшигина шоир ҳам эди. У шеърлари охирига «Акбарингман», деб ўз исмини ҳам кўшиб қўярди. Атокли ҳофизлар унинг қўшикларини радиода, телевидениеда тез-тез изжро этиб туришарди. Акбарий «Жасур қиз» деган шеърини Жайронага бағишилаган эди.

Министр қабулга ёзилганлар рўйхатига кўз ташлаб, унинг фамилияси ёнига «1» рақамини ёзиб кўйди. Жайрона кирганда уни ўрнидан туриб кутиб олди.

– Сизни безовта қиласидан хизматим йўқ. Фақат янги лавозим билан табриклагани келдим, – деди Жайрона.

Қабулхонада навбат кутаётганлар кўплигидан Жайрона узоқ ўтирамади. Министр ўша ҳужжатлар бирон рўйхатда қайд қилинганмиди, деб бўлимдагилардан суриштириб кўрганди, бунаقا ҳужжатлар йўклигини айтишди. Министр бу ишдан пича мулзам бўлди.

Ҳужжатларнинг рўйхатда бор-йўклиги энди аҳамиятсиз. Улар ўз вазифасини бажариб бўлган. Лекин кейинчалик Лукмоновнинг шахсини ҳар тарафлама билиш учунгина керак бўлишини билиб, яна бир нусхасини олиб келганди.

– Манави ҳужжатни эҳтиётлаб сақлаш керак, – Жайрона сумкасидан кассета олиб, ҳужжатлар устига кўйди.

– Бу Лукмоновнинг шофёри лейтенант Мардон Рўзиевнинг обком секретари Маҳкамовнинг ҳукуқ-тартибот органлари вакиллари иштирокида ўтказган йигинда ниҳоятда маҳорат билан айтиб берган ҳикояси. Бошқа нусха йўқ. Кўчириб олганингиздан кейин қайтиб бе-

расиз. Албатта, магнитофонга қўйиб эшигинг. Кино кўргандек бўласиз.

- Лукмонов энди йўқ. Эрталаб...
- Эшиздим, – деди Жайрона. – Шунинг учун ҳам унинг шахсини тўла аниклаш учун бу хужжатлар керак бўлади, деб олиб келганман.

Бугун тонготар маҳали Лукмонов ўзини отди. Қўл остида ишлаган терговчиларга, қамоқхона соқчиларига буйсунишни истамади. Қамоқхонанинг қанақа бўлишини, у ерда қанақа муомала килишларини бошқалар билмаса ҳам, Лукмонов жуда яхши биларди. Бир вақтлар унга раҳбарлик қилган, иш ўргатган устозлари тақдир тақозоси билан қамалганда, терговни Лукмоновнинг ўзи олиб борганди. Уларга қилган бекёс шафқатсизликлари эсидан чикмаган. Энди ўша бегуноҳ инсонларга қилган жабр-зулмлари «ал қасоси минал ҳак» бўлиб ўзига қайтмасмикин? Ҳакданми, ноҳақданми қамалган одамини фақат душман, деб биладиган шогирдлари энди унинг ўзига қандок муомала килишларини билади.

Лукмонов қамоққа олиш тўғрисидаги ордерни кўрди-ю, кийиниб олиш учун ичкари уйга кирди, чеккасига пистолеттираб, кўзини чирт юмганча тепкини босди.

Министрнинг ёрдамчиси хужжатларни рўйхатдан ўтказиб, қачон, қандай рақам билан расмийлаштирилганини кўрсатувчи далолатномани опчикиб, Жайронанинг кўлига берди.

- Кассетага хужжат бермайсизми? – деди Жайрона.
- Эртага нусха кўчириб олиб, аслини ўзингизга қайтариб берамиз-ку!
- Сут ичиб, оғзи куйган одам қатиқни ҳам пуфлаб ичади, дейишади. Илтимос, унга ҳам далолатнома ёзив берсангиз.

**Министр ёрдамчиси ракамланған далолатнома ёзіб чиқди.**

**Жайрона министр билан хайрлашар экан:**

– Илтимос, менга бағишилаган «Жасур киз» шеърин-гизнинг сарлавхаси тагига ёзилган «Машхур разведка-чи капитан Жайрона Ҳакимовага бағишилайман» деган жойини үчириб ташласангиз. Ўзингиз биласиз-ку, бу гапни ошкор айтиб бўлмайди.

**Раззоқов маъноли кулиб:**

– Хотиржам бўлинг, ўзим ҳам тушуниб қолиб, ўчи-риб қўйганман, – деди.

– Яна бир жойи бор, уни ҳам ўзгартирсангиз, «Оting Жайрон, ўзинг жайрон, кайси жайрон наслидан-сан» деган мисрани ҳам ўзгартирсангиз...

– Шеърни яхши тушунаркансиз. Аслича қолаверса ҳам бўларди-ку, майли, ўзгартириб қўяман, – деб ваъда берди шоир Акбарий.

**Министр уни то биринчи қаватгача кузатиб тушди. Хайрлашиш олдидан у бир гап айтди:**

– Бир хушхабар бор. Сизга «Давлат хавфсизлиги майори» деган унвон беришибди. Уни ўзлари расмий вазиятда эълон қилишмоқчи.

– Биламан, – деди Жайрона. – Кечаси комитетдаги қизлар телефонда айтишган эди.

Жайрона «Жигули»га ўтирар экан, табиати жуда равшан эди. Бирдан Толибжонни кўргиси келди. Унинг бирдан-бир дилтортар одами – шу Толибжон. Оғир, босик, ҳар бир гапни ўлчаб айтадиган бу одам кўпдан унга ёқарди. Кўнглининг аллақаерида меҳрми, ҳурматми, ё муҳаббатми – билиб бўлмайдиган бир ҳис яшарди. Бу баҳтсиз, омадсиз йигитга нисбатан пай-

до бўлган ачиниш, раҳм-шафқат ўрнини мухаббат деб аталмиш бир туйғу эгаллай бошлаганини анча пайтгача сезмай юрди. Мана, бугун беш кундирки, у Толибжонни севиб қолганига икрор бўлди. Кечалари қулокларига овози эшитилиб турадиган, тўғрисига ўтириб олиб кўзиға ғамза билан мастона боқадиган бўлиб қолганди.

Бироқ Толибжондан садо чиқмасди.

Жайрона машинани йўл четида тўхтатиб, телефон будкасига кирди. Мехмонхонага телефон қилди. Трубкани ҳеч ким олмади. Кейин у қайтиб хиёбонни яримдора айланиб, «Ўзбекистон» меҳмонхонаси олдида тўхтади. Толибжон мажнунтол тагидаги скамейкада газета ўкиб ўтиради.

– Сизнига кирамизми ё бизнига борамизми? Бизнига бора қолайлик. Иккаламиз бирон овқат қиласми. Гаплашадиган гап кўпайиб қолди. Илтимос, бизнига борайлик.

Жайрона ундан шунақаям бир чиройли илтимос қиласди, эркаланиб, тантикланиб, кўзларини сузиб сўрарди. Атайн шунақа килаётгани йўқ эди. Табиий, ўз-ўзидан шунақа бўлаётганини билмасди.

Толибжон йўқ деёлмади. Тунов куни унинг уйига борганда жуда ҳаваси келганди. Ҳаво ранг халат ичидаги тўлғанаётган танасига, елкаларида силкиниб ўйнаётган ёзиқ соchlарига, шиппакни оёқ учига илиб, хонадан хонага чопиб ўтишларига маҳлиё бўлиб қолганди. Беихтиёр очилиб қолган ёқаларини йигиштириб тузатаётган пайтда беҳаёларча қарашдан ўзини тийган дамлари тез-тез эсига келиб турарди. Толибжон бу қизнинг бутун хатти-ҳаракатлари билан, килаётган ишлари билан, ҳар бир айтган гаплари билан унинг мунгли ҳаётига жин-

дек бўлса ҳам қувонч бағишлишга уринаётганини сезиб турарди. Бу қиз унга ўзини фидо қилаётган эди. Буни Толибжон чет элларда учрашган пайтларидан билади. Унда хотини, боласи бор эди. Жайронана унга қанчалик меҳр билан қарамасин, у оиласлик киши бўлгани учун кўнгил мувозанатини бузишни истамасди. Энди-чи? Қайси бир ёзувчи, парранданинг ҳам эркаги сайрайди, деганди. Толибжон Жайронанинг аёл боши билан севги изҳор қилишини кутяптими? Толибжон машинада, унинг ёнида кетар экан, шу бугун тилимнинг учидаги гапларни айтаман, деб аҳд қилди.

Уйга келишиди. Иккови худди эр-хотинлардек бири пиёз, бири гўшт тўғраб, овқатга уннашди. Қозон бошида ҳам гаплари тугамасди. Бири олиб, бири қўйиб гапиришарди. Шунда бирдан Толибжон ўзини тутолмади. Қўли беихтиёр Жайронанинг соchlарини чангллади. Силади. Жайронана унга монелик қилмади. Энгашганча тураверди. Шунда дастурхон устига Жайронанинг икки-уч томчи кўз ёши тушди.

– Толибжон ака, – деди у ёшли кўзларини яшириб, – шу дамларни қачондан бери кутардим. Биласизми, икки ойдирки, ётсам ҳам, турсам ҳам кўз олдимдасиз. Мен тенги қизларнинг олди тўрт болали бўлди. Мен умр бўйи кимнидир қидирдим. Энди билсан, сизни қидирган эканман.

Толибжон ички бир тўлқин юрагидан суриб чиқкан сўзни айтди:

– Сизни баҳтли қилолармикинман?

Жайронана бош иргади. Тўзиқ соchlари елкаларида елпигичдек селпиниб, бир бўлаги қўкраги устига тушди. Чиройли елкалари очилиб, ёмғир ёғиб ўтган чоғдаги

бехизорнинг ҳидидек ёқимли ифор, ғалати, одамзодни маст қиласиган, ҳушини ўғирлайдиган, қонун тақиқлаб кўйган тақдирда ҳам бир ҳидламаса бўлмайдиган жангат бўйи анқиб кетди. Толибжон ўзини тутолмади. Жайронанинг белига қўл юбориб ўзига тортди. Очилиб турган елкаларидан, бўйнидан ўпа бошлади...

Толибжон эрталаб уйғонганда ёнида Жайрона йўқ эди. Ёнидаги ёстиқдан ҳамон ўша беҳи ҳидига ўхшаш «жаннат» бўйи келиб турарди. Толибжон ҳузур қилиб кўзини юмди. Жайрона нариги хонада уни уйғотиб юбормаслик учун шиппакни оёқ учига илиб юрар, ноңушта тайёрларди. Толибжон кўпдан бундай ҳузур, бундай ҳаловатни кечирмаганди. У шу топда худди туш кўраётганга ўхшарди. Охири ўрнидан турди. Ювингани чиқиб кетаётганида, Жайрона елкасига охорли сочиқ ташлади. Унинг бу иши ҳам Толибжоннинг юрагини тўлқинлантириб қўйди.

Жайрона нонуштага қўймоқ қилган экан. Толибжон мақтаб-мақтаб ея бошлади.

– Ҳали шошманг, – деди Жайрона. – Қўймоқ ҳам кўнглингизга тегар. Ахир, мен қўймоқдан бошқа овқатни билмайман. Полуфабрикат магазинидан музлатилган чучвара, гувалача қилиб тайёрланган котлет, ёғли ҳамир, чўзиб қўйилган лағмонларни опкелиб пишириб юрган одамман. Ош дамлашни-ку, мутлақо билмайман. Палов эркаклар иши, дейишади, тўғрими?

Толибжон оғзида қўймоқ бўлганидан гапиролмай, бош қимирлатиб тасдиқлаб қўйди.

– Ундан кейин-чи, Толибжон ака, пирог, торт тайёрлашни биламан. Ичингизда ўйлаётгандирсиз, ҳеч балони билмас экан, деб. Мен бечора бунақа нарсаларни қайдан

билай. Детдомда ўсдим. Институт ётогида умрим ўтди. Колгани юртма-юрт кезиш...

Толибжон унга аллақандай меҳр билан қаради. Жайрона буни сезди.

— Демак, таъна қилмайсиз. Агар сиз хоҳласангиз, кулинария курсига кириб ўқийман. Азбаройи сизга ёқадиган овқатларни ўрганиш учун.

Толибжон меҳр-муҳаббат акс этиб турган кўзларига бокиб, гоҳ қошлигини кериб, гоҳ чимириб, гоҳ лабларини гўдакларча чўччайтириб, энтикиб-энтикиб гапираётган келинчакнинг офтобли кунлари кўп бўлиши учун жону жаҳонини сарф қилишга ҳам тайёр эди.

Шу тариқа уларнинг тақдири боғланди...

Бахтли дамлар кўз очиб юмгунча ўтиб кетади. Толибжон билан Жайрона бир-бирларини ялаб-юлқаб, асал ойининг бир ҳафтасини ўтказиб юборганларини билмай қолишиди.

Энди у ёқ-бу ёқдан, дунёнинг ишларидан ҳам гаплашиб ўтирадиган вақт келди. Кечкурун телевизор кўриб ўтиришганда, Жайрона ярим ҳазил, ярим чин қилиб, сиз курашга ярамас экансиз, битта зарбадаёқ гангиб қолар экансиз, деди.

Толибжон ҳайрон бўлди.

Ундан бунаقا таънани кутмаганди. Қачондир, кимдир айтиши керак бўлган бу гапни Жайрона айтди-кўйди.

— Мени кечиринг, Толибжон ака. Сиз билан тақдирим боғланди. Энди ҳаётингизга бефарқ қаролмайман. Эртами-индин Москвага кетаман. Толибжон ака, бунаقا бўшашманг. Бўлган гапларни қоғозга туширинг. Москвага олиб кетаман.

– У гаплар эскириб кетди, – деди Толибжон.

– Йўқ, йўқ, унака деманг. Толибжон ака, сиз яна оркага чекиняпсиз. Сиз то ўз мавқеингизни тикламас экансиз, бу иш эскирмайди. Сиз бўшашибманг. Пахта заводларида муттаҳамлик билан йигиб қўйилган пахталарни колхозларга сотишлари, музлаган кўсакларни чанглаб терган колхозчиларнинг ҳақига хиёнат килаётганлари тўғрисида, қўшиб ёзиб план тўлдираётганлар ҳакидаги хужжатлар билан танишиб чиқдингиз. Ана шуларни била туриб индамаслик жиноят эмасми?! Толибжон ака, шуларни Москвага хабар қиласлий.

Толибжон босиклик билан деди:

– Хозир бу гапларни Москвага хабар қилиб бўлмайди.

Жайронана сапчиб ўрнидан туриб кетди.

– Яна ланжлик қиляпсиз, Толибжон ака. Нима учун курашдан ўзингизни олиб қочасиз?

Толибжон Жайронанинг қўлидан ушлаб ўтқазмоқчи бўлди, Жайронана силтаниб нари кетди.

– Сиз ҳозир бу бўшашибган одамга қўнгил қўйиб чакки қилган эканман, деб ўйлаётган бўлсангиз керак. Агар сиз айтгандек қилиб ёзиб юборсак, халқимизга жабр қилган бўламиз...

Жайронанинг қошлиари керилди. Жаҳл билан, «Бу нима деганингиз», дея ачитиб гапирди.

– Ўзингиз билиб турибсиз, Гдлян билан Иванов бошлиқ шафқатсиз терговчилар юзлаб одамни қамаб бойлик талаб қиляптилар. Биз юбормоқчи бўлган ҳужжат яна қанчалаб одамларнинг қамалишига сабабчи бўлиши мумкин. Шунинг учун бу масалада эҳтиёт бўлишимиз керак.

Жайрона бўшаши. Толибжоннинг оппок соchlariга тикилиб қолди. Аста қўл чўзиб, унинг ташвишларда, айриликларда, азобларда оқарган соchlарини силай бошлиди.

- Мен масаланинг бу томонини ўйламаган эканман.
- Ҳали ёшсиз-да, – деди кулиб Толибжон.

– Сиз ёш, деб айтиётган хотинингизнинг дунёга келганига эртага кирк йил тўлади. Биласизми, Толибжон ака, ёш хотинлар эрига ҳокимлик қилишини яхши кўрадилар. Чидайсиз-да. Лейтенант Рўзиев маҳорат билан айтиб берган ҳикоясининг қоғозга тушган нусхасини русчага таржима қилиб берасиз. Ўзим машинкадан чиқазиб, Москвага олиб кетаман. Лукмонов ўликхонада ётибди. Унинг масаласи ҳал бўлган. Аммо Мирвалини охиригача фош қилишим керак.

– Ҳозироқ таржимага ўтираман, бир-икки соатда айтганингиздек қилиб бераман, – деди Толибжон Жайронанинг қатъийлигидан мамнун бўлиб.

– Эрталаб таржима киласиз. Ҳозир машаққат билан етишган шу баҳтли дамларимизнинг гаштини сурайлик. Сиз боя таърифлаганингиз каби ўн саккиз ёшга кирганимда, гўё бундан буён ҳам шу ўн саккиз ёшингда қимирламай ўтираверасан, йиллар ўтади, умр кетади, сен ўн саккизда тураверасан, деб буюрилгандек. Табиатнинг мутлақо ўзгартириб бўлмас қонунлари бор-ку, ахир. Унга ўчакишиб бўлмайди. Агар мен шу алпозда кетаверсам, эркаклаб кетаман. Аёллик латофати ҳам, аёллик назокати ҳам ўлади. Агар яна бирон йил кечиксам, дунёдаги энг баҳтсиз аёлларнинг бири бўлиб қоламан. Яъни, бола кўриш баҳтидан маҳрум бўламан. Мен сизга ўтда куйган ўғлингиз ўрнига ўғил туғиб беришим ке-

рак. Шуни яхши билингки, кеч эрга теккан қизлар битта тукқандаёқ шалвираб, бирдан қариб қолади, юзларига доғлар тушади, ўргимчак тўридек ажинлар тушади. Сочлари оппоқ пахтадек бўлиб қолади. Сиз шундай хотин билан яшай олasisми? Кўнглингиз совиб қолмайдими?

Толибжон унинг нима деяёттанини тушунди. Уни бағрига босиб, соchlарини силади.

— Яхшилаб қаранг, соchlаримга оқ оралаб қопти. Бу умр кирови. Худо харакатингни килиб қол, деб огохлантиряпти... Худо ўн саккиз ёшда тўхтатиб қўйган тўсиқни олиб ташлади, шекилли. Гўё тўхтаб қолган соат бирдан чикиллаб юриб кетди. Энди уни тўхтатиб бўлмайди. Бу нима? Бахтми, бахтсизликми? Бахт томонга очилган охирги йўл. Шу йўлни икковимиз бирга, инок, тутув босиб ўтишимиз керак...

Иккови алла-паллагача бир-бирини ялаб, юлқаб ўтиришди. Гаплашмаган гаплари қолмади. Жайрона болалик йилларини эслади. Ота-онасининг юзи, кўзи қанақа эканлигини эслаёлмаганидан кўз ёш ҳам қилиб олди. Уларнинг сувратлари ҳам қолмаган. Унинг на акаси, на спаси, на укаси, на синглиси бор. Жуда кичкина қизалок пайтидан болалар уйида тарбияланади. Болаларнинг узок-яқин қариндошлари йўқлаб келганда у бир чеккада мунгайиб, ўксиб ўтиради.

Жайрона эрининг иссик бағрида ҳаловат топгандек, ухлаб қолди.

У кўзини очганда, Толибжон ёнида йўқ эди. Соатига қаради. Бешдан ошибди. Ҳалатини елкасига ташлаб, зал уйга чиқаётганда Толибжон билан тўқнашиб кетди. Толибжоннинг кўлидаги чойнакдан сапчиған чой унинг йўқсига тўкилишига оз қолди.

– Бирон жойингиз куймадими?

– Ҳечкиси йўқ. Бирор нима бўлди, деб сўраса, эрдан куйган хотинман, деб қўя қоламан.

Толибжон унинг ҳазилига тушунди.

– Топшириғингизни бажариб кўйдим. · Билмадим, сизга ёқадими, йўқми. Ҳар калай ўрисчага сизчалик уста эмасман, – деди Толибжон мамнун охангда.

– Энди сиз ҳам озрок мизғиб олинг. Тургунингизча манавини машинкада кўчириб кўяман. Йўқ, деманг, хотиннинг гапига эр дарров хўп дейиши керак.

Толибжон, хўп, хўп дедим-ку, деб ётотқа кириб кетди.

Жайрона лейтенант Мардон Рўзиевнинг ҳикоясини машинкада босиб бўлгунча тонг отиб, юқори қаватдаги уйларнинг деразасига офтоб тушган, ўқишга борадиган болаларнинг овозлари, боғчага бориши керак бўлган болачаларнинг инжиқликлари, оналарининг уларга ялинишлари эшитила бошлади...

Эшик қўнғироги жиринглади. Жайрона ким бўлдийкин эрталабдан келган, деб эшикни очди. Ён қўшниси – олтмишларга кирган хотин қўлида бир даста гул, картон кутида торт ва елим халтада нималарни дир кўтариб турарди.

– Кеча кечкурун бир одам бериб кетди. Ичкарига киринг, десам, қўнмади. Эҳтиёт бўлинг, халатингиз хўл бўлмасин. Гулдастани сувли пақирга солиб кўйгандим.

Жайрона унга миннатдорчилик билдириб, совғаларни олди.

Кўшни хотин кетиши билан елим халтани титкилай бошлади. Ундан жуда ҳам чиройли гулдор конвертни олди. Шошиб ўқий бошлади.

«Қизим, кирқ ёшинг муборак бўлсин...». Бу Оқсоқол отанинг табрик хати эди.

Шу одам унинг бирдан бир меҳрибони. Ҳам отаси, ҳам устози. Ўн тўрт ёшидан унинг тарбиясида бўлди. Ота-онаси йўқ, энди ўн тўрт ёшга кирган бу етимчани у ўз тарбиясига олди. Ҳатто чет элларда ҳам уни ўзи билан олиб юрди.

Жайронанинг кўзларидан ёш қуйилиб келарди... У кирқ ёшга кирганимда табриклайдиган ёр-жўраларим, дугоналарим йўқ, деб ўксиган эди.

Тонгга яқин телефон зарб билан жаранглаб уйғотиб юборди. Жайрона халатини ҳам киймай, шошиб нариги хонага чиқиб кетди. Қандайдир жиддий бир воқеа юз берганга ўхшайди. Давлат хавфсизлиги қўмитасининг телефони шунаقا «тревога» сигналига ўхшаш овоз чиқаради. Тинчликмикин, ишқилиб.

Жайрона ким биландир гаплашарди. Худди бирор эшитиб қолишидан ҳадиксираётгандек, паст овозда, қисқа-қисқа, узук-юлук, эшитган одам асло тушунолмайдиган қилиб гаплашарди.

Жайрона трубкани жойига кўйиб, ётоққа кирди, каравот четига ўтириб, хурпайиб олди. Ҳали тонг отмаган, дераза орқаси қоронғи эди.

– Ким экан, бемаҳалда телефон қилган? – деди То либжон.

– Қўмитадаги навбатчи дугонам, – деди Жайрона.  
– Тинчликми?  
– Янги министримиз Акбар Рассоқовни гдлянчилар кўлига киshan солиб олиб кетишибди. Оқсоқол отам зудлик билан орқама-орқа Москвага учиб кетибдилар.

Уч кундан кейин Толибжон Жайронани Тошкент аэропортида Москвага кузатиб қўйди. Шу билан келин-куёвнинг асал ойи поёнига етди.

Толибжоннинг танидаги бир неча йиллардан бери ҳукм суреб келаётган мудроқлик тарқай бошлади. Унинг яшагиси, шу пайтгача йўқолган йилларини қайта тиклагиси келарди. У ҳали тонг ёришмай туриб, ғира-шира коронғида трусичан бўлиб баланд қават уйлар атрофида югуради.

Шундай тонгги югуришларда у ҳовлидаги скамей-када мудраб ўтирган бир кишига кўзи тушди. Жуда таниш туюлди. Қаерда кўрган эканман, дея ўйлаб лифтда олтинчи қаватга қўтарилди. Энди уйга кириши билан эслади.

Бу кўзига таниш кўринган одам Мирвалининг маҳсус соқчиси Насим.

Эртасига яна югуриб қайтаётганда худди ўша скамейкада қотмагина бир йигитни кўрди. У олтинчи қават деразасидан кўз узмасди. Толибжон уни ҳам таниди. У Жаъфар эди. Мирвали рақибларини мана шуларнинг қўли билан йўқ қиласди. Толибжоннинг миясига ярқ этиб бир гап келди: улар Жайронанинг жонига қасд қилиб келганлар!

Толибжонни ваҳм босди. Жайронани қандай қилиб огохлантириш мумкин? Зора ўзи Москвадан телефон қилиб қолса.

Толибжон деразадан қаради. Скамейкада Насим полвон билан Жаъфар гаплашиб ўтиришарди. Улар Жайронанинг Москвага кетганидан бехабар бўлсалар керак. Уйдан чиқишини кутишяпти. Кеча ва бугун Толибжон улар олдидан ўтганда унга эътибор беришмади. Эъти-

бор берганлари тақдирда ҳам танишолмасди. Одам кийим билан одам. Ярим яланғоч одамни таниб олиш осон эмас, албатта.

Толибжон чироқ ёқмай, болохонадан пастга каради. Скамейкада сигарет чўғи йилтириарди. Демак, улар кетишмаган. Кутишяпти. Улар то Жайронани бирёзлик қилмагунча Мирвалининг кўзига кўриниша олмайди.

Мирвали битта гапиради. Бир гапни икки марта қайтармасди. Айтганини қилмаганларнинг ҳолигавой эди. Ана шунинг учун ҳам келган йигитларнинг бири ухлаганда, иккинчиси уйғоқ, йўл пойлаб ўтиради.

Толибжоннинг кўзи илинган экан, телефон жиринглашидан уйғониб кетди. Тумбочкадаги соат уч яримни кўрсатиб туарди. Толибжон трубкани олди. Бу Жайрона эди. Москвага яхши етиб борганини, Раис билан учрашганини айтди. Бўлган гапларни телефонда айтиш мумкин эмаслигини Толибжон тушунарди. Шунинг учун ҳам нима дейиши, деб сўрамади. Факат қачон қайтишини сўради. Жайрона эртага иккинчи рейс билан учиб келишини айтиб, малол келмаса, кутиб олсангиз яхши бўларди, юкларим кўп, ётоқдаги тошойна тортмасида «Жигули»нинг қалити бор, аэропортга миниб чиқинг, деб илтимос қилди. Унинг бу гапи Толибжон учун айни муддао эди. Толибжон бу ерда унга суиқасд тайёрланаётганини айтмади. Жайрона овқатдан қийналаётганингиз йўқми, деб сўради. Кейин, сизга ажойиб плашч олдим, Финляндияники, деди.

Толибжонга умрида бирор бирон нима олиб бермаган эди. Эсини танибдики, ишлаб кам-кўстини ўзи қилади. Студентлик йилларида дам олиш кунлари мардикор бозорига чиқарди. Кечкурунлари мактабда қоровуллик

қиларди. Унча-мунча рассомликка кўли келишганидаң, яқин колхозларга чикиб, клубларни безар, шиорлар ёзиб чойчақа ишларди.

У умрида биринчи марта, сенга палон нарса олдим, деган гапни эшитиши эди. Ўпкаси тўлиб, кўзларидан ёш чикиб кетди. Жайронা кейин нима деди, эслолмади. То-либжон ҳиқиллаб трубкани жойига қўйди.

Пастда, қоронғида ҳамон сигарета чўғи йилтиарди.

## XXII

Мирвали чарчаган эди. У машинадан тушиб дам олиш учун кетаётганда Абдулазиз уни тўхтатди.

– Хўжайн, эшитдингизми, Толибжон тоға оламдан ўтибдилар.

- Шунақами, – деди Мирвали орқасига ўгирилиб.
- Қачон?

Мирвалининг бу гапдан хабари бор эди. Лекин гўё энди эшитаётгандек тутди ўзини. Аслини олганда, бу “операция”га унинг ўзи четдан туриб раҳбарлик қилганди. Бефаҳм югурдаклари Жайронанинг ўрнига Толибжонни отиб қўйишган эди.

Абдулазиз Мирвалининг кўзига тик қараёлмай, ни-мадандир ташвишланиб турарди. Мирвали буни дарров сезди.

– Нима бўлди? Нега кўзингни олиб қочасан, ўғирлик қилиб қўлга тушган одамга ўхшаб.

Абдулазиз айтмоқчи бўлган тапини тилига чиқазол-май чайналди.

- Гапирсанг-чи! Тил-забонинг борми, нима бўлди?

— Насим полвонингиз яна қовун туширди. Аввалги куни Эралини қамаб кўй, деб буюргандингиз. Бу аҳмок қамашга қамаб, калитни ёнига согланча ошналари билан Самарқандга кетворипти. Эралини қамаб кўйгани бугун эсига тушиб, ҳаллослаб қайтиб келди. Очиб караса, икки кун овқатиз, тушаксиз, сувсиз ётган Эрали жинни бўлиб копти. Одам танимайди. Бу ҳам етмагандек, сиз аввалини куни олиб кетган Қора Бахмал қочиб кепти. Эралини шунақаям яляптики, асти қўяверасиз. Эрали уни ҳам танимаяпти. Яқинига келса, уриб ҳайдаяпти.

Мирвалининг зардаси қайнаб кетди.

— Ҳаммангни замбаракнинг оғзига солиб отиш керак, сволочлар! Полвоннинг ўзи қани?

— Эралини кўриклаб юрипти. Мен боя жиннихонага телефон килгандим. Ҳозиргина, сиз келишингиздан беш минутча олдин “Тез ёрдам” кишлоқка ўтиб кетди.

Шу пайт “Тез ёрдам” автобусчаси кетма-кет сирена чалиб ўтди. Унинг оркасидан Қора Бахмал югуриб борарди. Мирвали хушини йўқотганча караб қолди.

Қаранг-а, Қора Бахмал йўлни топиб кепти-я! Ахир, унинг кўзларини бойлаб олиб боришган эди-ку. Ажаб!

Мирвали Қора Бахмалнинг бобоси Қора Лочинни эслади. У ҳам неча минглаб километр йўл босиб, фронтдан қайтиб келган эди. Одам боласи вафодорликни отдан ўрганиши керак экан, деб ўйлади.

Абдулазиз ерга караганча секин: “Агар жанозага борсангиз мени ҳам олиб кетасизми... Толиб тога кўп яхши одам эдилар, – деди.

Мирвалининг жанозадан ҳам “зарур ишлари” кўп эди. У қайтиб машина ёнига келди. Илтижо билан караб турган Абдулазизга:

— Сен шу ерда қол. Толиб ўлиб кетди. Жанозага келган-келмаганингни бари бир билмайди.

Зина четида ўзини офтобга солиб, ҳурпайган бароқ мушукка ёмон қараш қилди. Кўнглида, шу мушук ҳам пайти келиб Аскаралининг кунини бошимга солади, суякларимни ғажийди, деб ўйлади. Уни кучининг борича тепди. Мушук ҳовлининг ўртасига бориб тушди. Мирвали кетди. Абдулазиз орқасидан ўксис қараб қолди.

\* \* \*

Мирвали келганда жанозага одам тўпланиб бўлган эди. У машинадан тушиши билан тумонат иккига айрилиб, унга йўл очди. Ёшлар четга чиқишиди. Кексалар кўл ковуштириб, салом беришиди.

Ҳамма жим. Мирвали эшик олдида турган Насим полвон билан Жаъфарга хунук бир қараш қилди. Иккови ҳам кўзини яширомай қолишиди.

Ичкаридан Зайнабнинг фарёд уриб йиглаши эшитиларди.

— Рўшнолик кўрмаган акагинам! Ёруғ жаҳондан ном-нишонсиз кетган акагинам!

Мирвали ҳовлига юраги бетламайроқ кирди.

Онаси айвонда тебраниб-тебраниб ўтирибди. Супалабида Жайрона бошини икки кафти орасига олганча қимиirlамайди. Елкаси муттасил силкинади. Унинг ўнг кўли тирсагигача дока билан танғилган. Зайнабнинг соchlари тўзғиб кетган. Икки тиззасига телбаларча шапиллатиб уриб, ҳовлининг у бошидан бу бошига додлаб бориб келади.

Эшикдан кириб серрайиб турган Мирвалини кўрди-ю Зайнаб унга ўзини отди.

– Вой, Мирвалижон ака, жигаримдан жудо бўлдик!  
Ёнгинангизда савлат тўкиб юрса бўлмасми! Энди  
нима киласиз, биттагина суюнчиғингиз ҳам ташлаб кет-  
ди! Бу дунёдан рўшнолик кўрмай кетди...

Мирвали нима дейишини билмасди. Унинг дийдаси  
қаттиқ, унча-мунчага кўзига ёш келмасди.

– Бўлди, бўлди, синглим. Ўзингни тут. Бир ўлим  
хаммамизнинг ҳам бошимизда бор.

Мирвалининг овозини эшишиб, Жайронга бошини  
кўтарди. Унга шундай карадики, Мирвали бир қадам  
орқага чекинганини ўзи сезмай қолди. Жайронанинг  
икки кўзидан ўқ отилиб, унинг кўксига қадалгандек эди.  
Мирвали унинг бу қарашига тоб беролмади. Кўзини  
олиб қочди.

Мирвали бурилиб, кўча тарафга қараб юраркан, тўх-  
тади.

– Зайнаб, кам-кўстинг бўлса, тортинмай айт. Ниманг  
кам, нима керак?

Зайнаб унинг гапига қулоқ солмай, яна дод солгани-  
ча у ёқдан бу ёкка асабий бориб кела бошлади.

Мирвали ташқарига чиқди. Ўтирган чоллар яна ўр-  
ниларидан туришди. У қўл силтаб, ўтираверинглар, де-  
ган ишора қилса ҳам чоллар ҳассага кўкрак қадаб тура-  
веришли.

Мирвали улар қаторига бориб ўтиrmай, машина-  
си томон кетди. Насим билан Жаъфар унга эргашди. У  
машина эшигини очиб, рация трубкасини кўтариб, яна  
жойига ташлади. Гуноҳкорона қўл қовуштириб тур-  
ган Жаъфар билан Насим полвонга еворгудек ўкрайиб  
каради.

– Сен абллахларни киндигингдан отиш керак. Икковиңгни ҳам паймонанг түлганга ўхшайди. Менга панд беришдан бошқага ярамай қолдиларинг.

Жаъфар бети қаттиқ, андишани билмайдиганлардан эди. Мирвалининг ишончига кирдим, нимани хоҳласам килавераман, деб ўзини кўйиб юборган эди.

– Энди, бизда нима айб, хўжайн? Кечаси, ҳаммаёқ қоронғи бўлса. Юриб турган машинадаги одамни мўлжалга олиш осон бўлтими?

Насим полвон гапга аралашди:

– Машина уч марта тўнтарилди. Иккови ҳам тамом бўлди, деб ўйлаган эдик. Анави хотиннинг жони қаттиқ экан, ҳеч бало бўлмапти.

Унинг гапини Жаъфар илиб кетди:

– Уларнинг «Жигули»сини аэропортдан кузатиб келдик. Икки машина билан ўртага олиб сикиб кела-вердик. Бир томондан Насим ака, бир томондан мен машинани ёндоштирдик. Икки марта тепки босдим. Рулда хотини эди. Эркаги елкаси билан тўсиб қолди. Ўкнинг иккови ҳам ўшанга тегипти. Машина трамвай йўлига чикиб кетди, столбага қарсиллаб урилганини биламан, бир маҳал қарасам, думалаб катта йўл ўртасига ёнбоши билан тушди. Кўчада ҳеч ким йўқ. Соат тўртлардан ошган. Биз Текстиль комбинати олдидан ўтаёттанимизда ГАИнинг патруль машинаси ўша томонга кетаётган эди. Насим ака билан биз бетон йўлга чиқкандан кейин учрашдик.

– Иккови ҳам тамом бўлди, деб ўйлагандик, – деди яна Насим полвон.

– Абллахлар! Ўлиши керак бўлган хотин шу ерда, ичкарида ўтирибди. Агар сенларни таниб қолса, тамом.

Икковингният умринг турмаларда ўтади. Ким билади, балки пешоналарингдан отар.

Насим полвон сергакланди.

– Бизни танимайди. Кечаси қоронги эди. Биз томонга қарамаган. Улай агар, танимайди.

– Шу ерда бўлса тинчтиб кўя қолайлик, – деди Жаъфар дадилланиб.

– Йўқ, – деди Мирвали. – Энди унга тегиб бўлмайди. Кўзимдан йўқолларинг. Агар шу хотинга бир бало бўлса, икковингни ҳам йўқ қилиб юбораман.

Обком котиби Маҳкамов жанозага йигилганларга Тошкентдан Толибжоннинг бир гурух дўстлари, Асвон тўғонида, Ливанда, Мозамбикда унга ҳамроҳ бўлган – Танзания ва Танганьика президенти Жулиус Терере номидаги орденга мушарраф бўлган пахта устаси Шонеъмат Аббосов, Ташки ишлар вазирлиги ҳамда Жайрана мансуб бўлган қўмита ходимлари Толибжон билан видолашишга келишаётганларини айтди. Улар уч ярим соатда етиб келишларини, шу сабабдан жаноза пешин намозида эмас, намози асрда ўқилишини билдириди.

Мирвали кўзида ёш билан соатига қаради. Жанозага ҳали тўрт соатдан ортиқ вакт борлиги сабабли бошқа «зарур» ишларини битказиш учун бирлашма томон кетди. У машинага ўтириши билан ўзи истаган вактида мижжаларида пайдо бўладиган кўз ёшини артиб ташлади.

Тошкентдан йўлга чикканлар ҳали офтоб учмай, Етимқишлоққа кириб келишди. Қабристонда электр бўлмаганидан қоронғига қолиб кетмаслик учун вакиллар номидан бир кишига сўз берадиган бўлишди.

Зайнаблар ҳовлиси одамга тўлиб кетди. Кампир энани кўтариб сўрига олиб чикишди. Мотам митинги-

ни шу бугун Москвадан етиб келган Оқсоқол ота очиб, Толибжоннинг ибратли ва лекин фожиаларга тўла умр йўлини гапириб, Толибжонга узоқ йиллар чет элларда ҳамроҳ бўлган, унинг ҳаётда кечирган ҳамма яхши-ёмон кунларига шохид бўлган пахтакор Шонеъмат Аббосовга сўз берди.

Оқсоқол ота Жайрона олдига келиб, унга секингина Раззоков номидан таъзия изҳор қилди. «Ишлари яхши. Ҳозир даволаняпти. Икки кундан кейин ишга чиқади», деди.

– Толибжон она юртини жонидан севарди, – деди марҳумнинг қадрдони, пахта устаси Шонеъмат Аббосов. – Йигирма йил ватанидан олисда яшади. Йигирма йил ватанга талпиниб яшади. У ўзбек халқининг барча хусусиятларини онгига, жонига, бутун вужудига сингдирган, ўзгалар ҳавас қиласа арзигулик бир миллат ўғлони эканини намойиш қилганди.

Аббосов гап орасида кўшни томорқасида бўй чўзган қора терак учига тез-тез қараб кўярди. Терак уни ботаётган қуёшнинг сўнгги нурида шамдек ёниб турибди.

Мирвали кирди. Кирганини ҳамма кўрди. Унинг икки кўзи жиққа ёш эди. Аббосов сўзини давом эттирди.

– Толибжон Усмонов иродаси кучли, имони бутун, сабрли, бардошли, соғлом, бақувват, дўстга дўст, ёвга ёв, жасур йигит эди. Мозамбикда вабо хуруж қилганда у билан бирга эдим. Йигирма йил мусофиричилик дард-аламларини бирга тортган жуфти ҳалоли оловда ёнаётган фожеий дақиқаларда Толибжоннинг ёнгинасида эдим. Вабодан ўлганлар мурдасига бензин сепиб ёндиришганларини ўз кўзимиз билан кўриб тургандик... Бу

чинакам даҳшат эди. Инсон боласи кўриб, чидаб туролмайдиган фожиа намойиши эди.

Бу гапларни ҳаяжон билан эшитиб ўтирган кампир эна фарёд уриб юборди:

– Боламга ўқ отган қўлларинг акашак бўлсин, илоим. Уйларига ўт кетиб хонавайрон бўлсин. Кўйдек ювош болам кимга ёмонлик қилган экан? Илоё икки кўзи оқиб тушсин ўша дажжолнинг. Омин!

Ҳамма баробар «Омин» деди. Аббосов сўзини якунлади.

– Дўстим, қадрдоним, қабрингда тинч ёт. Сенинг нурли хотиранг ҳеч қачон унутилмайди. Алвидо! Алвидо, жигарим.

Толибжоннинг тобутини елкага олишганда, Эрали одамларнинг ҳай-ҳайлашига қарамай, мозор бошига Қора Бахмални етаклаб кетди.

Эралининг соппа-соғ пайтлари эди. У Толибжонга бошидан ўтган савдоларни, фронтда яраланиб госпиталга вагонда олиб кетаётганларида оти орқасидан эргашиб, тезлаб кетган поезддан қолиб кетганини, неча ойлаб денгизларни ёқалаб, дарёларни кечиб, чўлу биёбонларда сарсон бўлиб уйни топиб келганини, шу от йўл четларига Мирвали алдирин деган заҳарли дори септирган ўтни еб қийналиб, азобларда тўлғониб ўлганини, бир отини ўғрилар олиб қочганини гапириб берганида унинг отига ҳам, ўзига ҳам Толибжоннинг меҳри тушганди...

Файзсиз куз кунларининг бири эди. Оёқ остида ҳазонлар шитирлайди. Даражтларнинг яланғоч новдалари ботаётган қуёш алангасида чўғдай қиздирилган сонсиз симларга ўхшаб кетади. Сўқмоқлар ҳувуллаб қолган. Чўккиларда ҳайкалдек қотган бургутлар худди совукдан

кунишиб қолганга ўхшайди. Этни жунжиктирадиган аччиқ куз шамоли ўнгирдан чиқиб кетолмай, хазонларни чирпирак қилиб айлантиради...

Етимқишлоқ жуда баландликда. Бу жойларга куз ҳам, қиш ҳам эрта келади. Пастликда боғлар ҳали күмкүк. Бу жойда шамол хазон супуради.

Файзсиз куз кечида Толибжонни сўнгги «макони»га олиб кетиши. Зайнабнинг болалари унга фарзанд бўлиб, бел боғлаб, тобути олдида боришарди.

Аёллар тобут кетидан бормасдилар. Жайронা қанча тавалло қилмасин, унинг мозор бошига боришига кўнмадилар. Остонада қон қақшаб қолди.

Кампир ҳамон айвонда пичирлаб тебраниб ўтирад, ҳар замон-ҳар замон овоз чиқазиб, гапириб қўярди:

— Мен кетсам бўлмасми? Ахир, бу дунёда менинг ишим битган-ку! Мен ярамас, кимларнинг умрини яшяяпман? Э Худо, ёшларга тегма. Мана, мени жонимни ол! Шу Толибгинанинг бошини икки қилсан, боласини кўтарсан, деб юргандим. Тўйлар кўрмай, келин кўрмай, куёв кўрмай кетган болам-а! Во дариг, мунча қаҳрининг қаттиқ, Худо!

Мирвали караҳт эди. У тобут кетидан ҳеч кимга қарамай борарди. У Толибжоннинг қанчалаб таъналари ни тишини тишига қўйиб эшитганди. Шунда ҳам ғиринг деб оғиз очмаганди. Бирдан-бир рост гапни айтишга, таъна қилишга, жеркиб беришга Толибжоннинггина ҳаққи бор эди. Мирвали, Толибжонда менинг ёшлигим яшайди, умримнинг энг яхши бўлаги шу йигитнинг кўксисда қолган, дерди. Баъзан Толибжон унга, у ишинг ундок, бу ишинг бундок, деганда ҳам яна гапир, айтавер, сендан бошқа ҳеч ким менга ҳақ гапни айтмайди, дерди.

Мирвали у билан охирги марта учрашганда айтган гаплари шундоккина қулоқларида жаранглаб турибди.

«...Йўлнинг охирига бориб қопсан, ундан уёғи тубсиз жарлик, ҳеч бўлмагандан ўн йил олдин учрашганимда ҳам сени бу йўлдан кайтаардим. Энди кечикдим. Сен қидириб борганингда мени тополмайсан, мен қидириб келганимда сени тополмайман...»

Ҳозир оstonада йиғлаб қолган Жайрона унинг энг даҳшатли кушандаси. Афсуски, уни ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Айниқса, азим тоғларни бир мушт билан толқон қиласман, деган Мирвали шу биргина ожиза, аёл киши олдида қўли киска, ночор одамга айланиб ўтирипти. Энди Мирвалининг бундан кейинги ҳаёти шу аёлнинг қўлида. Уни на пулга сотиб олиб бўлади, на дўкпўписа билан тилини тийиб бўлади. На уни йўқ қилиб бўлади.

Мирвали ўз ўйлари билан бўлиб қабристонга етганинни билмай қолди.

Ҳеч ким унинг юзига қарашга ботинолмасди.

Қодиров мотам митингида қўринмаган эди. У монтёр бошлаб келиб қабристонга сим торттириб, уч жойга лампочка қўйдирипти. Ўпирилган бир гўр устида Мирвалининг сурати. Уни ўзи ҳам кўрди. Мирвалининг кўнглидан одамлар мени ўлдига чиқариб қўйишиптику, деган аламли бир ўй ўтди. Куч билан ўзини тутди. Кимдир суратни олиб иргитиб юборди. Сурат бошқа гўр устига тушди.

Толибжонни тупрокка қўйдилар. Тошкентдан ёздириб келинган мармар тошни қабр устига омонатгина ўрнатишди. Ташкилотлардан келган қора лента ўралган гулчамбарларни гўр - тепасига қўйишиди. «Қайнар»

масжидининг имоми тиловат бошлади. Ундан кейин «Якка чинор» масжидининг мутаваллиси давом эттириди. Одамлар тизза букканча бош эгиб ўтирадилар.

Куёш ботиб бўлган, факат чўкқилар учигина лаҳча чўғдек қизариб, қабристонга алвон туман пуркаган шоми ғарибонда Толибжонни тупроқка кўйдилар.

Бу жойларга жимжитлик қидириб келган Толибжон дунё ташвишларидан, ёвузлар таъкибидан, омадсиз ўтган умридан кутулиб, сўнгсиз жимжитлик бағрига сингиб кетди.

Мирвали қабристондан қайтища кампирнинг олдига кирмади. Жайрона билан юзма-юз келишга юраги дов бермади. Умрида биринчи марта аёл кишининг кўзига карашдан кўркди.

Машина олдида кутиб турган Жаъфарга, Насим полвонга ғазаб билан қаради. Икковининг юзига алам билан тупурди-ю, машинани юргизиб кетди.

У одамлардан, ҳозиргина кўхна гўр тепасида қолган суратидан, Жайронадан, кампир энасидан, Зайнабдан, шўхликлари, шумликлари ўтган қадрдон ҳовлидан қочаётган эди.

Зайнаб ҳамон фарёд уриб, ҳовлининг у бошидан бу бошига бориб келарди. Кампир тебраниб-тебраниб, нималардир деб пичирлайди. Жайрона кирқ йил деганда топган баҳтидан жудолик изтиробида қовуриларди. Кампир бошини кўтариб Зайнабга қарайди.

— Бас қил, ҳозир акагинангни тупроқка топширишяпти. Юрагимни эзиб айтиб йифлайверма. Кимга айтаяпман? Жайрона келинни чақир.

Унинг гапини эшитган Жайронанинг ўзи қайнонасининг олдига келди. Унинг келиб ўтирганини сўри қимиirlаганидан сезган кампир уни бағрига тортди.

– Чида, чида, болам. Бу дунё ўзи шунака.

Жайрона она бағрида эркаланмаган, она меҳрини күрмаган эди. Ҳикиллаб йиглаб юборди.

Кампир уни эти қочиб, факат терию устухондан иборат кўксига босиб, елкаларини, бошларини силади. Жайронанинг қайноқ танаси онанинг кўксини илитган-дек бўлди. Иссик нафаси димогига урилди.

– Вой, болам, – деди у сергакланиб. – Юкли бўпсан-ку! Қаҳрингдан ҳам, меҳрингдан ҳам ўргилай, Худо. Бу ёруғ дунёдан туёқ колдирмай кетган боламдан марҳаматингни аямабсан...

Ҳеч кимнинг гапини олмай фарёд ураётган Зайнаб бирдан жимиб қолди. Кампирнинг кўзидан ёш дув окиб кетди. У ўтиб кетган қариндош-уруғларини, ўзига якин билган қадрдонларини кўп эсларди. Аммо бирон марта Зайнаб унинг кўзида ёш кўрмаганди. Нима бўлди? Астойдил йигласа сўқир кўздан ёш келур дейишарди. Жайронани ҳовучида капалак ушлаб тургандек эҳтиётлаб бағридан бўшатди.

– Нордон нарса егинг келмаяптими?

Жайрона жавоб бермади. Ютинди.

Бошқоронғиларнинг давоси Ғупромиддиннинг боғида.

Кечасими, кундузими ёш келинчаклар унинг боғига «ўғрилик»ка тушишарди. Ғупром савоб учун боғига факат нордон меваларни экканди. Олу-булу, кўксултон, тоғ ҳавосида ҳеч қачон пишмайдиган, ҳамиша кўм-кўк бўлиб турадиган, еганинг тишини қамаштирадиган аччиқ олма, наъматак... Анорнинг ўзидан тўрт хили бор. Ғупромиддин «ўғрилик»ка келган келинчакларга ёлғондакамига «Ушла ўғрини» деб кўярди.

Зайнабнинг эри кўйлар кўзилай бошлаганда, айниқса, кечалари совликлар туккан боласини босиб шикастлаб кўймасин, деб кўлида батареяли чирок билан отар оралаб юрарди. Зайнаб ҳозир шу чирок билан Гупромиддиннинг боғига чикиб кетди.

Кампир эртага болаларни равоч олиб келишга токка юборишни қўнглидан ўтказиб кўйди. Лаблари пичирларди:

– Э, қодир эгам, мен ёшини яшаган, ошини ошаган бир бенаво сўкир бандангман. Сендан ҳеч қачон ўзимга умр сўрамаганман. Энди сўрайман. Яна бир йилгина умр бер. Шугинанинг боласини тиззамга кўйиб ўтирай. Овозгинасини эшитай...

Жайронадунёда шундай, бутун вужуди яхшиликка йўғрилган хотинлар борлигидан ўпкаси тўлиб энтикиб, энтикиб йигларди.

## XXIII

Кейинги пайтларда Ҳожимурод ўзини кўйиб юборди, раҳбарликнинг ҳавосини олиб, катта-кичикни писанд қилмай кўйди. Майда хўжаликларни аста-секин эмишга тушган. Аммо Мирвалига тиши ўтмай, нима қилсан тилини қисиб оламан, деб пайт пойларди.

Шошмай тур, сени бир маймун қилиб ўйнатай, деди ю, Мирвали телефон трубкасини кўтарди.

– Оқсокол, бормисиз? – деди у. – Жуда соғинтириб кўйдингиз-ку. Битта гап бор. Телефонда айтиб бўлмаса ҳам айтавераман.

Ҳожимурод, қани, қани айтинг, деб гапнинг давомими кутарди.

– Нурмат тоға масаласи.

Ҳожимурод Нурмат төғанинг отини эшитиши билан, қани, қани, демай қўйди.

– ...Тошкентга бораман, машина беринг, деб олдимга кепти. Тошкентда нима қиласиз, отахон, десам, катта раҳбаримизга учрайман. Ҳамма гапни оқизмай-томизмай айтаман, дейди. Ҳой, бу шаҳдингиздан қайтинг, десам, агар ўттиз минг сўмни шу бугун... – Мирвали девор соатига қаради. – Шу бугун соат бирда олиб келиб бермаса, Тошкентга кетавераман, дейди.

Ҳожимурод жимиб кетди. Шиша идишнинг жиринглагани, сувнинг шилдирагани эшитилгандек бўлди. Дори ичяпти-ёв, деб ўйлади Мирвали. Эринмай кутиб тураверди. Охири Ҳожимуроднинг овози келди:

– Бирон ой сабр қилсин, шунча пулим йўқ.

– Менам шундай десам, кўнмаяпти.

– Бўлмасам, бундок қилайлик, – деди Ҳожимурод хаста товушда. – Сиз қарзга бериб туринг. Кейин суришиб кетамиз.

– Биринчидан, – деди Мирвали, – умримда, бола бўлиб шунча пул ушламаганман. Ойликка қараб қолган одамман. Иккинчидан, шунча пул бўлгани билан сизга бериб бўлмайди. Олиб, курортга қочиб кетасиз. Нима қилсин, Ҳожи ака? Нурмат тоға Тошкентга кетаверсинми? Хулласи, соат биргача уни ушлаб тураман. У ёғига кучим етмайди.

Мирвали шундай деб, трубкани жойига қўйди. У қилган ишидан ниҳоятда хурсанд эди. Ҳожимурод ўлса ҳам соат биргача шунча пулни тополмайди. Бу томонларда бирор унга пул бермайди.

Шу пайт совхоз идорасига олиб келадиган йўл бошида микроавтобус кўринди. Бу кинохроника машинаси эди.

Автобус Тошкентдан қай маҳал йўлга чиқсан экан, деб кўнглидан ўтказди. Бу пайт автобус унинг олдига келиб тўхтаган эди. Ундан режиссёр билан оператор тушди. Мирвали улар билан қадрдонларча қучоқлашиб кўриша бошлади.

– Ҳа, – деди Мирвали ҳайрон бўлиб, – шу бугун йўлга чиқсанмидинглар?

– Кеча йўлга чиқсандик, Мирвали ака, Жиззахда тунаб қолдик. Кино битди. Бир нусхасини олиб келяпмиз. Клубингизда ўзингизга кўрсатмоқчимиз.

Улар бошлишиб бокқа киришди. Абдулазиз дастурхон тузаб қўйган эди. Киночилар учун сал орқароққа жой қилишни буюрди. Тўрт-беш киши бўлиб, югур-югур билан бирпасда жой ҳозирлаб, уларни таклиф қилишди.

Йигитлар йўлда роса ичишган бўлса керак, қовоклари салқиб, оғизларидаги гаплари уқаланиб кетаётган эди. Мирвалининг имоси билан дастурхонга икки-учта шиша келтириб қўйишди. Режиссёр олинг-олингни кутмай, шишани очиб пиёлага куя бошлади. Бу галги келишида у ўзини жуда эркин сезарди. Ийманмасди. Чунки Мирвали ҳар қанча харажат қилса арзийдиган, уни тарихдан тарихга олиб ўтадиган рангли кино олиб келган. Энди унинг эркалигини ҳам Мирвали кўтаради-да.

– Идора ходимлари қай маҳал тушликка чиқади? – деб сўради режиссёр.

– Бирда, – деди Мирвали. – Нима эди?

– Клубда фильмни кўрсатсак. Механик борми? Агар йўқ бўлса, ўзимизда механик бор.

Мирвали телефон трубкасини олиб, телефончи қизга идора ходимларининг ҳаммаси соат бирда клубга киришларини айт, деб тайинлади.

Машина олдида нимадир қилаётган шофёрини чақириб, киномеханикни топиб кел, деб буюрди.

Тушлик пайтида саксон чоғлик одам клубга тұпланди. Чирок үчиб, экранда тоғлар күрина бошлади. Бургут учяпти. Олисдан учиб келаётган бургут яқинлашиб, бутун экранни әгаллади. Музика баланд пардага күтарилиди. Экранда «Қуёш фарзанди» деган ёзув пайдо бўлди. Яна тоғлар, шаршаралар, бир учи тоғлар орасига санчиладиган асфальт йўллар, дарё устида учаётган ўрдаклар, чексиз далалар, булутдек чанг күтариб тоқка ўрлаётган эчкилар...

Экранда Мирвалининг юзи. У завқ билан куларди.

Машина тоғ йўлида. Рулда Мирвали.

Мирвали чўпонлар қуршовида. У янги туғилган қўзичоқни күтариб, унга меҳр билан қараб турибди.

Мирвали ер сураётган бульдозер кетидан чангга белениб боряпти.

У ветеран чоллар даврасида.

У чамандек очилган пахтазорда кезиб юрибди.

У иш кабинетида. Тун. Соат миллари учни кўрсатяпти. Мирвали ҳамон олдига чўт қўйиб нималарнидир ҳисобляпти. Соат миллари бешни кўрсатмоқда. Мирвали совхоз картаси ёнида нималарнидир ўйлаб турипти. Соат миллари олтида. Тонг оқариб келмоқда. Мирвали дераза пардасини күтариб, ташқарига қараб турипти. Тоғлар боши оқариб келяпти. Мактабга кетаётган болаларнинг қувноқ товушлари эшлияпти. Унинг юзида табассум...

Поёни кўринмайдиган асфальт йўлдан эчки юклаган сон-саноқсиз машиналар ўтмоқда.

Мирвали Олий Совет мажлиси минбаридан нутқ сўзламоқда.

У тонг маҳал тог йўлида пиёда кетмоқда. Унинг қархисидан офтоб чиқяпти. Гўё сал фурсатдан кейин куёш билан учрашадигандек...

Экранда тоғлар, шаршаралар, чўққига ўрлаган эчкилар, йилқи уюрлари, серқатнов тоғ йўллари, чексиз пахтазорлар.

У қуёшга қараб турипти...

Музика авж пардага кўтарилади. Залда чироқ ёнгандан ҳамма гур этиб унга қаради. Мирвали ҳаяжонини яширишга уринар, аммо лабининг таноби қочиб, ҳадеб илжаярди.

Совхоз фаоллари бирма-бир келиб, уни ажойиб фильм билан кутладилар. Мирвали режиссёр билан операторни бағрига босиб, раҳматлар айтди.

– Мана шу фильм лентаси сизга биздан эсадалик, – деди режиссёр.

Мирвали уларни Омонқутонгача кузатиб, орқага қайтди. Кийиксовди момо ҳайкали олдидағи супада янги тўн, янги дўппи кийган Эрали чавандоз орқа ўтириб ўтиради. Мирвали унга яқин келди. Қора Бахмал ҳайкал соясида кўксини ерга бериб уни қўриқлаб ётарди. У Мирвали келганидан сергакланиб ўрнидан турди. Чавандознинг эски кийимлари ўралган тутунчани ёнига қўйиб, хотини унга овқат едиради.

– Ҳа, карvon, нима қилиб ўтирибсиз? – деди Мирвали.

Эрали индамади. Мирвалининг башарасига узок қараб турди, танимади.

– Мен Мирвалиман.

Эрали чавандоз унга яна қаради. Бари бир танимади.

Мирвали унинг ақлдан озганига ишонмаганди. Айёрлик киляпти, деб ўйларди. Унинг жинни бўлиб колганига энди ишонди.

– Яхши юрибсизми, чавандоз?

– Билмадим, – деди Эрали.

– Мен Мирвалиман. Рихсиев Мирвали.

Эрали бошини тебратди.

– Мирвалини Бодомгул чакириб қабристонга олиб кетган. Иккови Етимқишлоқ қабристонида қўшмозор бўлиб ётишипти. Кеча бориб Бодомгулга тиловат қилдим. Мирвалига мана, – деди у бош бармоғини икки бармоғи орасидан чиқазиб. – У ёмон одам, мени ўлдирган. Менга битта гўрлик жой бермади. Ҳалиям кўмилмай сарсон бўлиб юрибман.

Пастдан бир отлик чиқиб келарди. У Эрали чавандозни кўриб, от жиловини тортди.

– Бу ерда нима қилиб ўтирибсиз, карвон? Етим қишлоқда қиёмат бўляпти-ку, ҳамма ўша ерда.

Эрали сапчиб ўрнидан турди. «Яқинда Толибжоннинг жанозасидан келдим-ку. Нима, Мирвали яна кими ўлдирипти? У шунака, одам ўлдираверади, ўлдираверади...»

Шундай деб илкис отга минди. Зум ўтмай туёқ товушлари эшитилмай қолди.

Мирвалининг бугунги кўрган ҳузур-ҳаловати ҳам бир бўлди-ю, Эрали билан учрашуви ҳам бир бўлди. Кўзига Бодомгулнинг қабри кўриниб кетди. Наҳотки унинг ўзи ҳам бир куни тупроқда ётади?! Наҳотки...

У ҳеч қачон ўз ўлими тұғрисида ўйламаганди. Шу топда ичгиси келди. Биронта дилтортар қадрдони билан ҳасратлашгиси, дардлашгиси келди. Аммо унинг дилтортар кишилари энди қолмаганди. Уларнинг ҳаммасини ўлдириб бўлганди. У бокка кириши билан телефон қилиб, Ҳожимуродни сўради. Котиба отахонимизни область касалхонасига олиб кетишиди, приступ бўлиб, кабинетда йиқилиб қолдилар, деб жавоб қилди.

- Қачон? – деди Мирвали.
- Соат бирларда, – деб жавоб қилди котиба.

«Ўзим ҳам худди соат бирларда шундок бўлади, деб режалаштирган эдим. Нурмат тоғанинг ўттиз минг сўми уни кўп балоларга гирифтор қиласди», деб кўнглидан ўтказди Мирвали.

У энг яқин, севган қадрдоним, дўстим деб атаган Толибжон абадий кўз юмид ётган шу паллада унинг кўнглига эрмак сикқанини қаранг! Мушук тутиб олган сичқонини аввал эзғилаб ўйнаб, кейин ейди. Ҳожимурод унга бамисли сичқон эди. Уни ана шундай ўйнатиб, кейин емоқчи. Ҳожимурод Мирвалининг истаган пайтида хап этиб ютадиган луқмайи ҳалоли эди.

Дунёда хавфли душманинг энг яқин дўстингдир. Чунки ичингдаги сирингни билади. Албатта, бир куни сени сотади. Сотганда ҳам улгуржи қилиб, ичак-чавоқларинг билан қўшиб сотади. Бегонанинг йўриғи бошқа. У қоронги уйда пайпаслаб юрган сўқир. Овозингни эши тади-ю, ўзингни кўрмайди. Уни қоронғида топгансан. Қоронғида йўқ қилиб юбораверсин. Нима қилганингни қон ҳиди келгандан кейин биласан. Ҳожимурод ҳам қоронғида топилган «дўстлар» сирасига киради.

Агар Азроил бир кўлида пул, бир кўлида ханжар билан Ҳожимуроднинг йўлини тўсиб:

— Сенга пул керакми ё жон керакми? — деса, Ҳожимурод ҳеч иккиланмай, пул керак, дейди.

— Сени ўлдираман-ку, пулни нима қиласан, — дейди Азроил.

— Шу пулга ўзингни сотиб оламан, — деб жавоб қиласади Ҳожимурод.

Нурмат тоға тоғлар орасида ит кунини бошига солди. Бир ўқ билан унинг жирканч умрига нукта қўйиши мумкин эди. Нурмат тоға қўлини қонга булғамади. Чунки у жонлини бежон қилиш гуноҳи азим деб биларди.

Ҳожимурод иримчи эди. Жума куни туғилган қизларнинг уйига совчи юбормасди. Булар неча эркак кўлидан ўткан, сифати айниганди деб ишонарди.

## XXIV

Исройлнинг ўлими Мирвалининг айни муддаоси бўлди. Унинг ўрнига зудлик билан СССР Олий Совети депутатлигига номзод кўрсатиш зарур. Шу жой Мирвалига насиб қиласиди бўлди. Мирвали зиммасидан соқит қилган Ўзбекистон Олий Совети депутатлигига Мирвали бешинчи совхоз директори, ўз одами Турдиевни мўлжаллаган эди. Катта раҳбарга бу тўғрида оғиз очганда, ўйлаб кўрамиз, деган эди. Унинг ўйлаб кўргани шу бўлдики, ўрнига Қодиров номзодини қўйди.

Мирвали сайловчилар билан учрашувни Қодиров алоҳида, бошқа жойда ўтказсин, деган гап чиқарди. Бу гапи ҳам ўтмади.

Бугун Чорчинорнинг маданият саройида депутатликка номзодлар билан учрашув бўлади. Мирвали Рихсиев Қодировнинг шарманда бўлишини истарди. Бунга тайёргарлик ҳам кўриб кўйганди.

Биринчи бўлиб Қодировни минбарга чакиришди.

Мирвалининг таклифи билан йиғилиш аҳли бир минут тик туриб Толибжон Усмонов хотирасига сукут сакладилар. Мирвали бу иши билан Толибжоннинг ўлимига менинг ҳеч алоқам йўқ, демоқчи бўлди. Унинг бу айёрглигини Маҳкамов билиб ўтиради.

— Гапни нимадан бошлишимни билмаяпман, — деди минбарда турган Қодиров. — Очигини айтсам, шу пайтгача нима ишлар қилганим, қандай лавозимларда ишлаганим, олган камтарона мукофотларим ҳаммаси қўлингиздаги таржимаи ҳолимда ёзилган. Менинг бирдан — бир ниятим, депутат сифатида сайловчиларим бўлмиш сиз, азиз меҳнаткашларни юртимизни обод қилиш йўлида ҳалол, пок, ҳеч иккиланмай, ҳар қандай тўсикни енгиб ўтишга даъват қилишдан иборатдир. Аҳолининг маънавиятини ошириш учун эса биз алоҳида гамхўрлик қилишимиз керак. Қишлоқ хўжалигида одамлар «ишчи кучи» эмас, онгли меҳнаткашлар эканини барабалла айтишимиз керак. Марҳамат қилиб истаган пайтингизда хузуримга келиб, ўзингизни ўйлатган, кийнаган масалаларни бемалол айтишингиз мумкин.

Қодировга деярли саволлар бўлмади. Фақат бардам бўлинг, ўз хукуқингизни билинг, зўравон хўжалик раҳбарларидан чўчимай ишланг, деган талаблар бўлди, холос.

Ана шундан кейин Маҳкамов, биринчи депутат билан учрашув якунланди, танаффусдан кейин СССР Олий

Совети депутатлигига номзод Мирвали Рихсиев билан учрашув бўлади, деб эълон қилди.

Мирвали танаффус пайтида учта автолавкага савдо-ни бошлишга рухсат берди. Лавкаларда бу ердаги кўпчиликнинг тушига ҳам кирмаган ноёб моллар бор эди. Россиядан олиб келинган ичи қизил, бақлажондек йилтироқ калишлар, Мирвалининг бисотида сақланган, капитар тезаги деб аталган ҳақиқий тўқсон беш чойлар, қишлоқ аёлларининг жони бўлган ҳар хил баҳмаллар, ҳатто ҳалқ артистларининг ҳам тушига кирмаган Яхудий атласлар, пахта гулли чойнак-пиёлалар, «келини кийсин, қайнонаси куйсин» деб аталган крепдешин атласлар бор эди. Қанораларга осилган мол, қўй, ғоз гўштларини со-тишга рухсат берилди. Бу гўштлар ярим баҳода сотила бошлиди. Эллик фоиз нархини бирлашма ўз гарданига олган эди. Тоғдан олиб келинган яшик-яшик олмалар, ноклар, узумлар эса текин.

Мирвали ана шундай кўли очиқлиги билан Қодировни доғда қолдирмоқчи бўлганди.

Учрашувга раислик қилаётган Маҳкамов ишончли вакилга сўз берди.

У икки оғизгина гапириши билан пастдагилар қарсак чалиб, унинг гапиришига имкон бермадилар. «Бу гапларни ўзимиз биламиз. Нима қиласан уни бизга тушунтириб», – деган овозлар эшитилди пастдан.

Навбат депутатликка номзод Мирвали Рихсиевга бе-рилганда, у ниҳоятда «камтарлик» қилди.

– Нимаики қилган бўлсам, мана, кўз олдингизда кўриниб турибди. Мен бу ишларни ҳалқимга эсадлик бўлсин, деб қилдим. Эндиғи қиласиган ишларимдан га-пирсам дуруст бўлади.

Бу тоғларнинг турган-битгани – хазина. Қанчадан канча олма, ноклар, анорлару олхўрилар, шафтолилар тўкилиб, нес-нобуд бўляпти. Ана шуларни қишига асраш имкони бор. Тоғ ораларида ҳам камарлар борки, минг-минглаб тонна меваларни йил бўйи сақлаш имкони бор. Ўн битта камар бор экан. Ҳар бирига йигирма-ўттиз минг тоннадан мева жойлаш мумкин экан. Ана шуларни пулга чақсанг, эҳ-ҳе, миллиард сўмдан ҳам ошиб кетаркан. Минг афсуски, бизда бу меваларни терадиган одам йўқ. Ташқаридан одам ёлласак, улар кўнгилдагидек ёлчишиб ишламайдилар. Дараҳтдаги меваларни қўлда териш ўрнига калтак билан қоқадилар. Заха бўлган меваларни асрраб бўлмайди. Агар шу муаммони ҳал қисак, итимизнинг туваги ҳам олтиндан бўлиб кетади. Корамол масаласи бизда жуда жиддий масала ҳисобланади. Пастда – текисликда деярли еримиз йўқ, десак ҳам бўлади. Сигир деган жонивор тоққа мослашмаган.

Бу масалада кўп ўйладим. Жиззах обlastida Америкадан қўтос олиб келиб кўпайтиришилти. Уларга жуни ноёб бўлган эчкилардан бериб, элликтасини оляпман. Бу жониворлар сергўшт. Ундан ташқари, қишида ҳам қор тагидан овқатини топиб еяверади. Қалин қор босган жойлардан икки-уч, ҳатто тўрт метр қор тагини ковлаб кириб кетади. То кўкатга етмагунча ковлаб бораверади. Сути ниҳоятда шифобахш.

Мирвали бироз тўхтаб, яна нималарни айтсамикин, деб туриб қолди.

– Менингча, шу гапларим етарли. Энди гапни сиздан эшитайлик. Саволларингиз бўлса, тортинмай айтиверинглар.

Үрта қатордан кексагина бир озғин киши ўрнидан турди.

— Қилган, қилаётган ишларингга гап йўқ. Ҳамма ишинг паратка. Пахта ҳам, ғалла ҳам, чорваю боғларинг ҳам, ёмон кўздан асрасин, пишиқ-пухта. Аммо бир нарса ҳамманинг бошини қотирган. Тоқقا боролмай қолдик, укам. Тоғда ўлим кўпайиб кетди. Ҳар куни битта-иккита одам ўляпти. Сен, укам, ҳар куни тоқقا борасан, текшириб кўрмадингми, бу ўлимларнинг олдини олишнинг иложи йўқми? Равшанбек ҳам дом-дараксиз кетди. Неваралар рўзгордаги эчкиларни тоғда боқишарди. Уларни ҳам юбормай қўйдик. Эчкилар маъраб, ҳовлини бошига кўтаряпти. Шу тўғрида бирон тайнинли гап айтсанг бўларди.

Мирвали дарров жавоб қилди.

— Бу иш ҳукумат текширувида. Якин орада Ички ишлар вазирлиги билан обком комиссияси ўз хulosасини айтади. Бу масалада мен ҳам раҳбаримиздан танбех эшигтанман. Яна қандай саволлар бор?

Соқоли оппоқ, негадир қошлари қоп-кора, етмишлардан ошган бир қария ўрнидан турди.

Учрашувни бошқараётган Маҳкамов унга:

— Қанақа саволингиз бор, отахон, тортинмай бераверинг, – деди.

Чол қошини силаганча:

— Саволим йўқ, икки оғизгина насиҳатим бор, холос, – деди. – Айтсан бўлаверадими? Эрали чавандозни нима қилдинг? Отини олиб, ўзини ертўлага қамабсан. Қамаб қўйиб, ҳолидан хабар олмай қўйибсан. Бечора девона бўлиб қопти. Иккинчи бунақа қилма, бо-

лам. Обрўйингга путур етади. Насихатим – шу. Очган дўконингдан калиш билан лўнқа кўк чой олдим, раҳмат.

Чол гапини тугатиб, жойига ўтириди.

Бошқа савол берадиган, сўзга чиқадиганлар бўлмади. Ишончли вакил яна гап бошлаган эди, одамлар уни тушириб юборишиди.

– Бўлди-да. Гапирилмаган нима қолди. Савол ҳам бўлди, жавоб ҳам бўлди. Ҳатто насиҳат ҳам бўлди. Гапни резинка қилиб чўзиб нима қиласан.

Махкамов учрашув аҳлига мурожаат қилди:

– Энди учрашувни якунласак, розимисизлар? СССР Олий Совети депутатлигига номзод Мирвали Рихсиевнинг номзодини қувватлаймиз, деган ўртоқлар қўлини кўтарсинг. Раҳмат. Демак, аксарият номзодни қувватлади, деб ҳисоблаймиз. Протоколга шундай деб ёzsак, розимисизлар? Шу билан учрашувни якунлаймиз.

\* \* \*

Мирвали Абдулазизга, бирор сўраса, хали келгани йўқ, деб айт, деди.

Абдулазиз уни ечинтирад экан, дастурхонга тайёргарлик кўраверайми, деди.

– Мабодо жинни-минни бўлиб қолганинг йўқми, – деди энсаси қотиб Мирвали. – Сайлов бўёқчининг нили эмас, дарров бўладиган. Сайлов протоколини Тошкентга юборишиди. Агар сайловда ғирромлик қилинган бўлса, одам келиб текшириб кетади. Қачон дастурхон ёзиши ни сенга ўзим айтаман. Дастурхон ёзишга хали бирон ҳафта бор. Балки ўн кун... Бор, кўзимнинг олдида без-райиб турма...

Дунёда кутиш ёмон. Бир минутнинг қанчалик узок вакт экани кутиш пайтида билинади. Кутиш азобини уч нарса билан босиш мумкин. Бири – ичиш, бири – ухлаш, бири – ишқ үйинига андармон бўлиш.

Мирвали келди-кетди бўлиб турган пайтда ичолмасди. Телефон тинимсиз жиринглаётган дақиқаларда ухлаёлмасди. Бу азобли онларни фақат Седонанинг қайноқ оғушида ҳамма нарсани унутиб ўтказиш мумкин эди.

Боя Абдулазиз уйғотиб юборган маҳалда тушида отасини кўраётган эди. У туман орасида аранг кўринар эмиш. Гоҳ ўзига ўхшармиш, гоҳ ўхшамасмиш. «Худо ярлақаб турган шу кунларда, болам, таҳоратсиз юрма, зинодан нафсингни тий», деярмиш.

Тушдами, ўнгдами бари бир, ота гапи гап. Демак, Седона ҳам дардига эм бўлолмайди. Кутиш, кутиш, фақат кутиш керак.

Бирор келади, бирор кетади. Унга у керак, бунга бу керак. Мирвалининг бош қашишга қўли тегмай қолди.

Ниҳоят, тўрт кун ўтиб, бешинчи куни кечкурун телефонда, бугун сайлов натижасини эълон қилишади, соат ўнларда кутинглар, дейишди.

У дастурхон тузатишга рухсат бераркан, ҳеч нарсани аяма, нимаики ғамлаб қўйған нарсанг бўлса, барини дастурхонга торт, деб тайинлади.

Мирвали орден-медаллари тақилган охорли костюмини кийиб чиқди. Сал дадилроқ бўлай, деб бир пиёла конъяк ичиб олди. Ҳар хил қаланғи-қасанғилар бош сукмасин, биринчи постга ёрдам қилсин, деб иккита бақувват йигитни ўтқазиб қўйди.

Соат ўн бирдан ўтғанда вакиллар кириб келишди. Ўтирмай, қачондан бери тик турған етмиш чоғли мез-

бонлар хушхабар олиб келган вакилларни чапак чалиб кутиб олишди.

Мирвали икки кун олдин Бухородан олдириб келган кимматбаҳо кимхоб чопонни билагига ташлаб, иккита Бельгия костюмини илгаги билан ушлаб турган йигитларни бошлаб, вакиллар истиқболига чиқди.

Сайлов натижаларини хабар килиш учун округ комиссияси раисининг ёрдамчиси Хонкелди Эргашев бошлигиде Варганзе сайлов участкасининг раиси Гелди Байрамов, Қора тепа сайлов участкасининг котиби Бобо Сангиновлар вакил килиб юборилган эди.

Мирвали кимхоб чопонни кийдирмоқчи бўлиб, Эргашев томонга юра бошлади.

– Ўртоқ Рихсиев, андак сабр қилинг. Шу тўн билан костюмларни бизга олиб келганимисиз. Аввал сайлов натижаларини эълон қиласайлик, ана ундан кейин тўнни кијамиз, – деб уни тўхтатди.

Мирвалининг кимхоб тўн ушлаб турган кўллари тутқаноғи бор одамнинг қўлидек титрай бошлади. У тўннинг ерга тегиб турган жойидан этигининг пошнаси билан босиб силтаб тортди. Тўн йиртилмади. «Сайланмади» деган сўзни эшитгандаёқ билакларини куч тарқ қилганди. У қалин мол терисини ҳам силтаб йирта оларди. Энди зар қўшиб тикилган оддий баҳмални йиртишга ҳам ҳоли қолмаганди. У тўннинг бир енгини босиб туриб, янада қаттиқроқ тортди. Енг чокидан сўкилиб, осилиб қолди.

– Буни атайин уюштиришган! – деди у титраб-қақшаб.

У тўнни судраганча вакил Эргашев томон ўдағайлаб борарди.

– Ўзингизни босинг, йигит, сиёсат билан ўйнашманг, – деди Эргашев босиклик билан.

– Йўқол! – деди Мирвали мушт кўтариб. – Кўзимга кўринма, аплаҳ!

Эргашев шунча ёшга кириб, ҳали бирордан бунақа ҳакорат эшитмаганди.

– Мени сенламанг. Мен сизлаб гапиряпман. Менинг сиз тенгги ўғилларим бор. Ўнг қулоғингиз билан ҳам, чап қулоғингиз билан ҳам эшитиб қўйинг.

– Нима, эшитмасам, қулоғимни қирқиб олармидинг?!

Эргашев ўзини босди. Шунча одам ичиди бу одобсиз, ўзидан кетган безори билан ади-бади айтиб ўтиришни ўзига эп кўрмади. Кўлидаги ичиди протоколи бор папкани стол четига қўяр экан:

– Жирилламанг. Бу папкадаги қоғозда сизнинг баҳоингиз ёзилган, – деди.

У шундай деб орқасига бурилди-ю, бошқа вакиллар билан чиқиб кета бошлади. Унинг оёғи ёнига келиб тушган бир шиша конъяк пўкиллаб синди. Ҳаммаёқни конъякнинг қўланса ҳиди тутиб кетди.

Ҳеч кимдан садо чиқмасди. Икки соатдан бери дастурхондаги ноз-неъматларга қараб тамшаниб ўтирганларнинг бир қисми зиёфатдан умидини узиб чиқиб кетди.

Мирвали вакилларнинг орқасидан уят, жуда ҳам уят сўзлар билан сўкиниб қолди.

– Аблаз! – деб бақирди Мирвали. – Ол, бу тўнни! Улар тўн эмас, кафан кийиши керак!

У дастурхондан ароқ олиб, икки марта пиёлани тўлдириб ичди.

Шу пайт Абдулазиз келиб, унинг кўлидан енги сўкилиб кетган тўнни оларкан:

– Ҳожимурод ака касалхонадан телефон килиб, Мирвалини депутат бўлгани билан менинг номимдан табриклаб қўй, деб айтдилар.

Мирвали жирканиб:

– Тфу! – деди афтини буриштириб.

У гандираклаб бориб, дастурхонни бир тортган эди, устидаги ноз-неъматлар битта қолмай ерга тушди. Ноёб чинни идишлар, биллур кадахлар, арак-конъяклар чилчил бўлди. Ҳали ҳам кетмай, дастурхондаги ажойиб таомлардан умид узолмай турганларга қараб бақирди.

– Йўқол ҳамманг! Мирвалининг бели синди, энди қаддини росттай олмайди, деб ўйлаяпсанларми?! Мирвали ҳали ўзини кўрсатади.

Қолган меҳмонлар туз татимай, бирин-кетин тарқаб кетишиди.

Хамон илгакда костюм кўтариб турган йигитлар, буни нима қиласайлик, деб унга қараб турадилар.

– Бугунги қора кунимдан сенларга эсадалик.

Мирвали гандираклаб бориб, ариқ бўйига келганда ийқилди.

Абдулазиз ҳар қанча уринмасин, уни кўтариб сўрига чиқара олмади. Охири сўридаги гиламчани ерга тўшаб, уни ётқизди.

Мирвали ўзига келиб, уйғонганда тонг отишига ҳали анча бор эди. У Абдулазизга, Насим полвон билан Жаъфарни чакир, деб буюрди.

Бирпасдан кейин озроқ кайф қилган Насим полвон билан Жаъфар «лаббай, хўжайн!» деб олдига келишди.

— Ёнингга Ражаб полвонни олиб, ҳозир учта «Нива»нинг бакларига бензин қуйларинг, ҳар қайси-нисига икки канистрдан бензин солиб келларинг! Чакқон-чаққон қимиранглар, тонг ёришмасдан тоқقا кетишимиз керак, — деди.

Уларнинг учови:

— Хўп бўлади, хўжайин, — деб шошиб чиқиб кетишиди.

Улар то ишларни битказиб келгунларича Мирвали пўлат сандик — сейфни очиб, пачка-пачка пулларни, фақат Москвага борганда ишлатадиган долларларни брезент қопчиқقا ташлай бошлади. Кейин сейфнинг ки-чик хонасига калит солиб очиб, оқ пошшонинг сувра-ти туширилган ўн сўмлик тилла тангаларни, марвариду дурларни, аёлларнинг турли тақинчоқларини, Бодомгул ўлганда бўйнидан ечиб олган ҳар бири нўхатдек келади-ган шода-шода дурларни, қулоқларидан, бармоқларидан чиқариб олган билагузук, зирақ, узукларни ҳам қопчиқقا ташлади. Абдулазизга, қишлиқ, ёзлик кийимларимни чемоданга ташла, деб буюрди. Ярим соатга қолмай, учта «Нива» бокқа кириб келди.

— Аблаз, битта мошинга кўрпа-тўшакларни жойла! Биттасига менинг қишлиқ кийимларимни, этикларимни жойла! Иккала милтиқни ҳам, пачкаси бузилмаган ўқлар қанча бўлса, барини опчиқиб, чемоданим жойланган ма-шинага солиб қўй! — деб амр қилди.

Ётоқдан тўрт киши бўлиб чоғроқ бир сейфни кўта-риб чиқишиди. Уни ҳам милтиқ ёнига жойлаштиришиди. Сейфда «Варшава – 1876» деган ёзув бор. Уни Истроилга кўчиб кетаётган дўсти бериб кетган. Бу сейфнинг сир-синоатлари кўп эди. Уни биргина Мирвали биларди.

Ички бўлими ҳам худди шу битта калит билан етти хил усулда бураб очиларди. Энг охирги бурашда сейф даранглаб овоз чиқаради. Мирвали тиллоларни шу сейфда сакларди.

Ўзи бошқарадиган машинага чемоданни, брезент қопчиқни жойлаттирди.

Мирвали Насим билан Жаъфарни ёнига чақириб: «Икковинг ҳам мен билан кетасанлар, Жаъфар, сен бугуноқ мени ташлаб, марказга қайтиб келасан. Аблазга кўз-кулоқ бўлиб турасан. Боя «Нива» миниб келган бола қаёққа кетганимизни билмасин. Аблаз, сендан мингдан минг розиман, вақт-бевакт хафа килган бўлсан, кўнглингдан чиқариб юбор. Сен пиширган овқатларнинг ҳали кўп хумори тутади. Кўмиб кўйган нарсаларимнинг хидини чиқарма, ит бўлиб қўрикли», деб тайинлади.

У энди бу боғни қайта кўрмаслигини билади. Шунинг учун дараҳтларга, ёзин-кишин баликлар сакраб ўйнайдиган ҳовузга ғамгин бир назар ташлаб, хўрсишиб кўйди.

Мирвалининг ўзи брезент қопчик, чемодан, милтиқ жойланган машинага ўтирди. У кабинадан бошини чиқариб: «Омин!» деб юзига фотиха тортиди.

Учта «Нива» Тахти қорача довонидан ошиб, Варганзе йўлига бурилганда тонг ёришиб келаётган эди. Йўлларни туман босган. Ҳаводан ёмғир ҳиди келяпти.

Бу жойларнинг об-ҳавоси бекарор. Ҳозиргина офтоб қиздириб турган това тошларга бирдан шатир-шутр қилиб ёмғир қуиб, шу заҳоти яна буғга айланиб, ҳеч нарсани кўрсатмай қўяди.

Йўл бошлаб келаётган «Нива» уч марта сигнал бериб четга чиқди.

– Нима бўлдийкин? – деди Мирвали ташвишланиб. У йўл ўртасида ҳаллослаб келаётган Насим полвонни кутиб турди.

– Ишлар чатоқ, хўжайин. Орқага қайтмасак бўлмайди. Радиони бураб қўйинг.

Мирвали машина эшигини очиб, радио тугмасини босди. Шу маҳал тепага келган қора булут орасида қўкимтири чақин чақди. Радио қитирлаб, ҳеч нарсани эшитиб бўлмади. Бундай пайтда радио қўйса, лампалири куйиб кетади. Мирвали радиони ўчириб, машинадан тушди. Ҳаллослаб келган Насимга ўдағайлади:

– Гапирсанг-чи, тил-забонинг борми, даюс!..

– Акахонимиз Шавкат Раҳимович бизни ташлаб кетибдилар.

– Қаёққа кетибди? Дурустроқ гапирсанг-чи!

Насим полвон ютиниб, умидсиз бир аҳволда деди:

– Бандаликни бажо келтирибдилар.

Мирвалининг кўзига дунё зимиston бўлиб кетди. Энди қаёққа боради? Кеча сайлов комиссияси аъзолариға қилган муомаласи, уларни ношоён сўзлар билан ҳақорат қилиши қадрдони Шавкат Раҳимович орқасида суюнчиқ бўлиб турганидан эди. Бугун шунча йил беармон яшаган, ковлаб тамом қилиб бўлмайдиган бойликлари қўмилган хазинани қазиб олиш умиди шу отахонига суюнганидан эди. Энди у йўқ. Қадрдон боққа ҳам йўл бекилди. Шавкат Раҳимович ваъда қилган иккинчи «Олтин ўлдуз» ҳам йўқ.

«Мени душманларингга ўқ қилиб отдинг. Сенинг амал курсингга кўз тиккан рақибларинг устидан қанчалаб юмалоқ хатлар уюштиридим. Сени отам дедим. Садоқатли иting бўлиб хизматингни қилдим. Ичинг-

да шунаقا тузалмас дардинг бор экан, бир оғиз айтиб күймайсанми! Үзинг-ку, пишиб турган экансан, нима қиласынг мени душманларингга гијж-гижлаб. Сенга ишониб иссиқ ўрнимни совутдим. Энди на борадиган жойим, на ётадиган бошпанам бөр.

Бу тоғларда хеч ким мени уйига киритмайди. Башпана бермайди».

Мирвали на олдинга бора оларди, на орқага қайта оларди. Ҳозир у жаҳл устида ҳамма айбни Шавкат Раҳимовичга ағдаряпти. Бундан түрт кун олдин устози унга: «Энди менга суюнманг, ўз йўлингизни үзингиз топиб юринг, ўғлим, – деб очиқ айтган эди. – Сиёсий бирода бугун-эрта мени муҳокама қилишади. Ташқи ишлар вазири, қадрдон дўстим чет элга кетаётганда атайин Тошкентда тўхтаб, «Ўзингга эҳтиёт бўл. Энди менга суюнма», деб очиқ айтиб кетганди».

Мирвалининг олдида белгисиз йўл, орқасида эса ё қамоқ, ё тоғларда қашқир бўлиб яшаш қолди. Умр бўйи йиққан олтину жавоҳирлари, қоп-қоп тилла тангалари, долларлари эндики қора кунларига керак бўлармикин?

– Хўжайин, қаёққа юрайлик? – деди Насим полвон.

– Орқага қайт!

У шундай дедию, орқага қайтиб нима қилишини, қаёққа боришини ўзи ҳам билмасди. Район милицияси кечасиёқ тоққа ўз одамларини юборган. Мирвалига бу хабар аллақачон етиб келганди. Милиция одамларига Мирвали билан қочганлар тоғда бўлса тоғдан, ғорда бўлса гордан тутиб келинглар, деб буюрилган.

Азизбек деган бир нораста гўдак унинг пайига тушган. Онаси билан дадасйининг қасдини олиш учун қеча-

сию кундузи қўлида милтиқ билан унга эргашиб юрибди.

Мирвали машиналарни тошлар панасида қолдириб, йигитларга шу жойдан жилмай туринглар, деб тайнинлади.

У йўл ёқасида юз-кўзларини қулоқчин билан яшириб, ўтган-кетган машиналарни кузатиб ўй ўйларди.

## XXV

Токқа элаб ўтган қор кунгай тарафда тушга қолмай эриб кетди. Факат терскай тарафлардаги ўнгирларда унча-мунча қор тўпланиб турибди.

Довонда қатнов тўхтамаган. Кўпроқ оғир юқ машиналари қатнаяпти. Юрак ютган шоферларгина онда-сонда енгил машина миниб ўтадилар.

Ёзи билан гавжум бўлган автобус бекатлари ҳувиллаб қолган. Энди бу жойларда мева-чева, равочу кийик ўтлар сотадиган болалар кўринмайди. Ҳар замонда совуқда диргизлаб, тўрт-бешта какликни кафасда ушлаб турган болалар кўриниб қолади, холос.

Геологлар қишлиқ «каникул»га кетишган, практикадаги студентлар ҳам йўқ. Хуллас, тоғ жимжит.

Қор босган тепаликлардаги какликлар дон излаб ёнбағирларга тушиб келяпти. Етимқишлоқ болалари мактабдан қайтишда бир-иккитадан каклик тутиб келадилар.

Азизбек товуқхонани атайлаб каклик боқадиган жойга айлантирган. Унда ҳозирнинг ўзидаёқ қирк-элликтacha каклик бор. У ҳафтада бир марта Қоплонбоп бозорига каклик олиб бориб, сотиб келади. Ҳар қалай,

кампир энаси билан рўзгорни эплаб турибди. Ўкишдан келиши билан милтиқ кўтарганича тоқка караб кетади. То коронги тушгунча беш-олтита каклик уриб келади. Тирик тутганларини алоҳида халтада авайлаб кўтариб келади. Отиб ўлганлари рўзгорга, бирлашма тарафдан келадиган какликхўрларга сотицига ярайди. Тирик тутганларини товукхонага қамайди.

Киш пайтлари тоғли йигитлар «жумалик» ўйнайдилар. Ўн-ўн беш жўра ҳафтада ўз уйида зиёфат беради. Улар албатта Азизбекдан каклик сотиб олишади. Тоғликлар қиши палласида меҳмон чакирганда дастурхонда каклик гўшти бўлмаса, мезбонни қурумсокликда айблаб кетадилар.

Азизбекнинг бир эмас, учта ов милтиғи бор эди, биттасини дадаси тоқقا олиб кетган. Бу милтиқларни отаси Равшанбек совхоздан мукофотга олганди. Яхши чўпонларни кўпинча милтиқ билан мукофотлашарди. Милтиқ чўпонга зарур курол. Тоғда нима кўп, бўри кўп. Милтиқсиз чўпон кўйни бўрига олдириб кўяди.

Азизбек муштдек боши билан рўзғор тебратарди, болалигигаёқ бирдан катта бўлиб қолганлардан эди. Куз кириши билан қишлиқ озиқ-овқатни ғамлаш, ўтин-кўмир топиб келиш, уйнинг нураган деворларини суваб, том шиферларини шамол учирмасин, деб тош бостириш ишларининг барини ўзи қиларди. Унинг карашадиган, ёрдам қўлинни чўзадиган уруғлари йўқ эди. Ўзинг учун ўл етим, деган гап айнан шу Азизбекка тўғри келарди.

Бу йил каклик сероб бўлишини ким билибди, дейсиз. Азизбек эрталаб тонг сахарда туради. Маҳалла болалири ҳали уйкудан турмаган пайтларда елкасида милтиқ, қўлтиғида қоп билан изғиринда қорли чўққилар то-

мон ўрлаб кетади. Бу маҳал совук авжида. Даражтларнинг яланғоч новдалари булдуруқдан оппок бўлиб кетади, това тошлар бети упа сепилгандек киров билан қопланади. Оёқ остидаги қорлар худди амиркон кавушдек ғарчиллайди. Даражт шохларига осилиб қолган сумалакларга тегсанг жаранглаб кетади. Бу пайтларда тоғ ўнгирлари, жарликлари шу қадар жимжит бўладики, ёнғоқ чақсанг ўнгирнинг нариги томонида акс-садо беради.

Азизбек тонг ёришиши билан тоғ тепасидан реактив самолёт учиб ўтишини билади. Унинг қулоқни кар қилувчи овози тоғ жониворларини чўчитиб уйғотади. Ана шундан кейин бу томонларда ҳаёт уйғонади. Хонадонларда сигир-бузокларнинг маърагани, ўтин ёрган, сувга чикқан одамларнинг ҳовуз бетидаги музни ёраётгани, товуғини тулки олиб қочган кишиларнинг сўкиниш товушлари эшитилади. Куёнлар уяларидан чикиб қочадилар. Туни билан изғиб ови юришмаган тулкилар яна ташқарига чиқадилар. Музда учолмай карахт бўлиб корда судраладиган какликларни уяларига ташиб кирадилар.

Эртанги изғиринда қор бети қотади. Оёқ изи тушмайди. Азизбек тепаликни ошиб ўтаётганда олдидан тулки чиқиб қолди. У типирчилаб турган какликни тишлаб олган. Азизбекни кўриши билан ён томондаги ғорга кириб кетди. Демак, шу яқин орада каклик бор, деб ўйлади Азизбек. Тош орқасига ўтиб, пастга каради. Тўртбеш каклик қор устида типирчиларди. Азизбек яқинига борса ҳам улар қочмади. Қип-қизил кўзларини жавдирашиб унга қараб туришарди. Бу какликлар қор совуғида қаноти карахт бўлганидан учолмай кўкси билан су-

рилиб ҳолдан тойган эди. Азизбек биттасини олмокчи бўлган эди, оёғи музлаб, қорга ёпишиб қопти. У ёнидан пичоғини олиб, оёққа ёпишган музни чатнатиб кўчирди. Оёғида данакдек муз осилиб турган какликни қопга со-либ, бошқаларини ҳам ана шундай қилиб муздан ажратди. Бешта каклик қоп ичидаги бирининг тафти бирига уриб, типирчилай бошлади.

Азизбек яна пастликка эна бошлади. Одам бўйи тош панасида ўн ҷоғлик каклик бир-бирига қапишиб, қимирламай туришарди. Фақат уларнинг бошларигина қимирлади. Одам шарпасини сезган жониворлар бе-зовталаниб, ёнгиналаридаги тешикка кирмоқчи бўлишар, аммо бир-бирига халақит бериб киришолмасди. Азизбек битта-битталаб уларни териб қопига солди.

Кечқурун Турсунбой тога якшанба кунига меҳмон чақирганини айтиб, шанбага йигирмата каклик топиб кўй, деб тайинлаб кетган эди. Мана, ови барори-дан келиб, Турсунбой тога айтган какликлар осонликча топилди.

Қайдадир бўри улиди. Унинг ёқимсиз, этни жимири-латадиган хунук товушидан Азизбек сесканиб кетди. Ҳар эҳтимолга қарши милтигини ўқлаб кўйди.

У энди орқасига қайтмоқчи бўлиб турганда тош орқасидан бир гала каклик кўтарилди. Азизбек милтикини шайлаб тепасидан ўтишини кута бошлади. Какликлар яқин келиб қолди. Азизбек мўлжалга олиб туриб, кетма-кет иккала тепкини босди. Тоғлар қалдираб кетди. Қорустига тўртта каклик тап-тап қилиб тушди.

Азизбек уларни териб оларкан, энди бас, мўлжал-дан ошиб кетди, бир овчи тўртта каклик отиши мум-

кин, деган қоида бор, қўлга тушсам, мильтигимни олиб кўйишади, деди-да, орқага қайтди.

Катта эна печкага ўт қалаб, чой дамлаб, неварасини кутиб ўтиради. Азизбек кош-киприклари булдуруқдан оқариб кириб келди. У қопдаги какликларнинг тиригини товуқхонага қамаб; ўқ еганларини қопқокли пақирга солиб супага олиб чиқиб кўйди. Совукда айнимай туради, деб атайин шундай қилди.

Кампир боя Азизбек чиқиб кетганда эчкини соғиб, чўян печкага қозон осиб сут пишириб кўйган эди. Бир коса қайноқ сут билан нонни неварасининг олдига кўйди.

– Нон тўғраб еб ол, болам. Сенга ҳам қийин бўлиб кетди-да! Менга қара, энди тонг саҳарлаб овга чиқишини бас қил. Бир амаллаб кунимиз ўтиб қолар. Аёзда ўпкангни шамоллатиб, дардисар бўлиб юрма, тағин. Ов қилсанг, кундузи тоққа чик.

Азизбек индамади. Ичида, э, эна-я, аёзли саҳарда карахт какликларни тутиш осон бўлади-да, деб кўйди.

Дарҳақиқат, кундузи баданига иссиқ ўтган каклик серҳаракат бўлади. Овчига чап беради.

Қишлоқ мактабининг фақат бошланғич синфларида дарс бўлаётган эди. Юқори синф болаларини Мирвали сентябрь ўрталаридаёқ адирга пахта теримиға ҳайдаб олиб кетганди. Азизбекни энасига қарайдиган ҳеч кими йўқ, деб пахтага олиб кетишимаганди. Қишлоқда Азизбекнинг ўз тенгиларидан ҳеч ким йўқ.

– Энажон, – деди Азизбек. – Тирик какликларни юзтага етказиб олай, кейин овга чиқмайман. Мана шу юзта каклик билан қишини чиқазиб оламиз. Боқиб, яхшилаб семиртириб олсам, биттаси ўн сўмдан кетади. Пуига сигир олиб бераман.

– Йўқ, йўқ, болам. Сигирни эплолмайман. Сигирнинг ўзига яраша ташвиши бўлади. Куруқ хашак билан мол бокиб бўлмайди. Ем керак, кунжара керак. Қайдан оламиз? Қиши чилласида тагини ким тозалайди, кечалари ким ундан хабар олади. Шу биттагина эчки икковимизга етиб турибди-ку.

Азизбек ўзиникини маъқулларди:

– Бўлмаса, рангли телевизор оламиз.

Кампир, ўзинг биласан, болам, деб қўя қолди.

– Юзта каклик боқаман дейсан, донни қайдан олсан?

– Долимбой бобомдан эшагини сўраб олиб, Қоплонбопдан дон олиб келаман.

Кампир шу топда минг хил хаёлларга бориб-келиб ўтиради.

«Шу болагинамнинг ота-онаси ўлмагандан қандоқ йигит бўларди-я! Оёғидан ўт чақнайдиган, эпли-шудли йигит бўларди. Дадаси албатта ўқитарди. Бу мияси бутун бола, билмадим, қандоқ бўлиб кетарди. Бечора, битта ногирон бувисини ташлаб кетолмай, ўзини ўтга чўқка уриб, тирикчилик пайига тушиб кетган. Э, такдир. Мунча ҳам қаҳри қаттиқ бўлмасанг-а!»

Азизбек энди ўн тўрт ёшга кирди. Аммо гап-сўзлари, ҳаракатлари катта одамларникига ўхшайди. У ўйин-кулгини билмасди, болалардек яхши кийиниш, эркалик қилишни ўйламасди. Кимга ҳам эркаланаради? Синфдошлари аллақачон жинси шим кийиб, соат тақиб юришибди. Ҳатто биттаси қоплама тилла тиши ҳам қўйдирган. Ҳаммасининг уйида магнитофони бор. Аллақачон рангли телевизор олишган. Уларнинг дадалари нима дейишишса, олиб беришади. Бунга ким олиб

берарди? Азизбек факат энасини ўйларди. Қариб қолди. Очин-тўкин қолмаса, кўйлагига ямоқ тушмаса, маҳалла маъракаларига чикқанда бир чеккада қимтиниб ўтирма-са, дейди. У ўзини ўйламайди. Шу биргина суюнчиғим, энам зориқмаса, дейди. Болалиги ана шундай тирикчи-лик ташвишлари билан ўтиб кетди.

Кампир эртасига саҳарда неварасининг йўлини тў-сиб овга чиқазмади.

– Кўй, болам. Борма. Совуқ заптига олган. Бирон жойда музлаб қолиб кетма. Одамхўр мушуклар еб кет-масин. Кун ёйилганда борасан.

Азизбек шунча ялинса ҳам кампир кўнмади. Азизбек ноилож энасининг раъйини қайтаролмай, қайтадан ечи-ниб ўрнига ётди. Бари бир кўзини уйку ололмади. Дада-сини, онасини, Мирвалини ўйлаб ётди.

Кўзи илингандан экан, тушига Мирвали кирипти. Сени ўзим ўғил қиласман, деятган эмиш. Яна у Эрали чавандознинг отини сенга совға қиласман, деб пешонасидан силамоқчи бўлиб турганмиш. Азизбек уйғониб кетиб, анча пайтгача тўшакда хурпайиб ўтириб. Нохуш ўтириб нонушта қилди.

У дукатлик Мордухай деган тиш докторига ўнта как-лик ваъда қилиб қўйган эди. Тириги бўлиши шарт эмас, семиз бўлса бас, биттасига ўн сўмдан бераман, деб айт-ганди.

Азизбек пақирга солиб қўйган какликлардан ўнта-сини танлаб олди-да, халтага жойлади. Шу пайт эшик очилиб энасининг боши кўринди.

– Ҳой бола, чой билан гугурт олиш эсингдан чиқмасин.

Кампир шундай деди-ю, яна эшикни беркитди.

Азизбек елкасида милтиқ, құлтиғида каклик солин-  
ган халта билан йүлга тушди.

Офтоб чарақлаган. Қуёш нурида чақнаган қор күзни  
оламан, дейди.

Азизбек сүкмоқдан жадал борарди. У йүл-йүлакай  
учраган какликларга қарамади ҳам. Ҳатто баданига  
офтоб үтиб, қорда судралиб келаётган какликларга пар-  
во қилмай, ёнидан үтиб кетаверди.

Кунгай тарафда қор йүк. Аллақачон эриб кетган.  
Илиб қолган тошлар орасидан чиққан юмронқозықлар  
орқа оёкларида сокчидек тик қотиб турардилар.

Азизбек асфальт йўл ёқасига келиб, каттакон тош-  
га үтирди. У паст-баланд йўллардан юриб чарчаган эди.  
Пастда машиналар бир-бирини қувиб үтяпти. Юқоридан  
Эрали чавандоз Қора Бахмални жиловидан етаклаб,  
ўзи отга ўхшаб кишинаб үтиб кетди. Нарироқ бориб  
жиловини қўйиб юборди-да, ўзи тўнини ечиб, эгарга  
ташлади. Унинг яктаклари йиртилиб, этаклари осилиб  
қолган. Яланғоч елкалари шундок қўриниб турарди.  
У бир оёғида туриб, ўнг томонга икки айланди. Кейин  
чап оёғида туриб, яна ўнг томонга айланмоқчи бўлди.  
Эплолмади, мувозанатини йўқотиб, ёнбошига йиқилди.

Шундан кейин ерга үтириб олиб, ўқириб-ўқириб  
йиғлади. Кейин офтобга кўзини пирпиратмай тик қараб  
туриб, қарсиллаб кулди.

Азизбек унинг бу ҳолатини ҳайрон бўлиб кузатиб  
турарди. У Эрали чавандоз жинни бўп қопти, деб эшиг-  
ган эди-ку, ишонмаганди. Мана, кўриб турипти. Мирва-  
ли отини зўрлаб олиб, ўзини икки кун ертўлага қамаб  
қўйгандан кейин жинни бўлиб қолғанинй'у билмасди.

Шу топда куз офтоби тошларни ожизгина илитиб турган ёнбагирда Мирвалидан жабр кўрган икки киши ўтиради. Улардан бири умрининг сўнгги дамларини кечирав, иккинчиси эндигина оламни таниб келаётган эди.

Азизбек бироз дам олгандан кейин ўрнидан туриб, ёнбағирлардаги сўқмоқдан кетди. Сўқмоқ жар ёқасига келиб узилди. У ёғига йўл йўқ. Азизбек ёввойи пистанинг буралиб кетган яланғоч илдизига осилиб пастга тушмоқчи бўлди. Илдиз омонатга ўхшаб туюлдими, орқасига қайтди. Худди ўзига ўзи тормоз бераётгандек, қалқиб-қалқиб пастга тушаётганда, ўнг томондан келаётган аёл кишига кўзи тушди. Унинг ўтиб кетишини кутиб турди. Аёл қора баҳмал камзул кийиб, бошига тивит рўмол ўраб олган. Оёғидаги жигарранг этигининг найзадек учли пошнаси тошларга тегиб, так-так овоз чиқазиб келарди. Азизбек уни таниди. Бу Раззоқ буқачининг келини Мастона янга эди. Эри шу баҳорда армияга кетган, ўзи совхоз бухгалтериясида ҳисобчилик қиласарди. Келин бўлиб тушганига икки йил бўлай деяпти, ҳали бола кўрмаган. Етимқишлоқликлар туғмайдиган келинни узоқ ушлаб туришмасди. Дарров жавобини беришарди. Раззоқ буқачи, пича сабр қилайлик, бунга ҳам Худонинг атагани бордир, деб хотинининг гапини қайтариб турарди.

Мастона янга жуда кўхлик эди. Қадди-қомати келишган, кийган кийими ўзига ярашадиган хушбичим эди. Азизбекнинг уни кўрмаганига беш-олти ой бўлиб қолган. Энди у жуда хунук бўлиб кетибди. Юзи доғ, қорни дўппайиб, баҳмал камзулининг тугмаларини тортиб турибди.

Мастона янга шундоққина Азизбек турган жойдан уч метрча наридан ўтиб кетди. У қисқа-қисқа нафас олар, бир-икки қадам босиб тұхтар, яна нафасини ростларди.

Нима бало, касалми, деб үйлади Азизбек. Мастона янга бехосдан гандираклади. Тошга суяниб, бир дам турди-ю, ҳолдан кетиб, ўтириб қолди.

Азизбек ёнига борди.

– Янга, сизга нима бўлди?

Мастона янга уни кўриб, вой, сени менга Худо етказди, бир бало бўлиб қоламанми, деб қўрқиб тургандим. Пастга олиб туш, бирон машинани тўхтатиб, дўхтирга олиб бор, деб ёлборди.

Азизбек елкасидаги милтиқни тош орқасига ташлаб, уни суяб, пастга олиб туша бошлади. Мастона тинмай инграр, лабларини қимтиб, тишларини ғичирлатарди.

Улар асфальт йўлга тушишди. Азизбек уни йўл четидаги тошга ўтқазиб ўткинчи машиналарга қўл кўтара бошлади. Аксига олиб машиналар унинг олдидан ўқдек учиб ўтиб кетарди. Уларнинг аксари пахта юкланган прицепли машиналар эди. Енгил машина деярли ўтмасди.

Узоқдан автобус кўринди. Азизбек нима бўлса ҳам шуни тўхтатаман деб, йўл ўртасида туриб олди.

Бу «Хўжақишлиқ» маршрутида қатнайдиган автобус эди. Шуни тўхтатолса айни муддао бўларди. Чунки бу автобус совхоз идораси олдидан тўхтаб ўтади. Докторхона ҳам худди ўша ерда.

Азизбек икки қўлинини кўтариб, автобус йўлинини тўсиб тураверди. Шофёр уни уриб кетишидан қўрқиб, газаб билан тормоз берди. Кейин машина эшигини очди.

– Нима, ўлгинг келяптими?! Э, ахмоқ!

Азизбек унинг сўзларига парво қилмай ёлборди:

– Тоғажон, анави янгамни ола кетинг. Тўлғоқ тутиб қолди. Дўхтирга олиб бориш керак.

Шофёр тош устида тўлғаниб ўтирган Мастона янгани кўрди-ю, шошиб пастга тушди. Пассажирларнинг ҳаммаси унга қараб турибди.

Орқа эшик очилиб, икки хотин чиқди. Улар келиб Мастона янгани қўлтиғидан олишди-да, эҳтиётлаб автобус томон олиб кетишиди. Мастона янга ўгирилиб, Азизбекка қаради:

– Азиз, укагинам, уйдагиларга айтиб қўй. Хўпми?

Уни автобусга чиқаришиди. Азизбек ҳайрон бўлганича йўл ўртасида қолди.

У аясига, менга қачон укача туғиб берасиз, деб сўраганларини эслади. Шунда Бодомгул яқинда, яқинда укачалик бўласан, Бегим, деганди. Шундан бирон ойларча вақт ўтиб қулогига бир хунук гап кирди-ю, аясини ёмон кўриб қолди. Маҳалла хотинлари, «Бодомгул Мирвалидан орттирган боласини олдириб ташлабди», деб гап қилишган эди. Шунда Азизбекнинг мурғак қалби эзилиб кетганди.

Шу пайт Азизбек аясини, дадасини эслади. Дадаси тоғдан хориб-чарчаб келарди. Уни эркалатишга ҳам мажоли бўлмасди. Келганига бир кун ҳам ўтмай кўчада хотини тўғрисида нохуш гап қулогига чалинарди-ю, жанжал бошланарди. Азизбек бир чеккага суқилиб, ота-онасининг жангини жавдираб томоша қиласарди. Шундан сўнг дадаси жаҳл билан уйдан чиқиб кетарди. Кейинги келишида аясига ёмон гап айтганди:

– Бу уй энди менга ҳаром!

Барибир Равшанбек уйга келаверди. У ҳар қанча ғазабланмасин, хотинини яхши күрарди. Унинг кўп гуноҳларини кечганди.

Мана энди Азизбек ҳам отасиз, ҳам онасиз бўлиб колди.

У кейинги кунларда тоғларда девонавор тентираб юар, кечга яқин ҳориб-чарчаб, совукдан диргизлаб қайтиб келарди. Катта энаси унинг бу хил юришларидан хавотир оларди. Боланинг бу юриши яхшиликка олиб бормайди. Бирон кор-ҳол бўлмаса гўрга эди, деб ташвишланарди.

Машина сигналидан чўчиб кетган Азизбек ўзини йўл четига олди. «Нива» ўн беш метрларча нари бориб ғийқилаб тўхтади.

Ундан Мирвали тушди.

– Аблаҳ, нега паҳтага бормай, бу ёқларда юрибсан?  
– деди Мирвали ўқрайиб.  
– Сизнинг нима ишингиз бор! Сиз совхоздан қочиб кетгансиз-ку!

Мирвалининг қўзларидан ўт чақнаб кетди. Бу боладан қутулишнинг айни пайти келганди. Мирвали этигининг кўнжидан пичоғини олиб, у томон бостириб кела бошлиди. Азизбек орқасига тисарилиб, кескин бурилди-ю, бир сакраб харсанг устига чиқиб олди. Яна иккита харсангдан ошиб ўтса, боя хашаклар орасига ташлаб қўйган милтиғига қўли етади. Орқасига ўгирилиб, Мирвалига қаради. У еб қўйгудек бўлиб тикилиб туарди.

– Сиз ёмон одамсиз! – деб қичкирди Азизбек. – Аям билан дадам ўлгандан кейин изингизга тушганман. Нималар қилганингизни, кимларни ўлдирганингизни кўрганман.

Мирвали шаҳд билан тепаликка интилди. Азизбек харсангдан ошиб, милтиқни олди.

– Ташла, ташла милтиқни!

Азизбек милтиқни ташламади.

– Ташламайман! Сизни ўлдираман. Аям билан дадамнинг қасдини оламан. Бир ойдан бери орқангиздан пойлайман. Асалчи военийни машина билан эзид ўлдирганингизни ўз кўзим билан кўрганман. Расулбек амакини тош уйга қамаб портлатиб юборганингизни ҳам кўрганман. Сиз шунақа ёмон одамсиз. Сизни ўлдираман!

– Ташла, ташла милтиқни! Жинни бўлдингми? Сенга «Москвич» олиб бераман. Мазза қилиб миниб юрасан. Машина ичига магнитофон ўрнатамиз, хоҳлаган ашуулангни қўйиб эшитаверасан.

– Ишонмайман! – деди Азизбек. – Сизни битта ҳам гапингизга ишонмайман. Сиз мени ҳам ўлдирасиз, биламан...

Не-не кеккайган, ҳеч кимга сўз бермайдиган одамларни бўйсундирган, инон-ихтиёридан чиқкан не-не валломатларни бир ишора билан йўқ қилиб юборган Мирвали келиб-келиб оғзидан она сути кетмаган бир бола олдида ночор-ноилож гангигиб турарди. Бу бола милтиқ тепкисини босса, тамом! Шон-шавкатлар, даври давронлар, қанча курашларда қўлга киритган бойликлар, олтинлар, жавоҳирлар, санаб тугатиб бўлмайдиган пуллар... бари қолиб кетади!

Мирвали олдинга интилди.

– Ҳой, бола, эсингни йиғ. Умрингнинг охиригача етадиган пулдан юз ўгирма. Видеомагнитофон олиб бераман. Уйингда хоҳлаган кинони ўзинг қўйиб кўраве-

расан. Милтикни ташла! Пул керакми, мана, – у кўйин чўнтағига қўл тиқиб, бир пачка пул олиб, Азизбек томонга отди.

Мирвали ғазабдан титрар, айтаётган гаплари бўғиздан аллақандай хунук бир товушга илашиб чиқарди.

Азизбек умрида бунчалик кўп пулни кўрмаганди. Ҳаммаси юз сўмликлар. Улар ҳозир Азизбекнинг оёқлари тагида, буталарга илашиб, шабадада у ёқдан бу ёққа капалакка ўхшаб учяпти.

Мирвали Азизбекнинг пулни кўриб ҳайрон туриб қолганини, анча бўшашганини сезди:

– Укам, сен ҳозир уйингга бор. Энангдан хабар ол. Мен омборчига айтаман, уйингга қопда ун билан гуруч олиб бориб беради. Бундан буён дўст бўлайлик. Энангга мендан салом айт. Бугун-эрта ўзим ўтиб, дуосини олиб келаман... Кейин гаражга бор. Шофёрга ёрдамчи қилиб қўяман.

– Нима қиласиз ёлғон гапириб. Энди сиз совхозга боролмайсиз. Ушлаб олиб қамашади. Ўрнингизга Қодиров директор бўлган...

Бу гап унинг қоқ миясига кимдир болға билан ургандек тегди. Кўз олди қоронфилашиб кетди. Мувозанатини йўқотиб, оёқда туролмай қолди.

Тоққа келганига икки кун ҳам бўлгани йўқ. Қиладиган иш, гаплашадиган одам йўқ. Чўпонлар ҳам ундан ўзларини олиб қочишарди. Жаъфар билан, Насим билан нимани гаплашади? Бир кунда шунчалик зёрикиш. Қиличини кўтариб қиши келяпти. Учиб турган қуш осмонда музлаб йиқиладиган пайт келганда нима қилади?

Унинг бир умиди кудаси Турсунбоевдан эди. Унинг «Энди бас, орқага қайт», дейишидан илинжи бор эди. Энди у йўқ. Кудасини Гдлян қамоққа олиб кетган.

Жаҳл келса, ақл кетади, дейдилар. Кейинги пайтларда Мирвалининг кўп марта ақли кетди. Айниқса, сайловчиларнинг вакилларирига қилган асло чидаб бўлмас гуноҳини ҳеч ким кечирмайди.

Мирвалининг эртанги куни қоронғи эди.

Номуси барбод бўлган қизларнинг, рўзғори бузилган келинчакларнинг, уларнинг ота-оналари зор-зор қақшаб қилган дуойи бадлари, қарғишлари унинг ёқасидан тутди. Энди у шу тоғлар орасида шоқоллардек яшашга маҳкум. У кўнглида, ҳеч бўлмагандага битта совхозда қолдиришса ҳам рози эдим, қандоқ гуллатганимни кўриб қўйишарди, деб ўйларди.

Бунинг асло иложи йўқ эди. У бирлашмани «гуллатиб» бўлган эди. Бундан буён у умрини қамоқда ўтказади ё шу тоғларда қашкир бўлиб яшайди.

Мирвали чўнтагини ковлай бошлади. Азизбек уни ёнидан тўппонча оляпти, деб ўйлаб, бармоқларини милтиқ тепкисига қўйиб, босишига тайёр бўлиб турди.

Мирвали шимининг чўнтағидан бир даста калит олиб, Азизбекнинг оёғи тагига жаранглатиб ташлади:

– Жигулининг калити. Гаражга борсанг, машинани кўрсатишади. Кейин ҳайдашни ўргатишади. Ўртоқларингни кўзини ўйнатиб миниб юрасан.

Мирвали шундай дея туриб, яна икки қадам олдинга чиқди.

– Гапингиз ғирт ёлғон. Гараждан сизга битта мих ҳам беришмайди. Мени лақиллата олмайсиз.

Мирвалининг бетлари бужмайиб, қалтираб кетди. Бу одам Азизбекнинг қон душмани. Энди у ўлим талвасасида уни авраяпти. Тоғ-тоғ ваъдалар беряпти. Бу одам унинг онасини ўлдирди, дадасини ўлдирди. Ҳали

ҳаётнинг аччик-чучугини тотмаган бир арзанда боланинг кўзига бу ёруғ дунёни зимистон қилди. Қариб, ана кетаман, мана кетаман деб, биттагина ёлғиз фарзандининг йўлига илҳақ бўлиб, кун санаб ўтирган мушфик бир кампирнинг бутун орзу-армонларини оёқ остига олиб тепкилади.

Азизбек милтиқ кўндоғини елкасига тиради.

– Ҳой бола, нима қиляпсан?! – деди титраб-қақшаб Мирвали, – милтиқ ўйинчоқ эмас. Бас қил!

– Сизни ўлдираман. Машинангиз ҳам керак эмас, пулингиз ҳам...

Мирвали унга яқин келиб қолганди. Битта тошга оёқ тираса бўлди, худди Азизбекнинг оёғи тагидан чиқади. Кўчкор шохидек буралиб кетган арча илдизига осилиб, юқорига интилди. Шунда...

Азизбек милтиқ тепкисини босди.

Ёнбоқзорда ҳазон титиб юрган бир гала қарга қағ-қағ қилиб осмонга кутарилди. Оралиқлар, ёнбағирлар узок вақтгача қалдираб турди. Мирвали йигирма метрча пастликнинг ўртасида қозикдек чиқиб турган арчанинг куриган илдизига осилиб қолган эди.

У жойдан на пастга тушиб бўларди, на юқорига чиқиб. Мирвали худди дор чиғириғига осилиб ўйнаётган дорбозга ўхшарди. Ўзини ташлаб юборай деса, шундок баланддан тошлар устига тушиб, чилпарчин бўлади. Юқорига чиқишнинг асло иложи йўқ.

У осилиб турган илдиз ёнидаги ковакдан узун бўйнида патлари йўқ икки ўлимтик ғажир потирлаб учиб чиқиб кетди. Ковак уларнинг одам қўли етмас уяси эди.

Ғажирлар кутилмаган «мехмон» тепасида чарх уриб айланишар, ҳамла қилишга чоғланишарди.

Азизбек унга узоқ қараб турди.

Мирвалининг кўллари бақувват эди. Аммо қанчалик бақувват бўлмасин, бирон соатдан ортиқ уни кўтариб туролмасди.

Бу баҳайбат тоғларни, сўнгсиз далаларни, бошидан охирига юриб етиб бўлмайдиган ўрмонларни, ўзига тобе бўлган минг-минглаб одамни қисиб ушлаб турган шу бақувват кўллар энди унинг биргина ўзини кўтариб туришга ҳам ожизлик қиларди.

Мирвалининг кўллари тола бошлади. Жон-жаҳди билан кучаниб, юқорига қаради. Тепада това тош устида қўлида милтиқ билан турган Азизбекка яна ялина бошлади.

Мирвали осилиб қолган илдиз ёнида каттагина туйнук бор. Ғажирлар шу жойдан кирадилар. Туйнукдан қараган одам катта йўлни бемалол кўради. Мирвалининг йўлга ташлаб чикқан машинаси ҳам бемалол кўриниб турарди. Аммо Мирвали бўй чўзиб қараёлмасди. Босидан уч қарич баландликка гавдасини кўтаролмасди. Туйнук оғзида эса ғажирлар унга ёв қараш қилиб чўкиб ташлашга шай турардилар.

Ташқаридан ўқ овози эшитилди. Бу овоз ўнгир ичида бир дам айланиб юриб, илдизлар орасига сингиб кетди. Мирвали тепадан кузатиб турган Азизбекка, нима гап, дегандек ташвишли қаради.

– Насим полvon Жаъфарни отди. Улигини жарга тепиб юборди.

– Югур, тез пастга тушиб Иштон полвондан сим арқонни олиб чиқиб менга ташла. Тез бўл, кўлимда куч қолмаяпти.

– Милиция Абдулазизни сен ўлдиргансан, деб Иштон полвоннинг қўлига кишан солиб олиб кетди. Машинангизни ҳам ўшалар олиб кетишиди. Насим полвон ўзини чавақлаб ташлади.

Ражаб полвон кеча оқшом Мирвалининг буйруғи билан «қимматли» гувоҳ Абдулазизни чавақлаб келган эди.

Мирвали алам билан ингради. Бу инграш бир неча дақиқа олдин рақибларини битта имо билан йўқ қиласидиган, умр бўйи сарф қилса тугамас бойлик эгаси, энди эса бир гўдакнинг кичкинагина ёрдамига зор бўлган «тоғлар султони»нинг аччиқ фарёди, оҳу ноласи эди.

Ўнгир туби борган сари торайиб, тушиб кетган жонзот вино шишасининг тиқинидек зич ўрнашиб қолади. Ўнгир тубига тушиб кетиши нақд ўлимнинг ўзи эди.

Мирвалининг ўзи ҳам қанчалигини аниқ билмайдиган бойликлари Насимники бўлди. Отаси Азим ўғри умр бўйи ўғрилик қилиб, ҳозир боласи эга бўлган бойликларнинг мингдан бирини ҳам қўрмаганди. Бу бойликлар Насимга ҳам буюрмади. У алам билан ўзини чавақлаб ташлади...

Азизбек нима иш қилиб қўйганини билмасди. Қўрқув босди. Бутун вужуди караҳт бўлиб, ҳеч нарсани сезмас, ақли ҳеч нарсани идрок этмасди. Қармоқ учига суқилган тирикчувалчангдек гавдасини бураб-бураб, сўнгги дамларни кечираётган Мирвалига ҳайрат билан қараб турди-да, ортидан кимдир таъқиб қилаётгандек шошиб орқага югурга бошлади. Азизбек тўхтаб, нафасини ростлади. Ўпкаси тўлиб, ҳиқиллаб йиглаб юборди.

— Аяжон, аяжоним! Сизни хўрлаган, бадном қилган, бу дунёдан фарёд уриб кетишингизга сабабчи бўлган ифлос Мирвалининг жазосини бердим. Айтинг, яна нима қилсан арвоҳингиз шод бўлади?

— Дадажоним, сизни тоғу тошларда саргардон қилган, қари энамни зор-зор йифлатган жаллод Мирвалини чоҳ тепасига осиб қўйдим. Бир нафасдан кейин унинг кўзларини ғажир кушлар ўйиб олиб, ўзини чоҳ тубига ташлайди. Айтинг, энажоним, айтинг дадажоним, энди мендан хурсандмисизлар?

— Энажоним, у конхўрнинг бутун яшаган умри сизнинг бир томчи кўз ёшингизга арзимайди. Аяжонгинам, унинг жами умри сизнинг тароққа илиниб қолган бир тола сочингизга teng келолмайди. Дадажоним, у жаллоднинг тоғларни титратиб яшаб ўтказган умри сизнинг бир марта, ўғлим, деб менга айтган меҳр тўла сўзингиз олдида сариқ чақага арзимайди.

Яқин ўргадан туёқ товуши келди. Азизбек қулоқ солди. Туёқ товуши борган сари унга яқинлашарди.

Буталар орасидан бир отликнинг аввал боши, кейин бутун гавдаси кўринди. Бошига тумоқ, эгнига пўстин кийган отлик унинг ёнига келиб, жиловни тортди. От пишқириб тўхтади.

— Нима қилиб ўтирибсан, чироғим? Бу тоғларга кўпам тикилаверма, маҳлиё бўлаверма, бу тоғларда қашқирлар бор...

— Йўқ, бобожон, тогда энди қашқирлар қолмади. Энг охиргисини ўнгир тепасига осиб қўйганман.

Йўловчи унинг қўлидаги милтиққа каради.

— Ундай бўлса нима қилиб милтиқ кўтариб юрибсан? Ташла уни...

– Мана! Мана! – деб Азизбек милтиқни жарга улоқтирди. Жар туби сув экан, шалоплаган товуш эши-тилди.

Йүловчи унга, баракалла, деди-ю узок йүлга мүлжалланган қүшигини бошлаб, отига қамчи босди.

*Дарё тұлқин, сувлар тошқин,*

*Ундан кечиб үтөлмайман.*

*Отим ориқ, рангим сариқ,*

*Манзилимга етолмайман.*

*Бир қалам қош, ҳам чилвир соч,*

*Үтөв безаб кутар мени*

*Қандоқ қиласы, бу төглардан*

*Күнгіл узиб кетолмайман.*

*Юртим олис, шамоллар ҳам*

*Етолмайин ҳолдан тоюр,*

*Иложим ийк, офтоб бұлиб*

*У томонга ботолмайман.*

*Отим ориқ...*

*Рангим сариқ...*

*Дарё тұлқин,*

*Сувлар тошқин...*

*1988 ыйл, март – 2003 ыйл, Дүрмон*

*Қайдлар үчүн*

*Адабий-бадиий нашр*

**Сайд АҲМАД**

# **ЖИМЖИТЛИК**

*Роман*

**Муҳаррир:** Хусанхўжаева Нодира

**Техник муҳаррир:** Юнусали Ўринов

**Мусахҳиха:** Саодат Ашурова

**Компьютерда**

**саҳифаловчи:** Гулчирой Агзамова

Нашриёт лицензияси AI 245, 02.10.2013.

Теришга 01.02.2018 йилда берилди. Босишга  
21.12.2020 йилда рухсат этилди. Офсет қофози.

Бичими 60x84  $\frac{1}{16}$  «Times New Roman» гарнитураси оғсет  
усулида босилди. Шартли босма табоғи 23.25.

Нашр табоғи 25. Адади 10000 нұсха. Буюртма 162.  
Баҳоси шартнома асосида

“Sano-standart” нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри,  
*Юнусобод тумани 9, 13-54. E-mail: sano-standart@mail.ru*

“Sano-standart” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳри, Широқ кӯчаси, 100-үй.

Телефон: 71 228-07-96, факс: 71 228-07-95

Сайд Аҳмад Ҳусанхўжаев 1920 йил 10 июнда Тошкентнинг Самарқанд дарвоза маҳалласида дунёга келган. У Беньковномидаги тасвирий санъат билим юртида ва Тошкент педагогика олийгоҳида таълим олган.

Ёзувчи "Муштум" журналида (1938; 1955–1957), Ўзбекистон Радио қўмитасида (1941–1943), "Қизил Ўзбекистон" газетасида (1942–1947) ва "Шарқ ўлдузи" журналида (1948–1950; 1957–59) адабий ходим бўлиб ишлаган.

Сайд Аҳмаднинг биринчи ҳикоялар тўплами "Тортиқ" 1940 йилда нашр этилган. Унинг "Фарфона ҳикоялари" (1948), "Муҳаббат" (1949) ва «Қадрдан далалар» (1949) китобларига, «Чўл ҳикоялари» (1960) тўпламига кирган ҳикояларида инсонларнинг мураккаб тақдири, руҳий кечинмалари эҳтирос билан акс эттирилган. У ўзининг "Хазина", "Ҳайқириқ", "Раҳмат, азизларим" каби ҳикояларида урушнинг даҳшатли оқибатларини ҳаяжонли тасвирлайди, уруш қаҳрамонларини улуғлайди. "Чўл бургути", "Ўрик домла", "Лочин", "Одам ва бўрон", "Бўстон", "Тўйбоши" каби қатор асарлари Сайд Аҳмад ижодида ҳам, ўзбек насрода ҳам янгилик бўлган.

Адабнинг уч қисмдан иборат «Уфқ» романи (1964–1974) Иккинчи Жаҳон уруши ва урушдан кейинги йиллар воқеала-рини ўз ичига қамраб олган. Трилогияда ўша йиллари халқ бошига тушган мусибатлар, одамлар кўксидаги армонлар, шу мусибатларни енгишга қодир мислсиз матонат ва шиҷоатлар кўрсатган оддий инсонлар ҳаёти ёзувчи истеъододига хос ёрқин эҳтирос билан акс эттирилган. «Жимжитлик» (1988) романида эса сиртдан тинч, сокин кўринган Шўро даврининг ички драмалири, тузум инқирози бутун кескинлиги, шиддати билан кўрсатилган, турғунлик даври иллатлари фош этилган. Истиқолол йилларида адабнинг «Йўқотганларим ва топганларим» (1998) хотиралар тўплами, «Қоракўз мажнун» (2001), «Киприкда қолган тонг» (2003) тўпламлари, уч жилдли «Танланган асарлар»и (2000), «Зилзила» (2005), «Тошларда қотган ҳайрат» (2006) тўпламлари чоп этилди. У «Келинлар қўзғолони», «Куёв», «Фармониби аразлади», «Ўрик домла», «Ҳасан билан Ҳусан» каби сахна асарларининг муаллифиидир.

Адабнинг кўпгина асарлари қардош ва хорижий тилларга таржима қилинган.

ISBN 978-9943-4881-7-5



"Sano-standart"



9 789943 488175